

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ
ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Х.Д.НОРҚУЛОВ

**ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ
ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2021

УЎК: 377.8-048.32:004

КБК 87.7

Н 79

Х.Д.Норқулов.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари. /Монография/. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 204 бет.

Тақризчилар:

Г.Туйчиева – филология фанлари доктори;

Ф.Рўзиқулов – психология фанлари номзоди, доцент.

Ушбу монография кўп йиллар давомида олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ҳамда 70 дан ортиқ маҳаллалардаги ёш оилалар билан олиб борилган учрашувлар, маъruzалар, сухбатлар асосида синов ва тажрибалардан ўтказилган ҳамда ҳаётий мисоллардан келиб чиқиб ёзилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларидағи “Педагогика” курсининг “Оилада педагогик ўзаро муносабатлар”, “Шахс тарбияси ва камолотининг субъекти сифатида”, “Оила-шахс тарбияси ва камолотининг ижтимоий-маданий мухити”, “Оилавий ҳаёт соҳаси тарбия мухити сифатида”, “Оиладаги тарбиявий вазифалар” ва “Талабаларни оиласга тайёрлаш” каби мавзулари моҳиятини очиб беришда ҳамда маҳаллалардаги оилаларда истиқомат қилаётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш кўнгилмаларини шакллантиришда қўлланилади.

Монография натижаларидан республикамизда олиб борилаётган маҳалла ва оилалар бўйича соғлом оила сиёсатига оид масалаларни илмий ўрганишда, “Маҳалла - оила - таълим муассасалари ҳамкорлиги”даги маънавий-маърифий ва маданий-мағкуравий учрашувлар ва тадбирларда ҳамда аҳоли орасида олиб бориладиган тарғибот - ташвиқот ишлари жараённада кенг фойдаланиш мумкин.

Мазкур монография Ўзбекистон маҳалла ва оилаларида истиқомат қилиб, яшаб улғайиб келаётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига бағишиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашининг 2021 йил 3 мартағи 3-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-6976-3-8

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

МУҚАДДИМА

Хурматли ёшлар! Ҳозирги кунда Сиз билим олиш мажбуриятидасиз. Бироқ, турмушнинг оғир ва енгил кунларини, аччиқ - чучук дамларини тасаввур эта олишингиз учун кўп нарсаларни билиб олишингизга тўғри келади. Бошингизда яқинларингиз, ака - укаларингиз, опа - сингилларингиз бор. Аммо уларнинг барчасини бир оиласда қовуштириб, жамул - жам қилиб тарбиялаб, камситмай, ўзи емасдан едириб, кечаю - кундуз тинимсиз меҳнат қилиб сизларнинг орзу - ҳавасларингизни кўриш ниятида елиб - югуриб юрган инсон – Ота - Онангиздир. Ҳали Сиз ҳам уларнинг ёшларига етиб, улар босиб ўтган йўллардан юрадиган вақт келади.

Ҳар бир инсон болаликдан аста - секин вояга етиб борган сайин, мустаҳкам оила қуришга тайёргарлик кўриши ҳақиқатидир. Шу боисдан, ҳар бир ота - она ўз фарзандларининг вояга етганлигини кўриб қувонади, фарзандининг уйли - жойли, ували -чували бўлишини орзу қилади. Бундай шарафли ҳамда масъулиятли орзу - ниятга етиш вазифаларини бажариш Сизнинг зиммангизга юклатилади. Демак, Сиз ҳаётга мустақил оила қуришга ақлан ҳамда жисмонан тайёр бўлишингиз шарт. Зора, ўзбек оиласи турмуш маданиятида ҳар бир оила аъзоларининг олдига қўйилган талаб-қоидалари ҳамда одоб - ахлоқ меърлари мавжуд.

Хурматли ёшлар! Оиладаги фарзандларнинг келажагини кечаю - кундуз тинимсиз ўйладиган, уларнинг жамиятда қандай инсонлар бўлиб етишиб чиқишларига қайғурадиган, ўсиб - улғайиб маълум бир касб - хунарга мойил, ўқишиларда эса мукаммал билимларга эга бўлишиларини олдиндан режалаштирадиган улуғ мураббий ва меҳрибон зот отадир. Отанинг оиладаги ибрати

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш масалалари

болалари учун яққол намунаидир. Ўтмишдан оиласи отанинг обрў - мавқеи, юриш - туриши, фарзандлари билан муомаласи, улар олдидаги бурчи ҳамда салоҳияти, меҳнатга бўлган муносабати ва бошқа мезон - меъёрлар фарзандлар учун ибрат намунасига айланиб келган. Оила ишларида фарзандлар ўртасида ўзаро кўмаклашиб, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш каби қадриятларда, отанинг оиласидаги раҳбарлик ҳамда ташкилотчилик амаллари доимийликка айланиб келган.

Ота хурмати оиласидаги энг олий мезонлардан саналади. Оиласидаги отанинг хурмати ўзбек халқининг азалий, бебаҳо удумларидандир. Мисол учун, ота боласига сўзлаётганда унинг сўзини икки қилмаслик, отанинг гапи охирига етмасдан туриб бола ўз фикрини билдириласлик, отага тик қарамаслик, отадан олдин эшикдан ташқарига чиқмаслик, эрталаб бет - қўлини ювмасдан туриб саломлашмаслик, отанинг маслаҳатисиз бирор ишни ўзича бошламаслик каби ахлоқий одатлар отанинг оиласидаги мавқеини таъминлайдиган миллий, ахлоқий - одобий анъаналардандир. Бунинг боиси, ҳар биримизнинг дунёга келишимизда оталаримиз сабабчидир. Бу улуғ зот меҳрибонимиздир.

Оталаримизни оила подшоҳи деб таъриф берадиган бўлсак, оналаримиз оила вазирлариридир. Чунки, Она - дунёдаги энг табаррук зотдир.

Хурматли ёшлар! Ўз фарзандини тарбиялаб, вояга етказиб жамият учун, халқ учун сидқидилдан фидиойи бўлиб хизмат қиладиган инсонни етишириш она учун буюк баҳт ҳисобланади. Она ҳаёт боши, фарзандлар ижодкоридир. Она ўз зурриётини тўқиз ой бағрида кўтариб юради, ёруғ оламни қўришга мусассар этади, кечаларни кундузларга улаб, мижжа қоқмай чиқади, кўкрак бериб эмизади, майн аллалар айтиб бешик тебратади, чақалоги ёки гўдагининг барча чеккан азобини ўзиникидай ҳис этади, кези келганда боласига қўшилиб ўзи ҳам йиглайди. Бола унинг ақлу - заковати, жону - дили. Шу йўсинда яна бир ҳақиқатни эътироф этишига тўғри келади. Болам деб, она ўзлигидан кечишга қадар журъат соҳибасига айлана олади ҳам.

Ўзбек оиласи фарзандсевар - болажон оиладир. Оиладаги “Қиз бола - давлат боши”, – деган халқ ҳикматини ҳам унұт-маслик керакки, зеро, қызыларимиз - бўлғуси келинлар ва ниҳоят, оналардир. Бундай шарафли ном барча ўзбек оиласидаги тарбиянинг бош негизини ташкил этиб келган. Ҳадиси шарифда: “Жаннат оналар оёғи остида” – деб оналар ҳурмати янада юксалтирган.

Халқимиз ҳамиша фарзанд тарбиясига жиддий ёндашган. Бу миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги мактаб биноларини барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини тубдан такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани барчамизни қувонтиради.

Президентимиз томонидан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам ёшларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг хукуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларида қабул қилинган Давлат дастурларида, аввало, ёшлар ҳимояси, соғлом насл, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, ёшлар ва ўсмирларни қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлигини муҳофаза қилиш, бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари илгари сурилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон Қарори ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, она-бала саломатлиги йўлида буюк ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларга эътибор бўлажак оналар соғлигини мустаҳкамлашдан бошланаётгани ғоят қувончлидир.

1-БОБ. ОИЛА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Мустақил Ўзбекистон шароитида оила қадриятларининг тикланиши ва қариндошлик муносабатлари ўз умрини тугатган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий, касбий жиҳатдан равнақ топишини англатади. Оила ва оила муаммолари ҳамиша давлатнинг диққат-эътибори ва ҳимоясида бўлиб келмоқда.

Оила – ижтимоий, табиий омиллар асосида шаклланган кичик жамоа сифатида икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бирга ҳаёт қуриб насл қолдириш, фақат фарзандни дунёга келтириш эмас, балки уларни маънавий ва жисмоний камол топтириб, ҳаётга мустақил қадам қўйишига шароит яратишдир.

Оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Қолаверса, оила фақат эр ва хотиндангина иборат эмас. Оила эру-хотиндан ташқари эрнинг ота-онаси, яъни қайнота ва қайнона, фарзандлар, ука сингиллардан иборат кўп бўғинли хонадон. Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, шу оиланинг ички интизомига бўйсуниб яшайди. Шу жиҳатдан қараганда, оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: бунда минглаб тасодифлар жараёнида эр-хотин муҳаббати синовдан ўтади, шу синов жараёнида улар бир-бирини чуқурроқ тушунадилар, бир-бирларини қадрлашни ўрнига қўядиган бўлади, бир-бирларига кечиримли бўлишади, эр-отага, хотин-онага айланади, фарзандларини тарбиялаб, орзу-ҳавас кўради. Шу маънода оила инсон ҳаётига тўқислик баҳш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрга масалалари

Профессор О.Мусурмонова таъкидлаганидек: “**Оиланинг асоси эр хотин ёхуд ота онадир. Модомики, эр хотин оиланинг тамал тошларини мустаҳкам бунёд этишга масъул эканлар, улар унда учрайдиган турмуш қийинчиликлари, ҳаёт қувончлари ю, ташвишларини бошдан кечиришда, оиласи идора этишда, фарзанд тарбиясида масъулдиirlар**”¹.

Демак, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиkdir.

Жамият тараққиётини харакатга келтирувчи ҳужжат бўлган Қомусимиз – Конституциямизда ҳам оила масаласига алоҳида урғу берилган. Конституциямизда: “**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга**”² – деб ёзилган.

Шуманода, бугун бизтилимиз, динимиз, миллий қадриятимиз, маънавий мерос ва маданиятимизни холисона ўрганиш, унга амал қилиш имкониятига эгамиз. Шундай экан, оила масъулиятини чукур ҳис қилаётган Ўзбекистондагина оила саодати – ватан ва халқ саодати негизи тамойили тарзида тушунтирилгани муҳим бўлди. Бугунги кунда Фарб мамлакатларида оила инқирози жараёни кечётган бир паллада бизнинг давлатимиз бу масалага жуда катта ахамият қаратаётганлиги эътиборли бўлса, жаҳоннинг бирорта мамлакатида маҳалла ва оила ҳамда унинг муаммоларини бу қадар изчил ва кенг қамровли илмий асосда ўрганиш ва ечимини топишга киришганлиги маълум эмас. Шу ўринда оиласи бағишиланган йилларни сарҳисоб қиладиган бўлсак,

¹ Ойниса Мусурмонова. Оила маънавияти-миллий ғуур. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000, 60-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Адолат”, 2008, 24-бет.

мамлакатимизда 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Мехр-муруват йили”, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий химоя йили”, 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили”, 2012 йил – “Мустаҳкам – оила йили”, 2013 йил “Обод турмуш йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” ва 2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”даги қатор давлат дастурларининг бандларида оила ва унинг фаровонлигини оширишга қаратилган вазифалар ўрин олган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ти Қонунининг қабул қилиниши, “Соғлом авлод учун” ордени, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5938-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “**Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**”ти ПҚ-4602-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “**Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**”ти 367-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги “Фуқаролар йигинларида иш ҳужжатлари ва уларни юритишни вақтинчалик тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш

ҳақида”ги 64-б-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чоратадбирлари түғрисида”ги 820-сон Қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилганлиги бунинг ёркин ифодасидир.

Оила жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва демографик ривожланишига пойdevor бўладиган асосий институтдир. Ўзбекистонда оиланинг мавқеи юқори бўлиб, республика аҳолисининг мутлақ қўпчилиги оила муҳитида ва оила аъзоси бўлиб яшashi оиланинг республика тараққиётидаги ўрнини белгилаб беради. Оилаларда қанчадан-қанча болалар тетапоя бўлиб, тарбия топиб, вояга етиб жамият учун керакли шахсга айланади.

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланиши ҳар томонлама камолга етган шахснинг шаклланишига, унинг сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуклигига боғлиқ. Қачонки, инсон ватани ва унда мавжуд бўлган оилалар ва ундаги тарбия тарихини чуқур билиб, қандай буюк аждодлар авлоди эканлигини билса ва ҳис этса, у ўзлигини англайди ва юрагида шу юрт, шу миллат фарзанди эканидан чуқур миллий ғурурни, фахрни туйиб яшай бошлайди.

Халқимизнинг тарихини кўздан кечирсан, оила, унинг жамият тараққиётидаги ўрни хусусида қимматли фикрлар айтилган. Демак, ўзбек оиласи тарихи ва миллий оила педагогикаси тарихи жуда қадимийdir.

Ўзбек халқининг қадимги тарихини акс эттирган “Авесто”да ҳам оила муносабатлари билан боғлиқ мантиқий фикрлар илгари сурилади. Унда қайд қилинишича, эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган³.

³ Қаранг. Ўзбек педагогикаси антологияси. -Т.:, “Ўқитувчи”, 1995, 32-35 бетлар.

Аждодларимиз азалдан оила мустаҳкамлиги соғлом авлоднинг дунёга келиши учун жуда эътиборли бўлишган, оиласи, уруғи обрўси мустаҳкамлиги, ғуури учун доимо курашиб келган. Буни тарихий манбаларни кузатишнинг ўзиёқ англатиб турибди. Юқорида таъкидланганидек, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да оила, унинг мустаҳкамлиги, тарбия масалаларига катта эътибор берилгани унинг исботидир. Оилапарварлик ва болапарварлик ғоялари фақат йўл-йўриклир сифатидагина қабул қилинib қолмай, авлод турмушининг баҳтли-саодатли, тўла таъминотли, хушчақчақ, серфарзанд бўлиши тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилган. Бундай ғоялар авлоддан-авлодга айнан оила тарбияси орқали сингдириб борилган, деб таъкидлайди тадқиқотчи Тўрабек Хўжаниёзов⁴.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, эрамизгача бўлган узоқ ўтмишда ҳам биологик-физиологик жиҳатдан соғлом эркак ёҳуд аёл кишилар оила қуришга мажбур бўлишгани ҳолда улар (инсонлар) қавм-уруғни тоза сақлаш, миллий қонни (авлод маъносида) бузмаслик, никоҳ тушмайдиган қариндошлар ўртасида оила қурмаслик каби ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилишган.

Дарҳақиқат, энг буюк тарихий илдизларга эга халқимиз бугунги кунда мустақилликка эришиб, бу жараёнда оиланинг ўрни, масъулияти ва оиласада фарзанд тарбиясига катта эътибор берилаётганлигини эътироф этиш лозим. Миллат оиласи тарихини ўрганиш ва ўтган давр силсилалари асосида унинг кенг қамровли муносабатларининг шаклланиши борасида алоҳида фикр юритишнинг зарурияти зиёли ва олимлар учун ўзига хос бурч саналади. Шундай экан, бугун миллатимиз оиласи ва оиласадаги тарбия тарихини ўрганиш ва унинг хусусиятларини педагогик асослаш давр талабидир.

Инсоният тарихига назар ташласак, оилаларнинг пайдо бўлишида, одамзодни ўтроқ, маданий ҳаётга ўтишида аёл – Оналар ўта муҳим рол ўйнаганини кўриш мумкин. Америкалик Уолт

⁴ Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва ҳукуқ. -Т.: “Адолат”, 2006, 16-17-бетлар.

Уитмен ва рус олимаси О.П.Валиянскаяларнинг фикрларига кўра, болаларнинг ғамини еган оналар кўп вақтларини овчи эрларини кутиб ўтказганлар. Ана шунда вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида ҳунармандчиликни ҳам, омонат кулба атрофида экин экишни ҳам аёллар бошлаб беришган. Кейинчалик улар эрларига кўчманчиликни тарқ этиб, уй қуриш, уй атрофида дехқончилик қилиш ғоясини уқтиришган. Бу эса ҳозирги цивилизациянинг – ўтрок яшаш, шаҳарлар пайдо бўлишининг аввалида оналар маънавияти ва тарбияси турганлигини кўрсатади.

Демак, тарбия кишилик жамияти ибтидосида пайдо бўлган ва башарият манфаатлари учун хизмат қилиб келган. Тарбия авлодлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Катталар ўзлари турмуш жараёнида орттирган тажрибаларини ўзидан кейинги авлодга ўргатиб борганлар. Кичик авлод эса фаолияти давомида янги-янги муаммоларга дуч келиб, уларнинг ечимини топиш баробарида билим ва қўникмаларни эгаллаб аждодлардан мерос қолган билимларини янада бойитиб ўзидан кейинги авлодга қолдирганлар. Инсоният тарихий тараққиёт мобайнида катта йўлни, бу йўлда у турли ижтимоий босқичларни босиб ўтди. Формацияларнинг ўзгариши натижасида иш муносабати билан ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этиши билан бирга тарбия жараёнининг такомиллашиб боришига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Хўш, оила ўзи нима? Бунинг луғавий маъноси қандай? Оила сўзи аслида қайси тилга мансуб? У қандай ва қачон пайдо бўлган? У қанақа тарихий-тадрижий йўлларни босиб ўтган? Бугунги кунда Ўзбекистонда оила масаласига қандай аҳамият берилмоқда?

Оила сўзи аслида арабча “Аёлманд”, “Ниёзманд” маъноларини англатувчи “Оил” сўзидан чиққанлиги “Фарҳангি забони тожики”да қайд этилган. Янги тузилган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” учинчи китобида ҳам бу сўзнинг арабчалиги таъкидланиб, унинг маъноси фарқланади. Бунда: “Эр хотинларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишиларидан

иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон”. “Бир мақсад, маслак билан бирлашган кўп кишилар, халқлар, мамлакатлар” ҳамда “Рафиқа, хотин. Оиласи мактабда ўқитувчи”⁵. Арабчадан хотин “завжа” дейилиб, унинг эркак билан қўшилувидан болача дунёга келиб, аёлмандлик юзага келган, бинобарин, оила шаклланган. Афтидан, оиланинг ибтидоий кўринишлари саналувчи қон-қариндош оила, ундан кейинги босқичда эса бир гурухга мансуб опа-сингилларнинг бошқа жамоа гуруҳидаги эрларга хотинлик қиласидиган оила дастлаб “оил”дан иборат демографик бирликнинг англатган кўринади.

“Оиланинг келиб чиқиши ҳали батамом ойдинлаштирилган эмас, – деб ёзилади “Философия луғати”да. - Мутахассисларнинг аксарияти ибтидоий жамоа тузумининг аввалида тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтда оила ҳали бўлмаган, бу алоқалар ўрнини жамоавий никоҳ эгаллаган, сўнгра эса мазкур жамият оиласининг асосий формаси сифатида жуфт оила пайдо бўлган, деб хисоблашда давом этмоқдалар. Янги тадқиқотлар бир қанча олимларни энг аввал-бошдан жуфт оила мавжуд эди, бу оила эр ва хотин уруғи базасида (оталик даври, оналик даври) яшаган ва қариндошликтин ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам ҳисоблаб борган, деган хуносага олиб келди”. Жамоа ва уруғнинг ривожланиши ва бузилиши жуфт оиласининг аввалида каттакон ота (патриархал) оиласига, кейин эса моногамияга (якка никоҳликка) асосланган кичикроқ ота оиласига ҳам айланишини белгилаган. Моногамиянинг қарор топиши билан аёллар эркаклар томонидан асоратга олинган. Аёл аста-секин ўз эри – хўжайинининг мулкига, қулига айлана борди. Бойлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш оиласининг асосий мақсади бўлиб қолди⁶.

Оила – бу никоҳга ёки қон-қариндошликка асосланган кишилар ижтимоий бирлигининг бирламчи ячейкаси, синфлар,

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд, - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007, 97-бет.

⁶ Философия луғати. – Т.: “Ўзбекистон”, 1973, 355-б.

миллатлар, давлатлардан анча илгари пайдо бўлган энг қадимги ижтимоий институтлардан биридир.

Оила ўзида мураккаб ижтимоий воқеликни ифодалайди, унда ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг турли хил шакллари мужассамлашади. У билан бошқа бирор тузилмани солиштириш қийин, унда турли-туман инсоний ва ижтимоий эҳтиёжлар қондирилади. Оила ўзида шундай *ижтимоий гурухни* ифодалайдики, у инсоннинг бутун ҳаётига татигулик из қолдиради. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, оила тўғрисида объектив илмий тадқиқот ва шу асосда хulosалар олиш осон иш эмас. Америкалик социолог Гуд таъкидлаганидек: “Оилани объектив тадқиқ қилмоқ учун у тўғрисида ҳаддан ташқари кўп билишимиз зарур”.

Инсон ҳамжамияти тараққиётининг биринчи босқичларида бизнинг тушунчамиздаги оила йўқ эди, тартибсиз алоқалар ўрин олган эди. Эркак ва аёл интим муносабатларидағи биринчи ижтимоий санкция жинсий алоқадан ота-оналар ва уларнинг фарзандларини мустасно қилиш бўлди. Бу ўша тарихий чегара бўлиб, ундан бошлаб ибтидоий жамиятнинг никоҳгача бўлган ҳолати ижтимоий бошқариладиган муносабатларга ўтди.

Агар ибтидоий жамиятнинг бошларида оилада болалар катталарнинг меҳнати жараёнида бевосита иштирок этиш билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борган бўлса, кейинчалик ибтидоий жамиятнинг табақаланиши натижасида меҳнат турлари ҳам ўзгариб борди. Айрим оилаларда болаларни диний ақидаларни адo этишга ўргатиш зарурияти туғилди. Шундай қилиб, ибтидоий жамиятнинг ўзидаёқ оила ва унинг табақаланиш анъанаси пайдо бўлди. Жамият ва оила тараққиёти, меҳнат қуролларини такомиллаштириш натижасида кейинги авлодга мерос қолдирилайдиган тажрибалар ҳажми ҳам ўсиб бораверди.

Гарчи ибтидоий оила фақат шу мақсадда юзага келган эса-да, даврлар оша бу мақсад ўзгара борди, насл қолдирмоқ, зурриётни давом эттирмоқ ва шу асосда инсониятнинг давомийлигини

таъминламоқдан иборат ижтимоий маъно билан бойиб борди. Йигит ва қиз ўртасидаги жинсий муносабат ўз-ўзидан содир бўлувчи ҳайвоний – инстинктивлик руҳидан қутула бориб, уларнинг бир-бирларини танлаб, севиб-севилиб, бир-бирларига ўзларини баҳшида этиш даражасидаги ички маънавий эҳтиёж замиридаги тақдирдошликка айланди.

Оиланинг биринчи тарихий шакли деб, *матриархат* давридаги уруғчилик таркибида бўлган она оиласини ҳисоблаш мумкин, баъзан уни тотемик оила деб ҳам атайдилар. Бу биринчи тўрт-беш авлоддаги она томонидан яқин қариндошларнинг хийла катта гурухи бўлган. Бу типдаги оилада гурухли никоҳ мавжуд бўлиб, болаларнинг отасини аниқлашнинг иложи бўлмаган, шунинг учун ҳам болаларнинг келиб чиқиши она томондан аниқланган.

Уй жамоаси оиланинг шакли сифатида барча ҳинд-европа халқларида бўлган ва бизнинг давргача етиб келган (Жанубий Ҳинdistон, Тибет). У катта бир уйда бир неча авлоднинг бирга яшashi билан ажралиб туради. Қайси йўналиш бўйича келиб чиқиши аниқланиб, унга кўра она ва ота уй жамоалари ажратилган. Уруғнинг бошлиғи (каттаси) аёл бўлса, у ҳолда уйда фақат она уруғига мансуб қариндошлар яшаганлар, аммо аёлларнинг эрлари, жамоа аъзолари, ўз оналарининг уйларида яшайдилар ва маълум ҳолатларда ўз хотинлариникига ташриф буюрадилар. Бундай жамоаларда кўпроқ полиандрия (яъни кўпэрлик) учраб туради. Демак, ота жамоалар ота томонидан бўлган қариндошларни бирлаштирган. Билатериал уй жамоаси ҳам бўлган, бу ҳолатда келиб чиқиш ҳам ота, ҳам она томонидан аниқланган.

Моногам патриархал оила – бу оиланинг бошлиғи ва мулк эгаси ота бўлган оиладир. Оиланинг бундай типига ўтишнинг бевосита сабаби хусусий мулқчиликнинг шаклланиши ва у билан боғлик бўлган мерос қолдириш масаласидир.

Индивидуал (нуклеар, моногам) оила ҳозирги замонда оиланинг кенг тарқалган шаклидир. У нафақат ижтимоий,

қолаверса, юридик жиҳатдан тан олинган бўлиб, ҳуқукий акт - фуқаролик ёки диний, у ёки бу никоҳ натижасида ташкил топиши билан фарқ қиласди. Таъкидлаш жоизки, оила аъзоларининг сони намойишга мойил доимий тенденцияга эга. Типик замонавий оила - эр хотин, бир, икки бола. Оила аъзолари сони унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характерига ҳам таъсир ўтказмоқда. Эр-хотинларнинг катта иқтисодий эркинлиги тенг ҳуқуқликка ва ҳар бирининг кўпроқ мустақиллигига олиб келмоқда. Эмоционал алоқаларнинг сусайиши қўйди-чиқдилар сонининг ўсиши билан кузатилмоқда, болалар тўлақонли ота-она тарбиясидан маҳрум бўлмоқдалар, бу албатта, жамиятда янги муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, жамиятнинг алоҳида ячейкаси мақомига эга бўлган никоҳсиз жуфтликлар пайдо бўлмоқда, бироқ айни вақтда улар ҳуқукий институт ҳисобланмайди. Оиланинг трансформацияси ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам таъсир этади.

Швециялик олим Иоген Бехоффен (1815-1887) оила тарихини ўрганишга ҳаракат қилди. У “Она ҳаққи” номли асарида (1861) ибтидоий одамнинг тарихий ривожланиш тизими, яъни дастлабки тартибсиз жинсий муносабатлардан бошлаб, (“гетеризм”) оналик сўнгра оталик ҳуқуқигача бўлган даврни ўрганди. У қадимги классик манбаларни таҳлил қилиб, грекларда ҳам, осиёликларда ҳам якка никоҳлик шундай ҳолатда бўлганки, унда нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам бир неча эркаклар билан жинсий алоқага киришган.

Шотландиялик олим Джон Мак-Ленон (1828-1881) Бахоффендан мустақил равища оналик ҳуқуқини кашф этган. Унинг “Ибтидоий никоҳ”-номли асари 1865 йили эълон қилиниб, унда оиласидаги объектив тарихий ўзгаришлар қонуниятлари, унинг зиддиятлилиги ҳамда прогрессив характери очиб берилади.

Мазкур масала юзасидан иқтидорли француз социологи Эмиль Дюргейм(1858-1914)нинг кўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш зарур. У оиланинг контракция (сиқилиш) қариндошликтининг кенг даврасидан торроқ гурух, яъни эр-хотин жуфтлиги қонунини

яратди. Бироқ, кейинги тадқиқотлар бу қонун оиласида ҳар доим амал қилинмаслиги ва умумий характерга эга эмаслигини күрсатади.

“Социал гурухлар” назарияси оила социологиясига ҳам маълум даражада таъсир ўтказади. Унинг муаллифи америкалик социолог Чарл Кули (1864-1929) хисобланади. Кули оила социологияси хусусида бирламчи ижтимоий институтлар орасида фикрлар мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазани билдиради. Бирламчи гурухларга (оила, қўшничилик, болалар гурухлари) жамиятдаги асосий экзагом ва эндогом никоҳлар киритилади.

Оиланинг тарихий ривожланиши матриархат даври ҳақида ғоялар Д.Ж.Лебокнинг “Цивилизацияларнинг пайдо бўлиши” (1870) - “Никоҳ тотимизм ва дин” (1911) номли ишларида ҳар томонлама ифодалаб берилди ва унда гурухли никоҳ ҳақидаги фикрлар тасдиқланди.

Оила шаклланишида эволюцион ғояларни тасдиқлашда америкалик олим Лрюис Генри Маргонинг (1818-1881) ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У биринчи марта ибтидоий жамоа тузуми тарихини илмий асослаб берган. Лрюис Генри Марго “Қадимги жамият” китобини 40 йил мобайнида ёзди ва у 1817 йилда нашр қилинди. Бу асарда инсоний жамиятнинг ягона ривожланиш йўли назарияси изоҳланиб, она урганинг умумийлиги тасдиқланади ва патриархал давр назарияси инкор этилади.

Қадимшунос Симон Нурнбер бошчилигидаги тадқиқотчилар гурухи томонидан 1991 йил 19 сентябрь куни Австрия – Италия чегарасидаги Тайрол тоғларининг Симулиян музликларидан топилган ва минг йиллар олдин яшаганлиги маълум бўлган Муз Одам устида текширув бир йилга яқин давом этди ва уни Тош даврига оид, деган баъзи уйдирмалар сохта эканлиги аниқланди. Айни пайтда Австрия дорилфунуни лабораториясида мулоҳаза килинаётган Муз Одамнинг ёши 25-35 ларда, бўйи 1м 60 см, юzlарининг чизиқлари (ажинлар) тўғри, соchlари йўқ эди, бироқ текширув чоғида кийимларидан 1000 донага яқин қаҳварангсимон соч таласи чиқди. Бу соч толаларининг узунлиги

түққиз сантиметрга яқин эди, бу нарса инсоният биз ўйлагандан анча йиллар аввал сочини қисқартира бошлаганини кўрсатдики, натижада илмий жамият ҳам шу холосага келди.

Туркий халқларнинг ёзма маърифий ёдгорликлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, педагогика тарихи, хусусан, ёш авлод тарбиясида мухим аҳамият касб этади. Булар “Урхун-Енисей ёдгорликлари”, “Ирқ ёзувлари” (“Таъбирнома”) каби манбалар бўлиб, улардан янги давр кишисини тарбиялашда фойдаланиш мухим вазифалардан саналади.

Энг қадимги туркий тилда яратилган ва турк-руний ёзуvida битилган Урхун-Енисей битикларини “тошларга битилган китоблар” ҳам деб атайдилар. Ўзига хос хат(ёзув)да келтирилган бу битиклар эрамизнинг VI-VIII асрларида ёзиб қолдирилган. Тошларга битилган мазкур ёдгорликлар таълим-тарбияяга оид қимматли маълумотларни беради.

Демак, оила тархий-ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамиятида қатор вазифаларни бажариб, ҳам ўзи, ҳам жамиятимизнинг такомиллашувини таъминлаб келмоқда. Чунончи, оиласинг дастлабки ва бош вазифаси – демографик вазифадир. Сирасини айтганда, оиласи нафақат жинсий алоқани тартибга соловчи, балки зурриётни давом эттириш эҳтиёжи туфайли юзага келган ижтимоий-биологик ҳодиса ҳам дейиш мумкин.

Оила ва оиласи тарбиянинг тарихи узоқ вақт давомида таҳминан XIX асрнинг ўрталари гача жамиятнинг бирламчи моногам ячейкаси сифатида ўрганилган. Шу сабабли ҳам оила антик, ўрта аср, қисман янги даврда олимларини ўзига хос социал институт сифатида эмас, балки, унинг ижтимоий тузумга ва давлатга бўлган муносабати кўпроқ қизиқтирган.

Демак, оила инсонларнинг табиий-биологик-физиологик, моддий-иктисодий, хуқуқий-қонуний, маънавий-ахлоқий алоқа-муносабатлари асосига қурилган ижтимоий бирликдан иборатdir. Инсонларнинг табиий биологик-физиологик муносабати деганда жинсий алоқа ва насл қолдириш (фарзанд тугиши ва тарбиялаш)

ни моддий-иктисодий муносабатда – уй-рўзғорни бошқариш, мулкий муносабатни, хуқуқий – қонуний муносабат-никоҳнинг қонунийлигини, маънавий-ахлоқий муносабатда эса эр-хотин иноқлиги, поклиги, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат, бурч ва шу кабиларни тушуниш лозим. Ҳозирги кунда юқорида зикр этилган оила ва у билан бевосита боғлиқ масалалар қонун йўли билан муҳофаза қилинган ва кафолатланган. Чунки у жамиятнинг ажралмас бир бўлагидир. Бундан жамият ва оила диалектик бирликни ташкил қиласи, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу – Онадир. Дарҳақиқат, ота кўпинча оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва таъминлаш, қолаверса оила хўжалик ишлари билан банд бўлади. Бу ўзбек оилалари тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъанадир. Шунга кўра бола кўпроқ она билан бирга бўлади. Ахир, ҳалқимиз: “Сут билан кирган-жон билан чиқади” дейди-ку! Тарбия, яъни юксак ахлоқ-одоб ақидалари бола жонига (руҳига) кўпроқ она сути (тарбияси) орқали сингади.

Бу ўринда аллома Ибн Сино “Ақлли ва фаросатли уй бекаси хўжайнининг ҳам қандай муҳим оилавий ишларини ҳал этишда энг яқин маслаҳатчи ва кўмакчиси бўлади, бунинг учун хўжайнин ўз аёлининг ҳурматига сазовор бўлган бўлиши керак”- дейди.

Бу дегани бола тарбиясини фақат онанинг зиммасига тўлиқ топшириб қўйиш дегани эмас. Ибн Сино болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлишни, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун уни ёмон одамлар ва бузук мухитдан узокроқ сақлаш зарурлигини уқтирган. Ота ва ўғил муносабатларига алоҳида тўхталган. Оилада фарзанд тарбияси, айниқса ўғил боланинг тарбиясига кўп жиҳатдан отанинг хизмати катталигига алоҳида эътибор берилган. Бу ўринда ота нафақат оила бошлиғи, балки ўғлининг энг яқин устози ва мураббийсига айланмоғи лозим ва фарзандига дастлабки илмларни эгаллашда ёрдам бериши қайд этилган.

Шунингдек, ҳар бир ота ўз фарзандининг истеъодига яраша илм, касб-хунар танлаши ва уларни тўғри эгаллашига йўл кўрсата билиши керак. Чунки ўсмирикда тўғри танланган йўл кейинчалик ота-онадан алоҳида яшашида ёрдам беради⁷.

Оила тарбиясида ҳикмат (фалсафий-педагогик йўналишлар) кўп. Янги ўтказилган ниҳолнинг тўғри ёҳуд эгри ўсиши боғбон меҳнати ва маҳоратига боғлиқдир. Эгри ўсаётган ниҳолнинг қаддини ростлаб қўйилмаса, у нотўғри ривожланади. Янги туғилган гўдак тарбияси билан шу ёш ниҳол ҳолати ўртасида қандайдир табиий ўхшашлик мавжуд.

Бундан кўриниб турибдики, меҳнат тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбия, ахлоқ-одоб қоидалари, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тарбияси, маънавий-эстетик тарбия, жисмоний тарбия, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, миллий ғурур ва ифтихор тарбияси, ижтимоий тарбия ва шу кабилар оиласидан бошланади. Шу зикр қилинган педагогик-фалсафий тушунчалар оила раҳбарларининг дунёқараши билан чамбарчас боғлиқдир. Дейлик, дечқон дунёқараши унинг ҳалол меҳнат қилиб, дастлаб оила тўқинлиги ва сўнгра ҳалқ фаровонлигини таъминлашида кўринади. Унинг барча фаолияти шу олижаноб туйғу билан уйғунлашган. Бу оиласада бола меҳнатсеварлик рухида тарбияланади. Ҳаёт ва турмушнинг ҳамма нуқта ва қирралари меҳнат билан равшанлашади. Зотан, меҳнаткаш инсон ҳар соҳада ўз йўлини топа олади.

Ҳалқ меҳнаткаш, юксак ахлоқ-одобли йигитчани кўрса, “отангта раҳмат”, хуш қиликли, гўзал хулқ-атворли, ширинсуҳан, мулоим, чевар, пазанда қизни кўрса “онангга раҳмат” дейди. Бу оила тарбиясининг ширин меваси туфайлидир.

Яна бир нарсани унутмаслик керакки, бир оиласининг иккинчи бола билан муносабати ҳам оила тарбияси билан уйғунлашиб боради. Бошқача айтганда, бир оила ўғил уйлантириб, келин

⁷ Абу Али Ибн Сина. Избранное (В 2-х томах) трактат об этике (ар-Рисола фи-л-ахлак). –Душанбе: Ашгабад): Културный центр Посольства ИРИ в Туркменистане, 2003.-Б.204.

туширади. Иккинчи оила эса қизини чиқариб, күёвлик бўлади. Бу қуда-андалар оиласи деб айтилади. Оилалар ичидаги янги оиласи вужудга келади. Аввалроқ айтганимиздек, ёш ниҳоллар (келин ва куёв) тақдирни дастлаб уларнинг ўзларига, қолаверса ота ва она, қайнин она ва қайнин ота муомала-муносабатларига боғлиқ бўлади. Бу ўринда ёш оиласарнинг мустаҳкамланиши учун ота ва она, қайнин ота ва қайнин она тадбиркор деҳқон каби тарбия маҳоратига эга бўлишлари керак. Баъзи ҳолларда ота-она ёхуд қайнин ота ва қайнин оналарнинг инжиқларни, меъёридан ортиқ қаттиққўлликлари туфайли ёш оиласар бузилиб кетади. Зотан, ота ва она, қайнота, қайноналар фарзандларининг оиласини, яъни ёш ниҳоллар оиласини парвариш қилишни била туриб, шунга ҳаракат қилмайди.

Умуман олганда, оила ва унинг моҳияти, оиласарнинг ҳар томонлама равнақи ва жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси-миллий ифтихор, унинг жамият негизи экани, оила ичидаги оила камолотини таъминлаш сингари муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни халққа содда ва тушунарли тарзда етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

2-БОБ. ОИЛА ВА НИКОХ МАСАЛАЛАРИ

*Муҳаббатдан бўлур муҳаббат пайдо,
Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо.*

Никоҳ тушунчаси. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки маҳсус қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси 2-қисмида: “**Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади**”⁸, – деб ёзилган. Никоҳ орқали шаърий йўл билан жуфт бўлиб яшашнинг бир қанча фойдаси бор. Никоҳ ахлоқий ва жисмоний покликни талаб қиласди. Никоҳ аҳди инсонларга масъулият юклайди. Чунки оилада эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифалари бор, улардан ҳар бири ўз вазифасини тўла адо этишга масъулдир. Никоҳ туфайли ота-она ўзидан сўнг зурриёд қолдириб, инсон насли давом этишига сабаб бўлади. Ислом динида мусулмонларни оила қуриб, ўзларидан сўнг зурриёд қолдиришга бежиз тарғиб этмаганлар. Республикадаги иқтисодий қийинчиликлар, бозор иқтисодиётига ўтишга қарамай, никоҳга ўтиш, оила қуриш бошқа минтақаларга нисбатан барқарор бўлиб турибди.

Ёшларнинг никоҳга маънавий тайёрлик даражаси оила мустақиллигининг муҳим гаровидир. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлигини унутмаслик, оилада ва мактабда бу масалага эътиборни кучайтириш керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Адолат”, 2008, 24-бет.

31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари түғрисида”ги 820-сон қарорида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари таъкидлаб ўтилган. Ёшлар, яъни қизлар ва йигитлар 18 ёшдан 30 ёшгача никоҳга ўтиб оила қуришлари мақсадга мувофиқ, бунинг учун улар аввало, 18 ёшгача оила қуришга тайёр бўлишлари, амалдаги эр-хотиннинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган хукукий қоидалар мазмунини ўзлаштириб, уларга қатъий риоя қилишлари лозим, шундагина булар тузган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Қизларнинг турмушга чиқишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Уларни меҳнатсевар, эпли қилиб тарбиялаш зарур. Оила қуришда энг зарур сифатлар: эрга, қайн-бўйинга муомала қилиш, бола боқиш (алла, эркалаш, овутмачоқларни билиш), таом пишириш, саранжом-саришталик, меҳмон кутиш кабиларни қизларимизга ўргатиб, шу яхши фазилатга эга қилиб узатиши мақсадга мувофиқ. Йигит ва қизнинг никоҳгача бир-бирини яхши билиши оила мустақиллигини таъминлашда мухим роль йўнайди. Мұхабbat туйгулари структурасини англамаслик 38% никоҳнинг бузилиб кетишига олиб келади⁹.

Бинобарин, никоҳ сўзи тўйнинг табиатини белгилар экан, бу арабча сўз бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома” маъносига эгалиги қайд этилган. Қолаверса, бошқа луғатларда ҳам никоҳ “издевож, никоҳ аҳди, “эр-хотинлик, уйланиш” маъноларида изоҳланган. Кўринадики, никоҳ - қиз ва йигит тақдирини пайванд қилувчи, янги оиласининг дунёга келишини тасдиқловчи воқеа, аммо бу воқеа тўй шаклида умум назари остида содир этилувчи, умум олдида наслни давом эттириш ва жамият низомлари асосида яшаш аҳдини зиммага олишдир.

⁹ Мирахмедов У.М., Рахматов Б.Р. Жинсий тарбия масалалари, -Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, Матбаа бирлашмаси, 1994, 62-бет.

Хуллас, никоҳ турли мамлакатларда турлича ўтказиладиган ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида шаклланди, дин ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турли динлар никоҳга турлича муносабат кўрсатиб келган. Улар ҳатто никоҳланувчилар ёшини ҳам белгилаб қонунийлаштирган. Айтайлик, ислом шариати қизларни 9 ва ўғил болаларни 15 ёшдан икоҳга киришувига розилик берса, католик черкови қизларга 12 ва ўғил болаларга 14 ёшда турмуш қуришга рухсат этади. Протестантлар черкови эса ҳар икки жинсда 14 ёшда оила қуришни раво ҳисоблайди. Будда ва католик эътиқодидаги рухонийларнинг уйланишлари қатъий ман этилган. Диний эътиқодларга кўра, жаҳон миқёсида турли мамлакатларда турмуш қуриш ёши 9-15 дан 21-22 гача намоён бўлган бўлса-да, БМТ ўзига аъзо бўлган мамлакатлар учун 1962 йилда 15 ёшдан деб белгилаган. Ўзбекистонда эса бу ҳозир қизлар учун ҳам йигитлар учун ҳам 18 ёш - никоҳга кириш ёши этиб белгиланди. Бу, шубҳасиз, оила моҳиятини англаган ва масъулиятни зиммага олган ҳолда оила қуришни таъминловчи ёшдир. Чунки, бу ёшда турмуш қуришни кўзлаган ёшлар маълум ҳаётий тажриба тўплашга улгура оладилар. Бу эса, ўз навбатида, оиласарнинг маънавий-иктисодий мустаҳкам пойdevорга эга бўлишига таъсир кўрсатади.

Ўзбек никоҳ тўйи барча удумлари билан яхлит олиб қараладиган бўлса, анча узоққа чўзиладиган муддатни ўз ичига олувчи ижтимоий шодиёна саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, у уч босқичли таркибий тузилишга эга.

Биринчи босқич никоҳ кунигача ўтказиладиган маросимлар – бешик қудалик, қиз танлаш, совчилик, “нон синдириш ёки нон ушатиш”, “рўмол берди ёки оқлик бериш”, фотиҳа тўйи, қалин олиш ва маслаҳат оши ёки падар оши, “қиз йифинди” (қизлар мажлиси ёки Бухорода хинобандон, Хоразмда хина ёқар) сингариларни ўз ичига олади. Бу босқичга хос яна бир хусусият шундаки, унаштирилган қизнинг “боши боғлиқ” ҳисобланади.

Ниқоҳ тўйиннинг иккинчи босқичи, келинни олиб келиш йўлини очувчи никоҳлашдан иборат тантанавор ўтадиган кунни ўз ичига олади. Бу босқич, моҳиятига кўра, никоҳ тўйиннинг энг олий нуқтаси саналиб, фольклорий айтимларга сероблиги жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутади. Худди шу босқичда тўй турли-туман урф-одатлар, ирим-сиримлар, хилма-хил қўшиқлар (олқишлир, лапарлар, ёр-ёрлар, келин ўтирасинлар, куёв ўтирасинлар, саломномалар, келин ва қуёвни мақтовчи мадҳия қўшиқлар, шарбат ялатар, ойна кўрсатар ва исириқ тутатар айтимлари ва х. к.) ижросига сингишиб ўзаро синтезлашган яхлит ижтимоий-эстетик шодиёна шаклини олади.

Учинчи босқич келин қуёвникига олиб келингандан кейии, яъни никоҳ куннинг эртасидан бошлаб ўтказиладиган “бет очар” ёки “келин салом”, “қуёв салом”, “тўшак йиғди” (“жой йиғди”) ёки Бухорода “жойғун-дорон”), чарланди (чарлар ёки Бухорода талбон), ниҳоят, келин кўрди (ёки Бухорода келинбиноп) сингари хилма-хил маросимларни ўз ичига олади.

Ниқоҳ – оила ўзаро муносабатларининг муқобил шакллари пайдо бўлиши оила тузилмаси трансформациясининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Уларга қуидагилар тегишилдир: ёлғизлик; рўйхатдан ўтмай бирга яшаш (“фуқаролик никоҳи”); онгли равишда фарзанд кўрмасдан никоҳда яшаш, шерикларнинг шахсий ва эр-хотинлик эркинлигини назарда тутадиган очиқ никоҳ, никоҳсиз муносабатлар ва интим дўстлик, ярамас иш тутиш (никоҳдаги шерикларни алмаштиришни мақбул билиш), жамоавий оила ёки гурухли никоҳ.

Ниқоҳнинг юқорида саналган муқобил шакллари аҳолининг озчилиги томонидан қўллаб-қувватланади. Болаларнинг манфаатлари, уларни анъанавий оиласда тарбиялаш бунинг асосий сабаби ҳисобланади.

Куръони Каримнинг “Фотир” сураси II-оятида “Оллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нуфтадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (яъни, аёл ва эркак) қилиб қўйди”¹⁰ – деб таъкидланади.

¹⁰ “Куръони Карим” (Алоуддин Мансур таржимаси). –Т.: “Чўлпон”, 1992. 303-б.

Инсон ҳаёти мобайнида оила қуради, фарзанд күради ва шу тариқа ўз наслини давом эттиради. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб, унинг келажаги тўғрисида қайнуриш буюрилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида: “Аёл одатда диёнати ёки молу-дунёси ёхуд ҳуснижамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисими танлагин, барака топгур!”, - деганлар.

Аввало, уйланиш ёки турмушга чиқиш ниятидаги ўғил ва қизларимиз ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида қиз(аёл) ёки куёвнинг фақат ҳуснига ҳамда бойлигига алданиб қолмасин, балки унинг хулку одоби, дину диёнатига ҳам албатта аҳамият берсин. Чунки, қизнинг ота-онасини бойлигига қизиқиб уйланиб, сўнг миннат балосига гирифтор бўлганлар, шунингдек, ҳусни жамолига маҳлиё бўлиб, сўнг афсус-надомат чекканлар ҳам оз эмас.

Маълумки, никоҳ инсон наслининг давомийлигини таъминловчи воситадир. Яратганинг қурдати ва ҳикмати туфайли дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт бўлиб ҳаёт кечиради. Бунинг натижаси ўлароқ янги авлод дунёга келади. Аллоҳ таоло инсонни эрқак ва аёл жинсидан яратган экан, уларни шаръий никоҳ асосида оила қуришга буюради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: “Эй йигитлар жамоаси! Қайси бирингиз уйланишга қодир бўлсангиз, уйланинг! Чунки уйланиш кўзни (номаҳрамга қарашдан) тийишга, фаржни (зинодан) сақлашга ёрдам беради. Кимдаким қодир бўлмаса, у ҳолда рўза тутсин. Чунки рўза уни барча ёмонликлардан сақлайди”.

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам, турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига қаратса ҳам шундай тавсиялар берганлар: “Қачон сизлар (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан рози бўлсангизлар, дарҳол унга қизингизни беринг. Агар шундай қилмасангиз ер юзида фитна ва фасод кўпайиб кетади”. Мазкур ҳадисга биноан, бўлажак келин-куёв бир-бирларини сўраб-сuriштиришлари

жоиздир. Чунки бу иш келажақда оиланинг янада мустаҳкам ва баҳтли бўлишига хизмат қиласи. Уйланиш ниятидаги йигит билан қиз бир-бирларини кўришлари ҳам жоиз. Бунга қуидаги ҳадис далиллар: Муғира ибн Шуъба (Разияллоҳу анху) айтадилар: “Мен бир аёлга совчи қўйган эдим, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васаллам менга: “Уни кўрдингми?” – дедилар. Мен: “Йўқ”, дедим. Шунда: “Уни кўргин, чунки кўриш орангизда муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади”, - дедилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом никоҳ аҳдининг боғланганини эълон қилиб қўйиш мустаҳаб эканини айтиб: “Ушбу никоҳни эълон қилинглар, никоҳни масжидларда қилинглар, уни эълон қилиш учун дўмбира чалинглар”, деганлар. Масжидда никоҳ қилишга буюришдан мақсад шуки, у ерда одамлар тўпланадиган жой бўлиб, бундан кўпчиликни хабардор бўлишига имкон туғилади. Аксинча, яширинча никоҳланилса, бехабар кишилар келин-куёв ҳакида турли хил гап сўзлар қилиб юриши мумкин. Демак, уйланишдан мақсад вақтингчалик кўнгил хушлик эмас, балки, насл қолдиришdir.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васаллам: “Энг баракотли никоҳ оз ҳаражат қилинганидир”, – деб марҳамат қилганлар. Баъзилар тўйни дабдабали қилиш билан фарзандларининг баҳтини эмас, балки ўзларининг обрўларини ўйлайдилар. Маълумки, риёкорлик билан қилинган ҳар қандай ишда барака бўлмайди.

Никоҳ тўғрисидаги қоидалар “Оила кодекс”ида атрофлича ифодаланган. Никоҳ тушунчаси амалдаги оила қонунчилигига эмас, фақат ҳуқуқий адабиётларда берилган. Никоҳ тушунчаси мусулмон ҳуқуқ илмида ҳар тарафлама ишланган. Ҳуқуқ илмининг вакиллари никоҳга ҳар хил тушунчалар беришади. Аммо бу тушунчалар шаклидагина фарқланиб, мазмуний жиҳатдан эса ўз маъносини сақлаб қолади¹¹. Бу таърифларда у юридик далолатнома деб ҳисобланиб, биринчи навбатда

¹¹ Хидоя. Комментарии мусульманского права. -Т.: “Узбекистан”, 1-том, 1994., 121-бет. Торнау Н. Мусульманское право, СПБ., 1950, 147-бет.

оиланинг табиий-биологик томонига эътибор берилиб, асосий моддий иқтисодий вазифаси четлаб ўтилади. Махсус ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан никоҳга таъриф берилган. Бу таъриф асосида ўша даврда мавжуд бўлган тузум ва мафкура ғоялари ётади.

Республикамизда бозор иқтисодиётiga ўтилаётган даврда ва мустақиллик ва миллий мафкура ғояларига асосланиб биз ҳам никоҳга янгича таъриф беришга ҳаракат қилдик: бу тушунча, никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган йигит билан қизнинг ихтиёрий розилиги ва teng ҳуқуқлигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оиласи турмушда туғилган болаларни муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифоқ маъносини англатади¹².

Никоҳ тузиш тартиби. Амалдаги оила қонунчилиги никоҳнинг тузилиш тартибига, яъни уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради. «Оила кодекси»га биноан, «Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-руsumларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас»¹³.

Никоҳни тегишли давлат органларида расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»¹⁴, билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи ариза қабул қилганида уларни никоҳни қайд этиш тартиби ва шартлари билан

¹² Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши., -Т.: “Ўзбекистон”, 1995., 164-бет.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

¹⁴ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари. -Т.: “Адолат”, 1999.

таништириши, келгусидаги эр-хотин ва ота-она сифатидаги хукук ва мажбуриятларини уларга тушунтириши, бир-бирларининг соғломлик ҳолатларидан ва оила қоидаларидан хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак. Никоҳга киравчилар никоҳга тўсқинлик қиласиган ҳолатларни яширганликлари учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Никоҳни тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай муддатни белгилашдан мақсад бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган шахсларнинг енгилтаклик қилиб, шошмашошарлик билан никоҳдан ўтишларига йўл қўймасликдан иборат. Бир ой муддат ичида никоҳга киравчилар никоҳ тузишга бўлган ўз ҳошишларини яна текшириш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, бу муддат давомида никоҳни қайд этишга монелик қиласиган баъзи ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин. Бу даврда ёшларни никоҳга ўтишга тайёрлаш учун маҳсус маърузалар ташкил этилиши лозим. Улар ахлоқий, хукуқий ва тиббий мавзууларда бўлиши, никоҳ тўғрисидаги қонунни, эр хотиннинг хукук ва мажбуриятларини тушунтириб беришга қаратилиши керак. Маҳсус адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билиш энг мақбул муддат деб кўрсатилади¹⁵.

Оила қонунчилигига никоҳдан ўтиш учун ариза бергандан сўнг синов муддати сифатида белгиланган бир ойлик муддатни зарур ҳолларда қисқартиш хукуки берилган. Ушбу нормада, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатнамаларини қайд этиш ҳақидаги қоидаларда қандай ҳолат узрли ҳисобланиб, белгиланган бир ойлик муддатни қисқартириш учун асос бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу ҳол амалиётда турлича ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда. Фикримизча:

15 Оила психологияси. -Т.: “Шарқ”, 2000. 107-б.

- агар никоҳни қайд эттириш учун ариза берганлар узоқ вақт амалда бирга яшаган бўлсалар;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берганларнинг эр хотинлик муносабатларидан туғилган болалари бўлса ёки хотин ҳомиладор бўлса;
- куёв ёки келиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлса;
- ариза берганлардан бири узоқ муддатга чет элга ёки келиб кетиш қийин бўлган жойга хизмат сафарига кетаётган бўлса;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берган куёв армия сафига чақирилган ёки никоҳни қайд этиш учун белгиланган муддатни қисқартиришга асос бўладиган бошқа сабаблар узрли сабаб ҳисобланиб, бир ойлик муддатни қисқартиришга асос бўлиши мумкин.

Турмушда эр-хотиннинг узоқ муддат никоҳни қайд эттирмай амалда бирга яшаганлиги, боласи борлиги ёки хотиннинг ҳомиладорлиги узрли сабаб бўлиши мумкин. Чунки кўп вақт бирга турган шахсларни, айниқса, чол-кампирларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ва оила қуришга бўлган қарорларини синаш ва текширишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Ҳукуқий расмийлаштирилмаган эр-хотинлик муносабатидан ҳомиласи ёки боласи бўлган шахслар никоҳини қайд этишини ҳам кечиктириб бўлмайди. Лекин чет элга ёки бошқа жойга узоқ муддатга хизмат сафарига кетаётганлар, яқин қариндоши касал бўлганлар, армия сафига чақирилганлар никоҳнинг қайд этилиши муддатини қисқартиришни сўраганларида ҳамма вақт ҳам талабни қаноатлантириш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Никоҳни қайд этаётган мансабдор шахс узрли сабаб бўла оладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши лозим. Жумладан, узоқ муддат эр-хотин бўлиб яшаганлик далили, бир турар-жой, бир оиласи турганликлари ҳақида берилган маълумотлар, умумий болалари борлиги, бу ҳақдаги маълумотнома ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (оталиги белгиланган ҳолларда), қариндошларининг

касаллиги-яқин қариндошликтин тасдиқловчи ҳужжат ва касаллик ҳақида шифокорларнинг тегишли маълумотномалари, узок муддатга чет элга кетиш ва бошқа жойга хизмат сафарига бориш бу ҳақдаги тегишли ҳужжатлар билан исботланиши керак. Ҳарбий хизматга чакирилган шахс армияга кетгунга қадар оила қурадиган бўлсагина никоҳ тузилишига рухсат бериш мумкин. Агар у армия сафидан қайтиб келгунга қадар куттириши учун никоҳни қайд эттираётган бўлса, у ҳолда никоҳни қайд этиш ман этилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини қисқартириш юзасидан талабнома келин ва қуёвнинг ҳар иккиси томонидан ариза билан мурожаат этилган ҳолда топширилиши лозим. Аризага муддатни қисқартиришга асос бўладиган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мудири муддатни қисқартириш ёки рад этишлик, агар қисқартириш лозим бўлса, неча қунга қисқартиришни аниқ ҳолатга қараб белгилайди. Фикримизча, бу масалани ҳал қилаётган мансабдор шахс ўз хulosасини ёзиб, имзо билан тасдиқлаши лозим. Бундай ҳолат мансабдор шахсларнинг муддатни қисқартиришга бўлган масъулиятини оширади.

Амалдаги «Оила кодекси»да бир ойлик муддатни қисқартириш хуқуки никоҳ саройи ёки баҳт уйи мудирига берилмаган, аммо улар томонидан бу муддатни қисқартириш ҳоллари тажрибада ҳамон тез-тез учраб турибди. Фикримизча, бунга чек қўйиш лозим, чунки биринчи никоҳни тузиш вақтида бир ойлик муддатни қисқартириш мақсадга мувофиқ эмас.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳланувчиларнинг биргаликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда етарли асосслар бўлган тақдирда, шунингдек, ФХДЁ органининг ташаббуси билан узайтириши мумкин, лекин бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши органига ариза беришнинг ўзидангина аризага имзо чеккан шахслар

ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқмайди. Бундай ҳолат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ва ариза берганлар ўртасида фақат маъмурий-хуқуқий муносабатни келтириб чиқаради. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига никоҳга кириш учун ариза берган шахслар ундан воз кечсалар, унда ҳеч қандай оиласиб ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди. Маъмурий-хуқуқий муносабат эса ўз навбатида тугайди.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўtkазиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишга кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин. Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, биринчи никоҳ эса баҳт уйлари, никоҳ саройлари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда объектив тегишли асослар бўлганида никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади. Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин. У фақат никоҳланувчиларнинг хоҳишлари билангина ўтказилади. Никоҳланувчиларнинг истакларига биноан никоҳ уларнинг қариндош-уруглари, ошна-оғайнилари, танишлари, жамоат ташкилотлари вакили иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этиш учун маҳсус хоналар ажратилади, у лозим даражада жиҳозланади. Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тутатилганлиги ҳақидаги хужжатни ҳам тақдим этишлари лозим.

Башарти, белгиланган тартиб бузилса, шунингдек, ғаразли мақсад кўзланган никоҳ тузилса, у вужудга келмаган никоҳ хисобланиб, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳукуқ ва мажбуриятни вужудга келтирмайди.

“Оила кодекси”да никоҳ тузилганлигини қайд этишининг алоҳида ҳоллари қўйидагича белгиланган: “Тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади”¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар республика қонунида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиласидиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътираф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ташкил этилмасдан олдин шариат ва одат қоидаларига мувофиқ тузилган никоҳ рўйхат қилинган никоҳга тенглаштирилган. Эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳ қайд этилмасдан эр-хотин бўлиб яшashi, улар

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. 217-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

қанча вакт бирга яшаганликлари ва фарзандлари бор-йўқлигидан қатъи назар низо келиб чиқсан ҳолларда оила қонунларида белгиланган эр-хотинлик хукуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирмайди.

Агар эр-хотин бўлиб яшаган шахсларнинг никоҳи бир томоннинг ўлими ёки уруш даврида фронтда бедарак йўқолганлиги туфайли қайд этилиши мумкин бўлмаса, у ҳолда иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, ўзини ўлган деб топилган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинган шахснинг эри ёки хотини деб ҳисоблашни сўраши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари, баҳт уйлари, никоҳ саройлари малакали хуқуқшунос кадрлар билан таъминланиши лозим, раҳбар ходимлар хуқуқшунослик бўйича олий, инспекторлар эса ўрта маҳсус юридик маълумотга эга бўлишлари керак.

Никоҳ тузиш шартлари. Никоҳдан ўтаётган эркак ва аёл оила қуришга тайёр бўлишлари керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчилар фарзандларини соғлом, одобли, мард, иродали, ғурурли, эркаклик масъулиятини сезадиган меҳнатсевар қилиб тарбиялашлари лозим. Ўғил болалар аёллар ҳақида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлишлари керак.

Йигитларнинг уй-рўзгор ишларини, бозор-ўчар қилишни билишлари, оиласининг қадрига етадиган вафодор, аёлманд, болажон бўлишлари мақсадга мувофиқ. Қизларни оиласи ҳаётга тайёрлаб, уларни соғлом, одобли, катталарни хурмат қиласидан, иффатли, номусли, иболи-хаёли, меҳнатсевар, уй-рўзғор ишларини олиб борадиган, меҳмондўст уй бекаси даражасига етказиш баҳтли турмушнинг кафолатидир.

Ўзбекистон Республикасида никоҳни унинг ижтимоий моҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оиласи мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг ахлоқи ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланди. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилади. Улар қўйидагилардан иборат:

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари

- Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. “Никоҳ тузиш учун бўлажак эрхотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади”¹⁷.
- Биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир.
- Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг ихтиёрийлик ва тенглик тамойили асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади. Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир этилган ҳолатда берилган бўлмаслиги лозим.
- Тажрибада зўрлаш, қўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ тор ва ҳукуқий маданиятнинг пастлиги оқибатида келиб чиқади. Никоҳга кирувчиларнинг кўп ҳолларда қизларнинг розилигини олмай, олдиндан фотиҳа қилиш, қалин олиш ҳоллари, ёшларни севмаган кишиларига турмушга чиқишига мажбур қилиб, уларнинг баҳтига зомин бўлиш бунинг мисолидир. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпинча мулоҳазалари тор, турли хил салбий қарашлар онгига чуқур ўрнашиб қолган шахслар орасида учрайди. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш ким томонидан содир этилган бўлмасин, бари бир, никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.
- Никоҳга киришнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шартининг бузилиши унинг ҳақиқий эмас деб топилишигагина эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 14-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

– Бу жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида қуйидагича белгиланган: “Аёлни эрга тегишига ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”¹⁸.

– Агар никоҳга кирувчилардан бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўла олмайдиган бошқа бирор ҳолатни (масалан, касали ёки олдинги турмушдан боласи борлигини) яширса, бундай ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмаса-да, аммо никоҳдан ажратиш вақтида суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин.

– Никоҳ тузишликнинг навбатдаги шарти амалдаги қонунда никоҳ ёшининг белгиланганлигидир. Унга кўра “Никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўtkaziladigan жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпичланади бир йилга камайтириши мумкин”¹⁹.

Мутахассисларнинг фикрича, мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланади. Биринчи бола она 19-26 ёшга тўлганда туғилса, мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт хулосаси шуки, қизлар фақат 18 ёшдан кейин турмушга чиқишлиари лозим. Шундагина баркамол онадан соғлом бола туғилади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 136- модда. 1994 йил 22 сентябрь.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 15- модда. 1998 йил 30 апрель

Қонунда никоҳ ёшининг йигитлар учун ҳам қизлар учун ҳам 18 ёш этиб белгиланиши бу ҳали мукаммал ёш фақат никоҳ тузиш учун бўлган ҳуқуқ. Неча ёшдан никоҳга ўтишликни уларнинг ўзлари ҳал қиласидар. Оила кодексида фақат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларидаги катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди. Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчиларнинг ёшлари ўртасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ никоҳ муносабатида бўлган аёллар бола тарбиялаш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади, бундай ҳолда улар, гарчи вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) бўлсалар ҳам, қонун бўйича муомала лаёқатига тўлиқ эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, “Вояга етгунга қадар турмуш қурган шахс қонуний асосда никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин”²⁰.

Амалдаги оила қонунларида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмасдан ғайриконуний равишда никоҳ муносабатида бўлиш турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай никоҳ ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб топилиб, оила қонунларида белгиланган тегишли шахсий ва мулкий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Никоҳ тузишга монелик қиласидаги ҳолатлар:

а) Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолат никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи шарт, деб ҳисобланади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 22-моддаси. 1995 йил 21 декабрь.

Айримлар Куръони каримда эркакларга тўрттагача хотинга уйланишга рухсат берилган, деган гапни пеш қиладилар. Бу масалада уламо Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ Бухорийнинг шархи диққатга сазовордир.

“Нисо” сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат бера туриб, дарҳол орқасидан “агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қилаолмаслиқдан қўрқсангиз, фақат битта хотин билан кифояланинг”, дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: “Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар”²¹ – деб, Аллоҳ таоланинг ўзи гувоҳлик беради.

Демак, шариатда кўп хотинлиликка ҳеч қандай шартшароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўп хотинлиликка қўйилган шартларни бажариш эса қийин. Зеро, бизнинг мамлакатда якка никоҳлилик қонун йўли билан қарор топтирилган. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоиданинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади. Жумладан, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ”Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзгор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”²², - дейилади.

б) Никоҳ тузишга:

Насл-насад шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида йўл қўйилмайди.

²¹ “Куръони Карим” (Алоуддин Мансур таржимаси). “Нисо” сураси 129-оят.
—Т.: “Чўлпон”, 1992й. 303-б.

²² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддаси.

Оила кодексининг III бўлими “Қон-қариндошлиқ ва болаларнинг насл-насабини белгилаш” деб номланган (57-64-моддалар). У икки боб, (9-боб “Қариндошилик, қайн-бўйинчилик ва қуда-андачилик”, 10-боб “Болаларнинг насл-насабини белгилаш”), саккиз моддадан иборат. Бу бўлим оила қонунчилигига бутунлай янги бўлим бўлиб кирди. Унинг ўз олдига қўйган мақсади қон-қариндошлиқ оила ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келишига асос бўлгани учун ҳам қонунчилиқда ўз ечимини топиши лозим эди. Бу вазифа ҳам бажарилди.

Бундан ташқари, никоҳдан ўтишда уни ман этадиган ҳолатлардан бири никоҳ тузувчиларнинг қариндошлигидир. Унга бундай деб ном беришдан мақсад қон-қариндошлиқка тўғри илмий асосланган тушунча бериш лозим эди, чунки ҳозирга қадар бу масалада чалкашликлар мавжуд. Натижада қонун бўйича кимларни қариндош деб атамиз ва улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай вужудга келади, деган масалалар ўз ечимини топди. Эндиликда бу масала бўйича ҳам оила қонунчилигига аниқлик киритилди. Яқин қон-қариндошилик ўз ичига тўғри туташган, ёnlама, туғишган ва ўгай қариндошлар, aka-укалар билан опа-сингиллар тушунчаларини олади. Тўғри туташган қариндош бўлиб, бири бошқасидан дунёга келган шахслар, яъни бобо-ота-ўғил-невара-эвара-чевара-дуборалар тушунилади.

Ака-ука ва опа-сингиллар ёnlама қариндош ҳисобланади. Умумий ота-онага эга бўлишлик тўла қариндош, ота бир, она бошқа ёки она бир ота бошқалар ўгай қариндош деб тушунилади.

Болаларни эмизиш туфайли вужудга келган сут қариндошлар, яъни қўқалдошларнинг никоҳ тузишлари ҳам мақсаддага мувофиқ эмас. Бу ҳақда меъёрий хужжатларда тегишли қоидалар берилса, фойдадан холи бўлмасди.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан таъқиқлаш ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назарга, тиббиёт фани ютуқлари ва хулосаларига асосланилади.

Бошқа қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш қонун билан ман қилинмайди. Шунинг учун ён чизик бўйича қариндош бўлган, амакивачча, тоғавачча, холаваччалар, аммаваччалар ва бошқа узоқ қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин. Аммо бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қариндошлик никоҳи туфайли одатда жисмоний ва ақлан носоғлом, яъни нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов, ортиқ, қўшоқ, пакана ёки нуқсонли, майиб болалар туғилади. Улар ўсишда тенгдошларидан орқада қолишадилар. Бундай оиласардан кўпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлиқкан бола туғилиши кузатилмокда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади.

Амалдаги оила қонунчилигига ака-укалар ва опа-сингиллар фарзандларининг никоҳланиши таъқиқланмаган, ваҳоланки, ҳозирги замон генетикаси ютуқ ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Хўш, генетика нима? Ген-ирсият белгиларини наслдан-наслга ўтказувчи омилдир. Инсон аъзосининг ҳар бир белгисини, кўринишини ва хусусиятларини ирсият белгилайди. Ана шу ирсиятлар, бинобарин, барча хусусиятлар ота-онадан фарзандга ўтади. Бирор ирсиятнинг ўзгариши натижасида келиб чиқувчи ва наслдан-наслга ўтувчи касалликлар ирсий касаллик ҳисобланади. Касал ген келгуси авлодларнинг бирида шу хасталикнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларда бу хасталик генетик қонуниятлар асосида осонгина юзага чиқади. Бундан кўринадики, қариндошуруглар никоҳидан хаста болалар туғилиши кўп бўлади.

Бу борада Кайковуснинг “Кобуснома” асарида: “... Лекин ўғлингни уйлантирмоқчи, қизингни эрга бермоқчи бўлсанг, зинхор ўз қариндошларинг билан олди-берди қилмагил. Бегоналардан хотин ол, чунки ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам, улар сенга гўшт ва қондек яқинлардир. Бошқа қабиладан хотин ол, бу билан бир қабилани икки қабила қилган бўласан, бегонани ўзингга қариндош қилгайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки томондан мададинг, кўмагинг кўпайгай”²³ - дейилган.

²³ Кайковус. “Кобуснома”, -Т.: “Ўқитувчи” 1973 йил 127 бет. 72-бет.

Демак, ушбу қоидаларга амал қилинса соғлом фарзандларнинг туғилишига замин яратилади дейиш мумкин.

Айни чоғда қариндошлар ўртасидаги никоҳ ахолининг географик яшаш шароитига ҳам боғлиқ. Тоғли ва орол жойларда яшовчи, ташқи дунё билан алоқаси бирмунча чекланган ижтимоий гурухларнинг барини, шубҳасиз, қон-қариндош дейиш мумкин. Бу ердаги барча аҳоли ўз хоҳишидан қатыи назар, заруратдан келиб чиққан ҳолда, қон-қариндошга айланган. Олиб борилган қузатишлар қон-қариндошлик никоҳининг келгуси авлодга таъсири оқибатларини тасдиқлади. Аввало, бундай никоҳдан туғилган болалар касалликка тез чалинади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган.

Қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ, ҳатто, фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хуносаларидир. Академик К.Н.Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасидаги касалга чалиниш анча қисқаради. Чунончи, баъзи ҳолларда, касалга чалинишни тенг ярмига камайтириш мумкин. Умуман, қариндош-уруглар никоҳи келгуси авлодлар саломатлигига путур етказиши шубҳасизdir. Агар никоҳ тузишга монелик қиласидиган ҳолларга тўла риоя қилиниб, оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигига, қолаверса, келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг соғломлигини таъминлашга катта ҳисса қўшилади.

Хар хил оиласида туғилган болаларни бир она эмизиши туфайли сут қариндошлиги вужудга келади. Туғруқхоналарда она-бала ётадиган алоҳида хоналар мавжуд. Бошқа аёлдан туғилган болани эмизган аёл ўша болага иккинчи она ҳисобланади. Демак, гўдак бошқа онанинг сутини эмса, бу бола ўша сут берган аёлнинг фарзанди билан турмуш қуриши мумкин эмас. Бу ҳам ўз туғишган укаси, ё синглиси билан турмуш қургандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни тукқан онаси янглиф кўриб, уни ҳам “она” дейди.

Қадимда сут эмишганлараро ака-ука, опа-сингиллик, яъни кўкалдошлиқ бўлиб, улар ўзаро турмуш курмаганлар. Шунинг учун бундан бўён ана шундай бошқа аёлнинг манзили, насл-насаби ўша сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Бу маънавий жиҳатдангина эмас, балки келажак авлодимизнинг қон мусаффолигига эришиш учун ҳам жуда зарур. Бинобарин, миллий қадриятларимизни тиклаб, меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиб, бир онани эмган болалар ўртасида вужудга келган кўкалдошлиқ туфайли ҳам уларнинг бир-бири билан никоҳдан ўтишларини ман этадиган қоида киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фарзандликка олиш муносабатлари ҳам тўғри туташган қариндошликка тенглаштирилади. Оила кодексининг 16-моддасига биноан фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ҳамда уларнинг авлодлари бир-бирлари билан никоҳдан ўтиш хукуқига эга эмаслар. Чунки фарзандликка оловчи шахс ота-онанинг ўрнини босади, агар улар ўртасида бошқача туйғу ва муносабат бўлса, у фарзандликка олиш ва ахлоқ табиатига зид бўлиб чикади.

Маълумки, ҳар хил оилаларда, ҳар-хил миллат вакилларидан туғилган турли жинсдаги бир қанча болалар фарзандликка олиниши мумкин. Улар бир оиласида ака-ука ёки опа-сингил бўлиб ўсадилар. Аммо балогатга етганиларидан сўнг ўзаро никоҳдан ўтишлари мумкинми ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу масалага амалдаги қонун тегишли жавоб бермайди, чунки улар ўртасида қон-қариндошлиқ муносабати йўқ. Шунинг учун улар никоҳдан ўтишлари мумкин.

Ҳаётда бундай мисоллар талайгина. Кўпгина болаларни ўз бағрига олиб тарбиялаган оилалар бор. Жумладан, рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз, яхудий, татар, малдаван ва бошқа миллатларнинг 15 нафар боласини ўз бағрига олиб, уларнинг бир-бирига дўст, меҳрибон, ака-укадек қилиб ўстирган оддий темирчи Шоахмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромованинг оиласини мисол сифатида келтириш мумкин. Улар оиласида ака-ука, опа-

сингилдек ўсдилар. Кейинчалик уларнинг айримлари никоҳ тузиб, оила ҳам курдилар. Бу ахлоқий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, агар мободо оила бузилиб қолса, катта бир оиласга зарар келтиради. Биологик нуқтаи назардан уларнинг никоҳга ўтишлари наслга ҳеч қандай таъсир қўрсатмайди. Аммо бир хил ижтимоий маънавий шароитда aka-ука ва опа-сингил бўлиб ўсганлар, бинобарин, уларнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари ахлоқ ва тарбия нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун меъёрий хужжатларда тегишли қоидаларни белгилаб, фарзандликка олингандарнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари тақиқланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

в) Лоақал биттасида руҳият бузилиши. “Оила кодекси”да “Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди”²⁴-дейилади. Чунки, бундай шахслар ўз харакатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайдилар ва никоҳ тузишга онгли равишда ўз хоҳишиларини изҳор эта олмайдилар. Бу қоида никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва ўз хоҳишига кўра никоҳ тузиш тамойилидан келиб чиқади. Амалдаги қонунчиликда бундай тартибининг белгиланиши келажак авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Шахсни руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза топширгандан сўнг, никоҳни қайд этиш муддатигача юз берган бўлса ҳам, никоҳга ўтишга монелик қиласди.

Агар никоҳ қайд этилгандан сўнг эр-хотиндан бири белгилangan тартибда муоамалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас, деб ҳисобланмайди. Аммо бу ҳолат никоҳни маъмурий тартибда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида никоҳдан ажралиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан, “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайн ёлғон маълумотлар бериш

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 16-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”²⁵-дейилади.

г) **Оила кодексига янгилик сифатида:** “Никоҳланувчи шахсларни таббий кўридан ўтказиш” (17-модда) қоидаси кириб келди. Унда эътироф этилишича, “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўридан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни саклаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўридан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўридан ўтган шахснинг розилиги билан билдириши мумкин”²⁶.

Ушбу қоидани кафолатлайдиган қоида модданинг учинчи қисмида берилган. Унга кўра, ”башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир”²⁷.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари. Никоҳни қайд этишга хуқуки бўлган ҳар бир давлат органи, туман ҳокимияти бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи, никоҳ саройлари, баҳт уйлари, қишлоқ (овул) ва посёлка кенгашининг ижроия ҳокимиятида қайд этилган ҳар бир никоҳ қонуний тузилган никоҳ ҳисобланади.

Оила кодексида белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 230-моддаси. 1994 йил 22 сентябрь

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 17-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 17-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

Оила кодексининг 14-16-моддалари ҳамда 17-моддасининг учинчи қисмида белгиланган шартлар бузилган тақдирда, шунингдек сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилади. Оила кодексида никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш асослари ҳақида мукаммал тушунча берилган. Қўйидаги ҳолларда қайд этилган никоҳ ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:

- а) никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши;
- б) никоҳ ёшига қўйилган шартга риоя қилмаслик;
- в) якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши;
- г) никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опасингиллар ўртасида тузилган бўлса;
- д) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ;
- е) никоҳга ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг сохталиги;
- ж) фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ;
- з) никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет тақчиллиги синдроми (ОИТС) ёки (ВИЧ инфекция) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб этишга ҳақлидир.

Айрим ҳолатларда оила қонунларининг бир қанча шартларини бузиб тузилиши мумкин, бундай ҳолларда ҳам у ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, фуқаро олдинги никоҳдан ажрашмасдан туриб, вояга етмаган шахс билан никоҳдан ўтган ҳоллар фикримизнинг далилидир:

1) Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши. Никоҳ уни тузувчи ҳар бир томоннинг эркин, ўзаро розилиги асосида тузилиши лозим. Розилик ўзга (ота-она, қон-қариндош, мансабдор шахс)ларнинг мажбур этиши ёки алдаши оқибатида берилган бўлса, ихтиёрийлик тамойили бузилгани учун, бундай никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилганидек, никоҳ тузишда никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги йўқлиги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бунда фуқаро (кўпинча аёллар) кўрқитиши ёки зўрлаш (мажбурлаш), алдаш туфайли никоҳдан ўтган бўлади. Фуқаронинг эркига ва онгига қонунсиз таъсир этиш натижасида у никоҳга ўтишга мажбур бўлади, аммо ҳақиқатда эса у буни мутлақо хоҳламайди. Натижада никоҳ тузилишининг асоси хисобланган ўзаро хоҳиш ва розилик тамойили бузилган бўлади. Кўрсатилган асос бўйича бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб, топилиши мумкин.

Республикада хотин-қизларни турмушга чиқишига мажбур этиш ёки, аксинча, ўзи хоҳлаган шахсга турмушга чиқишига тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Бундай ҳолатлар никоҳга ўтишнинг ўзаро розилик шартини бузишга қаратилган ҳаракат деб, тушунилади.

Аёлни эрга тегишига мажбур этиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жиноят хисобланади. Адашиш ва алдаш ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатлар зўрликка нисбатан камроқ учрайди. Бу мақсад йўлида куёв ёки келиннинг шахсий сифатларига тегишли бўлган ҳолатлар бўйича адашиш, хусусан, уларнинг ҳарактери, соғлиғи, маълумоти, хизмати, мулкий, оиласи ҳолатлари юзасидан бепарволик оқибатида йўл қўйган хатоси ёки алдаш билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг аҳамияти бўлмайди. Мухим томони шундаки, янглишиш никоҳнинг ўзи бўйича бўлмай, балки никоҳ тузишнинг сабаби бўйича бўлади. Масалан, куёв келиннинг кўз ўнгидаги ўз мавқеини кўтариш учун ўзини катта мутахассис сифатида кўрсатиши фикримизга асос бўлади.

2) Никоҳ ёшига қўйилган шартнинг бузилиши. Оила кодексига биноан “Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Иш судда ҳал қилиниш пайтигача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш, агар эр-хотин (улардан бири) иш судда кўрилаётган пайтда никоҳ ёшига етмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади”²⁸.

Никоҳ ёши шарти кўпинча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи хизматчилари ўз вазифасини сувиистеъмол қилиши ёки никоҳ тузувчиларнинг ўзи томонидан ёши тўғрисида қалбаки хужжат берилиши натижасида бузилади.

Никоҳ ёшига тўлмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳамма вақт ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилмайди. Ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳоллардагина суд бундай никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин;

3) Якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши ҳам ушбу никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин. Бундай асос суд амалиётида бошқа асосларга қараганда кўп учрайди. Баъзи маълумотларга кўра, ҳақиқий эмас деб топилган никоҳлар ичида 97-98 фоизини якка никоҳлилик тамойилига риоя этилмаган ҳолларда юзага келган ишлар ташкил этади. Фақат якка никоҳда бўлиш, ахлоқ-одоб нормалари талабларига риоя қилиниши ҳар томонлама мустаҳкам оила қуриш имконини беради. Оилавий қонунлар никоҳланувчилардан ҳар бирининг фақат якка никоҳда бўлиб, бошқа никоҳда бўлмаслигини талаб этади. Бу талаб жамиятдаги ахлоқ-одоб, шакланаётган миллий мафкура ғояларидан келиб чиқади. Шунинг учун бу ахлоқий қоида қонун даражасига кўтарилиб, амалдаги қонунлардан тегишли ўрин олган.

Якка никоҳлилик тамойили бузиб тузилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза биринчи никоҳдан ажратилмаган эр ёки хотин, шунингдек, иккинчи никоҳдаги

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 51-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

томонлардан бирининг талабига асосан кўриб чиқилади. Ҳақиқий бўлмаган никоҳда бўлган шахснинг ўлимидан сўнг судга даъво билан мазкур шахснинг ворислари (вафот этганинг биринчи никоҳдаги фарзандлари, унинг ака-укалари, опа-сингиллари, отоналари ва бошқалар), шунингдек, ўлган шахснинг никоҳини ҳақиқий эмас, деб топишдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар (молия, ижтимоий таъминот органлари) мурожаат этиши мумкин. Чунки никоҳда бўлган шахс, агар у ҳақиқий никоҳда бўлса, ўзига пенсия тайинлашни ёки уй-жойга бўлган хуқуқини белгилашни талаб қилиши мумкин.

Якка никоҳлилик тамойилини тўла ва ҳар томонлама таъминлаш мақсадида оила қонунларида бир қатор қоидалар белгиланган. Илгари никоҳда бўлган шахслар қонуний кучга кирган никоҳдан ажралиш ҳақидаги суднинг ҳал қилувчи қароридан нусха ёки никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги суднинг ҳал қилувчи қарорини кўрсатган ҳолдагина янги никоҳни қайд этишлари мумкин.

4) Никоҳ насл-насад шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Оила қонунлари билан ман этилган яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилса, у ҳақиқий эмас деб топилади. Бундай асос билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд амалиётида жуда кам учрайди. Буни тасдиқлайдиган ҳолат қонунда никоҳ тузиш учун жуда чекланган қариндошлик босқичини белгилайди. Умуман ҳар хил босқичдаги қуда-андачилик эса никоҳ тузиш учун тўсиқ бўлмайди.

5) Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади. Никоҳ тузувчилар руҳан соғлом, муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси²⁹га биноан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 30-моддаси. 1995 йил 21 декабрь.

аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васий амалга оширади. Бундай рухий ҳолат никоҳдан ўтувчида ҳуқукий расмийлашувига қадар бўлиши лозим. Агар бундай ҳолат никоҳда турувчиларда никоҳ даврида рўй берса, бу ҳол никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос эмас, балки никоҳдан ажралиш учун асос бўлиб, никоҳ маъмурий тартибда ажратилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тажрибасида шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзан никоҳдан ўтувчилардан бирининг тўла муомала лаёқатига эга эмаслиги тўғрисида гумон қилиниб, уни муомалага лаёқатсиз деб, тан олганлик тўғрисида суднинг ҳал қилувчи қарори ва шунингдек, бу шахсга васий ёки ҳомий тайинланганлиги тўғрисида ижроия ҳокимиятнинг қарори бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органи ходимлари ўзларининг гумонлари тўғрисида суд органларига хабар беришлари (уларни бу ҳолдан огоҳ этишлари ва муомалага лаёқатсиз эканлигини белгилаш ҳамда никоҳни қайд этишни тўхтатиб туришлари мумкин), бу харакат жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши, асосли бўлмаган шубҳа билан никоҳ тузувчи ҳар икки шахс ҳам маънавий изтироб чекмасликлари лозим.

Никоҳга киравчилардан бири рухий касал ёки ақли заиф бўлган ҳолда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб, топилмаган бўлса, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида манфаатдор шахслар даъво қилишлари мумкин.

6) Никоҳдан ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг бўлмаслиги, яъни сохта никоҳ, ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб топилади.

Хуқуқшунос олимларнинг таърифи бўйича, сохта никоҳ қандайдир моддий манфаатларни, яъни уй-жойли бўлиш (прописка қилиш) ва бошқаларни мақсад қилиб тузилади.

Хорижий мамлакатларга бориб ишлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам қалбаки никоҳлар хақидаги гувоҳномаларни кўллаш учрамоқда. Агар мутахассис уйланмаган бўлса, узоқ муддатга, яъни бир неча йилга хорижий мамлакатларга бориб ишлаш имкониятига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам у чет мамлакатда ишлаб топган даромадининг 20-25 фоизини ҳақиқий бўлмаган никоҳга кирган аёлга юбориш шарти билан никоҳ битими тузади.

Сохта никоҳ тузиш жамиятдаги мавжуд ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган ҳаракат эканлиги шубҳасиз. Сохта никоҳни ахлоқсиз ҳаракат деб хисоблаб, уни юридик жиҳатдан тан олмаслик модда билан мустаҳкамланган. Агар иш судда кўрилгунга қадар сохта никоҳ тузган шахслар амалда оила курсалар, у холда бу никоҳ ҳақиқий эмас деб, хисобланмайди.

7) Фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Фарзандликка олган билан фарзандликка олинган ўртасида никоҳ тузишни ман этиш ахлоқ-одоб қоидаларидан келиб чиқади. Чунки улар ўртасидаги ҳукуқий муносабатлар келиб чиқиши бўйича ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳукуқий муносабатларга тенглаштирилади.

Фарзандликка олиш, агар бола амалдаги қонунларда белгиланган ҳукуқий муносабатларни келтириб чиқармаслик мақсадида (сохта фарзандликка олиш) ёки қонунда белгиланган шартларни бузиб фарзандликка олинган бўлса, у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фарзандликка олинган болалар ўзаро никоҳга ўтишлари мумкинми, деган саволга янги қонун рад жавобини бермайди. Демак, улар ўзаро никоҳдан ўтишлари мумкин. Аммо одоб - ахлоқ қоидалари юзасидан қараганда, уларнинг ўзаро никоҳга ўтишлари мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар оиласда ака-сингил бўлиб ўсадилар. Шунинг учун улар ўртасидаги никоҳни ман этиш лозим.

8) Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет таҳчиллиги синдроми (ОИТС ёки ВИЧ

инфекция) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб, талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Бу қоида қонунчиликда янгилик ҳисобланади. Ўзида таносил касаллиги ёки ВИЧ инфекция борлигини бошқасидан яширган вақтда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш масаласида бу касал кимдан яширилган бўлса, ўшанинг ташаббуси билангина кўрилади. Бу билан давлат, биринчидан, касалликнинг олдини олиб, бошқасини касалликдан сақлаб қолиш, иккинчидан, оила вазифасини бажара олмайдиган шахс пайдо бўлишининг олдини олиш, учинчидан, келажак авлодни хавфдан сақлаш мақсадини қўяди.

9) Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг оқибатлари. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди. Амалдаги қонунлар ҳар бир ишнинг аниқ мазмуни ва бузилган шарт, монелик қиласидан ҳолларнинг характеристига қараб даъво қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони шахсий ёки жамоат манфаати бўлган шахс қилиши мумкин. Улар доирасига никоҳ тузилиши туфайли ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Келтирилган асосларга кўра ҳақиқий саналмаган ҳар бир никоҳда аниқ ҳолатда бу тўғрида даъво қилувчи шахслар доираси белгиланади. Никоҳ тузиш туфайли ўзаро розилик шартининг бузилиши натижасида мажбур этилган аёлнинг шахсий манфаати бузилади. Шунинг учун мажбурлаш кимга нисбатан қўлланилган бўлса, бу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Аммо, ушбу ҳолатда жамоат манфаати бузилганлиги учун даъво прокурор томонидан ҳам қилиниши мумкин. Никоҳ тузган аёл никоҳ ёшига етган бўлса, унинг ўзи, ота-онаси ёки васий (ҳомий) ва прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

Сохта никоҳ тузилганда, уни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳакида прокурор ёки эр-хотиндан бири даъво қилиши, оила қуришни мақсад қилмай никоҳга ўтилган ҳолатда эса алданган томон никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Рухий касал ёки ақли заиф шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш тўғрисидаги даъвони муомалага лаёқатсиз шахснинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор амалга ошириши мумкин. Чунки уларга муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Амалдаги қонунларга асосан, рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

Фарзандликка олингандарнинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб, топиш ва бекор қилишга йўл қўйилади. Оила кодексининг 155-моддаси³⁰га биноан ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб, топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш бўйича кўриладиган иш никоҳдан ажралишдан ишнинг кўрилиши тартиби бўйича ҳам фарқ қиласи.

Юқорида айтилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш факат суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилса, никоҳдан ажралиш эса суд ва маъмурий тартибда ҳам ҳал қилинади.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 155-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш тўғрисида эр-хотинларнинг ўзлари (ёки улардан бирортаси), шунингдек, бундан манфаатдор бўлган шахслар бир қатор асосларга кўра (биринчи никоҳдаги эр-хотиндан биттаси ёки унинг номидан прокурор ва васийлик органи) даъво қилиши мумкин.

Бу белги билан никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш никоҳдан ажралишдан фарқ қиласди, чунки никоҳдан ажралиш ҳақида иш фақат эр-хотинларнинг ёки улардан бирининг ташабbusи билан қўзғатилади. Бундан ташқари никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш эр-хотиннинг тириклик вақтида ҳамда (никоҳдан ажралишдан фарқ қилиб) уларнинг ўлимидан сўнг (айниқса, агар даъвонинг мақсади мерос ёки пенсия олиш бўлса) йўл қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичидан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юборилади.

Никоҳни тузишдаги амалдаги оила қонунчилигида белгиланган шартлар бузилган ва монелик қиладиган ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ажралиш йўли билан тугатилгандан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб, топилиши мумкин. Чунки ҳақиқий бўлмаган никоҳ оқибатлари ажралиш йўли билан тугатилган никоҳ оқибатларидан бир қатор масалаларда фарқ қиласди. Никоҳ ҳақиқий эмас деб, топилганда унинг кучи тугалланади, деб айтиш тўғри бўлмайди. Бу ибора давлат томонидан тан олинган ҳуқуқ билан тартибга солинган никоҳ иттифоқига нисбатан ўринлидир. Ҳақиқий бўлмаган никоҳ қонунни бузиб тузилган никоҳ ҳисобланаб, унинг натижасида бир қатор ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонунлар никоҳни ҳақиқий эмас деб, топишнинг аниқ ҳуқуқий оқибатларини белгилайди. Оила кодексига биноан “Суд томонидан ҳақиқий эмас деб, топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб, ҳисобланади”³¹. Никоҳни ҳақиқий эмас деб, топиш оқибати шахсий ва мулкий ҳуқуқлардан

³¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 55-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

иборат бўлади. Эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб, топилганда никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вактда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир. Никоҳи ҳақиқий эмас деб, топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, вужудга келган баъзи бир мулкий муносабатлар эр ёки хотиндан бири инсофли бўлганда у тўла бекор қилинмай, фақат ўзининг икки тарафлама мажбур этувчи характерини йўқотади. Улар инсофли эр ёки хотиннинг ҳукуки бўлиб қолиб, айборда эса мажбурият бўлиб қолади.

Оила кодексига биноан “Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб, топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб, топилган кундан кейин уч юз кун ичida туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди”³².

Ҳақиқий бўлмаган никоҳнинг вужудга келмаган никоҳдан фарқини билмоқ лозим. Никоҳ тузиш учун белгиланган тартиб бузилиб, никоҳ қайд этилса, бундай никоҳ вужудга келмаган никоҳ ҳисобланади ҳамда унинг вужудга келмаганилиги ва ҳақиқий эмаслиги суд томонидан белгиланади. Ариза берилгандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаштириш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан никоҳни расмийлаштириш ва бошқалар. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Масалан, никоҳ тузувчи эр-хотиндан биттасининг иштирокисиз, ариза бергандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаштиришга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан никоҳни қайд этиш ва бошқалар.

Шунингдек, никоҳга киришишдан олдин бўлажак умр йўлдошини танлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма халқлар ҳар хил ўлчовларга асосланадилар. Кимdir келин танлашда унинг чиройини ўлчов қилиб олади, бошқаси бўлажак келиннинг молига қизиқади, учинчиси насл-насабига эътибор беради ва ҳоказо. Шунингдек, куёв танлашда ҳам гоҳида куёвнинг

³² Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 56-моддаси. 1998 йил 30 апрель.

манسابига, гохида бойлигига, баъзилар қуч-куввати ёки чиройига қизиқадилар. Бунинг устига, жамиятларда замон ва маконга қараб бу каби ўлчовлар, мезонлар ва эътиборлар ўзгариб ҳам туради. Бир даврлар ва жамиятларда олий маълумотли умр йўлдошни танлаш урф бўлса, бошқаларида ундан бошқа сифатли умр йўлдошини танлаш одатга айланиши мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида яшаб ижод этган татар олимни Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “Оила” асарида одоб-ахлоқ, оила ва никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи, бола тарбиясидаги хотиннинг роли, хотинларнинг умумий вазифаси, уйлантиришда ота-онанинг вазифалари хусусида фоятда ибратли маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар берилган. Мазкур асарда уйланиш ва хотинлар вазифаси бўйича қўйидагилар таъкидланади: “ ...уйланиш масаласини ислом шариати буюк нарсалардан деб билиб, оила тузишни мамлакат ташкил қилиши қадар керакли ҳисоблаб, бу борада бир қанча низомлар ҳам чиққанлиги маълум. Оила учун чиққан низомларни, бир кунмас бир кун келиб, вақти етганда амал этувчилар ўз оилаларини кўркам равишда тузар ва ниҳоят, ушбу кичкина мамлакатни идора қила олурлар. Шу сабабдан, кўпмизми суражак умрларини роҳат билан кечиришар ва умрларидан қолган саноқли соатлари барокатли бўлур”³³.

... Агарда оила кемага ўхшатилса, хотун кеманинг қуйруғи(рули) ҳукмида бўлур. Дарёда катта қувватга эга бўлган, кема қуйруқ харакатига эргашиб юргани каби мамлакат мисолида бўлган оилаларда оила ичидаги бўлган хотун харакатига эргашурлар. Кўз ўнгимизда бўлган халқларнинг аҳволи, хотунлар аҳволи билан бир вақтда муносаб бўлмоғи ушбу даъвонинг дурустлигини исбот этур. Хотунлари тарбияли бўлган халқ тарбияли, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ-бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир”³⁴.

³³ Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. –Т.: “Шарқ”, 1991.-76.

³⁴ Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. –Т.: “Шарқ”, 1991.-96.

Кўпчилик бу ўта нозик масала бўйича нима қилишини билмай, боши қотади. Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида, қавму-қариндошлар ўртасида худди шу масалада турли тортишувлар, келишмовчиликлар, ҳатто жанжаллар ҳам бўлади. Ҳар ким ўзининг билимидан ёки тажрибасидан келиб чиқиб иш кўрмоқчи бўлади. Мусулмон инсон учун эса, бошқа масалалар қатори, бу масала – умр йўлдошини танлаш масаласи ҳам аллақачон ҳал этилган. Оила курмоқчи бўлган тарафлар ана шу тайёр ва ўта ишончли манбага мурожаат қилсалар ҳамда уларни ўрганиб, амал қилсалар, ортиқча оворагарчилик ва бош қотиришга ўрин қолмайди.

Авваламбор, ишни, муносиб келин танлашни ўрганишдан бошлаш керак. Чунки, одатда, куёв тараф келин излаши ва совчи юбориш урф бўлган. Лекин совчилик қилишдан олдин мулоҳаза қилиниши лозим бўлган мухим масалалар бор. Аввало, совчи қўйилиши кўзланаётган қизга уйланиш совчи қўймоқчи бўлган йигитга шаръий жиҳатдан ҳаром қилинмаган бўлиши керак. Демак, биринчи бўлиб, никоҳи ҳаром қилинганлар кимлигини билиб олиш лозим бўлади.

Никоҳи ҳаром қилинган аёллар. Ҳар бир эркакка бир неча тоифа аёлларнинг никоҳини ҳаром қилган, эр киши уларга уйланиши мумкин эмас, бундай қилиши ҳаром ҳисобланади. Ким шу ишни қилса, гуноҳкор бўлади. Никоҳи ҳаром қилинган аёллар хақида “Қуръони Каримда” шундай дейилади: “Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари ҳаром қилинди. Агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз (қизларига уйланишингизда) гуноҳ йўқ. Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари, опа-сингилни қўшиб олмоғингиз ҳаром қилинди. Магар аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир. Қўлингизга мулк бўлиб

тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (харом қилинди). Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир”³⁵.

Никоҳи ҳаром қилинган аёллар тоифаси ояти каримада “оналар”дан бошланган. “Она”га момолар ҳам киради. Яъни, ўз онасига ҳам, ота-онасининг оналарига ҳам эркакнинг никоҳланиши ҳаромдир. Буни шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўз онасига эрлик қилиш нафақат инсонга, балки ваҳший ҳайвонлар табиатига ҳам зиддир. Ахир, у онасининг бир парчаси ҳисобланади. Бунинг устига, насаб жиҳатидан яқин бўлган кишиларнинг никоҳи икки томон соғлиғи учун ҳам зарар эканлиги ҳаммага маълум. Улардан бўлган фарзандлар нимжон, касалманд ва ногирон бўлиб туғилиши аниқланган.

Кейинги тоифа “қизларингиз”дир. Бунга кишининг ўзидан тарқалган зурриётлари, жумладан, набира қизлари ва улардан кейинги табақалар ҳам киради. Ўз жигаргўшаси бўлмиш қизининг эри бўлишни ўзига эп кўриш учун инсон инсонлиқдан чиқиши керак! Бу иш инсоний табиатга мутлақо зид бўлганлиги учун ҳам Ислом шариатида ҳаром қилинган.

“Опа-сингилларингиз”. Туғишган бўлса ҳам, ота бир-у она бошқа ёки она бир-у ота бошқа бўлса ҳам, опа-сингилларнинг никоҳлари ҳаромдир. Аввало, буларнинг асллари бир: бир қондан, бир қоринда пайдо бўлиб, бир хил сутдан катта бўлганлар. Инсонийлик табиатининг ўзи уларнинг эру хотин бўлишини кўтармайди. Уларнинг никоҳларидан келадиган тиббий заарлардан ташқари, ижтимоий заарлари ҳам қўп. Агар мазкур шахслар орасида никоҳ жоиз бўлса, улар бир оила аъзолари сифатида бирга яшаш ва инсоний алоқаларда бўлиш имконига эга бўлмай қоладилар. Чунки, никоҳи жоиз бўлган эркак-аёл бир жойда туриши, ёлғиз қолиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Хотин эрини унинг опа-сингилларидан ҳам қизғанадиган бўлиб қолади. Бу мулоҳаза бошқа тоифаларга ҳам жорийдир.

³⁵ “Қуръони Карим” (Алоуддин Мансур таржимаси). “Нисо” сураси, 23-24-оятлар. –Т.: “Чўлпон”, 1992. 303-б. “Нисо” сураси, 23-24-оятлар.

“Аммаларингиз ва холаларингиз”. Булар билан ҳам наасаб алоқалари мавжуд бўлиб, бу одамлар ҳам юқорида зикр қилинган тоифаларга ўхшашиб. Амма-холалар, одатда, онанинг ўрнига ўтадиган, ота ва она тарафнинг вакиллари ҳисобланадилар. Улар билан никоҳда бўлиш, соғлиқ, ахлоқ-одоб ва қариндошлиқ жиҳатларидан катта заарлар келтиради.

“Ака-укаларингизнинг қизлари ва опа-сингилларингизнинг қизлари”. Булар ҳам наасаб томонидан алоқадор бўлиб, аввалги зикр қилинганлар орасида никоҳ ҳаром қилинган.

“Эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз”нинг никоҳи ҳаром қилинди. Бу жумлада эмиш орқали никоҳи ҳаром бўлган аёллар зикр қилинмоқда. Ояти каримада фақат икки тоифа – эмиш туфайли аслга айланганлар, яъни – она бўлганлар ва уларнинг шохобчалари бўлмиш эмикдош опа-сингилларгина зикр қилинмоқда. Пайғамбаримиз алайҳиссалом эса бу борада: “Насаб жиҳатидан (никоҳи) ҳаром бўлганлар эмиш жиҳатидан ҳам ҳаром бўладилар”, – деганлар. Яъни, наасаб жиҳатидан қайси тоифадаги аёлларга никоҳланиш ҳаром бўлса, сут қардошлиқ туфайли ҳам ўша тоифаларнинг никоҳи ҳаром бўлади. Бундай ҳукмлар остига кирадиган эмишнинг шарти шуки, икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг қорнига ўз онасидан бошқа бир аёлнинг сути етиб бориши керак. Ана ўшанда у аёл боланинг онасига, эри эса отасига, болалари ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, бошқа қариндошлари ҳам эмган болага хеш бўладилар.

“Хотинларингизнинг оналари”. Қайиноналар ва катта қайиноналарга (қайинота тарафдан бўлса ҳам, қайнона тарафдан бўлса ҳам) уйланиш куёв учун ҳаром. Булар қудачилик алоқалари туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар тоифасига кирадилар. Қайнона ҳам она, унга уйланиш ҳеч мумкин эмас. Қизи билан бўлган оиласи ҳаётнинг хурмати бор. Қолаверса, агар қайнонага уйланиш мумкин бўлса, қизи эрини ундан қизғаниб, она-боланинг орасидаги алоқалар ҳам бузилиши табиий.

“Ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари”. Шариат ҳукми бўйича, эркак ва аёл ўзаро рози бўлиб, аҳди никоҳ ўтиши билан, эру хотинга айланадилар. Аммо, аҳди никоҳдан сўнг бирга яшамасдан турган ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Бу икки ҳолатнинг ўзига хос ҳукмлари бор. Ушбу ҳолатларни “қовушган” ёки “қовушмаган” деб зикр қилиш мумкин. Ана ўша ҳолатларга тегишли ҳукмлардан бири никоҳи ҳаром бўлган аёллар масаласида ҳам келмоқда. Яъни, бир одам аёл киши билан никоҳ аҳдини ўтказиб, қовушган бўлса, ўша хотиннинг аввалги эридан бўлган қизи бу эркакка ҳаром бўлади.

Ояти каримада “қарамоғингиздаги қизлари” дейилиши кўпинча учрайдиган ҳолатни эътиборга олиб айтилган. Аслида, ўгай қиз ўгай отасининг қарамоғида бўлмаса ҳам, унга никоҳи ҳаром бўлаверади. Бу ҳукмнинг ҳикмати ҳам аниқ кўриниб турибди. Агар эркак кишига ўгай қизига уйланишга рухсат берилса, у қизнинг ўз онаси билан муносабатлари қийинлашади. Қолаверса, ўгай қиз ҳам қиз ўрнида. Аммо, юқоридаги шартга кўра, аҳди никоҳи бўлган-у, ҳали қовушмаган аёл билан ажрасча, унинг қизига уйланиши шаръий жиҳатдан мумкин.

“Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари”. Яъни, келинлар. Бу ерда “пуштингиздан бўлган ўғилларингиз” деб қайд қилиниши тутинган ўғиллар бу ҳукмга кирмаслигини билдиради. Келинларга уйланишни ман қилишда ахлоқий, инсоний эътиборлар билан бирга, худди юқоридаги ҳолатларга ўхшаб, қариндошлиқ алоқаларини эҳтиётлаш ҳикмати ҳам бор. Мазкур тоифаларнинг никоҳи абадий ҳаромдир.

“Опа-сингилни қўшиб олмоғингиз (ҳаром қилинди)”. Яъни, бир киши ўз никоҳида турган хотинининг опа-синглисига уйланиши мумкин эмас. Бундай никоҳнинг ҳаромлиги вақтингчадир. Агар никоҳида турган опа ёки сингил билан никоҳ алоқаси узилса, у ҳолда унинг опаси ёки синглисига уйланса, бўлаверади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл билан унинг аммасини ёки холасини қўшиб хотин қилишни ҳам ман қилганлар. Бундай никоҳлар қариндош хотинлар орасидаги муносабатларни бузади, шунинг учун ҳаром қилинган.

“Кўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди)”. Демак, эри бор аёлга уйланиш ҳаром. Эри ўлиб ёки эридан ажрашиб, идда ўтирган аёллар ҳам, то идда муддати ўтгунча, эрли аёллар қаторига кирадилар. Буларнинг никоҳи ҳам вақтинча ҳаромдир. Сўнгра оятда: “Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир”, дейилади. Яъни, мазкур хукмлар Аллоҳнинг амридир, бошқа биронники эмас. Шунинг учун ҳам унга амал қилиш-барчанинг бурчи. Бурчни адо этмаганлар жазога лойиқдир. Куръони Каримнинг “Нисо” сурасида шундай дейилади: “Оталарингиз ўз никоҳига олган аёлларни сиз ўз никоҳингизга олманг! Аввал ўтган бўлса, майли. Бу иш, албатта, фохиша, ғазабнок иш ва қандай ёмон йўлдир!”³⁶.

Жоҳилият даврида ўгай онага уйланиш одати бор эди. Бу кўпинча “азл”га – аёлларни зулм ила беҳуда тутиб туришга ҳам сабаб бўлар эди. Чунки, аксар пайтда боланинг катта бўлиб вояга етишини, сўнгра отасининг хотинига – ўгай онасига уйланишини кутишга тўғри келар эди. Агар ўғил отаси ўлган пайтда вояга етган бўлса, ўгай онаси унга мерос тариқасида хотин бўлиб қолар эди. Ҳақиқатдан ҳам, бу иш инсонгарчиликка тўғри келмайди. Чунки, ота билан муқаддас алоқада бўлган аёл ўғилга она ҳисобланади. Отанинг хурмати бор, ахир! Иккинчидан, одатда эр ўз хотинининг биринчи эрини ёмон кўради. Никоҳ ҳаром қилинган аёллар ҳақидаги далилларни ўрганиб чиқкан уламоларимиз уларни бир неча гурухларга тақсим қилганлар:

1. Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар.
2. Никоҳи вақтинча ҳаром қилинган аёллар. Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар уч хил бўлади:
 - а) насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;
 - б) эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;
 - в) қудачилик асосида никоҳи абадий ҳаром бўлган аёллар.
3. Насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар куйидагилар:

³⁶ “Куръони Карим” “Нисо” сураси, 2-оят. (Алоуддин Мансур таржимаси). –Т.: “Чўлпон”, 1992. 303-б.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

- Она. Бунга момолар ҳам киради.
- Қиз.
- Опа-сингиллар.
- Аммалар.
- Холалар.
- Ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг қизлари.

Эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар қуидагилар:

- Эмизган она. Бунга момолар ҳам киради.
- Эмиқдош қиз.
- Эмиқдош опа-сингиллар.

Бу хилдаги опа-сингилларда эмиш йўли билан турли ҳолатлар юзага келиши мумкин:

а) бир боланинг онасини бегона қиз эмса, улар орасида эмиқдошлик – ака-сингиллик ёки опа-укалик пайдо бўлади;

б) бир бола бегона аёлни эмса, аёлнинг туқсан қизлари боланинг опа-сингилларига айланади;

в) бир-бирига мутлақо бегона бир бола ва бир қиз ўз оналаридан бошқа бир аёлни эмсалар ҳам, эмиқдош ака-сингил ёки опа-ука бўладилар.

4. Эмиқдош аммалар. Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг эрининг опа-сингиллари унга эмиқдош аммаларга айланадилар ва боланинг уларга уйланиши ҳаром бўлади.

5. Эмиқдош холалар. Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг опа-сингиллари мазкур болага эмиқдош холаларга айланадилар ва унинг уларга уйланиши ҳаром бўлади.

6. Эмиқдош ака-укаларнинг қизлари. Бола ўз онасини эмган бегона болалар билан, ўзини эмизган бегона аёлнинг болалари билан ва ўзи билан бирга бошқа бегона аёлни эмишган болалар билан эмиқдош ака-укага айланадилар. Ана ўша эмиқдош ака-укаларга бир-бирларининг қизларига уйланиш ҳаром бўлади.

7. Эмиқдош опа-сингилларнинг қизлари. Эмиқдош опа-сингиллар ким эканлигини аввалда айтиб ўтдик. Уларнинг қизларига уйланиш ҳаромдир.

8. Эмиқдош қайноналар. Бунда хотинининг эмизган онаси ва момоси кўзда тутилган. Яъни, аёл эркак билан аҳди никоҳ қилгач, худди наасаб жиҳатидан унга она ва момо бўлган аёллар унинг эрига ҳаром бўлганидек, аёлнинг эмиқдошлик она ва момоларининг никоҳи ҳам эрга ҳаром бўлади.

9. Эмиқдошлик бўйича ўгай она ва момолари. Бошқача қилиб айтганда, эр кишига уни эмизган аёлнинг эрининг бошқа хотинлари ва уларнинг оналари ҳам ҳаром бўлади.

10. Эмиқдош фарзандларнинг хотинлари. Аёл бир болани эмизган бўлса, ўша аёлнинг эрига боланинг хотини ҳаром бўлади. Чунки, бу ҳолда эмиқдошлик ўғилнинг хотини, у эркакка эмиқдош келин бўлади. Насабий келинга уйланиш абадий ҳаром бўлганидек, эмиқдош келинга уйланиш ҳам абадий ҳаромдир.

11. Хотинининг эмизган қизи. Бир киши хотин олди. У аёл бошқа эрнинг никоҳидалигида бир қизни эмизган эди. Ўша қиз янги эрга эмиқдошлик бўйича ўгай қиз бўлади. Агар эркак ўша аёл билан эр-хотин бўлиб, қовушиб яшаган бўлса, қиз унга абадий ҳаром бўлади. Агар аёлга никоҳ аҳди қилиб, бирга яшамай, ажрашса, унинг эмизган қизига уйланса бўлади. Зотан, наасаб масаласи ҳам шунга ўхшаш.

Гўдак фарзанднинг суюги ва эти она сути билан шаклланади. Бу, инсоннинг бутун вужудида унинг эмган сутининг доимий таъсири бўлади, деганидир. Чунки, суяк ва эт инсонда умр бўйи қоладиган ва ҳар лаҳзада вужудга ўз таъсирини ўтказиб турадиган нарсалардир. Ана шундай таъсирга эга бўлган бир хил сутдан эмиб, катта бўлган кишиларнинг никоҳ алоқасида бўлишлари ўта зарарли бўлади. Уларнинг соғлиқларига ҳам, улардан пайдо бўладиган зурриётга ҳам катта мусибат етиши мумкин. Бунинг устига, аёл киши гўдакни эмизганида унга фақат сутинигина ўтказмайди, балки меҳр-муҳаббатини, ўзидаги ҳистойгуларини, руҳий-маънавий ҳолатларини ҳам ўтказади. Ана ўшандай нарсаларда шерик бўлган кишиларнинг никоҳ алоқасида бўлишлари яхши эмас.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

Кудачилик асосида никоҳи абадий ҳаром бўлган аёллар:

1. Ўгай оналар.
2. Фарзандларнинг хотинлари.
3. Қайноналар.
4. Ўгай қизлар. Яъни, хотиннинг бошқа эридан бўлган қизи хам эрга ҳаром бўлади. Бунга ўгай қиз набиралар ҳам киради. Бир киши бир аёлга никоҳ аҳди қилса-ю бирга эр хотин бўлиб яшамай, қовушмай ажрашган бўлса, у аёлнинг бошқа эридан бўлган қизига уйланса, бўлади. Аммо, аҳди никоҳдан кейин эр-хотин бўлиб яшаган, қовушган бўлса, унинг бошқа эридан бўлган қизига уйланиб бўлмайди. Чунки, онасини хотин қилганидан кейин, у аёлнинг қизи ҳам эркакка худди ўз қизидек бўлиб қолади. Агар онаси билан никоҳда бўлганидан кейин у билан ажрашиб, қизини олиш мумкин бўлса, она билан қизнинг орасидаги алоқаларга футур етади. Она ўзининг иккинчи эрини бошқа эридан бўлган қизидан рашқ қиласдиган бўлиб қолади.

Уламоларимиз шу маънодаги масалада бир қоида ишлаб чиққанлар. У қоидада: “Қизларга аҳди никоҳ қилиш оналарни ҳаром қиласди. Оналар билан қовушиш қизларни ҳаром қиласди”, дейилади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: “Бир одам аёл киши билан фосид никоҳ орқали ёки зино йўли билан қовушган бўлса ҳам, ўша аёлнинг қизи у эркакка ҳаром бўлади”, деганлар.

Шунингдек, қудачилик алоқалари туфайли баъзи аёлларнинг никоҳи абадий ҳаром қилиниши ҳам Ислом шариатининг бошқа хукмлари каби улкан ҳикматларга асослангандир.

Никоҳи вақтинчалик ҳаром қилинган аёллар:

Бу ҳолда эр киши учун баъзи бир аёлга уйланиш маълум бир сабабга биноан, вақтинчалик ҳаром бўлади. Агар ўша сабаб йўқ бўлса, у аёлга уйланса, бўлаверади. Никоҳи вақтинчалик ҳаром бўлган аёллар қуидагилар:

1. Ўзи уч талоқ қилинган аёл. Эр киши ўз аёлини бир талоқ ёки икки талоқ қилса, қайтадан ярашиши мумкин. Аммо уч талоқ қилгандан кейин ўша эр учун у аёл вақтинчалик ҳаромга

айланади. Куръони Каримнинг хукмига биноан, у аёл бошқа эрга тегиб, бу эри билан табиий ҳолатда ўлим ёки талоқ туфайли ажрашгандан кейингина биринчи эрга никоҳи ҳалол бўлади. Бунинг учун, албатта, у аёл иккинчи эр билан эр хотин бўлиб яшаши шарт. Иккинчи эр жинсий алоқага қодир эмас киши бўлса, аёл қайтадан биринчи эрга ҳалол бўлмайди. Никоҳ тўғри никоҳ бўлиши ҳам шарт қилинган.

2. Эри бор аёл. Эри бор аёл ҳам, модомики, эри билан никоҳ алоқаси бор экан, бошқа эркак учун никоҳи ҳаром бўлади. Бинобарин, эри бор аёлга никоҳ маъносида, ҳатто, кўз тикиш ҳам жоиз эмас. У бирорвнинг ҳаққи ҳисобланади. Бу иш бирорвнинг ҳақига нисбатан тажовуздир. “Инсон ҳукуқлари” шиори остида турли адабиётларда, маза-матрасиз телесериалларда тарғиб қилинаётган “эркин муҳаббат” ғояси, бирорвнинг жуфти ҳалолига шахват билан, хирс билан ёки ўзларининг таъбири билан айтганда “муҳаббат” билан қарашлар, дўстининг хотинига севги изхор қилишлар Ислом хукмларига кўра мутлақо жоиз эмас. Агар ушбу хукм бўлмаса, оиласарнинг тинчи қолмайди, наслаблар аралашиб кетади.

3. Иддада ўтирган аёл. Эридан талоқ ёки вафот туфайли ажрашиб, иддада ўтирган аёлга уйланиш ҳам ҳаром. Совчи қўйиш бобида ундан аёлга ҳатто совчи қўйиш ҳам ҳаром эканлиги ҳақида гапириб ўтган эдик. Бу ҳолда аввалги эрнинг хурматидан ўтирилаётган идда чиққунча кутиб туриш керак бўлади. Идда ўтирган аёлга уйланувчи одам, аввало, ўша хурматни оёқости қилган бўлади. Қолаверса, бу пайтда аёл аввалги эридан ҳомила бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун ҳам иддада ўтирган бўлади. Бинобарин, иддадаги аёлга уйланган одам наслу наслабнинг бузилишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

З-БОБ. ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Оила ҳуқуқи тушунчаси. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам ва тез ривожланади. Жамиятимиз асоси-оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Оила ҳуқуқининг предмети оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатлар ҳисобланади. Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулот тури, касб ва туарар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Мулкий муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик,

болаларни оиласи тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йифиндисидан иборат.

Оила ҳуқуқининг тамойиллари (принциплари). Оила ҳуқуқи моҳиятини очиб беришда нафақат унинг тушунчаси, предметининг ўзига хос хусусияти ва шу билан бирга, унинг энг муҳим тамойилларини ҳам инобатга олиш лозим, чунки унинг тамойиллари бу ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради.

Оила ҳуқуқи тамойиллари деганда, ушбу ҳуқуқ соҳасининг моҳиятини аниқлаб берадиган ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамланганлиги сабабли умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган асосий негиз, раҳбарий қоидалар тушунилади.

Оила ҳуқуқи тамойилларини ҳисобга олмасдан унинг нормаларини тўғри шарҳлаб ва қўллаб бўлмайди. Оила ҳукуки тамойиллари нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун, балки шу билан бирга амалдаги оила қонунчилигининг моҳиятини англаш ҳамда унинг кейинги такомиллаштирилиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1) Оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуки. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”³⁷ – дейилган.

a) **Оила давлат ҳимоясида.** Оила давлат ҳимоясида дейилганда аввало вужудга келган оиласи сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилган давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар тушунилади.

Давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги, авваломбор ҳукумат юритаётган кучли ижтимоий сиёsatда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигига амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда. 1992 йил 8 декабрь.

ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборат.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикаимиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топмоқда. Жаҳоннинг бир гурӯҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққосланганда, бирор бир мамлакат раҳбари элни, оиласарни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг Юортбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилмаганлиги маълум бўлди.

б) Оила жамият муҳофазасида. Оила жамият томонидан муҳофаза қилинади дейилганда, мамлакатда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг оиласи ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришлари тушунилади. Бу қоида мустақил Республикаининг Конституциясида белгиланган янги қоидадир.

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиб келмоқда.

Мамлакатдаги жамоат ташкилотлар таркибига касаба уюшмалари, жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар ва бошқалар киради.

Нима учун мамлакатимизда оиласи жамият томонидан бу қадар катта эътибор берилмоқда? Чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, узвий қисми бўлиб, унинг бош бўғинини ташкил этади. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Оила айни вактда жамиятнинг, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади.

2) Барча фуқароларнинг-жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги.

Оила ҳуқуқида барча фуқароларнинг миллати, ирқидан қатъий назар тенг эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида:

“... барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”³⁸ – дейилган. Бу ҳалқлар дўстлигидан келиб чиқадиган ўзгармас қоида бўлиб оила ҳуқукида ўз ифодасини топиб одамларни ҳар хил миллатга тегишли эканлиги ёки ирқига мансублиги оиласи муносабатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англатади.

Никоҳ тузиш учун фуқароларнинг ҳар хил миллатга мансублиги, динга эътиқод этишлиги тўсиқ бўлолмайди.

Болаларни фарзандликка олишда фарзандликка олувчи-ларнинг болалардан бошқа миллатга тегишли эканлиги ҳам монелик қилолмайди. Ҳаётимизда никоҳ, фарзандликка олиш туфайли фуқароларнинг бир оиласи бирлашганлигини кўплаб уратиш мумкин.

3) Ҳамма оиласи муносабатларда аёл билан эркак тенг ҳуқуқлидирлар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”³⁹. Бу тамойил конституцион қоидага айланди. Жамиятда аёл билан эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимизда эришилган жинсидан қатъи назар фуқароларни сиёсий тенглигига асосланади.

Бу тамойил Оила кодексида: “Оила муносабатларни тартибга солиши эркак ва аёлнинг ихтиёрий равищда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оиласи масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оиласи болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади”⁴⁰-дейилган.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-модда. 1992 йил 8 декабрь.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-модда. 1992 йил 8 декабрь.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 2-модда. 1998 йил 30 апрель.

4) Оилавий муносабатларда иштирок этувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига ғамхўрлик қилиши.

Бу тамойил оилавий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг моддий хисоб-китоблардан ҳоли бўлган бир-бирига муҳаббат, хурмат каби ҳиссиётларга асосланади.

Эр ва хотин, ота-она ва болалар, бобо-буви ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар, фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганлар ва ҳоказолар ўртасидаги муносабатлар аввало, никоҳ, қон-қариндошлиқ ёки оилавий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатлардир.

Оилавий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига муносабати умум ахлоқий тамойилга ва маънавий меъёрлар билан тартибга солинади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни мұваффақият билан қураётган жамият аязоларига хосдир.

Оила аязолари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мана шу тамойилларга таянади ва уларга тўла мос келади. Баъзи ҳолларда қонун оила аязоларининг ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Оила кодексига биноан “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт”⁴¹.

5) Давлат томонидан оналик, оталик ва болаликни муҳофаза этиш ва уларнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 65-моддаси 2-қисми⁴² ва Оила кодексининг 4-моддаси 1-қисми⁴³га биноан оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Инсоннинг дунёга келиши жуда катта баҳтдир. У муомала лаёқатига тўлиб мустақил равишда ўз хоҳиши билан никоҳ

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 109-модда. 1998 йил 30 апрель.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддаси 2-қисми. 1998 йил 8 декабрь.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 4-моддаси 1-қисми. 1998 йил 30 апрель.

муносабатига кириб, оиласида болалар туғилса, унга берилган энг улуг ном, унвон бу оналик, оталиқдир.

Оналик. Демократик хуқукий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оналикни ҳимоя этишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки, аёлнинг асосий вазифаси инсоният занжирини бардавом эттириш ҳисобланиб, оналик ҳам жамият ҳаётидаги муҳим бир иш бўлиб қолади. Оналикни бошқа ҳеч бир вазифа билан алмаштириш мумкин эмас. Аёл киши учун дунёда оналик баҳтидан буюкроқ баҳт йўқ. Она бўлиш, фарзанд кўриш, алла айтиш аёл учун баҳтдир.

Оталик. Оила хуқуқининг тамойили бўлган “Оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши” жумласи ёнига амалдаги Оила кодексига “Оталик” деган сўз ҳам қўшилди. Бу мустақиллик шарофати туфайли бўлди. Чунки, тўлиқ маънода “Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши” билан белгиланади.

Хотиннинг ҳомиладорлик даври бўлажак ота учун ҳам жиддий синовдир. Бу даврда эр бўлажак она ва бола тўғрисида ғамхўрлик қилиши, хотиннинг эсон-омон қутулиб олишга тайёрланиб бориши учун яхши шарт-шароит яратиб беришда қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Унга тегишлича руҳий-иқтисодий муҳитнинг яратилиши ҳомиладорликнинг соғлом кечишини таъминлайди.

Болалик. Бола ота-онанинг қувончи, фахри, баҳти, эр-хотинни бир-бирига пайванд қиладиган ҳам фарзанддир. Болага меҳр-муҳабbat туйғуси оналарда жуда кучли бўлади. Она ўз боласини туғилмасидан анча аввал севишга ва унга жонини ҳам беришга қодир зот. Бола туғилгунга қадар онаси ҳисобига озиқланади, ривожланади. “Она ўз жонидан жон, ўз танидан тан адо этади”, деб бежиз айтишмаган.

Аҳолисининг ярмидан кўпроғини 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар ташкил этадиган республикамиизда болалар хуқуқларини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

6) Болаларни мустақиллик ва миллий мафкура ғояси асосида тарбиялаш.

Мустақиллик ва миллий мафкура ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала бўлиб, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз мақсадларига эришиш учун маънавий-рухий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.

Чунки, мафкура-жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Болалар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кунини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилишлари лозим.

Оила-мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш-миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади⁴⁴.

Оиланинг ҳуқуқий тизими. Ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи оила ҳуқуқи қоидалари бетартиб жойлаштирилмасдан, маълум тизимга келтирилган.

Оила ҳуқуқи-бу оила ҳуқуқи тузилиши, унинг муайян кетмакетликдаги алоҳида институтлари ва меъёрлари таркибидир. Оила ҳуқуқи тизими объектив равишда тузилиб, оила ҳуқуқи предметига кирадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослигини акс эттиради, ҳамда ўзаро боғланган оилавий-ҳуқуқий институтларнинг бирлиги ва фарқланиши орқали намоён бўлади.

⁴⁴ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000, -66 б.

Хукукий институт деганда, турдош ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар гурухларининг комплекс тартибга солинишини таъминловчи алоҳидалашган хукукий меъёрлар йигиндиси тушунилади. Ҳукукий институтларга мазмун жиҳатдан турдошлилик, тартибга солиниши бўйича комплекслилик, шунингдек, хукукий алоҳидалилик хосдир⁴⁵.

Оила ҳукуки тизими ўз ичига умумий ва маҳсус қисмларни олади.

Умумий қисм, оила ҳукуқининг маҳсус қисмидаги барча институтлар учун аҳамиятга эга бўлган меъёрлардан иборат, жумладан оила ҳукуқининг асосий қоидалари ва вазифалари, оила ҳукуки томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва ушбу муносабатлар субъектлари ва объектлари, оила ҳукуки манбалари, оиласи муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланилиши, шунингдек оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшашлик бўйича қўлланилиши, оиласи муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилишидир.

Умумий қисмга оиласи ҳукуқларни амалга ошириш ва оиласи мажбуриятларни бажариш шартларини, оиласи ҳукуқларни ҳимоя қилиш тартиби ва муддатларини ўрнатувчи меъёрлар киради.

Маҳсус қисм бир неча институтлардан ташкил топган бўлиб, бу институтларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Улар қўйидагилардан иборат:

Оила ҳукуки ҳукуқ соҳаларининг шундай гуруҳида жойлашганки, у ҳукуқнинг тартибга солувчи тизимости гурухларидан бири ҳисобланади. Бу гурухнинг барча соҳаларига муайян муносабатларнинг ижодий ташкил этилиши учун қўлланилиш хосдир. Ушбу хусусияти билан улар ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи ва шу сабабли ман этиш орқали тартибга солувчи жиноят ҳукуқидан

⁴⁵ Алексеев С.С. Проблемы теории права. Курс лекций. Свердловск, 1972, Т 1., стр.139-140.

фарқ қилади. Шу билан бирга, тартибга солувчи соҳалар орасида оила ҳуқуқи рухсат бериш орқали тартибга солувчи соҳалар гурухига мансуб (фуқаролик, меҳнат ҳуқуқлари каби). Бу гурухнинг барча соҳалари сингари, оила ҳуқуқи мажбурлаш орқали тартибга солинадиган (масалан, маъмурий, молия ҳуқуқлари) соҳалардан фарқланади, чунки бу соҳалар асосан бир субъектнинг иккинчисига бўйсуниши ва бошқарув органлари далолатномалар асосида шаклланади. Рухсат бериш орқали тартибга солувчи ҳуқуқ соҳалари гуруҳида эса оила ҳуқуқи ўз предмети ва методи бўйича фуқаролик ҳуқуқига яқиндир.

Оиласи муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Шу сабабли оила ҳуқуқи у ёки бу даражада деярли барча ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро боғлиқ. Бироқ бу боғлиқликнинг даража ва шакллари турлича намоён бўлади.

Конституцион ва оила ҳуқуқи ўртасида ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос шакли мавжуддир. Конституцион ҳуқуқ жамиятда оиласи муносабатлар қурилишининг бош ва асосий қоидаларини ўз ичига олади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 46, 63, 66-моддалар). Оила ҳуқуқида ушбу қоидалар қайта ишланади, кенгайтирилади, ривожлантирилади, аниқлаштирилади.

Маъмурий ҳуқуқ билан оила ҳуқуқи юридик далиллар соҳасида қалин алоқадорликда, чунки оиласи-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши ва тугатилиши асослари сифатида кўп ҳолларда бошқарув органлари актлари хизмат қилади (фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бошқалар). Фуқаролик жараёни ва оила ҳуқуқи меъёрлари низоларни ҳал қилиш, оиласи ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланилади. Жиноят ҳуқуқи оиласи муносабатларни муҳофаза қилишда татбиқ этилади. Шу сабабли, оила ҳуқуқида жиноят ҳуқуқига ҳавола қилишлар мавжуд бўлиб, улар никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни яширганлик учун фарзандликка олиш сири ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

Оила ва фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нисбати юқори даражададир. Конунда тўғридан-тўғри

Ёшларни оиласиий ҳаётга тайёrlаши масалалари

кўрсатилган ҳолларда ўзаро боғлиқлик бир соҳа нормаларини иккинчи соҳа муносабатларида қўлланилишида ифодаланади.

Оила ҳукуки ва ҳукуқнинг бошқа соҳалари меъёрларининг ўзаро боғлиқлиги уларнинг бирлашиб кетишига олиб келмайди. Лекин бу ҳолат оила қонунчилигига фақат оила ҳукуки нормалари эмас, балки у билан боғлиқ бўлган ҳукуқ соҳалари нормаларининг мавжуд бўлиши орқали ҳам ифодаланади. Айниқса, бунда фуқаролик, маъмурий, фуқаролик жараёни ҳукуки нормаларининг кўплиги кўзга ташланади. Бу нормалар оиласиий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, санаб ўтилган ҳукукий соҳаларининг оиласиий муносабатларни тартибига солишдаги хусусиятларини акс эттиради.

Президент асарлари, унинг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъерий ҳужжатлари Оила ҳукукининг методологик манбалари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида оиласиий-ҳукукий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом, Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарор, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оила ҳукуки масалаларига қаратилган дастурий кўргазмалари билан тартибига солинади.

Оила ҳукукининг асосий манбай Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Мустақил Республика Конституциясининг қабул қилиниши никоҳ ва оила қонунига ҳам аниқлик киритди. Бундан сўнг никоҳ ва оила кодекси дейилмай, «Оила кодекси», деб аталмоқда. Чунки Конституциянинг III бўлим, XIV боби «Оила» деб номланиб, 63-66-моддалар оиласиий-ҳукукий муносабатларни тартибига солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддасида эса

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш масалалари

«Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар»⁴⁶, - деган оила ҳуқуки тамойилини асосий қонунга киритди.

Юқорида таъкидланганидек, асосий қонунда оилага маҳсус боб ажратилган. Бу бобнинг «Жамият ва шахс» бўлимида берилиши ҳам айни муддао, чунки оила жамиятнинг бир бўлاغи, унинг асосий бўғинидир.

Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»⁴⁷.

Эр-хотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ётса, отана ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қон-қариндошлиқ ётади. Чунки, бола ота қонидан пайдо бўлади, она қорнидан туғилади. Оилани мустаҳкамлаш кўп жаҳатдан унда отанинг обрўйини, аҳамиятини ошириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки, ҳаётий тажрибадан маълум бўлишича, оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган. Ота оила бошлиғи, ўз фарзандининг униб-ўсиши, вояга етиши учун биринчи масъул шахс.

«Ота рози-Худо рози» деган ҳикмат эса бағри кенг ҳалқимиз ҳаётида отанинг мавқеи қанчалик юксак эканлигини акс эттиради. Фарзанд тарбияси учун раҳмат ҳам, лаънат ҳам, аввало, отага йўналтирилади. Баркамол оилага ҳамиша иродали, иймонли ота бош бўлган.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари Конституцияда ўз ифодасини топган. Улар жумласига оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши, оилада эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, никоҳнинг ихтиёрий ва тенг бўлиши, ота-оналар ва болаларни асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидир.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.

Оила ҳуқуқининг асосий манбаи бутун кенг қамровли оила қонунчилигининг ўзаги Ўзбекистон Республикасининг Оила

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-модда. 1992 йил 8 декабрь

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда. 1992 йил 8 декабрь

кодексидир. У 1998 йил 30 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилиниб, ўша йили 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди.

Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат.

Амалдаги Оила кодекси лойиҳаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Уни тайёрлаш тўғрисида 1996 йил Тошкентда бўлиб ўтган «Фуқароларни ҳуқуқий химоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишлиган Республика юристлари конференциясида ҳам айтиб ўтилганди. Ўз навбатида оила тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш бир қанча йўналишларда олиб борилди.

Биринчидан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари унга ҳуқуқий асос қилиб олинди. Чунки, хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий ҳужайраси ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оталик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ва моддий таъминотида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63, 66-моддаларида, шунингдек, маҳсус қонунларда, меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, амалдаги оила қонунларини такомиллаштиришда узоқ йиллар давомида синовдан ўтган, ўзининг ижобий натижаларини берган қоидалар сақлаб қолинди.

Учинчидан, алоҳида эътиборни шарқда вужудга келган ва ривожланган демократия ҳуқуқини, шариат ва одоб-ахлоқ қоидаларини тиклаш истиқболларини ва унинг тамойилларини янги Оила кодексига киритишга ҳаракат қилинди.

Тўртинчидан, оиласи муносабатлар мустаҳкам бўлган, болалар тарбияси яхши йўлга қўйилган айрим хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини яхши ўрганиб, мамлакатимизнинг янги қонунларига олиб кириш масаласи ҳам ўрганилди.

Бешинчидан, илгари мамлакатда амалда бўлган “Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси” (1969 йил 6 июнь), “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари” (1968 йил 27 июнь) асосида ёзилганди. Уларда республика аҳолисининг, айниқса, ўзбек халқининг ўзига хос миллий ва маҳаллий хусусиятлари деярли инобатга олинмаган.

Умуман олганда, илгари амалда бўлган Кодекс мамлакатимизда вужудга келтирилаётган бозор иқтисодиёти муносабатларини чукурлаштириш, хусусий мулкчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва хукукий туб ўзгаришларга жавоб бераолмай қолди. Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Фуқаролик, Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган қоидаларга зид келиб қолди. Шунинг учун қонунчилиқда бир бутун яхлитликни сақлаш мақсадида янги Оила кодексини тайёрлаш ва уни қабул қилиш зурурияти пайдо бўлди.

Олтинчидан, оилавий хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари Оила кодексида берилиши лозим. Чунки моддий хукуқда белгиланган қоидалар процессуал ҳукукий тартиб асосида амалга оширилади.

Умуман, Оила кодекси мамлакатимизда бунёд этилаётган чинакам хукукий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи лозим.

Оила кодекси яна қўйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:

- халқаро хукукий қоидаларга асосланиб, тегишли миллий қонулар ёрдамида оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш;
- умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этиш;
- мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб даврида оиласа бўлган эътиборни кучайтириш;
- хонадоннинг серфайзлиги, оила ҳаётининг равнақи, маънавиятининг юксалиши, турмушининг фаровонлиги асосан

аёлларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам аёлларнинг оиласидаги мавқеига, хукукий ҳолатига алоҳида эътибор бериш керак. Бунда ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусиятини, миллатимизнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш лозим;

- соғлом авлодни вужудга келтиришда миллий қадриятларимизга, халқимизнинг азалий анъаналарига, шарқона ахлоқий-маънавий ақидаларга амал қилган ҳолда иш юритиш жоиздир;
- бўлажак оналарни тарбиялашда миллий мафкура, урф-одат ва анъаналарни кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ;
- соғлом авлод ҳақида бола туғилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш лозим;
- оила қонунларида белгиланган никоҳга ўтиш тартиби ва шартларини, оиласда эр-хотин, ота-оналар билан болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болани тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган хукукий муносабатларни тартибга солишга эътиборни қаратиши;
- оила тўғрисидаги қонун ёш оиласарнинг бузилаётганлиги, тирик етимлар кўпаяётгани, айрим қиз-жувонларимизнинг ўз жонига қасд қилаётгани, нопок йўлга кираётгани сингари салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилмоғи лозим эди.

Янги кодексни тайёрлаш, унга айрим хукукий нормаларни киритишида қўйидаги назарий қоидаларга асосланилди:

- оила хукуқига хос демократик асосларга тобора қатъий амал қилиш;
- аёллар ва эркакларнинг оиласидаги тенг хукуқлилигини таъминлаш;
- оиласи ҳукукий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг шахсий ва мулкий хукуқлари суд томонидан ҳимоя қилиниши доирасини янада кенгайтириш;
- оталик, оналик ва болалик хукуқларининг, оиласи ҳукуқнинг тартибга солинишини такомиллаштириш;
- оила аъзоларининг шахсий ва мулкий хукуқ ва мажбуриятларини янада тўла ва аниқ белгилаш;

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари

- оила ҳуқукий нормалари фақат катта ёшдаги шахсларгагина эмас, балки кичик ёшдаги оила аъзоларига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлаш;
- оила қонунларида миллий ва маънавий қадриятларга, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган энг яхши удум ва анъаналарга алоҳида эътибор бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Кодексга бажариладиган иш тартиб қоидаларини соддалаштириш бўйича ўзгаришлар киритилди.

Қонун қабул қилингани ҳамма масала ҳал бўлди, дегани эмас. Қонун қабул қилинишини биринчи қадам деб тушунмоқ керак. Иккинчи, яъни асосий ҳамда амалий қадам фуқароларнинг ўзларига боғлиқ. Ҳар қандай қонун эҳтиёжга айлангандагина тўлиқ амал қила бошлайди. Бунинг учун, табиийки, оила аъзолари уларни ўқиб, ўрганмоқлари ва амал қилмоқлари керак.

Оила ҳуқуқида ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати дейилганда нималарни тушунамиз. Ҳуқуқ лаёқати дейилганда, «Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлишлари тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди»⁴⁸.

Муомала лаёқати-фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлиши, уларни ўзгартириш ва бекор қилиши мумкин бўлган лаёқатидир.

Оила қонуни ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатининг очиқ таърифини бермайди. Бу тушунчаларни таҳлил қилиш натижасида фуқаролик кодексида мавжуд бўлган ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тушунчаларидан фойдаланиш мумкин. Фуқаролик муомала лаёқатининг ўзгариши оила муносабатларига бевосита таъсир этиши мумкин. Фуқаролик муомала лаёқатини чеклаш ёки ундан маҳрум этиш оила муомала лаёқатини ҳам чеклаш ёки маҳрум этишга олиб келиши мумкин. Кўрсатилган ҳуқукий кўриниш фуқаролик ва оила ҳуқуқидаги боғлиқлиги

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 17-моддаси. 1995 йил 21 декбрь.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

шундай чамбарчаски, уларни фуқаролик ва оила ҳуқуқидаги ҳуқук лаёқати ва муомала лаёқати бир хил тушунча деб аташ ҳам мумкин.

Оила ҳуқуқидаги тўла муомала лаёқати худди фуқаролик ҳуқуқига ўхшаб 18 ёшга тўлиш билан пайдо бўлади. Бундан шундай хulosса чиқариш мумкин, оила ҳуқуқида ҳам фуқаролик ҳуқуқига ўхшаб тўла муомала лаёқати бир вақтда вужудга келади. Бундай тоифаларни бевосита алоқадорлиги уларни бир-бирига узвий алоқадорлигига кўринади. Ёшни камайтириши туфайли вояга етмаганни никоҳ тузишлiği оила ҳуқуқида уни тўла беихтиёр равища тўла фуқаролик муомала лаёқатига эга эканлигини англатади.

Фуқаролик ҳуқуқида тўла муомала лаёқатига эга бўлишилик оила ҳуқуқида беихтиёр равища муомала лаёқатини вужудга келтирмайди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига биноан, «Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилиари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин»⁴⁹. Оила қонуни ушбу далолатнома унинг тўла оиласи мумкин мураси билан боғламайди. Бу эса оила муомала лаёқатининг фуқаролик ҳуқуқий муомала лаёқатидан фарқ қилишлигини англатмайди.

Фуқаролик ҳуқуқида руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатлари учун жавоб бераолмайдиган ёки уларни бошқараолмайдиган муомалага лаёқатсиз шахс беихтиёр равища оиласи мумкин мураси билан боғламайди.

Амалдаги оила қонунларида вояга етмаган болаларнинг розилигини олишни кенгайтириш ҳолатларида оиласи мумкин мураси билан боғламайдиган ёки бекор бўлиши (фарзандликка олиш, ота-оналар ҳуқуқларини тиклаш

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 28-модда. 1995 йил 21 декабрь.

ва бошқаларда)га жиддий аҳамият берилди. Бундай розиликни оилавий хуқуқий далолатнома деб тушунмоқ лозим. Ҳамма ҳолатларда болани розилиги түғрисида сўз кетса, уларнинг қисман муомала лаёқати борлиги түғрисида гап кетади.

Фуқаролик хуқуқ лаёқатини чеклаш оилавий хуқуқ лаёқатини ҳам чеклашга бевосита таъсир этади. Бундай шахслар васий, ҳомий, фарзандликка олувчи бўлаолмайдилар. Мантиқан улар никоҳ шартномасини ва алимент келишувини тузиш хуқуқига эга бўлмаслиги керак, чунки фуқаролик қонунлари уларга ўз мулкларини тасарруф этишга рухсат бермайди. Бироқ никоҳ шартномалари нафақат оила моддий ҳолатининг ёмонлашувига аксинча, уни мустаҳкамлашга қаратилиши мумкин. Чунки, оила қонунчилиги қисман муомалага лаёқатсизларга бундай чеклашни белгиламайди. Улар бундай шартномаларни тузишлари мумкин.

Фуқароларда оила хуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиш лаёқати туғилиш билан вужудга келса (масалан, ота-оналар ва болалар, ака-ука ёки опа-сингиллар ва бошқалар ўртасидаги алимент мажбуриятлари) айрим ҳолатларда эса фуқароларнинг маълум ёшга тўлишлари билан вужудга келади.

Масалан, никоҳ хуқуқ лаёқати. Шундай ҳолатларда хуқуқ лаёқати билан бир йўли муомала лаёқати ҳам вужудга келади.

Оила хуқуқида муомала лаёқати, яъни ўз ҳаракатлари билан оилавий хуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлишлиги маълум ёшга тўлиш билан вужудга келади. Қоида бўйича бундай ёш вояга етиш ёши ҳисобланади. Бироқ айрим хуқуқларга эга бўлиш эртароқ ҳам вужудга келишлиги мумкин. Масалан, оила қонунчилиги фарзандликка олинаётган бола ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилишлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида «Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога

vasiylik белгиланади»⁵⁰. Масалан, муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади. Муомалага лаёқатсиз шахс васий, ҳомий ва фарзандликка бола олаолмайди. Шахс муомалага лаёқатсиз деб топилганда оила доирасида унга тегишли бўлган шахсий ва мулкий ҳуқуклар васий ва ҳомийлар томонидан амалга оширилади.

Оила ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ва объектлари. Оиласи ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари фақат фуқаролар бўлади. Бу ҳолат оила ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқидан фарқини кўрсатади, чунки фуқаролик ҳуқуқининг субъекти фақатгина фуқароларгина эмас, шунингдек, юридик шахслар ва давлат унинг алоҳида субъекти бўлиши ҳам мумкин. Демак, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳатто улар оила кодекси билан тартибга солинса ҳам у оиласи ҳуқуқий муносабат бўлолмайди. Масалан, фуқаролар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари билан боғлиқ (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, ўлим ва бошқалар) ФХДЁ органлари ўртасида вужудга келадиган маъмурий ҳуқуқий муносабатлардир.

Болани тарбиялаш эса ҳаракат доирасига киради. У узоқ муддат давом этувчи жараён бўлиб ҳисобланади. Ҳаракат доирасига: эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бошқариши, ота-оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилган фаолиятни тушуниш мумкин.

Ашё ёки мулкнинг предмети (масалан, эр-хотинни умумий биргаликдаги мулки доирасига кирувчи ашёлар), ёки пул суммаси турида (масалан, алимент мажбуриятларида алимент тўловлари) ҳуқуқий муносабатни обьекти сифатида қатнашади.

Оиласи ҳуқуқий муносабатларда обьект сифатида болалар қатнашиши мумкин эмас. Ўзининг ташқи кўриниши бўйича бола обьект бўлиб кўринса ҳам аммо ҳамма ҳолатда у субъект бўлиб қатнашади. Чунки ҳуқуқий муносабат болалар тарбиясига қаратилади.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 30-моддаси. 1995 йил 21 декабрь.

Оилавий субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар. Хуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати – бу шахсларда оилавий субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишининг шарт-шароитидир. Оилавий-хуқуқий муносабатларда субъектив оилавий хуқуқ ва мажбуриятлар унинг мазмунини ташкил этади. Оилавий хуқуқий муносабатлар доирасида субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар ўзининг характери бўйича шахсий ва мулкийга бўлинади.

Мулкийлар доирасига алимент хукуклар ҳам киради. Шахсий хукуклар иқтисодий мазмундан мутлоқ ажратилгандир. Мулкий субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар аниқ шахсларнинг шахсияти билан бевосита боғланганлиги билан характерланади. Масалан, эр-хотин ўзаро бир-биридан алимент талаб этиш хукуқига эга. Улардан бирининг ўлими бундай хуқуқ ва мажбуриятни тугатади (фуқаролик хукуқида эса хуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсларга ўтишлиги мумкин, масалан ворисларга). Бундан иккинчи хулоса ҳам келиб чиқади, у ҳам бўлса оилавий хуқуқий муносабатлар доирасида субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсларга ўтказилмайди. Масалан, ўзини алимент олиш хукукини, болаларни тарбиялаш мажбуриятини бошқа шахсларга ўтказиш мумкин эмаслигидан бу хукукларни бошқа шахсларга ўтказиш уларни ўз вакилларига топшириш мумкинлиги фарқини билиш лозим.

Агар ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар болалар устидан бўладиган назоратни болаларни боқувчи хотинга топширсалар, у ҳолда бошқа шахсларга ота-оналик хукуқини ўтказилганлигини англатмайди. Бу ерда гап бу шахсларга нисбатан хуқуқни амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш мажбуриятини ўтганлигини англатади.

Айрим ҳолатларда оила хукуки нисбий хуқуқ бўлса ҳам абсолют хуқуқ тусиға эга бўлади. Масалан, Оила кодексига биноан, «Ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли»⁵¹.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 78-модда. 1998 йил 30 апрель.

Оиласи ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари. Оиласи ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган асослар юридик далиллардир. Ҳуқуқдаги юридик далилларга хос бўлган муҳим асосий хусусиятлар оила ҳуқуқидаги юридик далилларга ҳам тегишилдири. Ҳусусан, улар ўзларининг табиатлари бўйича ҳодисалар, ҳаракатлар ёки муддатлар сифатида қатнашадилар⁵².

Оила ҳуқуқидаги юридик далиллар ижтимоий муносабатларга таъсири бўйича умумий ҳуқуқ назариясидаги юридик далилларга мос келиб ҳуқуқни вужудга келтириш, ўзгартериш ва бекор қилишга бўлинади. Бироқ, оила ҳуқуқи учун ҳарактерли бўлган бир гурух юридик далиллар борки, улар орқали оила ҳуқуқидаги субъектлар йўқолган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тиклайдилар. Юридик далилларнинг бу гуруҳи мустакил категорияга ажратилиб, ҳуқуқни тиклаш юридик далиллари деб юритилади. Бу юридик далилларни ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, фарзандликка олишни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш, бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган шахсни ҳозир қилиш вақтида кўлланилади.

Оила ҳуқуқида ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳол сифатида кўпинча далилий таркиблар, яъни, юридик далилларни йиғиндиси қўлланилади. Шу билан бирга, далилий таркиб кўпинча аралаш ҳолда рўй бериб унга ҳодиса, шунингдек, ҳаракатга кириши мумкин. Масалан, боланинг туғилиши туфайли (ҳодиса) ота-оналик ҳуқуқий муносабатини вужудга келтирса, унинг туғилганлиги ФХДЁда рўйхат қилиш (ҳаракат) пайтида содир бўлади.

Оила ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи далилий йиғинди сифатида кўпинча уч, ҳатто ундан ортиқ далиллар

⁵² Юридик адабиётларда ҳодисалар ва ҳаракатлар қатори муддат кўпинча юридик фактларнинг мустакил тури сифатида кўрилади (Каралсин, О.А.Красавчиков, Юридические факты в советском гражданском праве, Госиздат, 1958, стр.169-170; В.П.Грибанов, Сроки в гражданском праве, Изд. «Знание», 1967, стр.8-9.

йигиндисидан иборат бўлади (масалан, никоҳни тузиш вақтида). Бу далиллардан бирортасининг бўлмаслиги далилий йигиндини вужудга келтириш кучини йўқотади.

Оила ҳуқуқидаги юридик далил ҳолат ҳисобланиб, у мавжуд ижтимоий алоқалардир. Уларга никоҳ, қон-қариндошлиқ, қайн-бўйинчилик ва қуда-андачилик, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оиласи тарбияга олиш (патронат) ва бошқалар киради. Аммо ҳолат ҳодиса ва ҳаракатлар қатори юридик далилларнинг маҳсус тури эмас, балки ҳолат ҳодисаси тури сифатида иштирок этади. Уларнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, улар давомли характерга эгадир.

Айрим ҳолатларда ҳуқуқ ва мажбуриятнинг вужудга келишининг тугатилиши билан белгиланади: масалан, никоҳ тугатилиши билан аввал никоҳда бўлган эр-хотинда моддий таъминот олиш ҳуқуқ ва мажбурияти вужудга келади, болаларни доимий тарбияга олишлики тугатиш билан доимий тарбияда бўлганларга ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбуриятини юклатиш мумкин.

Оила ҳуқуқида ҳолат бошқа юридик далиллардан фарқ қилиб, қисқа муддат (дарҳол) таъсир этмасдан, аксинча, давомлилиги билан характерланади. Масалан, қайд этилган никоҳда бўлишлик бошқа никоҳни тузишликка йўл қўймайди, никоҳда бўлиш тугилган болага эр-хотиннинг фамилиясини ёзиш учун асос бўлади, никоҳда бўлиш эр ва хотиндан моддий таъминот талаб қилиш учун асос бўлади ва бошқалар.

Никоҳ ва оила доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун ҳодиса ва ҳаракат қонун томонидан ўрнатилган тартибда албатта расмийлаштирилиши ёки бу ҳақда тегишли органларнинг қарори бўлиши лозим. Никоҳни ҳақиқий ҳисоблаш учун уни тузувчиларнинг ўзаро розилиги бўлиши, шунингдек, у ФХДЁ органларида қайд этилиши лозим. Фарзандликка олиш тўғрисидаги далолатномани фуқароликка олувчи ва фарзандликка олинувчи ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтириш учун туман ва шаҳар ҳокимининг қарори

бўлиши лозим ва бошқалар. Далолатномани қайд эттириш яна бошқа кўп ҳолатлар учун ҳам зарур.

Оиласи ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш.

Оиласи ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқда амалда бўлган умумий тамойиллар қонунчилик, миллий мафкура, ахлоқ нормалари, жамият турмуш қоидалари, ижтимоий ва давлат манбаатлари ва бошқаларга риоя қилиниши лозим. Бироқ оила ҳуқуқида ҳам субъектив ҳуқуқларни амалга оширишнинг ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд. Бу ҳусусиятлардан бири оиласи ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида оила манбаатларини назарда тутиш белгиланган. Масалан, оила кодексига биноан, «Суд вояга етмаган болалар манбаатларидан эр ёки хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манбаатини ҳисобга олиб, жумладан, agar эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манбаатларига зарап етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир»⁵³.

Қонунчилик аёлларни ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида уларнинг манбаатлари ҳимоя қилинишини қўриқлашни белгилайди. Айрим вақтларда қонун эрнинг айрим субъектив оила ҳуқуқларини амалга оширишини чеклаб қўйиши ҳам мумкин. Масалан, Оила кодексига биноан «Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас»⁵⁴.

Вояга етмаган болалар оила ҳуқуқининг алоҳида субъектларидир. Улар руҳий ҳолатлари бўйича ўзларининг манбаатларини ҳар тарафлама қўриқлай олмайдилар. Шунинг учун уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга алоҳида

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 28-моддаси 2-кисми. 1998 йил 30 апрель

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 39-моддаси. 1998 йил 30 апрель

эътибор берилади. Бу масала бўйича ҳар тарафлама умумий қоида Оила кодексида шундай дейилади: «Ота-оналик хуқуки болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас»⁵⁵. Бир қатор моддалар бу қоидани аниқ қоидалар билан тўлдиради. Шунингдек, оила кодексига биноан «Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-авторини турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик хуқуки тикланиши мумкин»⁵⁶-дейилади.

Субъектив оила хуқуки ҳаракат, шунингдек, ҳаракатсизлик натижасида амалга оширилиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин. Масалан, эр-хотин ўзларининг шахсий хуқуқларини амалга оширишларида (уй-жой, касб-машғулот ва бошқаларда) иккинчи томондан бу хуқуқни амалга оширишда ҳаракатдан сақланишини талаб этади.

Айрим оила хуқуқлари фақат ҳаракат натижасида амалга оширилади. Аввало, шундай хуқуқлар доирасига тарбиялаш хуқукини амалга оширишга қаратилган фаол ва доимий равишда олиб бориладиган бир қатор ҳаракатларни (болани мактабга юбориш, маълумотини текшириш, унга ёрдам бериш, дам олиш вақтини ташкил этиш, шу вақтда назорат қилиб туриш ва бошқалар) бажариши лозим.

Амалдаги оила қонунчилигига хуқуқини ҳимоя қиладиган ва қўриқлайдиган бир қатор тадбирлар белгиланган. Субъектив оиласи ҳуқуқий муносабатларни қўриқлашга қаратилган таъсиран чоралардан бири хуқуқни бузувчиларга нисбатан жамоат таъсирини кўрсатишдир. Оиласи ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган вояга етмаганларнинг, ҳомиладор аёлларнинг, болали оналарнинг хуқуқ ва манфаатларини қўриқлашда жамоат таъсири алоҳида ўрин тутади. Бундай воситаларга айбор шахс хуқуқини тиклаш ва ҳимоя этишга қаратилган материалларни

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 75-моддаси 1-қисми. 1998 йил 30 апрель

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 82-моддаси 1-қисми. 1998 йил 30 апрель

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга топшириш ва бошқалар киради.

Оиласи ҳуқуқий чора-тадбирлар бу қонунга қарши ҳаракатларга ва айбли хатти-ҳаракатларга нисбатан оила қонуни билан белгиланган тадбирлардир. Уларга ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналиқ ҳуқуқининг чекланиши, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ва қонун бўйича ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки уни бекор қилиш, ота-онани болалари билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, бобо, буви, акаука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат. Шунингдек, ушбу қонунда, масалан, аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда), кўп хотинли бўлиш (126-модда) жиной равища ҳомила тушириш (аборт), аёл ҳомиласини сунъий равища туширишга мажбурлаш (115-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда), болани алмаштириб қўйиш (124-модда), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан файриқонуний равища бош тортиш ёки ишдан бўшатиш (148-модда, 2-қисм).

Оила ҳуқуқлари ва манфаатлари меҳнат ва фуқаролик қонунлари билан қўриқланади. Масалан, Ўзбекистогн Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ «Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин»⁵⁷.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 31 – моддаси. 1995 йил 21 декабрь.

Кўплаб келинларимиз ўзларининг эрларидағи ҳақларини мутлақо билмаганидай, эрларининг ўзларидаги ҳақларини ҳам деярли билишмайди. Хотин эрининг ҳақларини билиб, уларни адо қилганидагина солиҳа, яхши, рисоладаги хотин бўлади. Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуидагилардир:

1. Хотин эрининг ҳаққини ўз ҳақидан ва ҳамма яқинларининг ҳақидан ҳам олдинга қўйиши керак. Чунки зиммасидаги эрининг ҳақи жуда каттадир.

2. Ҳайз ва нифос кунларидан бошқа барча ҳолда эри ундан ором ва лаззат олишни истаган пайтда тайёр бўлиши лозим. Эрига тўсқинлик қилиш, эрининг у билан қўшилиш истагини ҳар қандай вақтда қайтариши мумкин эмас. Агар эрининг рағбатига жавоб бермаса, гуноҳкор бўлади. Фаришталар уни лаънатлайди. Бу ҳақ эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақларидан биридир. Зеро, хотин эрининг унга тўшақдаги эҳтиёжини ўйлаши иккиси ҳам баҳтли бўлишининг асосий омилидир. Шунингдек, аёлнинг хотинлик масъулиятини билмаслиги, эрининг бу ҳақига эътибор қилмаслиги кулфат, жанжалга сабаб бўлади, кўп ҳолда ажралишга олиб боради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: «Агар хотин эрининг тўшагидан айрилиб ухласа, тонг отгунча уни фаришталар лаънатлайди» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

3. Хотин эридан рухсат олмай нафл рўза тутиши мумкин эмас. Чунки рўза баҳра олишга тўсиқдир. Аёл нафл рўза тутса, эри у билан кундуз куни қўшилолмайди. Қўшилиш эрининг ҳақидир.

4. Хотин эрининг уйидан унинг ижозатисиз бирор нарсани ўзининг яқинларига ҳам бериши керак эмас. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга савоб бўлади. Тўғри, фақат таомидан бузмай, садака қиласа бўлади.

5. Хотин эридан рухсат олмай уйдан чиқиши, уйдан бошқа жойларга ишлаш учун бориши мумкин эмас. Эри истамаса, аёллар билан аralашмаслиги керак.

6. Хотин Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Маишат қийинчилиги ё ҳол

ночорлиги учун ғазабланмаслиги ва оҳ-воҳ урмаслиги лозим. Балки хушнудлик ва қаноат кўрсатиб, эрининг ризқ топишдаги мешакқатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан кўрқиб, ундан ҳожатдан ортиғини талаб қилмаслиги даркор. Эрини ҳам қаноатга ундан, ҳаром йўллардан огоҳлантириши зарур. Момоларимиз эрларини кузатаётиб шундай дейишар эди: «Ҳаром касбдан сақланинг! Биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо дўзах оташига чидай олмаймиз».

7. Хотин авратини беркитиши, руҳсорини маҳрамларидан бошқага очмаслиги билан ўзини сақлаши лозим. Аёлнинг яланғочланиши, кийимларини эридан ўзгага ечиши, калта ва шаффоф кийимлар кийиши ҳаромдир. Бунда катта бузуқлик содир бўлади.

8. Хотин эрининг дўстига нотанишдек бўлиши лозим. Эри уйида бўлмаганида унинг дўсти эшик қоқса, ўзи ва эрига рашк қилиб, у билан сўзлашмасин. Зеро, киши дўстининг хотини билан танишар экан, бу ҳол рашк ва фитнага сабаб бўлади.

9. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар ўзи бой бўлса, эри олдида моли билан ғурурланмаслиги керак. Балки эр томонини назарга олиши, уни хурмат қилиши ва қадрлаши лозим.

10. Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларга хурмат кўрсатиши, фарзандларни уришиб лаънатлашдан, эрига юзсизлик билан мурожаат қилишдан тилини тийиши, унинг хизматлари ва марҳаматларини инкор этмаслиги керак. Бу жуда муҳим, оз аёлларгина риоя этадиган ҳислатдир. Зеро, аёллар болаларни лаънатлаш, эридан озгина ёмонлик содир бўлгани учун унинг ҳамма яхшиликларини инкор этиш билан машҳурдирлар.

Кўпчилик ота-оналар қизларини рўзғор юмушларига ўргатишадиу аммо уларни илмли қилиш, динини танитишини унутиб қўйишиади. Илмдан, диндан бехабар қизлар диёнатли хонадонга келин бўлиб тушса, кўпда муроса қила олмай қолишиади. Закий куёвларимиз завжаларини тезда исломий билимлар, дин асослари билан таништириб олишса, нур устига аъло нур бўлур.

Аммо бу борада кўникма ва малакага эга бўлмаган кўпчилик қизлар лоқайдлик ва танбаллик ортидан эрлари кўнглига йўл тополмай, унинг муҳаббатини қозона олмай қолишади. Чунки ҳар бир диёнатли, иймон-эътиқодли эр туғилажак фарзандининг солих, диндор, яхши ахлоқли этиб тарбияланиши кўп жиҳатдан солиҳа, художўй онага боғлиқлигини яхши тушунади. Илм, тақво, иймон-эътиқод бобида пешқадам бўлган келинлар эса ҳамиша ардоқда, суюмли, талаш бўлишган.

Мухтарама келинлар, оиласат фароғат қасри бўлсин, эр-хотин саодатли, аҳил яшайлик, баҳтимизга ҳеч нарса раҳна солмасин, десангиз, ана шу тавсиялар асосида ўзингизни турмуш синовларига тайёрланг, рўзгор юмушларини, аёлларга хос ҳунарларни ўрганинг, ҳамиша илмга интилинг. Ўз ҳузур-ҳаловатингизни деб турмушга юзаки қараманг, уни ҳазил санаманг. Рўзғорнинг бор-йўғига, унинг синов ва мاشаққатларига чидашни ҳам ўрганинг. Баҳт ва фароғат чўғлари устига кул тортмай, ҳаётим осойишта ўтсин, десангиз, юқоридаги ана шу панду насиҳатларни қулоққа олиб, бугунданоқ бажаришга киришинг. Эҳтимол, бу билан сиздан кўнгли совиб, бошини қаёққа уришни билмай юрган эрингиз учун баҳт-икబол эшикларини яна очиб бераётган бўларсиз?! Эҳтимол, бу билан келиндан ёлчимадим, дея хафсаласи пир бўлаётган қайнонангизнинг қалбида умид шулъаларини учқунлантириб юборарсиз?! Аллоҳ таоло келин-қуёв – икковингизнинг юлдузингизни бир-бирингизга иссиқ кўрсатсан, қалбингизга меҳр-муҳаббат, ишонч, оқибат уруғларини сепиб, ризқлантирсан!

4-БОБ. ҚИЗИМИЗ ТУРМУШГА ЧИҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Оила – муқаддас тушунча. Ёзилган ва амалдаги қонун-қоидалар билан бир қаторда оиланинг ўзига хос ёзилмаган қонунлари, инкор этиб бўлмайдиган тартиблари мавжуд. Оила талабларини писанд қилмайдиганлар ёки уларга бепарво муносабатда бўладиганлар, охир-оқибат, фақат ўзларига жабр қиласидилар. Зеро, фақат оилага ҳурмат-эътиқод, унинг синовларига сабру бардош билан чидаш орқали инсон баҳту-саодатга эришмоғи, эл-юрт олдида обрў-ҳурматини оширмоғи мумкин. Балки шу боисдан ёши улуғларимиз оилани “қаноат кўргони” деб ҳам аташади.

Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Райҳон Беруний (973–1048)нинг оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашлари ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Беруний ўз қарашларида айниқса, хотин-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. У ўзининг “Минералогия” асарида оила қураётган қизларга ота-онанинг насиҳатларини келтириб, оиладаги тинчлик, тотувлик, оиланинг баҳтиёрлиги қўпроқ аёллар зиммасига тушишини таъкидлайди ва шундай ёзади: “Эй қизим! Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак күёвингнинг ҳамма ҳислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади.

Осмон шифобахш ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру шафқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга канизак бўлсанг, у сенга хизматчи бўлади.

Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларгина эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма. Абдуллах ибн Жафар исмли ота ўз қизини турмушга чиқараётib шундай дейди:

– Сен рашк қилишдан сақлангин, чунки бу ажralиб кетишнинг калитидир. Эрингта ҳадеб гина қилаверсанг нафратни уйғотади. Яхшиси, сен эринг билан хушмуомала бўлгин, бу ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир ва сувдан фойдалангин, бу хушбуй нарсаларнинг ичидаги энг биринчисидир”⁵⁸.

Беруний ўз қарашларида оила тинчи бевосита ақлли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканлигига алоҳида урғу беради.

Оиласавий муносабатлар масалаларига оид ўзининг диққатга сазовор қарашлари билан ажralиб турувчи мутафаккирлардан бири – Абу Али ибн Синодир (980–1037). Алломанинг, айниқса, бўлғуси оналар ҳаётда қандай бўлишлари кераклиги ҳақидаги қимматли фикрлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг “Тадбири манзил” асаридаги “Афсофий беҳтарин занҳо” бўлимида бўлғуси оналарнинг яхши хулқли бўлиши ҳақида сўз боради ва мазкур асарда бўлғуси оналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлишлари лозимлиги таъкидланади:

1. Билимли бўлсин.
2. У динга ишониши керак.
3. Уятчан, шарм-хаёли бўлсин.
4. Табиатан жасур бўлсин.
5. Бўлғуси эрини қаттиқ севсин.
6. Туғиши ва бола тарбияси ҳақида ўйласин.
7. Эзма бўлмасин.
8. Ўз эрига бўйсунсин.
9. Тўғри, камтар ва фаросатли бўлишсин.
10. У ҳеч қачон ўз шаънига доғ туширмасин.
11. Бўлғуси эри билан эҳтиёткор бўлиб, унинг ҳурматини жойига қуиб хушмуомала қилишга одатлансин.

⁵⁸ Абу Райхон Беруний. Минералогия. М-1963., -156.

12. У ўз вазифасини ва бурчини яхши билсин.
13. Оила хўжалигидаги нарсалардан тўғри, тежаб фойдаланишини билсин.
14. У ўз табиати ва яхши томонлари билан бўлғуси эридаги камчиликларни йўқотсин⁵⁹.

Ибн Сино аёлларга ана шундай мураккаб ва ҳаётий вазифаларни юклайди. Бу ўз навбатида оиласи мустаҳкамлашга туртки бўлади.

Шунингдек, мунис оналар, ўз қизларини гўёки бошқа жойга кўчириб ўтказилаётган нозик кўчатга қиёс қилганлиги боис, “борган жойингда униб-ўсгин”, – дея дуо қилганлар. Қуйида “Мусулмон аёлнинг ўз эри олдидаги вазифалари” рисоласида келтирилган, аёлнинг ўзини севдириш шартларини келтириш мумкин.

Болажоним, севикли қизим! Сен эрингга шундай хизмат қилгинки, у ҳам сенга қул бўлсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен эрингга бир уй бўл, у сенга устун бўлсин!..

Қизим! Энди сенга айтадиган ўгитларимга қулоқ солиб, уларни доимо ёдинга тутгил. Аввало, қаноат соҳибаси бўл, ўз ҳолингга шукур қил. Эринг уйга ниманини олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфөъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб хушнудлик кўрсат. Зеро баҳти ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқлиkdir. Ҳолига шукур этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

Эрингга итоатда бўл, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Эрга итоатда бўлмоқлик уйда тотув бир ҳаётда яшашни истаган ҳар бир аёл учун ҳаво ва сувдек зарурдир. Эринг билан сухбатлашганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адo этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шундай бўлса, Аллоҳ таоло сендан хушнуд бўлади, уйинг саодат нуридан нурафшон бўлади.

⁵⁹ С.Рахимов. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. -Т.: -1967. -936.

Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Уйингнинг ичини, ташқарисини доимо тоза тут! Уст-бошингни тоза тут. Бу эрнинг қалбини ўзига ром этмоқ йўлидир. Эринг сендан факат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид асло келмасин. Ёмон ҳидлар эринг олдида сенинг обрўйингни туширади. Сендан жирканишига сабаб бўлади. Шуни унумтагилки, тозалик ва ҳарифлик энг яхши хислатдир. Инсон кўзига хуш кўринишлик шу биландир. Овқатни вақтида тайёрла, яъни овқатланиш вақтини хеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатни тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг жаҳлини кўзгайди.

Уйқу вақтини ва уйғониш пайтини яхши билиб ол ва унга амал қил! Эрингнинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўринни тайёрлаб қўй. Уйқусизлик киши асабларини бузиб, унинг эҳтирос ва муҳаббатини секин-аста сўндиради. Эрингнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл! Унинг мол-дунёсини яхши сақла, буюмларини авайлаб муҳофаза эт. Унинг мол-мулки сеникидир, болаларингни кидир. Эрнинг мол-мулкини тежаш, сақлашни ўрганиш ва бу йўлда тўғри, дуруст харакатда бўлиш ҳар бир хотиннинг баҳти учун зарурдир.

Эрингнинг қариндош ва яқинларига хурмат кўрсат. Қайнонанг, қайнотангни хурмат қил, уларни ўз отанг, ўз онанг мисолида кўр, қайнотанг ва қайнотанг тарафидан бўлган насиҳатларни ўрнига келтир, доим очиқ кўнгилли бўл. Шундай қилсанг, эрингнинг эътиборини қозонасан. Уларни хурмат қилиш, эрингни хурмат қилиш демакдир.

Эрининг қариндошларига иззат-икром кўрсатишни билмайдиган аёл, хузур ичида яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикан севилмайдими? Тиканни ҳам иззат қилмаган, гул исидан бебахра қолади. Эрининг қариндошларига хурмат кўрсатишни билмайдиган хотин эрининг кўнглини ололмайди. Ҳамма вақт унинг кўзига хунук кўринади. Бу оқила аёлнинг йўли эмасдир.

Эрингнинг сирларини бошқаларга айтма! Унинг сирини ўз сирингдай сақла. Эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда

эҳтиёт бўлиб уни сақла, бирорларга айтиб юрма. Агар сирини айтиб қўйсанг, эрингнинг ишончини йўқотасан, эътиборидан қоласан. Орада душманлик пайдо бўлиб, оиласда барака бўлмайди. Бундай оиласда ахлоқ ҳам бўлмайди. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини тўлиқ адо эт! Жаннатга кирадиган хотинлар эрининг динга уйғун амрларини бажарадиган хотинлардир. Эрининг юзига жаҳл билан тик қараб, сўзига кулоқ солмайдиган хотинлар бахтсиздирлар.

Жон қизим! Ёдингда тутки, эринг хафа бўлганда сен хурсанд бўлишдан сақлан. Чунки унинг хафагарчилигига сенинг хурсанд кўринишинг, унинг кувонган чоғларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни келтириб чиқаради. Бу эса фаҳмисиз ва тарбияси ёмон одамларга муносаб ишдир. Мунис онажонларимиз узатилаётган ҳар бир қизнинг қалбига ва тафаккурига ушбу насиҳатлар мажмуини сингдиришган.

Оила мустаҳкамлиги – жамият таянчи. Оиланинг ҳар томонлама тўқис ва мустаҳкам, бардавом бўлиши кўплаб омилларга боғлиқ. Никоҳланувчиларнинг ёши, дунёқараши ҳам баҳтли оила юзага келишида муҳим ўрин тутадиган омиллардан бири. Бу борада юртдошларимизнинг фикри қандай экан? Бир сафар мунозарамиз иштирокчилари билан “Неча ёшда оила курган маъқул?”, “Қизингиз турмушга тайёрми?” каби саволлар атрофида фикрлашдик. **Раъно ая Фотихова, 63 ёшда, фаҳрий ўқитувчи:** - Бу саволингизга аниқ бир ёшни кўрсатиб жавоб бериш мушкул. Яратганинг Ўзи ҳар бир инсоннинг фаҳмига, ақлу заковатига қараб баҳтини беради. Тўғри, фарзанд дунёга келган кундан бошлаб ота-она унинг камолини, умрини, баҳтини истайди. Фарзанд улғайгани сари эса тенги билан топишармикин, деган ўйда юради. Ўзим беш қиз узатиб, икки ўғил уйлантирганман. Қизларим ва бир ўғлим олий маълумотли бўлиб, касб-хунарли бўлгач, хотиржамгина уйли қилгандим. Кенжа ўғлимни опа-акаларининг қистови билан 20 ёшида - талабалик даврида уйлантирдим.

Катталари, “Укамни ҳам уйлантиринг, кейин хотиржам юрасиз” дейишиди. Қайда? Хотиржам бўлиш ўрнига аксинча,

нотинч бўлдим. Ўғлим ҳам, келиним ҳам ёш, талаба. Уларга оила сирларидан сабоқ бериб, ҳар нарсага шошма-шошарлик билан ёндошмасликни, никоҳнинг муқаддаслигини тушунтирганимча асабларим ҳам ишдан чиқди. Икки ёшнинг келишмовчилигу тортишувларига барҳам бериб, муросаю мадора билан яшашга ўргатгунимча орадан тўрт йил ўтиб кетди. Айтмоқчиманки, иложи борича фарзандни ёшлигидан оиласга тайёрлаб бориши керак. Бирор касбу кор, хунарли бўлганидан сўнг эса бошини иккита қилиб қўйиш керак. Қиз болага ҳам, ўғил болага ҳам оила мушкулликларини балоғат остонасига қадам қўйган дамларидан бошлаб тушунтириб бориш зарур. Токи улар 20-22 ёшига етганда турмуш қуришга тайёр бўлиб, арзимаган қийинчилик олдида эсанкираб қолишмасин.

Мухаббат Боқиева, 36 ёшда, тарбиячи: - Мен болалигимдан китоб, газета - журнал кўп ўқиганим учунми, негадир ҳаётни худди бадиий асарлардагидек тасаввур этардим. Улғайганим сари ўзимга ва ён-атрофимдагиларга нисбатан ўта талабчан бўлиб боравердим. Одамлардан идеаллик излардим. Бу турмуш қуриш фурсати келганда менга панд бера бошлади. Дастрлабки мулоқотданоқ учрашувга чиқсан йигитнинг табиати, феълатвори ва дунёқарashi менга ёқмас эди. Укамни уйлантиришди. Табиийки, ёш келинчакнинг бажарган юмушлари, ўзини тутишидан норизолана бошладим. Шунинг учун ким бўлишидан қатъий назар турмушга чиқишим шарт, деган қарорга келдим. Қишлоғимдан камбағаллиги учун ёши анча ўтинқираф қолган йигитдан совчи келди. Йўқ, деяолмадим. Мақсадим уйдаги келинчакдан имкон қадар тезроқ қутулиш эди. Йигирма саккиз ёшли келин ва ўттиз бир ёшли қуёвнинг оиласи тезда ўнгланиб кетади, деб ўйлаганлар, чучварани хом санаган экан! Мен келин бўлиб тушган уйда ёши мендан бироз кичик бўлган учта қайинсинглим бор эди. Демак, қайинона-қайинотам, хўжайинимдан ташқари яна учта хўжайнин! Олти киши иш буюради, олтига “назоратчи”, олтига “терговчи”! Булар айтган ишни вақтида бажаролмай гап эшиштаман. Боз устига эримнинг тайинли иши, касбу-кори йўқ. Қайинсингилларимни узатиш учун

сепида ҳеч вақо йўқ. Камбағалнинг куни қурсин, шу ҳолига булар бирам дангаса, бирам ишёқмаски, ўтирган жойини йифиштириб қўйишга ҳам эринади. Бунаقا бўлишини билганимда дунёдан тоқ ўтиб кетардим, дея афсусланардим. Ўз қадрини билмаган, ўзгаларнинг ҳам қадрини билмайди, деганларидек, улар ҳатто ҳомиладорлик пайтимда ҳам менга эътибор беришмади. Оғир юмушларни бажариб, ҳомиламдан айрилиб қолдим. Шундан кейин мен учун у хонадон эшиклари таққа-туқ бекилди.

Хозир бир қизчани асраб олганман. У борлигим, ҳаётим. Кўрган кечирганларимга асосланиб айтаманки, қиз болани балофат ёшига етгандан кейин узатган маъқул. Тез кўникиш, мухитга мослашиб осон бўлади.

Раъно Асқаралиева, 54 ёш, кутубхона мудираси: - Айни кўнглимдаги саволни бердингиз. Пойтахтдаги ўқишим тугаб қишлоққа боргандим, совчиларнинг “ҳужум”ига йўлиқдим. Ўқиб юрган кезларим ота-онам, бирорта йигит билан етаклашиб юрма, дедилар, деб кўнглимга, орзуларимга мос йигитлардан бирини танлаб, аҳдлашмаган ҳам эканман. Келаётган совчилардан йигитнинг олий маълумотли эмаслигини, қўлида касб-хунари йўлигини билиб юрагим эзиларди. Хуллас, мен рад қилаверибман, ёшим ҳам ўтиб бораверибди. Тенгдошларимнинг фарзандларини етаклаб юрганини кўрсан, “Қачон менинг ҳам болам бўларкин”, деб ўкинардим. Худонинг менга атаган ёруғ кунлари ҳам бор экан. Гарчи камбағалроқ оиласдан бўлса-да, ўқимишли, олий маълумотли бир йигитдан совчи келди. Учрашганимдан сўнг ҳафсалам пир бўлди. Аммо наилож? Йигирма тўққиз ёшли қиз бўлсан, бу ёшда аксарият қизлар ажрашган ёки умр йўлдоши оламдан ўтган эркакка турмушга чиқишга мажбур бўлади. Турмушга чиқдим. Лекин мана йигирма олти йилдирки бирга яшаймизу, бир-биримизни тушунмаймиз. Шунча пайтдан бери, лоақал бир марта бўлсин, фикримиз бир жойдан чиқсан эмас. Шунинг учун ҳам уч қизимни, йигирма бир, ўн тўққиз ёшларда узатиб, тинчидим. Қизларим ҳам олий маълумотли, ҳам фарзандли бўлиб, мен эришолмаган орзу-ҳавасларга, баҳтга муюссар бўлдилар. Хуллас, қиз болани йигирма ёшигача узатиш керак.

Йигитлар эса пул топадиган, оилани моддий таъминлайдиган бўлганида уйлангани маъкул.

Жамшид Қорабоев, 39 ёш, шифокор: - Оиласи эплай олишига кўзи етган, соғлом, фикри ва жисми тоза, фарзанд тарбиялашга лаёқатли, рўзғорнинг кам-кўстини бутлашга кучи етадиган инсон турмуш қуриши керак. Неча ёшда, деган саволга келсак, албатта йигирма ёшдан кейин турмуш курган яхши деб ўйлайман. Катта ёшли жуфтликлар орасида меҳр-муҳаббат, хурмат-иззат, бир-бирини тушуниш ва қадрлаш ёшларга нисбатан кучлироқ эканини кузатганман. Уларнинг оиласи мустаҳкам бўлади, хар қандай қийинчиликларга бардошли, сабрли бўлади, деб ўйлайман. У муман, неча ёшда оила қуришдан қатъий назар, никоҳланаётган шахслар аввало тарбияли бўлиши шарт. Бахтли турмушнинг гарови - эр-хотиннинг тарбияси ва одоби билан боғлиқ деб ҳисоблайман. Дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, деган экан файласуфлардан бири. Ҳар ким ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикрини асослашга ҳаракат қилди. Бахтли ва фаровон оила қуриш учун келин-куёвнинг ёши аҳамиятли, деб ўйлайсизми? Фикр-мулоҳазаларингизни биз билан ўртоқлашасиз, деган умиддамиз.

Бу мавзуда гап борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим маҳаллаларда ота-оналар қизларини эрта турмушга бериб ёки ўғилларини эрта уйлантириб масалани чигаллаштириб, фарзандларининг бахтларига зомин бўлишмоқда. Мутахассис сифатида фикримни айтсан, 16-18 ёшларда она бўлиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Буларда ҳомиладорлик ва туғруқлар жисмонан оғирроқ кешишидан ташқари, болани парваришлаш, унга руҳан мослаша олмаслик кузатилади. Кўп ҳолларда қизларнинг 15-17 ёшдаги ҳомиладорлиги, онгли равишда тайёр бўлмасдан туриб, астойдил исталган ҳомиладорлик бўлмайди. Бола туғилиши билан оиласи муаммолар ҳам пайдо бўлади.

Аёл қанча ёш бўлса, ҳомиладорлик давридаёқ турли патологиялар, жумладан, камқонлик, кучли токсикоз, йўлдош этишмовчилиги, сувак тизимида салбий ўзгаришлар кўп учраши

кузатилади. Ёш аёллар кўп ҳолларда табиий йўл билан туғишиг қийналади ва одатда фарзандини жарроҳлик йўли билан дунёга келтиради. Муаммо шу билан тамом бўлмайди, ёш онадан туғилган фарзанднинг ҳам ҳаёти қил устида бўлиши мумкин. 18 ёшгача тукқан аёлларнинг чақалоқлари орасида учрайдиган ўлим ҳолатлари 20 ёшдан ошган аёлларнинг фарзандларига нисбатан кўпроқ кузатилади. Чунки уларда вазни кам, нимжон чақалоқлар, шунингдек, турли аъзо ва тизимларида нотўғри шаклланиши туфайли бундай аянчли кўрсаткичлар юқори даражада бўлади.

Шунингдек, келин эрига нисбатан қуидаги ўн хислатни адо этса, улар оиласида масъуд ва баҳтиёр ҳаёт кечирадилар:

1. Қаноат соҳибаси бўл, ундан ҳайиқиб тур. Эринг уйга нима кўтариб келса, хушфеъллик ва одоб-назокат билан қабул қилиб ол, ташаккур айт.
2. Эрингга ҳамиша итоатда бўл, амрларини яхшилаб тингла ва бажар.
3. Эрингнинг назари тушадиган жойларга эътибор қил. У сенда хунуқлик кўрмасин. Уй ичи ва ҳовлини ниҳоятда озода ва тартибли тут.
4. Эрингнинг бурнига хушёр бўл. Димоғига сендан ёмон ҳид кирмасин, фақат хушбўйлик сезсин.
5. Овқатни вақтида тайёрла, асло кечиктирма. Эринг уйга келиши билан, дастурхон сол.
6. Унинг уйку вақтини, уйғониш пайтини билиб ол. Чунки, очлик ва уйқунинг бузилиши эркакларнинг ғазабини қўзғайди.
7. Хожангнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл, исроф қилма, авайлаб асрар! Чунки унинг мол-дунёси сеникидир.
8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларини иззат-хурмат қил. Бу билан хожангни хурмат қилган бўласан.
9. Эрингнинг сирларини бошқаларга айтувчи бўлма, унинг ишончини йўқотасан.
10. Хожангнинг амрига осий бўлма, унинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил. Шуни яхши билиб олки, хожанг хафа бўлганда хурсанд кўринишдан, у қувонган пайтдағамгин бўлишдан ўзингни эҳтиёт қил.

5-БОБ. ЎҒЛИМИЗ УЙЛАНИШГА ТАЙЁРМИ?

Бугун дунёда энг баҳтли инсонсан. Ўғлим! Уйланиб фарзандли, яъни ота бўлдинг. Оила пойдевори яратилди. Оилани шарафлаш, ўзинг мансуб бўлган сулоланинг нуфузи, обрў-эътиборини янада юксалтириш, аждодлардан олинган илму обод, тажриба ва ҳаёт ўғитларини авлод давомчисига етказиш учун сенда имконият туғилди. Эндиликда нафақат ўзинг ва турмуш ўртоғинг, балки пушти камарингдан бўлган мурғак гўдак ҳаёти учун ҳам жавобгарсан. Бу масъулият кун сайин ортиб боради.

Ана зурриётинг тинч ва осуда ором олмоқда. Унинг ёруғ келажаги учун илк тарбия бугундан бошланади. Гўдак шахсий ибратга суюнган гўзал ва жасоратли тарбияга муҳтоҷ. У қуёшдек ҳароратли, ҳаводек мусаффо меҳрга интиқ. Қалбингга шукроналик туйғуси или назар сол, шунда одамзод қанчалик мўътабар ва мукаммал этиб яратилганлигини, ато этилган умрни инсонга хос ҳолда яшаш кераклигини тушуниб етасан.

Демак, ҳақиқий баҳтли ота бўлиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун, биринчидан фарзанднинг сен учун бало эмас, балки бола, яъни сенга дилбанд бўлиши қайси омилларга боғлиқ эканини қалбингга жойлаб, қулоғингга сингдириб олишинг лозим.

Бу борада 55 ёшли фуқаро Абдужаббор Холназаровнинг фикрини келтириш мумкин: - Менимча, ёшлар оилани қадрлай оладиган, ҳаётни тушунадиган бўлганидагина турмуш қуришлари керак. Ёшидан қатъи назар, масъулиятни ҳис қила олса, муайян фикри, аниқ мақсади бўлса, демак у йигит-қиз оила синовларига

бардош бера олади. Ҳеч иккиланмай уни узатиш ёки уйлантириш мумкин. Аммо, яна бир нарса бор: ота-она “мен-ота, мен-она” дея ҳадеб ёшларнинг турмушига аралашавермаслиги керак. Уларга ёрдамчи, маслаҳатчи, йўл кўрсатувчи бўлсин, бироқ турмушига халал бермасин. Икки томон ҳам ўзиникини маъқуллаб, оиласа суқилаверса, ёшларнинг онги заҳарланади. Менинг фикримча, йигит оиласи тушуниб, рўзғор тебратадиган бўлганида, қиз бола эса бирор ҳунарни ёки касбни эгаллаганидан кейин турмуш кургани яхши.

Буюк мутафаккир аллома Алишер Навоий (1441–1501)нинг эр хотин муносабатлари, бурчлари, аёллар фазилати, уларнинг оиласи тутган ўрни ҳақидаги қарашлари бекиёсdir.

“Махбуб-ул-қулуб” асарининг: “Уйланиш ва хотинлар тўғрисида”ги фаслида мутафаккир уйланиш ва унинг фойдаси, оила одоби ва оиласи аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрларни баён этади. Навоий аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қуидагича тўхталади: “Яхши хотин-оиласи давлати ва баҳти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – қўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса – жон озифидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради”⁶⁰.

Алишер Навоий ўз қарашларида оиласи тинчлик ҳукм суршини бевосита аёлларга ҳам боғлиқлигига эътибор қаратади.

ХХ аср Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат ҳам оила масаласига ва унинг жамият ҳаётидаги тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Мутафаккир “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида оила қуриш заруратидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳукуқ ва бурчлари, фарзанд тарбияси ҳақидаги қарашларини чуқур ёритиб берган. Мутафаккир мазкур асарда уйланиш ва бўлажак эр хотин биринчи навбатда нималарга аҳамият бериши лозимлиги

⁶⁰ А.Навоий. Махбубул-Қулуб.-Т.: 1967. 13-том.-2016.

ҳақида қимматли фикрларини илгари суради. Абдурауф Фитрат уйланиш учун тўрт нарсага – мол, насаб, хусн ва имону эътиодга эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Уйланиш орзусида юрган эр ва хотиннинг мол-бойликлари ва наслаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр билан хотин бир-бирларига тенг бўлмай, бири бой ва калонзода бўлса, иккинчи томонни фақирлик ва зоти пастлиқда айблаб, ҳаётини мудом азобга қўяди. Хусусан, исломий тарбия доирасидан четда қолган мамлакатимиз ҳалқи бойлик ва калонзодалик билан ортиқча фаҳрланадилар. Бундай издивожнинг натижаси, албатта, яхши бўлмайди. Жамол (хусн) бу кўриниш демакдир, яъни қараётган киши назарига чиройли кўриниб, унинг қалбини ўзига мойил қилиш демакдир⁶¹.

Адибнинг “Оила” асарида эса уйланмоқ зарур бўлганда қандай хотинни танлаш лозимлиги, маҳр ва тўй қандай бўлиши кераклиги, эр-хотиннинг қандай яшамоқликлари, ота-онанинг ҳақ-хуқуқлари ва қизларнинг илм олишлари хусусидаги қимматли фикрлари дикқатга сазовордир.

Шарқ ҳалқлари орасида маълум ва машҳур Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам жисмоний, ҳам ақлий тарбиянинг ҳамма қирралари чукур таҳлил қилинганд. Мутафаккир мазкур асарнинг 26-бобини хотин олмоқ зикрида деб номлайди ва унда шундай ёзади: “Эй фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз хурматингни яхши сақлагил. Хотин талааб қилсанг, хотиннинг молини талааб қилмағил. Ниҳоятда хушрўй хотин олмағилки, уни маъшуқ тутарлар. Хотин пок ниҳод (тоза табиат) ва пок дил бўлсин: кадбону (уй бекаси, ишчан хотин) эрига дўст бўлгай. Ҳаёлиғ, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлагувчи бўлсин. Дебдурларки, яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Хотин камолга етғон, оқила бўлғон, онасининг кадбонулиғин, отасининг кадхудолиғин кўргон ва билғон бўлсун. Агар бундок нозанин кўлингга тушса, уни асло қўлдан чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил”⁶².

⁶¹ А.Фитрат. Оила. -Т.: ”Маънавият”, 2000.- 236.

⁶² Кайковус. “Қобуснома”, “Ўқитувчи”, -Т.: 1973. -69 бет.

Барча манбалардаги насиҳатларнинг кўпчилиги куёвларга қаратилганини қуидагиларда кўриш мумкин:

1. Аёлининг ҳам сен каби тасарруф қилиши керак деб ўйлама. Чунки, у сендан бошқача яратилган.
2. Уни эътиборсиз қолдирма. Унга муҳаббат, меҳр ва омонлик ҳадя эт. Чунки, у аёллик табиати или мазкур нарсаларга муҳтождир.
3. Унинг шикоятларини эътиборсиз қолдирма. Аёл киши ҳар доим маънавий ва меҳрли қўлловни истайди.
4. Унга совғалар тақдим қилишда бахил бўлма, чунки, аёл зоти бахил эрни ёқтирумайди.
5. Аҳлини зиёрат қилишига қарши бўлма, агар бунга қарши бўлсанг, унинг муҳаббатини йўқотасан. Аёллар ўз аҳлига кўпроқ боғлиқ бўлади.
6. Гоҳ-гоҳи рашк қилишингни билдириб тур. Бу унинг аёллик иззат-нафсини рози қилиб туради.
7. Унга лутф кўрсат, аёллигини қондириб тур.
8. Унинг айбларини юзига солма. У танқидни ёқтирумайди.
9. Ундан юз ўғирма. Аёл киши ўзига қулоқ тутганни яхши кўради.
10. Унга хиёнат қилма. Аёл учун энг оғир нарса эрининг хиёнат қилишидир.
11. Унинг ўзини ҳам, хис-туйғуларини ҳам масхара қилма, чунки у нозик хилқатдир, жароҳатни кўтара олмайди.
12. У сендан талаб қилган нарсани унугтма. Акс ҳолда унда “қадр-қийматим йўқ экан” деган тушунча пайдо бўлади.
13. Ундан ёрдамингни аяма. Чунки, аёл зоти доимо ўзи ишонадиган ва суянадиган шахсга муҳтождир.
14. Оиласи масъулиятларинг ва ваъдаларингни зинҳор эътиборсиз қолдирма. Уларга амал қилишинг аёлингга бўлган муҳаббатингни хис қилдиради.
15. Унинг иккингизнинг муаммоларингизни ҳал қилиш бўйича таклифларини эътиборсиз қолдирма. Агар ундей қилсанг, бу унга аҳамият бермаганлигингни билдиради.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

16. Ундан муаммоларни оқилона ва мантикий ҳал қилишини талаб қилма. Чунки, аёл киши одатда кўпроқ ҳис-хаёжонга берилган бўлади.
17. Уйнинг майда-чуйда ишларига кўп аралашма. Бу борада унга ишон. Бу унга уйнинг ҳақиқий бекаси эканлигини сездириб туради.
18. Уни мақтаб туришдан ғоғил бўлма. Унинг кийими, зийнати, пиширган нарсаларини, уй тутишини мақтаб тур. Бу унинг аёллик туйғусини рози қилади.
19. Аёл кишининг ҳомиладорлик, туғиш ва ҳайз каби оғир ҳолатларни бошидан ўтказишини асло унутма. Ўша пайтларда унинг ҳис-туйғуларини янада кўпроқ риоя қилиш лозим.
20. Унинг шахсий ҳурриятини кўп чеклама. Хусусан, ижтимоий алоқаларда.

6-БОБ. ТИББИЙ КҮРИКДАН ЎТИШ СОҒЛОМ ФАРЗАНД ГАРОВИ

Халқимизда азалдан оила мұқаддас саналиб, олий қадриятлар бешиги сифатида юксак қадрланиб келинганд. Унинг тотувлиги, мустаҳкамлиги келин-қуёвнинг сиҳат-саломатлиги, келажак авлоднинг соғлом дунёга келиши ва баркамол бўлиб улғайишида, деб тушинилган. Шу боис, совчиликка боришдан олдин биринчи галда қиз томоннинг этти пушти суриштирилган. Ўз навбатида, келин томон ҳам куёв бўлмишнинг авлод-аждодлари ҳақида этарли маълумотга эга бўлгач, қуда-андачилик ҳақида ўйлаб кўришган. Мазкур анъаналар бугун ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Замон талабларига мос ҳолда уни амалга ошириш мезонлари ишлаб чиқилган. Унга амал қилиш эса ҳар томонлама соғлом оиласи вужудга келтириб, келажак авлод баркамоллигини таъминлашга йўналтирилган.

Ҳар бир ўғил-қиз вояга етгач, мустаҳкам оила қуришни ва жисмонан соғлом, маънавий етук фарзанд тарбиялашни, тинч-тотув, фаровон турмуш кечиришни орзу қиласи. Обод ва мустакил юртимизда оиласар соғломлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Умр йўлдошини танлаш пайтида тиббий кўрикдан ўтиш масаласи ўта долзарб хисобланади. Тажрибада никоҳдан, тўйдан кейин келин-куёвдан бирида турли юқумли ёки бир оиласи яшаш, фарзанд кўришга тўсиқ бўладиган bemorliklar чиқиб қолиш ҳолатларини олдини олишда бу масала мухимdir.

Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибининг кенг жорий этилаётгани оила муқаддаслиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилаётган тиббий кўрикларнинг сифат ва самараси тобора ошмоқда. Бу қарорга асосан янги оила қурмоқчи бўлган шахслар никоҳдан олдин ФҲДЁ бўлимни томонидан берилган йўлланма билан тиббий кўрикдан ўтишмоқда. Ёшларни яшаш жойларидағи тиббиёт муассасаларида психиатр, дерматовенеролог, нарколог, акушер-гинеколог, уролог каби мутахассислар текширадилар. Тиббий кўрик жараёнида никоҳланувчилар ва уларнинг қариндошларида руҳий касалликлар бор-йўклиги аниқланади, эпилепсия (тутқаноқ), шизофрения, олигофрения каби касалликларнинг наслдан наслга ўтиш хавфи борлиги тушунтирилади.

Алкоголь ва гиёхванд моддаларнинг организмга салбий таъсири, фарзандларнинг турли касалликлар ёки ногирон бўлиб туғилишига сабаб бўлиши тўғрисида маълумотлар ҳам берилади. Кўрик вақтида алкогол ёки гиёхвандлик касалликлари аниқланса, bemорлар дарҳол нарколог диспансерига юборилади. Сил касалликларининг яширин ёки бошлангич турини аниқлашда кўкрак қафасининг флюро текшируви қўлланилади.

Касаллик, унинг организмга келтирадиган зарари ва атрофдагиларга юқиши мумкинлиги ҳақида ҳам айтилади. Ҳозирги вақтда кенг тарқалаётган ва бутун дунё муаммоси бўлаётган ОИТС ва заҳм касалликларини аниқлаш учун қон таҳлили текширилади, дерматовенеролог кўригидан ўтилади ва ёшлар билан сухбат ўтказилади. Аниқланган касалликлар ҳақида тўйдан олдин улар даволанишлари муҳимлиги юзасидан керакли тиббиёт муассасасига йўлланма берилади. Даволаниб келганларидан кейин ёшларга оила қуришларига шифокорлар томонидан руҳсат этилади.

Бу масалага масъул бўлган барча ташкилотларнинг маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда олиб борилаётган кенг қўламли тушунтириш ишлари, “Ёшларни турмушга тайёrlаш”, “Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари”, “ОИТС касаллиги ва унинг оқибатлари”, “Туғруқлар орасидаги оралиқни сақлаш” каби мавзуларда ўtkазилаётган сухбатлар орқали мустақил ҳаёт остонасида турган йигит-қизлар ўrtасида ҳамда ёш оиласарда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Масалан, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойини таҳлил қилсақ, Тошкент шаҳар репродуктив саломатлик марказида тиббий кўрикдан ўtkазилган 1880 нафар шахс, яъни 940 та оиласининг 14 нафарида ирсий, 2 тасида сил ва 3 тасида ОИТС билан касалланиш ҳолати аниқланиб, томонлар тегишли равища огоҳлантирилди. Аммо, ачинарли томони шундаки, бундай касаллик аниқланган шахсларнинг барчаси ҳам тўй маросимидан олдин тиббий кўрикка келишмаган. Шаърий никоҳ асосидаги тўй маросими ўтиб бўлган ёки фарзанд кўриш арафасида никоҳни расмийлаштириш зарурати туғилгандагина марказга мурожаат қиладиганлар ҳисобига мазкур касалликларнинг тарқалиши давом этмоқда. Вақт ўтгач на эр-хотинни, на туғилажак болани ҳимоя қилишининг иложи йўқ.

Фуқароларда тиббий кўрикдан ўтиш тартиби ва унинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, жараёнга масъулият ҳиссини ошириш мақсадида марказ мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар қилиниб, таълим муассасалари, корхона-ташкилот ҳамда маҳаллаларда тизимли равища учрашув ва давра сухбатлари ўtkазиш йўлга қўйилган. Шу жумладан, марказ қошида ҳам “Ёш оила дорулфунуни” ташкил этилиб, унда бўлажак келин-куёвларга оила психологияси, эр-хотин муносабатлари, соғлом ҳаёт асослари каби бир қатор мавзуларда маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Инсон фарзандни дунёга келтирад экан, унга бор меҳр-муҳаббатини баҳшида этиб, асраб-авайлаб камолга етказади.

Вақти келиб, қизини “әгаси”га топшириш, ўғлининг “бошини иккита қилиш” фурсати этганда эса негадир күпчиликнинг күзини шира босиб, истаб-истамай сепга, дабдабага учади, ҳақиқий баҳт нимада эканлигини унугтади. Оқибатда эса “Сүнгги пушаймон ўзингга душман”, дейди доно халқымиз. Шундай экан, ҳар бир ёш ўзбошимчаликдан воз кечиб, никоҳдан олдинги тиббий кўрикка масъулият билан ёндошмоғи лозим. Зеро, саломатлик оиласын баҳтнинг асосидир.

Никоҳланишни истовчиларда юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш зарур ва бу борада қуидагиларга амал қилинади:

1. Никоҳланишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрикнинг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлашда фойдалари бор. Бу орқали никоҳланишдан сақланиш мумкин. Шу билан бирга, бу ишнинг айб ва салбий тарафлари ҳам бор. Хусусан, бироннинг айбини очиш, унга маънавий зарар етказиши ва келажагини хавф остида қолдириш кабилар.

2. Тиббий кўрикни ман қилувчи нарса шариатда йўқ. Жумладан, ирсий кўрикнинг ҳам. Фақат, шарт шуки, айбни ошкор қилмаслик керак ва даволанишга йўл топиш лозим.

3. Агар никоҳни истовчи тарафлардан бири никоҳдан олдин тиббий кўрикни шарт қилса, монеълик йўқ.

4. Агар икки тараф оила қуришдан олдин келишган ҳолда (ирсийдан бошқа) тиббий кўрикдан ўтишни истасалар, монеълик йўқ. Фақат одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш ва бошқа тарафга зарар еказмаслик шарт.

5. Икки тарафга ҳам никоҳдан олдин ўзидағи юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни яшириш жоиз эмас. Агар яширса ва бу иш иккинчи тарафнинг хаста бўлиши ёки ўлимига сабаб бўлса, сабабчи тараф қоида бўйича барча жазо ва тўловларни ўташи мажбурий бўлади.

6. Агар никоҳдан кейин икки тарафдан бири иккинчисининг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталиги борлигини билиб қолса, никоҳни бузишга ҳақки бор.

“Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади”, деб бежиз айтилмаган. Болаларда турли касалликларнинг олдини олиш, туғма касалликларга йўл қўймаслик, бўлажак оиласини соғлигини муҳофаза қилиш борасида шифокорлар, педагоглар, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари ёшларимиз ва ота-оналарга тиббий кўрикнинг зарурияти тўғрисида тушунтиришлари керак.

Ўсмир йигит ва қизларимизни мактаб ёшиданоқ бошлаб оиласи ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жихатдан тайёрлашимиз, уларга соғлом турмуш тарзи тушунчаларини сингдириш педагог ва шифокорлар, ота-оналарнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

7-БОБ. КУЁВНИНГ КЕЛИН ҲУЗУРИГА ДАСТЛАБКИ КИРИШИ

Тўй тугаб, меҳмонлар тарқалиб кетгандан сўнг, одатда, куёвнинг алоҳида тайёрланган хонада кутиб ўтирган келин ҳузурига дастлаб киришига алоҳида эътибор берилиши турган гап. Албатта, бир умрлик савдо бўлмиш никоҳли ҳаётни амалий бошлиш ҳодисаси алоҳида ҳис-ҳаяжон, орзу-истаклар билан тўлиб-тошган бўлиши муқаррар. Бундай пайтда қилинадиган ҳар бир иш, босиладиган ҳар бир қадам ва айтиладиган ҳар бир сўз умр бўйи эсда қоладиган бўлиши ҳам табиий.

Шунинг учун бўлса керак, одамларда бу ҳодисага алоҳида аҳамият бериш одати бор. Ушбу муносабат ила келажак ҳаётнинг баҳтли бўлишига оид деб ўйланган ирим-сиримлар ҳам кўпайган. Айниқса, аёллар ичидаги гап-сўзлар, келин-куёвга бериладиган маслаҳатлар ҳам кўпайиб кетган. Баъзи жойларда авваллари, келиннинг ризқи ўзи билан кирсин деб, янги уйга кириб келаётган келиннинг бошига нон боғлаб қўйишар, келин билан куёв ўз хоналарида дастлаб кўришганда ким иккинчисининг оёғини олдин босиб олса, оиласда ўшанинг гапи ўтадиган бўлади, дейишарди. Яна, келин-куёвга ойнани кўрсатиб, қандайдир саволлар беришар ва ўша саволларга мос жавоб беришни талаб ҳам қилишарди. Ҳатто баъзи китобларда куёв уйнинг бурчагида оёғини ювиши ва яна нималардир қилиши кераклиги ҳақида ёзилган ҳам экан. Одамлар ўша ёзилган нарсаларга амал қилиш ёки қилмаслик борасида саволлар ҳам беришганди.

Эҳтимол, бундан бошқа гап-сўзлар, бидъат - хурофотлар ҳам бордир. Эҳтимол, кўплари йўқолиб ҳам кетгандир. Лекин тушунчаларда бу ҳақда қандай кўрсатмалар борлиги билан ҳар

бир шахснинг қизиқиши турган гап. Уламолар куёв келиннинг олдига биринчи бор кирганида нималар қилиши кераклиги ҳакида унча кўп гапларни айтмаганлар ва ривоятларни келтирмаганлар. Бу тўғрисида ушбу сатрларни ёзишдан олдин ҳозирги воситалар орқали ҳам қидириб кўриб, унчалар кўп нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилинди. Яъни, маълумот кўплигидан қай бирини олиш қийинлашадиган даражада эмаслиги аён бўлди.

Юқорида келтирилган нарсалар куёв ва келинлар учун уларнинг биринчи кечаларида яхши ният илинганини иштаганларни келинадиган ишлар ва дуолардан иборатдир. Яхши умид илинганини келинадиганлар “бу ишларни қилмаган эдик, энди нима бўлади?” деган хаёлларга бормасликлари лозим.

Аксар опа-сингиллар турмушга чиққач, эри учун ясанни юришга мажбур эканини унутиб қўйишмоқда. Ўзларига турли баҳоналар топиб, ташқи кўринишларига эътибор бериш учун жиддий уринишмайди. Бугунги кунда эри учун ўзини жозибали қилишнинг турли хил воситалари бўла туриб ўзини бундай тутиш икки карра ажабланарлидир. Нега опа-сингиллар ўз эрлари учун ясан-тусан қилишмайди? Эҳтимол ҳар бир келиннинг ўз баҳонаси бордир, шунга кўра, у ўзига қарамай қўяди, уйида эри учун ясанмай, пардоз-андоз қилмай қўяди. Бундай баҳоналарнинг келиб чиқишига бир қанча тушунчалар сабаб бўлса ажабмас. Уларнинг барчасини санаб ўтиш имкони йўқ, шунинг учун кенг тарқалганларидан айримларини зикр қилиб ўтсақ:

1. “Иймоннинг ўзи кифоя”. Эркаклар ўз жуфтининг барча гўзаллиги ҳаё либосида мужассамдир, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрни қувватловчи далил Қуръони Каримда мавжуд: “Эй Одам болалари, батаҳқик, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини нозил қилдик. Тақво либоси, ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят-белгиларидандир. Шоядки эсласалар”⁶³. Бироқ бу далилни тор тушунмаслик лозим. Яъни

⁶³ “Қуръони Карим” Аъроф сураси, 26 оят. (Алоуддин Мансур таржимаси). –Т.: “Чўлпон”, 1992. 303-б.

бу, сиз түзиган сочлар, ифлос кийимлар ва улардан тарқаётган ёқимсиз ҳид билан юришингиз керак, асл гўзаллик қалбадир ва унинг ўзи етади, дегани эмас. Йўқ, бу ўта тор тушунчадир! Эр аёли учун салобатли, озода кўринишга уриниши зарурлиги каби, аёллар ҳам ўз эрлари учун ёқишига, унинг кўзига энг гўзал сиймода кўринишга имкон қадар уриниши керак. Демак, қалб гўзалигидан ташқари чиройли кўриниш, озода табиат ва тоза дид ҳам зарурдир!

2. “У барибири муносиб баҳо бермайди”. Дастрлаб аёл бутун кечаги мобайнида ойна олдида ўтириб, пардоз-андоз қиласи, энг чиройли либосини кияди, зеб-зийнатларини тақади. Эри эса ишдан келиб, буни муносиб баҳоламайди ёки юқори баҳолайди-ю, бироқ буни аёлига билдирамайди. Шунда аёлнинг кўнгли ғаш бўлади ва бундан кейин эри учун безанишдан кўнгли совийди ва бу ишни секин-аста тарк қиласи. Аслидачи, фаросатли аёл ўз вазифасини тарк этмаслиги керак. Аёлнинг латофати ўзининг эри учун гўзал кўринишга ҳаракат қилишдан иборат! Ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай марҳамат қилганлар: “Сизларга кишининг тўплаган нарсалари ичиди энг яхшиси нималиги ҳақида хабар берайми? У солиҳа аёлдирдир! Қачон унга қараса хурсанд қиласи, қачон унга буюрса итоат қиласи ва қачон ғоиб бўлса (унинг мол-мулкини) муҳофаза қиласи” (Абу Довуд ривояти).

Агар аёлнинг эри унга эътибор бермаётган бўлса, ҳаргиз бундан ноумид бўлмаслик лозим! “Эримга ёқмай қолдим”, демаслиги керак. Зотан, аксар эркакларнинг табиати ўзи шундай бўлади. Улар кам ҳолларда ўз ҳис-туйғуларини очиб сочади.

3. “У менга ҳеч нарса демайди – демак, унга бу ёқади”. Бу фикрни бугунги кунимизнинг энг кўп учрайдиган янгилиш фикри ва кўп ишлатиладиган баҳоналардан бири, десак хато қилмаган бўламиш! Юқорида зикр қилганимиздек, эркак киши камгап бўлади. Бироқ аёллар у ҳаммасини кўриб тургани ва ҳаммасига эътибор қилаётганини доимо ёдда сақлашлари зарур.

Ёқимсиз ҳид, исқирт либос ва ўзига қарамаслик қандай ёмон бўлса, муааттар ҳид, чиройлик либос ҳамда яхши парвариш қилинган қош қўз ва соч ҳам ҳар доим фазилат ҳисобланган. Шунинг учун эрингиз сизга бирон нарса дейишини кутмасдан, ҳаракатингизни қилинг! Акс ҳолда ростдан ҳам у сиздан совиши ва сиз учун барчаси ёмон оқибатлар билан якун топиши мумкин.

4. Ҳафсаласизлик. Эри учун гўзал бўлишда ҳафсаласизлик деган нарсани умуман унутиш керак. Унинг ҳаққини паймол қилманг. У сиздан хузурланиш учун ўз никоҳига олган. Унинг учун гўзал кўринишида ҳафсаласизликка йўл қўйсангиз вақт ўтиб, эрингиз норозилигига сабаб бўлишингиз мумкин.

5. Бола-чақа ва рўзғор ташвишлари. Аёл ёш болалари билан овора бўлиб, уларни овқатлантириши, уйкуга ётқизиши, ҳовлини саранжом-саришта сақлаши, оиланинг бошқа аъзоларига овқат тайёрлаши ва шу каби бошқа ишларни бажаради, куни билан елиб-югуради. Эҳтимол, буларнинг бари чиндан ҳам салмоқли сабаб бўлиб, эр учун вақт топа олмай қолар. Лекин нима бўлганда ҳам булар аёлнинг ўз эри қўзига исқирт қиёфада кўринишини оқлаш учун баҳона бўла олмайди!

6. Қовоқ солиб юриш! Эркакларнинг деярли барчаси аёлининг жилмайшини, кулишини, хурсанд ҳолда бўлишини ёқтиради. Буни аёллар эсларидан чиқармасликлари лозим. Кўчадан ёмон кайфиятда келган эрга очик чехрали табассум билан пешвоз чиққан аёл эрининг меҳрини қозонади, уйига тезроқ келишга, аёлининг очик чехрасини соғинишига сабаб бўлади. Бўлар-бўлмасга араз қилиш эрнинг кайфиятини бузади ва бу ҳам кейинчалик аёлидан совишга олиб бориши мумкин! Ушбу китобни ўқиб чиққан опа-сингиллар: “Булар мен ҳакимда айтилган гаплар эмас экан”, десалар, жуда яхши. Лекин бу баҳоналар орасидан айримларини ёки ҳаммасини ўзларида кўришган бўлса жуда афсусланарли ҳолдир. Ушбу опа сингилларимиз “Эр учун ясаниш” деган мавзудаги муносабатни ҳозирдан бошлаб ўзгартиришлари керак бўлади.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

Мухтарама аёлларимиз! “Кўча хандон уй зиндан” қабилида ҳаракат қилиб, кўчадаги эркаклар учун ясаниб, бегоналар қарашларига хузур бахш этадиган, уйда эса барча бўёкларни ювиб юборадиган аёллар каби бўлманг!. Гўзалигингизни эрингиз учун ифода қилинг! Унга ёкиш учун бор имкониятингизни ишлатинг! Бу йўлда қилган ҳаракатларингиз бекор кетмайди, балки унга ажр оласиз ва албатта бу уриниш ўзини оқладиди. Бу билан сиз эрингизни рози қиласиз ва унинг муҳаббатига мушарраф бўласиз. Эрнинг розилиги эса – Аллоҳ таолонинг розилиги демакдир.

8-БОБ. ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ҚАЧОНДАН БОШЛАНАДИ?

Азизларим! Сизлар кече ёш келин-куёв бўлиб бахтли ҳаётни бошлаб, ширин онларни ўтказиб келмоқдасизлар. Бугун эса Сизлар бахтли дунёда энг бахтли ота-онасизлар. Чунки, ёш оиласи фарзанд дунёга келди. Оила пойдевори яратилди. Оилани шарафлаш, ўзингизга мансуб бўлган суполанинг нуфузи, обрў-эътиборини янада юксалтириш, аждодлардан олинган илму одоб, тажриба ва ҳаёт ўгитларини авлод давомчисига етказиш учун сизларда имконият туғилди.

Чиройли ёниб турган кўзларига қаранг, зурриётингиз тинч ва осуда ором олмоқда. Мурғакгина гўдак сизларнинг тўғри тарбиянгизга муҳтож. Бунинг учун сиз ота-оналарда ушбу билим, кўнишка ва тажрибалар етарлими? Бунда ким нималарга аҳамият қаратиш керак?

Фарзандни тарбиялаш учун энг аввало, бўлғуси ота-оналарнинг ўзларини тарбиялаш, яъни уларни фарзанд тарбияси ҳақидаги билимлар билан куроллантириб ва янада билимларини такомиллаштириб бориш орқали қобил фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказиш керак.

Тарбия ҳомиладан бошланади. Фарзанд ота-онанинг келажаги, умиди, орзуси, бойлиги, чексиз қувончи, суюнган тоғидир. Бўлажак она эса фарзандининг соғлом, кўркам, бақувват бўлишини бутун вужуди билан истайди. Фарзанд ҳали ёруғ дунёга келмасиданоқ, уни ўз организми билангина эмас, қалб ҳарорати билан боқади, меҳрга тўйинтиради.

Фарзанд кўрадиган аёлда шундай бир бебаҳо туйғу, хиссиёт пайдо бўладики, уни дунёдаги бирон-бир нарса билан таққослаб

бўлмайди, бу Аллоҳнинг мўъжизаси - оналик меҳридир. Ҳар бир ота-она фарзандининг қобил, ахлоқ-одобли бўлиб ўсишини орзу қиласди. Оиласда яхши тарбия топган фарзанд энг аввало ота-онасига қулоқ солади. Уларнинг панд-насиҳатларини одоб билан тинглайди ва унга амал қиласди. Шунинг учун яхши инсонларни “Отангга раҳмат, сенга тарбия берган онангга раҳмат”, деб дуо қилишади. Ёш авлод тарбияси, уларнинг саломатлигини таъминлаш ва касб-ҳунарга ўргатиш аждодларимиздан мерос бўлиб келган табиий инсоний одатлардир.

Фарзанд туғилгунга қадар: оналар учун моддий ва маънавий шарт-шароит яратиш. Туғилажак фарзандни парваришилаш, тарбиялашда зарур бўладиган билимларни эгаллаш. Бунинг учун аждодларимиз ёзиг қолдирган меросни ва ҳозирги даврда ёзилган маҳсус китобларни ўқиб ўрганиш, ижтимоий шарт-шароитлар яратиш, ҳомиладор аёл парваришига катта эътибор бериш, витаминларга бой овқатлар еб, овқатланиш маданиятига риоя этиш, мутахассис акушер-гинекологлардан маслаҳатлар олиб туриш, тажрибали дояларни топиш, улар билан боғланиб туриш, ёш оиласнинг ота-оналари, aka-ука, опа-сингиллари, қариндош-уруглари тушуниб, уларга ғамхўрлик қилиб ҳурматларини жойига қўйишлари, оиласда тинчлик, осойишталик бўлиши, урушжанжал бўлишига йўл қўймаслик, уйни озода, покиза, тартибда тутиш лозим.

Онадаги ҳар бир жараённи ҳис этади, унинг сўзларини тинглайди. Бу борада улуғ кишиларнинг ота-оналари фарзандларига туғилишидан аввал қандай тарбия берганлари биз учун ибратдир. Ривоятларга кўра, Собит исмли йигит бир тишлам олмани изнисиз еб қўйиб, эгасидан розилик олиш учун чеккан машаққати – тақводорлиги туфайли Имоми Аъзам Абу Ҳанифадек улуғ олимнинг отаси бўлди. Бу воқеада катта ҳикмат ва олий ибрат бор.

Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобида бундай келтиради: “Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан

зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Куш уясида кўрганини қилар”⁶⁴.

*Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардор,
Ва лекин тарбият бирла етумак шарти акбардор.
Тугиб ташлов-ла бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият тонса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Темирчининг боласи тарбият тонса, бўлур олим,
Бузилса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
Ёмонларга қўшилди Нуҳнинг ўғли, бўлди беимон,
Юруди Каҳф ити хўблар-ла бўлди оти инсон.*

Фарзанд туғилганидан кейин: фарзандни парвариш қилиш учун ёш онага биринчи кунлари тажрибали доя-ҳамшира ёрдам бериб туриши зарур, моддий шароит бўлса 1-2 ой ёш онага малакали ҳамшира уйда ҳам ёрдам бериб турса маъқул бўлади, ақиқа, чиройли, маъноли исм қўйиш, фарзандни ёшига қараб, босқичма-босқич тарбиялаб бериш, болага ёшлигидан китобга ихлосмандликни ўргатиш, қизиқарли китобларни, айниқса, ўзбек халқ эртакларини ўқиб бериш, 3-4 ёшга кирганда ўқиб берилган эртакни қандай тушунганини сўраш, эртак бўйича қисқа саволлар бериш ва болани шу саволга жавоб беришга аста-секинлик билан шошмасдан ўргатиш, ота-она ҳар кунги одат бўйича сабр-тоқат, диққат, хурмат, меҳрибонлик, талабчанлик билан фарзандларга муносабатда бўлишлари, оиласда турли мавзуларда фарзандлари билан сұхбатлашиш, ахлоқ-одобни ўргатиш, илм бериш, хунар ўргатиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, гўдакликдан тозаликка ўргатиш зарур.

Бу борадаги муҳим вазифалардан яна бири болани чақалоқлик давридан бошлабоқ мустақилликка ўргатишdir. Чунки боланинг билимга бўлган ҳавасининг қарор топишида энг масъулиятли давр унинг уч ёшгача бўлган вақти экани

⁶⁴ А.Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992

исботланган. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун турли ўйинлар билан машғул бўлиш мухим аҳамиятга эга бўлиб, уларни мактабда тайёрлайди. Шунинг учун болаларнинг ўз тенгдошлари билан ўйинларида уларга мумкин қадар кўпроқ мустақиллик берган маъқул. Болани бошланғич мактабда ўқитиш даврида энг зарур нарса унда мустақил ўз устида ишлаш ва дарс тайёрлаш малакасини таркиб топтиришдир. Афсуски, кўп отаоналар фарзандининг ҳисоб масалаларини ечиб берадилар ва ҳоказо. Хуллас, болани қийинчиликларни мустақил енгишга ўргатмайдилар. Натижада улар юқорироқ синфларда ўқиётганда шундай қийинчиликларга дуч келадиларки, буни ўзлари мустақил бартараф қила олмайдилар.

Шоир ва маърифатпарвар Абай Қунанбаев (1845–1904) ўз асарларида, ўйт-насиҳатларида таълим-тарбия масалаларига катта эътибор қаратган. Мутафаккирнинг насиҳатларидағи тарбиявий аҳамият нихоятда диққатга сазовордир. Абай еттинчи сўзида: “Бола онадан туғилганда икки турли одат билан туғилади. Бири – есам, ичсам, ухласам демоқлиқдир, албатта; шунингдек, булар таннинг сиҳат-саломатлиги учун зарур ҳамдир; булар бўлмаса – танда жон ҳам бўлмайди, ўсмайди ҳам, қувватга ҳам кирмайди. Иккинчиси – кўрсам, билсан демоқлиқдир. Бола ёшлигига нимани кўрса – шунга талпинади, ялт-юлт этиб қарайди, кўрган нарсасини қўли билан ушлаб, юзи-кўзига яқин олиб бориб суйкагиси, оғзига солиб тишлигиси келади. Карнай-сурнай овозини эшитса – ён-атрофига аланглаб қарайдиган бўлади. Сал каттароқ бўлганидан кейин эса, ит хурса ҳам, кўй маъраса ҳам, бирор келса ҳам, йиғласа ҳам ўрнидан туриб, югуриб чиқиб қарайдиган ва: “У нима?”, “Бу нима?”, “У нега ундай қилди?”, “Бу нега бундай қилди?” деб кўзи кўрган, қулоғи эшитган нарсаларни сўрайдиган бўлади – ҳеч тин топмайди. Буларнинг ҳаммаси – кўрсам экан, билсан экан, ўргансам экан, деган табиий қизиқишиш аломатидир, албатта”⁶⁵.

⁶⁵ Абай. Танланган асарлар. -Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1995, 586.

Одатда 3-5 синф ўқувчиларининг кўпчилигида радио, телевизор, компьютер, электр, техника, турли монтаж ишлари, конструкциялар ва бошқаларга қизиқиш кўпроқ кузатилади. Шунинг учун болаларга шу ёшдаёқ ўз қизиқишлари – бу қизиқиш қайси соҳага оид бўлмасин, техникагами, табиатгами, санъатгами, уни қондиришга имкон бериш зарур. Болалар 5-синфга ўтгач, бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ масъулиятли бир давр - ўсмилик бошланиб, бу мустақилликнинг ривожланишидаги янги поғонадир.

Афсуски, жуда кўп ота-оналар буни тушунишни истамайдилар. Бола ҳаёти бу даврда ўзига бўлган муносабатнинг бутунлай ўзгаришини талаб қилишини унумтайлик. Ниҳоят, 16 ёшларда болалик даври тугаб, йигит ва қиз ўзини жамиятнинг ҳақиқий аъзоси деб ҳис қила бошлайди. Бинобарин, баркамол авлодни камол топтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Она юртимиз равнақи учун бақувват, руҳан ва жисмонан соғлом фарзандлар керак. Чунки фарзанд соғлом бўлсагина, улғайгач, бирон-бир соҳани мукаммал эгаллаб, юрт равнақи йўлида хизмат қиласди.

Фарзанд тарбияси. Ота-онанинг ўз фарзандига таъсир этиш имконияти бошқаларга нисбатан кўп. Чунки улар бу вазифани адо этишда ўзларидаги бор меҳрни ишга солади. Қолаверса, баркамол ота-она фарзандларининг илмли бўлиши учун мухит, шароит яратиб беришга интилади, ҳар қандай шароитда ҳам вақт ажратиб, болаларининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланади. Оиладаги муҳаббат, ишонч, ўзаро тушуниш ва ғамхўрлик боланинг очик кўнгил ва тўғри сўз бўлиб тарбия топишига замин бўлади. Боланинг табиати ва руҳияти ота-оналар ўртасидаги муносабатлар асосида шаклланади. Отаси рафиқасига қандай муносабатда бўлса, ўғил бола аёлларга шундай муносабатда бўлади. Ва аксинча қиз бола ўз онасининг хатти-ҳаракатларини такрорлайди.

Овқатланаётганда болани: “Шовқин қилма!” деб минг марта огоҳлантириш мумкин. Аммо болага танбех бергач, ярим соат

ўтар - ўтмас, аёл эрига баланд овозда гапирса ёки қаттиқрок кулса, бола юқоридаги танбехни қулоғиға илмай қўя қолади. Шунинг учун айтилганларга аввало, тарбия берувчининг амал қилиши ёки буни болага амалда бажариб кўрсатиши керак. Болалиқда бола сўзлар оламига нисбатан таассуротлар оламида кўпроқ яшайди, у ҳали ўзича мустақил ўйлай олмайди, балки нусха олади. Шунинг учун кичкина бола бор уйда киши унинг ва ўзининг ҳаракатларини назорат қилиши керак.

Ота-оналарнинг болалар олдида ўз муносабатлари ҳақида тортишиб кетишидан уларнинг болалар олдидаги масъулиятсизлиги, худбинлиги англашилади. Уларнинг бу низолари болалар руҳиятига салбий таъсир этади. Бола онанинг парвариши ва меҳрига эҳтиёж сезади. Шу билан отанинг ҳам болага эътибори зарур бўлади. Тўғри, ҳеч қандай нарса ота-она ўрнини, унинг меҳрини беролмайди. Лекин боладаги баъзи жисмоний хусусиятлар эркаклар ёрдамидагина шаклланади. Боланинг жисмонан соғлом бўлишида уларни тўғри овқатлантириш мухим ўрин тутади. Болага мутлақо алкоголли ичимликлар, қаҳва, чой, кўп гўшт бериб бўлмайди. Болани тоза ҳавода сайр қилдириш, бадан тарбия билан шуғуллантириш керак.

Болага бериладиган асосий руҳий тарбия ақл ва нутқдир. Ақлнинг пайдо бўлиши учун уни зериктирмайдиган табиат ва санъат билан таништириш, ҳар қандай хунук ва қўпол нарсалардан қочиш керак. Чунки бу даврда бола таассуротлари чукур ва ўчмас бўлади. Бола билан аниқ ва тоза тилда гаплашиш керак. Бу унинг тили соқовланмасдан равон чиқиши ва сўзларни аник-тиник ишлатишига кўмак беради.

Болага эртак айтиб бериш жуда зарур. Ҳеч бир нарса бола ақли ва тасаввури, ҳаёлотини эртакчалик бойитмайди. Болалик кейинги мураккаб ҳаёт учун тайёргарликкина эмас, болалик қувончини яшаб ўтиш давридир. Болалик гўзал бўлиш билан бирга, келгуси ҳаётида бир умрга татигулик жонли хотираларга эга бўлиши лозим. Барча болалар кичиклигига даёқ ўзини тутиш қоидаларини ўрганиб бориши керак. Биринчидан, боланинг тақиқларга

эргашиши учун аввало, унинг сабабларини тушунтириш керак. Болага тўғри сўз билан унга ҳар қандай жараённи тушунадиган қилиб етказиш керак.

Ҳеч бир холатда болага золимлик билан муносабатда бўлманг ёки ниманидир бажаришни хоҳламаганингиз учунгина тақиқламанг. Болага ростини айтишдан ёки бирор нарсага икрор бўлишдан қўрқманг, зеро, бу бола билан сизнинг ўртангиздаги ишончнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Болаларга катталар гаплашаётганда уларнинг гапини бўлиш мумкин эмаслигини тушунтиринг. Уларни бошқалар билан хушмуомала бўлишга, дастурхон атрофида ўзини тўғри тутишга ўргатинг. Болалар столда тўғри ўтирсин. Ножўя ҳаракат қилмаслиги, столда тирсакка суюниб ўтирмаслиги керак, бу бошқаларга халақит беради.

Стулни тебратмаслиги, дастурхонни ўйнамаслиги лозим. Стулдан йиқилиб тушиши, дастурхонни тортиб юбориши натижасида барча анжомларни тушириб юбориши, иссиқ овқат ўзи ёки бошқаларнинг устига тўкилиб кетиши мумкин. Болалар дастурхон атрофида ўзини қандай тутишни қанча эрта ўрганса, буни шунча беихтиёр, енгил ва эркин бажаради. Кошиқ - болага бериладиган биринчи анжом. Унга тутқичнинг пастроғидан ўнг қўлнинг уч бармоғи билан ушлаш кераклигини кўрсатинг. Кошиқ бутунлай оғизга кириб кетмаслиги, шу билан бирга қошиқдаги овқатни охиригача ейиш кераклигини тушунтиринг.

Тўрт ёшли бола санчқидан тўғри фойдаланишни билиши керак. Аввало унга санчқини ўнг қўлнинг уч бармоғида қандай тутиш кераклиги кўрсатинг. Егуликни кесаётганда санчқини чап қўлда қандай қулай тутиш мумкинлигини ҳам кўрсатинг. Шунингдек, санчқини ликопчага олиб бораётганда перпендикуляр эмас, қия қилиб тутишни ўргатинг. Шунда санчқи сирғалиб тушиб кетмайди ва овқат стол, кўйлакка тўқилмайди. Юмшоқ овқатларни санчқи билан кесиб эмас, ўзининг тақсимчасига ажратиб олиши мумкинлигини ҳам айтишни унтурманг. Пичноқсиз, санчқининг ўзи

билин қиймали котлет, тефтел, қайнатиб пиширилган сабзавотлар ва балиқ ейилади.

Шунингдек, ликопчадаги ҳамма егуликни бирваракайига кесиб қўйилса, у тезда совиб қолади ва ёқимсиз кўриниш касб этади, шунинг учун овқатнинг бир бўлагини еб бўлгандан сўнг, кейингисини кесган маъкул. Пичоқни оғзига олиб боришига йўл қўйманг, тили ёки лабини кесиб олиши мумкин. Агар овқатнинг қолдиги қолса, тишни тозалаш учун тишкавлагичдан бошқа хеч нарса билан тозалаб бўлмаслигини айтинг. Аммо буни стол ёки дастурхон атрофида амалга оширмаслиги керак. Яхшиси, болани овқатланганидан сўнг ичиладиган сода солиб эритилган иссиқ сувда оғзини чайишга ўргатинг. Пичоқ билан кесиб ейиладиган овқатларни ейишда, санчқини чап қўлда ушлаб, кесиш ўнғай бўлиши учун пичоқни ўнг қўлда тутиш керак. Агар фақат санчқи билан ейилса, санчқи ўнг қўлда бўлади.

Бола суюқ овқатларни қошиқда, тухумлар, димлаб пиширилган, сувда пиширилган сабзавотларнинг санчқида ейилишини билиши керак. Фойдаланилган анжомлар столнинг устига эмас, ўзининг ликопчасида ёки маҳсус тагликларга қўйилади. Умумий қўйилган овқатдан ўз ликопчасига олаётганда ўзи фойдаланаётган анжомлар билан олиш мумкин эмас. Умумий нонни ўзининг пичноғи билан кесиш ҳам ярамайди. Шу арзимасдек туюлган ҳолат ҳам оддий ва ҳаммага тушунарли бўлган гигиена талабларига амал қилишни кўрсатади. Бола овқатни шошмасдан, чалпиллатмасдан, секин-аста чайнаб ейиши керак. Агар бунинг акси бўлса, бу одат хунук ва шовқинли кўринади, ўзи ва бошқаларга нокулайлик туғдиради.

Болани ўзини яхши тутишга ўргатиш учун анчагина уриниш ва чидам билан ҳаракат қилиш керак бўлади. Бола батартиб ва тўғри овқатланишни ўрганмагунича, ундан ҳадеб айб топаверманг ва доимо уни танқид қиласверманг, акс ҳолда унинг қўпол ҳаракатлари янада кўпайиши мумкин. Унинг хатоларини хушмуомалалик билан тушунириинг ва уни тўғрилашига сабр билан ёрдам беринг. Вақти келиб, у ҳаммасини ўрганади. Баъзида бола байрам ёки

зиёфат дастурхонида узоқ ўтирганида толиқиб, зерикади ва инжиқлик қила бошлайди. Бундай ҳолатда уни койиманг, айниқса, бола анча кичкина бўлса. Жаҳлингиз чиқаётганини билдираманг, чунки болалар одамлардаги қўполликка жуда таъсирчан бўлади. Бундай ҳолатда сиз кичкин тоинингизни ҳафа қилиб қўясиз.

Болани жазолаш мумкинми? Бенджамин Спок фикрича, жазолаш тарбиялаш услуби эмас. Жазолаш йўли билан ёмон хулқ-авторни тўғрилаб ёки ўзгартириб бўлмайди. Ота-оналар болани жазолаши эмас, бола нима учун гапга кирмаётганини, у бошқалардан нимани хоҳлаётганининг сабабини сўранг ва тушунириинг. Бола эркалик қилишни бошласа, унинг чегарадан чиқиб кетишига йўл қўйманг. Болани бошқа кишилар олдида жазоламанг. Умуман, болани жазолаш уни камситади, айниқса, кўчада, меҳмонларнинг олдида жазолаш икки карра бола нафсониятига тегади. Болани ўзининг олдида мақтаб юбориш ҳам яхши эмас. Ота-оналарга хос ғурур тезда болаларга сингади. Болаларнинг ортиқча мақташларига ўрганиб қолиши уларни такаббур ва худбин қилиб қўяди.

Болани анча кичкиналигидаёқ тартиб-интизомга, шахсий гигиенага, ўз хонасини ва кийимларини тоза тутишга ўргатиш керак. Уйда тартиблилик ва шинамлик, озодалик хукм сурса, болаларга тозалик ва тартиб-интизомга бўлган меҳр беихтиёр сингиб боради. Катта бўлганларида она уйида олган тартибни сақлаб қолади. Бола кийимларининг нафақат чиройлилиги, балки озодалиги ҳақида ҳам қайғуришни ўргансин. Боланинг яхши тарбия топганини англатувчи энг яхши кўрсаткич атрофдагиларга, ўзидан катталарга, ота-онасига кўрсатаётган хурматдир.

Мактабгача таълим муассасалари болани билимли бўлиши билан бирга одобга ҳам ўргатиб бориши керак. Бола боғчага уч ёшидан боради. Шундай экан, у ҳаётидаги энг муҳим, биринчи ҳаётга муносабат даврини уйида ўтказади. Бошланғич маълумот, яъни пойдевор айнан илк болаликда ўрнатилади, бу вақтда ёш қалб ҳали тоза, янги ва бузилмаган бўлади, бола ишончи агар у севимли одами билан боғлиқ бўлса, осон бўйсунади, кейинчалик улар мустаҳкам одатга айланади.

Мактабга бола олти-етти ёшлигига боради. Мактаб таълими бошланганда оилавий тарбия тўхтатиб кўйилмайди. Улар параллел кечиши ва бир-бирини тўлдириб бориши керак. Мактабдаги таълим бир неча соат давом этади, уйдаги тарбия эса узлуксиз равишда кечади. Бу ҳақда Жан Поль шундай деган: “Мактаб фақат ўқитиши мумкин, оила эса тарбиялади, ўқиб-ўрганиш тўхтатилиши мумкин, тарбия эса ҳамиша ва тўхтовсиз давом этиши шарт”. Мактабгача ва мактаб даврида боланинг биринчи маслаҳатгуйи ва руҳий раҳбари ота бўлиши керак. Шундагина ота унинг ҳақиқий отаси ҳисобланади, чунки у боланинг жисмоний ва моддий ҳаётида, руҳий тарбиясида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Қизалоқлар учун ҳам ота тарбиячидир. Аёлларга хос тарбияни фақат онагина бериши мумкин. Аммо ота тарбияси ҳам ҳеч қандай ортиқчалик қилмайди. Ота - эркак - тарбиядаги қонун вакили, она - аёл - феъл-автор вакили. Айниқса, ота-оналар ўспиринликнинг ўзгариш даврида ақл билан иш тутишлари керак. Ҳеч қачон ўспирин шаънига қарата асоссиз танқид ёки пичинг қила кўрманг.

Ота-оналар ва ўспирин болалар ўртасидаги муносабат оила этикети қоидалари асосида кўрилиши лозим бўлади. Биринчидан, улгайиб қолган инсон тушуниши керакки, ота-оналар унинг тақдиридан қайғурадилар. Ота-оналар ўспириннинг шахсий ҳаётини бошқариш ёки қизиқиш юзасидан аралашмайдилар. Ўз навбатида ота-оналар ҳам сабрсизлик, қўполлик, гумонсираш - бола, айниқса, ўспирин билан муносабатдаги маъқул йўл эмаслигини тушунсин. Ўспиринлар билан хотиржам ва вазмин, ҳеч бир ҳолатда унинг тахминларини хақоратламасдан гаплашиш керак. Бола балоғатга етганда бошқа муаммолар туғила бошлайди. Масалан, пул масаласида, кўпгина педагогларнинг фикрича, боладаги пул микдори уни нимага сарфлашига боғлик бўлиши керак. Сиз берган пул унинг tengдошларидағи пул микдоридан бола тенгқурлари орасида ажralадиган даражада ошиб кетмасин. Бунинг учун болага пулни ақл билан, имкон ва зарурлигига кўра сарфлашга ўргатиш керак.

Болага пулни ҳар куни эмас, ҳафтасига бериб қўринг. Бола буни бир мартадаёқ сарфлаб қўяди, деб ташвишланманг. Бола ўз харажатларини ҳафтага етадиган қилиб режалаштириб олиши кераклигини тезда англаб етади. Бу насиҳатдан кўра ўзи мустақил ўргангани яхши эканлигини кўрсатади. Бола балоғатга етганда ота ўғилга, она қизига балоғат даврининг ўзига хос жиҳатлари, гигиенаси ва жинсий алоқа ҳақида тўғри тушунча беради. Чунки, бола бу ҳақдаги билимни кино, интернет ва бўлмағур китоблардан ўзлаштирмаслиги, дунёқарашида бузилиш рўй бермаслиги керак.

Ва яна муҳими, боланинг бу даврда ўзга жинс вакилига бўлган қизиқиши ортиб боради. Ота-она эса бу вактда унга келгуси ҳаётида баҳтли ва аҳил яшаши, оила қуриши учун яхши жуфтни танлай олиши кераклигини айтсан. Баъзида иш билан банд бўлишингиз мумкин. Аммо ҳар қандай иш шароитида ҳам фарзандингизга вақт ажратишнинг уддасидан чиқинг. Ишхонадан туриб уйга қилинган бир зумлик қўнғироқ ҳам бу ота-онанинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ муносабатида муҳим ўрин тутади. Энг муҳими эса, бу ҳолатлар ота-онада ҳам, фарзандда ҳам оиласа тегишлилик ҳиссини кучайтиради ва меҳр ришталари мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Онангни бир сўкиб қўй. Тарқалиш худудини аниқ билмайманку, жуда кўп ўзбек оиласарида ўғил бола тили чиққани ҳамон сўкинишга маҳсус ўргатиб борилади. Бир қават юқорида яшайдиган қўшним шундайлардан бири. У “Онангни... де, ўғлим”, деб бир ёшдан энди ошган ўғлига атайлаб сўкишни ўргатади.

Тили келишмай, ҳарфларни ямлаб, аранг тақрорлаган ўғилни отаси ғурур билан мақтайди: “Ха, энди отаўғил-да, ҳақиқий эркак!” Бир нарсани тушуниш қийин: чин эрқаклик оғиздан чиқаётган гапнинг қанчалар бемаънилиги билан белгиланармикан? Шу тарзда диндан, маънавиятдан узок ўсган ўғилнинг отасига ҳурматли, орзуларини амалга оширадиган бўлиб улғайиши мумкинми? Эртага шу тили орқасидан отасининг бошига бало келтирмасмикан?

Бундай мухитдаги болакайларнинг кўпчилиги тарбия аслида нималигини билишмайди. Куфр сўзларни айтиш, катталар ёнида сигарет чекиш табиий ҳолга айланади. Ўзларига танбех бериб, тўғри йўлга солмоқчи бўлганларга bemalol (сўкинмаса ҳам) гап қайтараверади. Бунинг нотўғрилигини билишмайди ҳам. Отасини bemalol алдайверади, буюрган ишини малолланиб бажаради ёки бажармасдан ҳам қўяверади. Ҳатто, вакти келиб, отасига қўл кўтаришдан ҳам қайтмайди. Ҳозир ғарб маданияти ва техникасидан жуда яхши хабардор, аммо ахлоқ ва фазилат борасидаги билимлари ҳақида бир нарса дейиш қийин бўлган авлод шаклланаяпти. Балки, гўзал ахлоқлари билан бутун инсониятга танилган буюк миллат бугун ўзини йўқотадиган ҳолга келиб қолганининг кўплаб сабабларидан бири шудир?

Ҳозирги болакайлар ичидан ақл ва виждон ҳукмига бўйин эгадиган мард ота ўғил етишиб чиқармикан? Қўшни болакай катта бўлиб, мактабга борди. Еттинчи синфда ўкиётганида отаси билан қаттиқ тортишиб қолди. Ва аччиқ устида отасини “Онангни...”, деб сўкиб юборди. Бу гап қўксига ханжардек санчилган ота айбни ҳозирги замонга ағдаради. Аслида, у ўғлини ўзи истагандек катта қилди. Илгари мажбурулаб сўктирган ўғли энди у зўрламаса ҳам, у истаганидан қўпроқ, ёмонроқ сўкиняпти. Бундан севиниб, ғурурланиш керак эмасми? Ахир ота шунга интилмадими? Ўғлини ҳақиқий эркак қилиб ўстириш соодатига етишди-ку? У ўғлидан муруват кўрди, экканини ўрди.

Болам ёлгон сўзлаяпти. Бола тарбиясига оила мухитининг таъсири жуда катта. Фарзандлар биринчи бўлиб ота-онасининг гап-сўзи, хулқи, муомаласидан андаза олишади.

Кўчада бир аёлнинг хасрат билан “Болам ёлгон сўзлаяпти...” деганини эшишиб қолдим. Болалар рост ёки ёлгон гапиришни кимдан ўрганишади? Жавоби оддий - ота-онасидан. Абдулқодир Гilonий ҳазратларининг болалик чоғларида кечган бир воқеа жуда ибратли. Макка сафарига отланган карвонда илм олиш ниятида йўлга чиққан ёш Абдулқодир ҳам бор эди. Саҳрога етганларида

карвон қароқчилар хужумига учрайди. Бор нарсаларини талонтарож қилади. Кароқчилар бошлиғи Абдулқодирга яқин келиб:

- Сенинг ниманг бор? - сўрайди.
- Кирқ тиллам бор.
- Қани улар?
- Чопонимнинг этагига тикилган. Қароқчи олдинига боланинг гапига ишонмайди. Яна сўрагач, Абдулқодир тилла тангаларини чиқариб беради. Ўзи айтмаса, қароқчилар билишмасди, аммо сафарга отланаётуб, онасига ёлғон гапирмасликка ваъда берган эди. Ўша ваъдасига содик иш тутди. Боланинг рост гапи тўдабошига қаттиқ таъсир қилиб, тортиб олинган молларни эгаларига қайтариб беради. Бу хунаридан бутунлай воз кечади.

Онасининг “Ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ваъда бер” деган сўзи фарзанди учун нега бунча қадрли бўлган? Чунки меҳрибон онанинг ўзи ростгўйлик қадрини англаган ва бутун ҳаётини шу асосга курган. Нега биз бугун боламизга “ёлғон айтма” десак ҳам яна алдайверади? Чунки ўзимизнинг сўзимизда ёлғон бор. Сўраб келган одамга боламиздан “Уйда йўқлар” деб айттирамиз ёки кўнғироқларга “Йўқ эдилар” деб жавоб беришини буюрамиз. Оддий юмушларда ҳам фарзандимиз кўз олдида ёлғон ишлатаверамиз. Болалар оила ойналари. “От изини той босади”, дегани каби фарзанд ҳам ота-она изидан улғаяди. Айтганларини, қилганларини қайтаради. Вояга етиб ҳам уларнинг изидан боради. Шу жихатдан қараганда, “Онасини кўриб қизини ол” нақли ниҳоятда ўринли.

Аллоҳ таоло айтади: “Эй мўминлар! Аллоҳдан қўрқинглар ва тўғри сўзланглар!” (Аҳзоб, 70). Аллоҳдан қўрқсан банда рост гапиради. Фарзандларимизга яхши обод, рост гапиришни ўргатишимиш керак. Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ростгўйликда хавфу хатар кўрсаларинг ҳам, рост сўзланглар, шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсаларингда, ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой”, деб марҳамат қилганлар (Ибн Можа). Фарзандларимизга рост сўзлашни, чиройли одобни мерос қилайлик.

9-БОБ. ФАРЗАНДИНГИЗНИ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАНГ

Ўйин - болаларнинг ҳар томонлама ривожланишининг муҳим воситаси ҳамда асосий фаолият тури ҳисобланади. Ўйин - узоқ даврлардан бери, машҳур олимлар, педагог-психологлар, файласуфлар, социологлар, этнографлар ва маданият арбоблари дикқатини ўзига қаратиб келган.

Халқ педагогикаси чуқур ўргатилганда, мутафаккирларнинг фарзанд таълим тарбияси ва одоб – ахлоққа оид асарларида, ўзбек халқи болаларни тарбиялашда тарбиявий ишнинг энг таъсирчан услуби - ўйин шаклидан жуда кенг фойдаланганлигини кўрамиз.

Бола тарбиясида ўйиннинг ўзига ҳос хусусиятлари ва турлари мавжуд. Ўйин мазмуни ва ташкилий кўрсаткичи даражасига кўра: халқ миллий ҳаракатли ўйинлари, ижодий ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, эрмак-овутмачоқ ўйинлар, санамалар халқ оғзаки ижодидаги ўйин турларига ажратилади.

Ўзбек халқи болаларни тарбиялашда анъанавий ўйин турларидан, (ўғил ва қиз болаларни ўзига ҳос хусусиятларини тарбиялашда) тарбиянинг ўзига ҳос хусусиятларидан фойдаланганлар. Ўғил болалар уддабурон, чақон, топқир, қизлар меҳр-шафқатли, уй ишларига киришимли қилиб тарбияланган. Уларни ҳаётга, турмушнинг оғир-енгил синовларига тайёрлаб боришга катта эътибор қаратилган. Бундай жараёнларда ота-онанинг шахсий намуна бўлиши, меҳнатга чиниқтириши, меҳнатга ўргатиш каби тарбия шаклларидан унумли фойдаланилган.

Ўйин – доимо ҳаётни акс эттиради. Ўйин ўзининг келиб чиқишига кўра, йўналиш ва мазмунига кўра ижтимоий воқелик ҳисобланади. Ўйин жараёнида боланинг психик билиш жараёни,

иродаси, хиссиёти, эҳтиёжи, қизиқишилари, таъсирчанлиги – унинг бутун шахсияти шаклланади. Бола ўйинда амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. Бунда у ўзининг бевосита эҳтиёжи ва қизиқишиларидан келиб чиқади. Болаларнинг ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Боланинг дастлабки таълим олиш-ўрганиши ўйин ва ўйинчоқлардан бошланади. Биз бунга деярли эътибор бермаймиз. Ўйинчоқлар эса тарбия воситаси вазифасини бажаради. Ўйин – бола учун жиддий машғулот. У ўз ақли билан эркин ҳаракатлана бошлайди, мустақиллигини таъминлайди, бу бўлғуси инсоннинг табиатини белгилайди. Ўйин ва ўйинчоқлар – бу бола учун фақат овунчоқ эмас. Бу боланинг жисмоний ва руҳий тарбиясидаги жиддий омиллар. Ёмон одатларни ўзлаштириб олади, деб боланинг бошқа болалар билан муносабатини чеклайвериш ёки тақиқлаш керак эмас. Бундай вазиятда уни дикқат билан кузатинг, яъни ёмон болалардан чекламасдан, яхшиларига жуда ишониб ҳам юборманг. Боланинг тенгдошлари билан ўйнаши уни ўйин қоидаларига бўйсунишга ўргатади, қайсарлигини йўқотади, жамоа иродасини бажаришга кўникитиради, такаббурлигини пасайтиради. Ҳаракатли ўйинлар болани жисмонан ривожлантиради. Уйда ҳам ўйинчоқлар муҳим аҳамиятта эга. Бола улар билан сайрга чиқади, севимли ўйинчоғини овқатлантиради ва кийинтиради, улар билан бирга ухлайди ва онасининг ҳаракатларини такрорлаган холда кўғирчоғини тарбиялади.

Ўйинчоқлар боланинг фикрлашини ўстиради, ички руҳий оламини бойитади. Аммо бу ерда шуни унутмаслик керакки, боланинг ўйинчоқлари жуда кўп бўлмаслиги керак. Бундай ҳолатда бола уларни қадрламайди. Агар ўйинчоғини бузиб қўйса, албатта, янгисининг яна пайдо бўлишига ишониб қолади. Табиийки, хонада тартибсизлик хукм суради. Сизнинг буйруғингиз билан бола кечқурун ўйинчоқларини йиғишириб олади. Сиз буни унга ўйинчоқлар кечаси дам олиши керак, дея тушунтиришингиз мумкин. Агар бола уни истамасдан бажарса ёки умуман йиғишириб қўйишни хоҳламаса - жаҳлингиз чиқмасин,

балки унга ўйинчоқларни ўзингиз билан бирга йиғиштиришни таклиф килинг.

Болага унинг бошқалардан ажralиб туриши учун кимматбаҳо ва мураккаб ўйинчоқларни сотиб олишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Болалар, айниқса, кичкина болалар уларни одатда синдириб қўйишади. Болалар мустақил ижодий ўйинларни кўпроқ ўйнайдилар. Бу ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб чиқадилар. Болалар ўз таассуротлари, кўрган-эшитган, ҳис қилган нарсаларга нисбатан ўз муносабатларини акс эттирадилар. Болаларнинг ижодий ўйинларини мазмуни ва сюжетига кўра 3 гурухга бўлиш мумкин.

1. **Маиший ўйинлар** – бунда бола оила ва бошқа жойларда бўлаётган воқеликни акс эттиради. Бунда болалар бува-буви, ота-она, ака-укаларининг муносабатларни акс эттирадилар. Катталарнинг хатти-ҳаракатларига, сўзлашиб маданиятига тақлид қиласидилар, ота-она ролини ижро этадилар.

2. **Мехнат мавзусидаги ўйинлар** - бунда оиласидаги катталар меҳнатида иштирок этишлари ўз-ўзига хизмат (мустақил кийиниб-ечинишлари, ўйинчоқларни жой-жойига тахлаб қўйишлари, уй юмушларига ёрдам беришлари, уйни супуриш, пол артиш, ҳовлига сув сепиш, гулларни тагини юмшатиш, сув қуиши, ўз хонаси анжомларини тўғри саранжомлаш) ва бошқалар.

3. **Ижтимоий ўйинлар** – бу ўйинларда болалар “Ўқитувчи”, “Врач”, “Курувчи” ўйинлари орқали касб-хунар ҳақидаги тасаввурлари ва тафаккурлари шаклланиб боради.

Ўйин орқали катталар турмушига, ишларига, жамиятдаги хулқ - автор меъёр қоидаларига ижобий муносабат шакллантирилади. Болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялашда ижодий ўйинларнинг роли каттадир. Бола ўйнаётганда ҳаёл қиласиди, воқеа-ходисаларни ҳаёлан уларни қайта тиклайди. Ўйиннинг ҳаёлий вазияти боланинг ақлий фаолиятининг ривожланишига доимо таъсир кўрсатади.

Ота-она оиласада болаларнинг ижодий қобилияtlарини маҳоратларини ўстириш мақсадида бадиий асарларни, эртак ва

хикояларни саҳналаштириш усулларидан кенг фойдаланишлари мумкин.

Миллий ўйинлар иккى гурухга бўлинади: 1. Миллий ҳаракатли ўйинлар. 2. Миллий ҳалқ ўйинлари.

Миллий ҳаракатли ўйинлар спорт турлари билан ҳамда ҳалқимиз қадриятлари билан алоқадор бўлиб, улар асрлар давомида даврларга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. У болаларнинг жисмонан бақувват, соғлом, жасур, қатъиятли, чаққон, уддабурон бўлиб ўсишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳалқ миллий ўйинларида миллатнинг ўтмиш тарихи, маънавий ва маданий ривожланишининг характер хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари жамлангандир.

Миллий ҳаракатли ўйин болаларнинг ёш хусусиятларига, ўйиндаги ҳаракатлар ривожига қараб такомиллашиб боради. 1-2 ёшли болалар билан ўйналадиган ўйин турларига: “Бармоқ-бармоқ”, “Ғоз-ғоз”, “Ғоз турсин”, “Бўп-бўп”, “Той-той”, “Поезд” бўлиб бу ўйинлар, гўдак энди бир-икки қадам ташлашни ўрганаётган вақтда гавдасини тўғри тутишга ёрдам берадиган ўйинлар ҳисобланади.

3-4 ёшли болалар учун “От ўйин”, “Кесак қўйди”, “Кўз бойлагич”, “Чорий чамбар”, “Аввалакам”, “Таёқ ирғитиш”, “Қулоқ чўзиш”, “Читти гул”, “Холам меҳмонга келди”, “Учди-учди” ўйинлари тавсия этилади.

4-5 ёшли болалар учун “Чир айланма”, “Чиллак”, “Тортишмачок”, “Лафта”, “Дор ўйин”, “Кўпкари”, “Беркинмачок”, “Жами”, “Чертан девор гир-гир айлан” ўйинлари дидир.

Катта ёшдаги болаларда - “Чавандозлар”, “Доирага торт”, “Дўппи яширма”, “Капалак”, “Беш тош”, “Оқ теракми-қўқ терак?” ўйинлари орқали чаққонлик, ўз-ўзини бошқара олиш ва ўзига ишонч тарбияланади, қатъиятлилик кўнникмалари шаклланади, фикрлашга ўргатилиб борилади, топқирлик қобилияtlари ривожланади, ҳозиржавоб бўлишга тайёrlанилади.

Ҳалқ ҳаракатли ўйинларини ташкил этиш ва болаларга ўргатишда қуидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

1. Болани рухий жиҳатдан ўйинга тайёрлаш.
2. Ўйин жараёнида болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ёш хусусиятларига эътибор бериш.
3. Ҳар бир ўйиннинг педагогик томонларини назардан қочирмаслик.
4. Ўйинларни ижтимоий - фойдали меҳнат билан боғлаган ҳолда ҳаётга тадбиқ этиш.
5. Ўйин давомида ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш.
6. Жамоа бўлиб биргаликда ҳаракат қилиш, жамоа манфаатига ҳурмат ва эътиборли бўлиш.

Ота-оналар учун “Копқон”, “Қувноқ болалар”, “Қувлашмаçoқ”, “Чўққайиб ўтириб ол”, “Қўл келди”, “Чиллак” ва бошқа ўйинлар тавсия этилади ва бу миллий ҳаракатли ўйинлар болаларда қатъиятлилик ва ирода сифатларини тарбиялайди ва мустаҳкамлайди.

10-БОБ. ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

Эр-хотин ўртасидаги муносабат қанчалик барқарор бўлса, оила ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади, болаларни тарбиялаш иши тўғри олиб борилади. Энди улар ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб қоидалари билангина эмас, балки қонунлар, ҳуқуқий қоидалар билан ҳам тартибга солинади. Бунда хотин-қизлар сиёсий масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлганларидек, оиласида ҳам барча шахсий ва мулкий масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва баб-баравар мажбуриятларга эгадирлар. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақат оила ҳуқуқи билангина эмас, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам тартибга солинади.

Оиласида муносабатларда эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари мулкий ҳуқуқларига нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳажми, мазмуни, характеристери эр ва хотиннинг оиласида ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради.

Оиласида эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги. Бизнинг жамиятимизда улар аёл билан эркакнинг оиласида муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги белгиланган. Бу тамойил тўла амалга оширилади ва моддий таъминланган. Эр-хотин мулкий ҳуқуққа тегишли бўлмаган шахсий ҳуқуқларига оид барча масалаларни биргалиқда ҳал қиласидилар. Улар оиласида ҳамма шахсий ҳуқуқларда тенгдирлар.

Амалдаги қонунлар турмушга чиққан аёлни муомала лаёқатида хеч қандай чекламайди, уни эрига бўйсундириб, қарам қилиб ҳам қўймайди. Барча ҳукуқий муносабатларда эр хотин ҳукуқнинг teng субъекти ҳисобланиб, уларга баб-баравар ҳукуқлар берилади ва тегишли мажбуриятлар ҳам юкландади. Ўзбекистонда эр ва хотин расмий жиҳатдангина эмас, балки оиласда ҳам teng ҳукуқка эгадир. Оила ҳукуқига асосан эр хотин умумий хўжалик ишларини биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида олиб борадилар. Улар бир-бирларига маънавий ёрдам бериб, кўмақдош бўлиб яшайдилар, ҳамма масалаларни бамаслаҳат ҳал қиласидилар. Бироқ эр хотиндан бирининг шахсий ҳукуқини амалга оширишга мунтазам ҳалақит бериш (масалан, эрнинг ёки хотиннинг машғулот тури, касб танлашига ҳалал етказиш), шахсий ҳукуқларни амалга оширишни суиистеъмол қилиш, оила манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар никоҳдан ажралишга олиб келиши мумкин.

Эр ва хотиннинг фамилияси. Фамилия танлаш ҳукуки эр хотиннинг муҳим шахсий ҳукуқларидан ҳисобланади. Оила кодексига биноан, “Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилиясининг ўзаришига олиб келмайди”⁶⁶.

Кейинчалик фамилияни ўзгартиришга фақат умумий асосларда, қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Агар никоҳни рўйхатдан ўтказиш вақтида никоҳга ўтувчиликар ўзларининг никоҳга қадар бўлган фамилияларида қолган бўлсалар, кейинчалик эса улар эри ёки хотиннинг фамилиясига ўтишни хоҳласалар, бу масала қонунда белгиланган тартибида - фуқароларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тартибида ҳал қилинади.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 20-моддаси. 1998 йил 30 апрель

Никохга ўтувчиларга уларнинг фамилия танлаш хуқуқларини тушунтириб бериш никоҳни қайд этувчи мансабдор шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатлар қонунчилик тажрибасида эр-хотинлар қўш фамилияда, яъни эр ва хотиннинг фамилиясида бўлиши ҳам бор. Бироқ қўш фамилия унча тушунарли бўлмаганлиги ва ноқулайлиги, бундай фамилияни, айниқса, туғилиш, никоҳ, ўлимни қайд этиш вақтида ёзиш қийинлиги, бунинг устига қўш фамилия оммалашмаганлигини ҳисобга олиб, бу тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикрга келинди⁶⁷.

Демак, республикамиз ҳудудида никоҳни қайд этувчи фуқаролар эр-хотиннинг қўш фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаб олмайдилар, чунки амалдаги қонунда бундай қоида мавжуд эмас.

Эр ва хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши. Болалар тарбияси ва оиласи турмушнинг бошқа масалалари эр-хотин томонидан биргаликда ҳал қилинади. Эр-хотин никоҳдан ўтар экан, оила қувончи ва ташвишларини бирга тортишга ва оила баҳт-саодати учун биргаликда меҳнат қилишга аҳдлашадилар.

Эр-хотин ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдир. Оиласи турмушнинг ҳамма масалалари – умуман, оила манфаатлари ва айниқса, вояга етмаган болалар манфаатларини назарга олган ҳолда, эр-хотин томонидан ўзаро розилик асосида биргаликда ҳал этилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳомиладор аёл ҳамда касал эр ёки хотиннинг манфаатларини қўриқлаш ва таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Болалар тарбияси ва оиласи турмушнинг айрим масалаларини ҳал қилишга розилик бўлмаса, эр-хотиндан ҳар бири ёки уларнинг иккаласи биргаликда вужудга келган низони

⁶⁷ Мухамедов Р. Оиласи эр-хотиннинг хукукий муносабатлари. -Т., 1975., 97-бет.

ҳал қилиш учун тегишли давлат органига мурожаат этиш хукуқига эгадирлар. Вужудга келган низонинг қайси орган томонидан ҳал қилиниши қонунда белгиланган. Низонинг характеристига қараб, бундай органлар таркибиға суд, васийлик ва ҳомийлик органи киради.

Эр хотин ўртасида болалар тарбиясига оид низолар, болаларга фамилия ёки исм бериш масаласидаги келишмовчилик васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал қилинади.

Республика судлари ота-оналар ўртасидаги болаларга доир низоларни тўғри ҳал қилишга амалдаги оила қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда чиқарган “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни кўллаш амалиёти тўғисида”ги 23-сон қарори⁶⁸ дастурий кўргазмасига асосланиши лозим. Бу ҳужжат болаларнинг тарбияси билан боғлиқ низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилишини, ота-оналар ва болалар хуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдиради, ота-оналарнинг болалари манфаатларига зид келиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан фойдаланишларига барҳам беради, вояга етмаганларнинг қонунбузарликлари олдини олиш чораларидан ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлаш хуқуқлари Оила кодексида, яъни “Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эрклидир”⁶⁹ - деб белгилаб қўйилган. Белгилаб қўйилган мазкур қоида эр хотиннинг биргаликда оилавий масалаларни ҳал қилишдаги хуқуқларини таъминлашга қаратилган. Оилада машғулот тури, касб танлаш масалалари келишилган ҳолда ҳал қилинади. Аммо бу масалаларни узил-кесил ҳал қилиш хуқуки эр хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми карорларининг тўплами. 1991-1998. -Т.: “Шарқ”, 1999., 110-127-бетлар.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 22-моддаси. 1998 йил 30 апрель

Эр-хотин ўртасидаги, улардан бирининг хуқуқи ва шаънини камситадиган хатти-ҳаракатлар хуқукий аҳамиятга эга бўлмайди. Эр-хотиндан ҳар бири қизиқиши, ҳислати, ижодий қобилияти, жисмоний ривожланишига қараб, ўзига мос келадиган фаолият турини танлайди. Эр ёки хотин танлаган касб уни қаноатлантириб, оила таъминоти учун маблағ топишга хизмат қилиши лозим. Эр-хотиндан бирининг текинхўрлик билан кун кечириши, оиласининг моддий таъминотида ўз меҳнати билан иштирок этмаслиги ҳам никоҳдан ажралиш учун асос бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг эркин касб танлаш хуқуқи қонун билан мустаҳкамланган. Бу эр-хотин ўз касби масалаларини (ўкув юртида ва курсларда ўқиши, тўгаракларда иштирок этиши ва бошқалар) мустақил равишда ҳал қилишни англатади. Бу масалалар вояга етмаган болалар манфаатларини ҳисобга олиб ҳал қилинади.

Эр-хотиннинг бирга яшави болаларни тарбиялаш, мустаҳкам оила қуриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қонун ҳар бир эр-хотинга қаерда яшашни эркин ҳал қилиш хуқукини бериб, бир йўла уларни рағбатлантиради. Қонунчилик бундай мақсадларга кўмаклашиб, улардан бирортаси асосий иш жойидан кўчадиган бўлса, йўл пули тўлаш, ўкув юртини тамомлаган мутахассисларни ишга тақсимлашда уларни яшаб турган жойида ишда қолдириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

Эр ва хотиннинг оиласи муносабатларда тенг хуқуқлилиги ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши, унинг бозор иқтисодига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши бу масалада ҳам амалдаги оила қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этди. Чунки қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Оила кодексисига биноан “Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган

мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзфор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳаки ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг хукуққа эга бўлади”⁷⁰.

Эр-хотиндан ҳар бирининг совға сифатида никоҳ тузишдан кейин олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан ёки тўйдан кейин олган совғалари, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибиғига киради.

Эр ва хотиннинг хусусий мулки. Оила кодексига мувофиқ «Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўзининг хусусий мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёки эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта куриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб, топилиши мумкин»⁷¹.

Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланиб, унга қуйидагилар киради:

- эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан: уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбаҳо қофозлар ва бошқалар);

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 23-моддаси. 1998 йил 30 апрель

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 25-моддаси. 1998 йил 30 апрель

- никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари;
- тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);
- эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл, машина ва бошқалар);
- эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялари (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибиغا кирмайди;
- эр-хотиннинг бирига никоҳга қадар тегишли бўлган ёки у никоҳ давомида ҳадя ёхуд мерос тарзида олган кўчмас молмулк, жумладан, уй-жой никоҳ давомида эр-хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари ҳисобига капитал равишда таъмирланганлиги ёки қайта қурилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирдагина эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобланиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда аввало, эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинади. Кейинчалик эса умумий мулкдан қайслари эр-хотиндан қайси бирига тегишли эканлиги аниқланади. Шундай ҳолларда, улар ўртасида мулк тенг ҳиссада бўлинса, эр-хотиндан биттасига қиммати бошқасига тегишли бўлган мулкдан ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқи доирасида тегишли пул суммаси берилиши лозим. Қонун судни масалани бундай асосда ҳал қилишга мажбур этмайди. Пул суммасини ундириб бериш масаласини қўраётганда суд ишнинг аниқ шароитига қараб (эр-хотин ҳар бирининг моддий ва бошқа оиласи ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қиласди. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргаликдаги умумий мулк таркибиغا кирган уйнинг қисми учун пул тўлаш белгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.

Мулкдор ўз мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф килиш хуқуқларига эга. Агар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки никоҳдан ажралиш вақтида бўлинмаган бўлса, бунда эр-хотиндан бири амалда фақат мулкка нисбатан эгаликдан маҳрум бўлмасдан, ундан фойдалана олмаслиги ҳам мумкин.

Шундай килиб, ажралиш эр-хотинларга ёки улардан бирига уларнинг қонуний хуқуқини амалга оширишга муқаррар равишда таъсир қилиши мумкин. Бу тўғрида у билганлиги учун, эр-хотинларга умумий мулк хуқуқи асосида тегишли бўлган мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддати никоҳ тугаган вақтдан, яъни ажралиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ҳисобланishi лозим.

Эр ва хотиннинг шахсий ва умумий қарзларига жавобгарлиги. Эр-хотиндан бирининг қарзи учун ҳақ унинг ўз хусусий мулкидан, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлганида эса унга тегишли бўлган ҳиссадан ундирилиши мумкин.

Умумий қарз эр-хотиннинг иккаласи ёки улардан биттаси (иккинчи томон билан келишилмаган бўлса-да), ёки бутун оила манфаатига қаратилган бўлади. Шахсий қарзлар эса бундай белгиларга эга бўлмайди. Қарзлар бўйича жавобгарлик эр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда, ундан ташқари ҳам бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари харакатлари туфайли зарар кўрган томоннинг талаби эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундиришнинг алоҳида тури ҳисобланади. Ота-оналарнинг моддий жавобгарлик масаласи фуқаролик қонун хужжатлари нормалари асосида ҳал қилинади⁷².

Келтирилган заарни эр-хотиндан биттасини хусусий мулкидан, шунингдек уларнинг биргаликдаги умумий мулкидан ундириш мумкин. Масалан, агар эр-хотин қайд этилган никоҳда бўлиб, алоҳида яшаётган бўлсалар, уларнинг вояга етмаган

⁷² Кузнецова Л.Г, Шевченко Я.Н. “Гражданко-правовое положение несовершеннолетних”, “Юридическая литература”. М., 1969, 109, 122-125-бетлар.

болаларига моддий заарар келтирса, бу ҳолат улардан бирининг айби билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг хусусий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулкидан ҳақ ундириш мумкин. Бироқ эр хотиннинг никоҳдан ажралиб алоҳида яшаши ёки ота-оналарнинг болалардан алоҳида яшаши эр хотиннинг ёки улардан бирининг вояга етмаган ўз болалари келтирган заарарни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Агар низо чиқса, суд бола келтирган заарар учун ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам жавобгар қилиб, етказилган моддий заарарни уларга тўлатиши мумкин. Аксарият ҳолларда эса бола келтирган заарар учун бола билан бирга яшайдиган ота ёки она жавобгар ҳисобланади. Эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланган мулкидан ҳақ ундиришга, улардан биттаси томонидан содир қилинган жиноят туфайли келтирилган заарарни ундиришга, агар бу мулк жиноят содир қилиш йўли билан топилган маблағга олинганлиги аниқланса ва бу жиноят содир қилишда айбланган эр ёки хотиннинг айбордорлиги жиноят иши бўйича суднинг хукми билан аниқланган бўлса, йўл қўйилади.

Заарарни ундириш тўғрисидаги даъвони кўраётган суд эр хотиндан ҳар бири келтирилган заарарнинг аниқ миқдорини белгилаш масаласини ҳал қиласи. Суд бундай ишларни кўришда, аввало, эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулкдаги тегишли қисмини аниқлаб, қарздорга тегишли бўлган мулкни белгилайди. Шундан сўнг, агар бунга етарли асос бўлса, иккинчи томонга тегишли мулклар хатдан чиқарилади.

Эр ва хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳнинг тугатилиши. Оила никоҳ, қон-қариндошлиқ, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни унга жойлаштириш асосида вужудга келади.

Асосан оиласи никоҳ вужудга келтиради ва у бир умр яшашни мақсад қилиб тузилади. Бу аҳдномани тузишдан асосий мақсад табиий биологик эҳтиёжни қондириш, наслни давом эттириш ва оила қуришдан иборат. Афсуски, ҳаётда ҳамма вақт

ҳам шундай бўлавермайди. Турмушда содир бўладиган бир қатор ҳодисалар, юридик фактлар никоҳнинг тугатилишига асос бўлади. Никоҳнинг тугатилиши деганда, маълум юридик далиллар туфайли эр-хотин ўртасида вужудга келган никоҳ ҳукукий муносабатларининг тугалланиши тушунилади.

Никоҳ ҳукукий муносабатига қандай юридик далиллар таъсир этишига қараб:

- а) эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб, эълон қилиши оқибатида;
- б) “эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин”⁷³-дейилади Оила кодексида.

Вафот этиш юридик далил бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатини тугаллайди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан эр-хотиндан бирининг вафот этган деб эълон қилиниши ўз ҳукукий оқибати бўйича ўлимга tenglashтирилади. Шунинг учун вафот этган деб эълон этилган шахс билан унинг эри ёки хотини ўртасидаги никоҳ ҳам тугалланади.

Албатта, ажralиши оила бекарорлигининг энг охирги аянчли кўриниши бўлиб, шу оила аъзоларининг шахс сифатида шаклланишига таъсир этади. “Ижтимоий фикр” Марказида ўtkазилган социологик сўровлар натижасига кўра, ўзбекистонликларнинг мутлақ қўпчилиги (94,8%) ажralишларга нисбатан салбий муносабатда. Буни тушунса бўлади. Сўровда фуқароларимизнинг ажralишларга нисбатан салбий муносабати сабаблари ҳам юзага чиқди. Булар: оиланинг барбод бўлиши (34,2%), болаларнинг етим бўлиб қолишлари (33,8%), ажralишларнинг болалар рухиятига, таълим-тарбия олишларига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолатдаги нохушлик бор оилаларда истаймизми, йўқми шахснинг тарбияланиш жараёнида маълим

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 37-моддаси. 1998 йил 30 апрель

бир оғишларга олиб келади. Натижада шахс психикасидаги маълум ғалаёнлар таъсирида ўз нуқтаи назарини тӯғри ифодалаш ва қарор қабул қилиш жараёнида иккиланишларга олиб келиши мумкин. Бунга албатта ташқи муҳит ва шахснинг иродаси, ўзини тута билиши, фикрлаш қобиляти каби бир қатор омилларнинг ҳолати катта аҳамиятга эга.

Тасаввур қилайлик, бир оиласи сурункали келишмовчилик натижасида оила бузилди. Бузилган оиласи албатта катталарга нисбатан болалар кўпроқ жабр кўрадилар, яъни ота ёки онанинг меҳридан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатда ҳаммамизга маълумки, фарзанд тарбиясига эътибор сусайганлиги сабабли, яъни ота ёки онанинг тарбия жараёнида таъсири йўқлиги, фарзанд тарбиясида бўшлиқ бўлишига олиб келади. Фарзанднинг шахсий фаолиятидаги бу бўшлиқ фарзанднинг ҳар хил оқимларга, гурухларга ёки бошқа ёмон йўлларга кириб кетишига сабаб бўлади. Ота-она фарзандининг бундай номақбул йўлга кирганидан озгина бўлса-да юраги ачишади, лекин энди бу кеч бўлганлигини, фарзандининг кўнгли синганлигини, уни қайта тиклаш мушкул эканлигини тушуниб етишмайди, акс ҳолда ажралишмаган бўлар эди. Биз ўз манфаатимизни эмас, балки фарзандлар олдидаги бурчимизни, жамият ва она юрт олдидаги бурчимизни устин қўймоғимиз лозим.

Эр - подшоҳ, хотин - вазир. Бу кеча ёки олдинги кун айтилган гап эмас. Демак, унга амал қилинса, яхши бўлишга умид қилинади. Амал қилинмаса, қандайдир меъёр бузилиши юзага келади. Чунки, бу мақолнинг асли Куръони каримдан олинган, яъни Илоҳий тартиб. Атрофга карасак, кўпинча бу мақолнинг тескариси бўлаётганининг гувоҳи бўламиз. Бахт-саодат ва барака ҳам шунга яраша камроқ бўлаётганга ўхшайди, гўё. Чунки аёл эридан қолишмай, оиласидаги тартиб-интизом бир маромда кетишига халақит қилгандан кейин ўз-ўзидан бошбошдоқлик, икки ҳокимиятчилик юзага келади: оиласидан обрўси кетади, фарзандлар тарбияси йўлдан чиқиш хавфи пайдо бўлади, файз-барака кетади, ҳатто, баъзида яхши ният билан қурилган

оиласвинг ўзи ҳам парчаланиб кетади. Шунинг учун улар ўртасида “меники тўғри” деб гап талашиш эмас, фақат яхши маслаҳат билан оила тебратиш тарзи барқарор бўлгани маъкул. Икки тараф ҳам қўлидан келганича сабр ва босиқликни ўз жойига қўйишса, бир умрлик оила қўрғони мустаҳкамлигича сақланаверади.

Абдурауф Фитрат айтганларидек: “Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафарида бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний вазифаларни бажаришда дастёр, қайгу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва баҳтиёрлик чоғида бир-биrlарига ҳамдам бўлишлари лозим. Шундай экан, улар албатта, энг аввало, бир-биrlарини камоли диққат ва тажриба юзасидан имтиҳон қилишлари зарур”⁷⁴.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганидек: “Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан ва уйланганинг тинчлиги ундан. Ҳусни бўлса, кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса жон озиғидир. Ақлли бўлса, турмуш интизомли ва рўзғор керак-яроғи тартибли ва саранжомли бўлади.

... Носоз жуфт уй учун ҳам аччиқ ва яширин қўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса, кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса, рух ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса, куёвнинг кўнгли яраланади. Ёмон ишлик бўлса, эрга юз қоралик келади. Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуки бўлса, уй ичи расвогарликка айланади”⁷⁵.

Юқорида келтирилган фикрлар эр-хотинни бир-бирини тушунишга ва иноқликка даъват этади. Акс ҳолда, айrim холларда атрофга разм солинса, “эр - подшоҳ, хотин - вазир” кенгашига асосланган оиласвий бошқарув институти унча яхши ишламаётганга ўхшайди. Чунки ҳар бир ёш жувон ёки қизнинг, ҳар бир бўз йигитнинг орқасида оила деган ижтимоий ҳукумат туради. Тунов куни кўчада ёшгина укасини ўйнатиб юрган ўн

⁷⁴ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т.: “Маънавият”, 1998, 23-бет.

⁷⁵ Алишер Навоий. Махбубул-Қулуб. -Т.: “Шарқ”, 1967. 13-том.-2016.

икки-ўн уч ёшлар чамасидаги ўзбек қизига кўзим тушди, кўлида сигарет, чекиб кетяпти. Ҳайрон қоласиз: у қандай оиласи катта бўляпти, унинг эртаси, индинги куни нима бўлади, олдида етаклаб юрган укачасининг келажаги қандай бўлади? Ундай қизлар кўпайиб кетса, нима чора кўриш мумкин?

Ота-оналар шунчаки орзу ҳавас деб, қизларини сўнгги кўнғироқ, битирув кечаси, туғилган кун каби тантаналарга, тўйларга елкалари, сонлари очиқ ҳолда юборишяпти. Майли бирор билан ишимиз йўқ. Бироқ фарзандлар ҳозирги кунда, яъни ёшлик фаслида ота-онанинг айтганини қилади, эртага эса уларни кўчадан қайтариб бўлмай қолади, ёки “Йўқ, мен шундай кийиниши хоҳлайман; мен дискотекага боришини истайман; мен фалончи билан севишиб қолдим, билмасдан ҳомилали бўлиб қолдим, энди унга турмушга чиқишига мажбурман!”, ёки “Дадажон, аяжон, мен фалончи қиз билан ўхлик қилиб кўйган эдим, у ҳомиладор бўлиб қолди, менга ўша қизни олиб бермасангиз бўлмайди”, каби гапларни эшитиш оғир бўлиши аниқ-ку”!

Кўчада, боғларда, жамоат жойларида уялмасдан ўпишиб турган ўзбек йигит-қизлари оила тарбиясини олмаганлигидан шу даражага етишиб турибди. Уларнинг ҳар бири аввалдан ўз ҳолича бу ҳаёсиз ҳаракатлар учун “тайёргарлик” кўрган бўлади. Барibir, энг олдинги “пойдевор” оила кўргонидаги лоқайдликдан бошланади. Ё оиласи беҳаё киноларга бемалол томоша қилиш шароити бор (кабелли телевидение бўлса ҳам, DVD плеер ёки компьютер бўлса ҳам, беҳаё газета журнал, китоблар бўлса ҳам, фарқи йўқ, натижа бир-биридан баттар бўлаверади), ё бундан олдин кимлар биландир ўпишиб, қучоқлашиб анча-мунча тажриба орттирган бўлади-ю, эндиgi навбатда кимнидирчув тушириб тузофига илинтириши лозим бўлади, пировард натижада юз пардалари йиртилгач, бу ўпишиб турган жуфтлик аъзолари ўзининг “одамлар кўзича тортинмасдан сурбетлик қилиш” санъатини намойиш қилароқ, ўз оғушида турган шеригини келажакда расво қилиш учун “тадбиркорлик” қилаётган бўлиб

чикади. Чунки “Кўр кўрни қоронғида ҳам топаверади” деган халқ мақоли бекорга айтилмаган.

Бинобарин, ўзи ифлюслик ботқоғига ботиб бўлгандан кейин кимни бўлса ҳам ботқоққа тортишга мажбур бўлиб қолади, чунки бошқа йўл йўқ, бўлар иш бўлган, ётиб қолгунча отиб қолиш керак, акс ҳолда ботқоқда ўзи ёлғиз “чириб кетиши”га тўғри келади. “Бирники мингга, мингники туманга” мақоли шу ерда ҳам амал қилади, яъни шу тариқа ифлослар кўпайгандан кўпайиб кетади.

Бошқасини айтмаган тақдирда ҳам ундаиларнинг эл кўзида қўйиб турган томошаси яна кимларгадир яхшигина мактаб вазифасини ўташи аниқ. Бу мактабга ҳаваси кетган ёшларнинг ҳам шу йўлдан юришлари мумкин бўлади. Охир оқибат жамият маънавий ва моддий зарар кўради. Энг ачинарлиси – бу зарарнинг товон тўловчисини топишнинг иложи бўлмайди. Бундай боши берк кўчага кириб қолмасликнинг ягона йўли - кенг жамоатчилик сергак туриб ҳаракат қилиши, ҳар бир оиласда кунига ҳеч бўлмагандга ўн-ўн беш дақиқа фарзандлар билан юзма юз туриб мулоқотда бўлиш орқали жидду жаҳд қилишдир.

“Эр - подшоҳ, хотин – вазир” мақолига риоя қилинса, ҳар ҳолда, бир ёқадан бош чиқариш имкони бўлади. Бу осон иш эмас. Лекин обдон ҳаракат қилинса, қийин ҳам эмас. Хоҳиш ва ният бўлса, ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетаверади. Биздан ҳаракат бўлса бас, баракат ёғилаверади. Бу шубҳасиз.

Оиласда фарзандларимиз ота-оналарининг бир-бирларига бўлган муносабатларига қараб иззат-хурматни, муомалани ўрганиб боришади. Ота-оналаримиз бир-бирларига меҳрли бўлсалар, ширин муомала қилсалар, болалар ҳам шунга қўнишка ҳосил қилиб, шундай муомалага ўрганадилар. Агар турмуш ўртоғимизни ишга кузатаётганда “яхши бориб келинг, дадаси” ёки ишдан қайтганларида “ишга яхши бориб келдингизми, дадаси” деб табассум билан кузатиб қўйсак ва кутиб олсак, оиласдаги ўғил-қиз фарзандларимиз ҳам онанинг бу ҳаракатини кўриб,

отасига хурмати ошади. Ота-онани хурмат қилиш кераклигини тушушиб боради.

Афсуски, ҳамма оиласарда ҳам шундай ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат мавжуд эмас. Баъзи оиласарда эрни хурмат қилиш ўрнига уларга ҳукмрон бўлиш, уларни “ўз измига солиш”га бўлган интилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Хатто “бўйсунмайдиган” эрларни ўз аёллик мавқеидан “фойдаланиб” ўн беш суткага қаматган “оналар”ни ҳам учратамиз. Бу билан мазкур аёлларимиз гўёки ўз эрларининг таъзирини бериб қўймоқчи бўладилар. Бундай оиласада эрнинг хотинга бўлган хурмати, меҳри сусайиб боради, бора-бора эса йўқолади. Энди эр ўз хотинидан топмаган меҳрни, хурматни бошқалардан қидира бошлайди ва натижада оила мустаҳкамлигига путур етади.

Болалар олдида турли ортиқча гаплар билан эрингизнинг обрўйини тўкманг. Эртасига ўзига келганда ётиғи билан, бақирмай-чақирмай бафуржа гаплашиш мумкин. Масалан, “кечаги ҳолатингиздан болаларнинг олдида жуда уялдим. Сизга бундай ҳолатда юриш ярашмас экан. Ахир болалар бизга караб ҳаётни ўрганишади, ҳаётда ўзларига йўл танлайдилар. Биз уларга ўрнак бўлишимиз керак. Болалар катта бўлишаяпти”, дейиш мумкин. Суҳбатдан сўнг болаларингиз отасининг фаҳм-фаросати бўлса, ахволни тузатиш керак эканлигини тушунади.

Баъзи бир аёлларимиз борки, улар эридан озгина кўпроқ топганлари учун миннат қиласидилар. “Энди косанг оқариб қолдими, чўнтағингга пул тушиб семириб қолдингми, пулли бойвачча бўлиб, ичадиган бўлиб қолдингми?” каби сўзлар билан болалари олдида эрини ҳақорат қиласиди, унинг обрўсини тўқади. Натижада болалар отани хурмат қилмайдиган, айтганини қилмайдиган, гапини икки қиласидиган бўлиб қоладилар. Онлари отасини ёмонлайвериши эвазига болаларда отага нисбатан нафрят пайдо бўлади. Энди ахён-ахёнда, тўй-томошада ёки бирон-бир сабаб билан ичадиган эр ҳар куни аламидан ичадиган бўлади ва келиб хотинини урадиган, сўгадиган, ҳақорат қиласидиган одат чиқаради.

Фараз қилайлик, эр дўстларини уйга таклиф қилди. Аммо бу тасодифий таклиф аёлга ёқмади. Чунки бир қанча ишларни мўлжаллаб қўйган ёки меҳмон кутишга имконияти йўқ. Натижада меҳмонлар хурсандлик билан кутиб олинмайди. Бу ҳолдан эрнинг асаби қўзғайди. Меҳмонлар кузатилгандан кейин эса хотинининг “таъзирини” беради. Бу ҳол бошқача, яхши натижада билан тугаши ҳам мумкин эди. Фаҳм-фаросатли аёл бундай ҳолларда оиласвинг борини ошириб, йўғини яшириб, меҳмонларни очик чехра билан, эрининг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олади ва кузатади. Меҳмонлар кетгандан кейин, вазиятга қараб, эр-хотин бир-бирларини тушунган ҳолда қандай иш тутиш кераклиги ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Масалан, уй бекаси бундай дейиши мумкин: ”Дадаси, меҳмонларни олиб келишдан олдин уйда у-бу нарса бормиди, деб ўйлаб кўрсангиз яхши бўлармиди? Уйда меҳмон кутишга озиқ-овқат етарли эмас экан, кўшнидан олиб чиқишга мажбур бўлдим. Бундан буён дўстларингизни уйга таклиф қиладиган бўлсангиз огоҳлантиринг. Икковлашиб меҳмонни кутишга тайёрланайлик. Бўлмасам уялиб қоламиз”. Бундай сухбатдан сўнг эр хотининг ҳақ эканлигини тушунади ва бундан буён хотини билан бамаслаҳат иш тутишга ҳаракат қилади. Дўстлари билан сухбатда уларнинг: «Хотининг жуда ажойиб аёл-да, уйингга қай маҳал борсак ҳам очик чехра билан кутиб олади. Тасодифан бориб қолсак ҳам хотинингга ҳеч малол келмаганмиз”, - деган гапларни эшитиб, хотинига бўлган меҳри янада ортади, уни яна ҳам ҳурмат қиладиган бўлади. Орадаги севги, муҳаббат, оила ришталари мустаҳкамланади.

Ҳаётда учрайдиган яна бир ҳолатни олайлик. Айтайлик, турмуш ўртоғингиз оёғи оғриб, иссиғи чиқиб ишдан вақтли келди. “Буни қаранг, Ҳилолахон”, деб оёғига чиқкан ярани сизга кўрсатди. Сиз ярани кўриб ижирғандингиз: “Вой-бўй, шу арзимаган ярани менга кўрсатасиз? Дўхтирга борсангиз бўлмайдими?” Сизнинг бундай муносабатингиз, гапларингиз турмуш ўртоғингизнинг қалбини шундай яраладики, лол

бўлганидан сизга сўзсиз боқиб қолди. Наҳотки, жуфти ҳалолим деб бир ёстиққа бош қўйган хотиним мендан шунчалик жирканса. Оғирроқ касал бўлиб қолсан-чи, унда нима бўлади деб сиздан меҳри совий бошлайди. Кейинчалик сиз ўйламай айтган бир оғиз сўз билан пайдо қилган қалб ярасини даволаш учун бутун умрингизни сарф қилишга тўғри келиши мумкин. Шунда ҳам агар бу ижобий натижа берса.

Аксинча, мана бундай ҳолатни тасаввур қилайлик.

“Вой, Анвар ака! Иссиғингиз чиқиб шунча қийналсангиз ҳам юравердингизми? Қани келинг-чи” деб меҳрибонлик билан биринчи ёрдам кўрсатсангиз ва дўхтирга албатта чиқишларини айтсангиз, бундан буён бу масалага ҳар куни қизиқиб борсангиз, олам гулистон. Турмуш ўртоғингиз энди ҳар куни ишдан кейин уйга шошиладиган, сизни қўмсаб турадиган бўлади. Сиз учун эса бундан ортиқ баҳт бўлмаса керак!

Оила қурган ҳар бир йигит-қиз, эр-хотин бир-бирини “Мехр” деб аталмиш малҳам билан озиқлантириб турса, унга суюнса, уни эъзозласа, улардан баҳтли одамнинг ўзи бўлмайди.

Ҳилолаҳон исмли келинимиз юқори ҳарорат билан ётиб қолди. Ишдан келган Анваржоннинг олдига зўрға чиқиб салом берди. Алик олган Анваржон: “Овқат борми?”, - деб сўради. Келин тоби бўлмагани, шунинг учун овқат қилолмаганини тушунтириди. Анваржон: “Мана юрибсиз-ку, овқат қилиб қўйсангиз бўлмайдими”, - деб жаҳл аралаш ғулдиради. Ўзи ошхонага кириб, иккита тухумни қовурди-да, ўтириб тамадди қилди. Анваржоннинг бундаги ҳар бир хатти-ҳаракати, гапида зарда, киноя, викор, менсимаслик аломатлари сезилиб турар эди. Овқатланиб бўлган Анваржон Ҳилоланинг олдига кириб: “Дастурхонни йифиштириб қўйишга ярарсиз?”, - деса, бу Ҳилоланинг қалбига санчилган ханжар эмасми?

Бунинг ўрнига Анваржон ҳар куни хурсанд ҳолда табассум билан кутиб оладиган турмуш ўртоғининг аҳволини кўриб: ”Ие, Ҳилола, нима бўлди? Ётинг, безовта бўлманг. Дори ичдингизми? Овқатландингизми?“ - деб батафсил ҳол-аҳвол сўраб, соchlарини

силаб, эркалаб қўйса, Ҳилола касалини ҳам унутади. Турмуш ўртоғининг келишига овқат қилиб қўёлмаганидан хижолат бўлади. Бу билан Анваржон ўз турмуш ўртоғини ширин сўз, қалб меҳри билан даволайди. Энди Ҳилола эрининг келишига бир эмас, икки хил овқат тайёрлайди. Сиз берган мана шу маънавий озуқангиз туфайли у қанот чиқариб учади. Барча ишларни битмас-туганмас куч-ғайрат билан қиласди, ҳақиқий меҳрибон турмуш ўртоғи борлигидан, толеидан хурсанд бўлади, ҳаётидан мамнун бўлиб яшайди. Энди унинг суюнадиган тоғи бор. Суҳбатлашиш учун дилкаш ёри бор. Қийналган пайтларида елкадоши бор. Дунёда ундан баҳтли аёл йўқ.

Эр-хотин ўртасида муҳаббатни кучайтириш учун 10 та восита. Кимда ким банкка қўйган пули кўпайишини истаса, бунинг чорасини излайди. Худди шунингдек, кимки аёли билан ўзаро муҳаббати янада кучайишини истаса, бунинг сабабларини қидириши лозим бўлади. Қуйида ўша воситалардан 10 тасини келтириб ўтамиз:

1. Ўзаро ҳадялар улашиш. Масалан, уйқуга ётиш олдидан чиройли атиргулни ёки чиройли рангли қоғоз (открытка)га гўзал сўзлар ёзиб, аёлингизнинг ёстиғи устига қўйиб қўйсангиз, бу нарса жуфтингизга қанчалик ижобий таъсир этишини кўрасиз. Эр аёлига ҳадяни кулгу ва табассум ҳамда ёқимли сўзлар билан берадиган бўлса, унинг қалбида эрига нисбатан кучли меҳр уйғонади. Ўз навбатида аёл ҳам эрига қўлидан келганича унинг меҳрини жўштирадиган бирор ҳадя беришга интилмоғи керак. Зоро, ҳалқимизда “Қарсак ҳам икки кўлдан чиқади” деган мақол бор.

2. Ўзаро гаплашиб ўтириш учун алоҳида вақт ажратиш. Суҳбат чоғида ҳам бир-бирларининг сўзини бетоқатлик, бесабрлик ва катта эҳтиром билан эшитишга уринишлари керак. Албатта, бунда самимийлик йўқолмаслигига жиддий эътибор қаратиш лозим. Зоро, Умму Зарь розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом Ойша розияллоҳу анҳонинг узун сўзларини эътибор билан, жим туриб эшитганлар.

3. Эрнинг аёлига ва аёлнинг эрига ўтли қарashi. Эр хотин ўртасидаги расмий муносабатлар, яъни эрнинг ўз вазифаларини бажариши ва аёлнинг ўз вазифаларини бажариши ёки бир-бирларига севишларини изҳор қилишларининг ўзи муҳаббатни кучайтиришга кифоя қилмайди. Баъзида гап-сўзсиз, имо-ишоралар, қарашлар, овоздаги ўзига хос оҳанглар, кўзнинг муҳаббатга лиммо-лим ўтли нигоҳи ҳам ишни битириши мумкин. Буларнинг ҳаммаси кўнгил, руҳият орқали амалга ошириладиган ишлардир.

4. Ишга кетаётганда илиқ хайрлашув ва ишдан қайтганда илиқ кўришув.

5. Аёлни мақтаб туриш. Уни ҳамма нарсадан қизғонишини одоб билан изҳор қилиш.

6. Баъзи ишларда аёлга кўмаклашиш. Масалан, уйдаги шахсий кутубхона китобларини тартибга келтириш, баъзи таомларни пиширишда ёрдамлашиш, болаларга тегишли нарсаларни биргалиқда амалга ошириш ва ҳоказо. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом уйларида оналаримизнинг ишларига ёрдам берар, кийимларини ўzlари тикар эдилар.

7. Ширин сўз. Эр ҳам, хотин ҳам бир-бирларига шундай сўзларни топиб гапирсингларки, натижада ўрталаридағи муҳаббат яна ҳам кучайсин. Масалан, бир-бирига севишини айтсин, “Сиз менга Аллоҳнинг неъматисиз” каби сўзларни айтиш айни муддаодир.

8. Суҳбат учун ҳеч ким халақит бермайдиган тинч жой танлаш. Бунда ҳатто болаларнинг овозлари, шовқин-сурони ҳам эшитилмасин. Албатта, тўла хотиржамликни ҳис қилиб суҳбатлашиш эр хотин ўртасидаги ўзаро ишонч ва меҳрни янада жонланишга ҳисса қўшади.

9. Ўртадаги муҳаббат меъёрида бўлишига эътибор бериш. Бу жуда муҳим масала. Бир-бирини жуда қаттиқ ҳам севмасин, жуда бегоналашиб ҳам кетмасин. Ҳамма ишда мўътадиллик яхшидир. Зеро, муҳаббатга муккасидан кетишдан қайтарилиган. Ўртадаги масофани саклашда қанчалик чуқур кетилса, муҳаббатга шунча

путур етади. Кўпгина оилавий муаммолар ҳам аслида мана шу бегоналашувдан келиб чиқади. Пайғамбар алайхиссалом “Дўстингизни енгилроқ севингки, куни келиб у душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингизга ҳам енгилроқ адоват қилингки, куни келиб у дўст бўлиб қолиши мумкин” деганлар.

10. Эр-хотин бир-бирига оғир дамларда далда бўлиши. Масалан, аёл касал бўлиб қолиши ёки ҳомиладорлик даврида унга моддий ва маънавий суюнч кераклигини эр доим ёдида тутиши керак. Шунингдек, эрининг бирор сабаб билан кайфияти тушкунлигини, аёлининг меҳрига, далласига муҳтожлигини фаросатли аёл дарҳол сезиб, қўлидан келган ёрдамини бериши, эрининг ёнида туриши матлубдир. Шеригининг дардига ҳамдард бўлиш, ўртадаги муҳаббатни мисли қўрилмаган даражада ошириб юборади.

11-БОБ. СОҒЛОМ ОИЛА АСОСЛАРИ

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас маскандир. У “жамият” деб аталмиш оламнинг пойдеворини ташкил этади. Давлатимиз томонидан оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш, кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган, ночор оиласлар, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар, беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оиласда жамият талабларига мос инсонларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бутун дунё халқларининг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Масалан, Самарқанд вилоятида 2016 йилнинг ўтган уч ой давомида маҳаллалардаги диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан мавжуд 821104 оиланинг 229742 таси ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 728 оиласда нотинчлик аниқланди. 23 минг оила моддий, яна шунча қисми тиббий кўмакка муҳтоҷ эканлиги кузатилди. 176 та эрта никоҳ тўхтатилди, 761 та оилавий низоларнинг олди олинди. 17641 нафар фуқаро иш билан таъминланди, 17203 нафарига зарур тиббий ёрдам қўрсатилди⁷⁶. Демак, юқоридаги манбалардан қўриниб турибдики, соғлом оиланинг такомиллашуви замон билан ҳамоҳанг бўлиб бормоқда.

⁷⁶ Зарафшон газетаси. 2016 йил 31 май сони.

Соғлом оиласы тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга ота-оналарнинг ота-оналиқ, кон-қариндошлиқ ҳислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишини таъминлабгина қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани ҳалқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб-хунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари бажаради.

Оила ва никоҳ, фарзанд тарбияси, фуқароларнинг ижтимоий мақсад ва интилишларига бағищланган сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан турли аҳоли қатламлари вакиллари иштирок этди.

Тадқиқот натижалари оила Ўзбекистон ҳалқи учун муқаддас бўлиб, унинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти юқори эканини кўрсатди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва демократик ислоҳотлар жараёндан оилавий қадриятлар фуқаролар учун асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Уларнинг фикрича, оила мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, фуқаролар фарзандлари ва, умуман, жамият келажаги учун оиланинг жавобгарлигини теран англайди. Сўров қатнашчиларининг фикрига кўра, турмуш қураётган йигит-қизларнинг ёши мустаҳкам оила шаклланишига таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир. Сўров натижаларига кўра, йигитлар **24-25, қизлар 21-23 ёшда** оила қуриши мақсадга мувофиқ, деган фикрдаги фуқаролар кўпайиб бормоқда. Шунингдек, ёшлар оила қуришдан аввал таълим олиши, касб эгаллаши, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши зарур. Иштирокчиларнинг фикрича, ёшларнинг турмушга тайёрлиги уларнинг маънавий етуклиги ва оиласи учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр экани билан белгиланади.

Сўровни ўтказиш жараёнида фуқаролар ёшларни турмушга тайёrlаш ва бу билан ота-оналар шуғулланиши лозимлигини таъкидлади. Ота-оналар соғлом ва мустаҳкам оила қандай бўлиши, эр-хотин бир-бирига ва фарзандларига қандай муносабатда бўлиши, никоҳ-оила масаласига тааллуқли ҳолатларда қандай йўл тутиши кераклигини ўzlари мисолида кўrsatiшди. Шунингдек, улар мустаҳкам ва аҳил оила қуриш учун зарур фазилат ҳамда кўникмаларни фарзандларига сингдириши шарт. Сўров қатнашчиларининг таъкидлашича, бугунги кунда ушбу жараёнда нафақат оила, балки таълим муассасаси, маҳалла, ҳукукий ва психологик ёрдам кўrsatадиган маҳсус хизматлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Юртдошларимиз Оила кодексида мустаҳкамланган қоидаларни қўллаб-қувватлайди. Ушбу кодексга мувофиқ турмуш кураётган ёшлар тиббий кўриқдан ўтиши ва ўз саломатлиги тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши лозим. Сўров давомида аҳолининг аксарият қисми (**99,4 фоизи**) ота-она розилиги бўлажак оиланинг баҳтли ва аҳил бўлишида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаган. Ота-оналарнинг кўпчилиги фарзандларини яхши тушуниши ва уларга ишонишини қайд этган. Улар бугунги кунда ота-оналар ва фарзандларнинг қарашлари ва ҳаётдаги мақсадлари турлича, деган фикрга қўшилмайди. Сўровда оилавий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани, катталар ва ёшларнинг фикри бир-бирига мос келиши аниқланди.

Тадқиқотда айрим ота-оналар турли сабаблар туфайли фарзанд тарбиясига етарлича эътибор бермаётгани ва бу масалага масъулият билан ёндашмаётгани ҳам маълум бўлди. Иштирокчиларнинг тўртдан бир қисми фарзанди мактабда дарсга қатнашмаётганини тан олган ва буни уларнинг ўқишга қизиқиши йўқлиги ёки оилавий ахволи яхши эмаслиги билан изоҳлаган. Ҳар ўнинчи ота-она фарзанди бўш вақтини қандай ўтказаётгани, мобиљ телефондан қандай мақсадларда фойдаланаётгани билан қизиқмайди ва бу борада боласига ишонишини қайд этган.

Ижтимоий сўров жараёнида олинган натижалар мактабда ўқувчиларнинг қизиқишига қараб қўшимча тўгараклар, спорт секциялари, кутубхоналар очиш, ёш авлоднинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш, уларни кўча, интернет, турли ёт ғоя ва қарашлар таъсиридан ҳимоя қиладиган тадбирлар ўтказиш зарурлигини кўрсатди. Халқимиз маҳаллани миллий қадриятларни асраб-авайлаб, авлоддан авлодга етказадиган тарбия маскани, деб билади.

Тадқиқотда маҳалланинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрни ва оиласа таъсири ҳам ўрганилди. Иштирокчилар бу борадаги саволга маҳалла улар ҳаётида «катта ва муҳим ўрин тутади», деб жавоб қайтарган. Мониторинг давомида ўз турмуш тарзи, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар маҳалладаги одоб-ахлоқ меъёрларига мос бўлиши зарур, деб биладиган фуқаролар кўпчиликни ташкил қилиши маълум бўлди. Жамиятимизда маҳалла институти мақомининг юқориилиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ноёб институти оила ҳаётида катта аҳамиятга эга экани тасдиқланди.

Ўтказилган мониторинг аҳолининг катта қисми (**90,7 фоизи**) оиласарнинг ажралишига салбий муносабатда эканини кўрсатди. Фуқаролар оила бузилишига асосан ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, уларда ҳаётий тажриба етишмаслиги, бир-бири билан муроса қила билмаслиги, келишмовчиликларнинг олди олинмаётгани, вақтинчалик моддий қийинчиликлар, эр-хотиннинг феъл-автори бир-бирига мос келмаслиги сабаб бўлаётганини қайд этган. Сўров иштирокчиларининг фикрича, турмуш қураётган ёшларнинг муҳаббати, бир-бирини хурмат қилиши, ишониши ва қўллаб-куватлаши, шунингдек, миллий анъана, урф-одатларимиз ва одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиши баҳтиёр ва мустаҳкам оила ташкил топишида муҳим омиллар хисобланади.

Ушбу сўров оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати юксак самаралар берадиганидан далолатdir. Сўров қатнашчиларининг

аксарияти мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар оиласарда мустаҳкам муносабат шаклланиши, ёш оиласар моддий аҳволини яхшилаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш имконини бермоқда, деб ҳисоблайди. Қисқаси, тадқиқот Ўзбекистонда оиласар бахти эканлигидан далолат беради.

Ҳар йили дунё бўйича тайёргланадиган рейтинг натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу тадқиқотда бахт даражаси ижтимоий тараққиётни ифода этиши ва давлат сиёсатининг мақсади ҳисобланиши қайд этилган. Рейтинг натижалари бир қанча тоифа бўйича ўз оиласидаги ҳолатни 0 дан 10 балли шкала асосида баҳолаш таклиф этилган 155 мамлакатнинг 3 минг фуқароси жавобига асосланган. Мазкур рейтингда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори ва дунёнинг 155 давлати орасида 47- ўринни эгаллаганлиги келтирилган.

Замонавий оиласар мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий ва маданий турмуш савиясининг ошиши ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашга таъсир қилади. Буларга миллий қадриятларга содиқлик, диний амалларга ҳурмат, болаларни яхши, хайрли ишларни қилишга ундаши, ўз сўзида туриш, катталарнинг ёшларга намуна бўлиши, сабртоқатли бўлиши, ёш хусусиятларининг инобатга олиниши, муносабатларнинг ҳамкорлиги, ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида қурилиши киради.

Шунингдек, ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оиласа таъсири, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий (жамоатчилик) функцияларини ҳисобга олиш лозим ва улар куйидагиларга бўлинади: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, коммуникатив, регулятор.

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон асосий функцияларини ташкил этади ва улар наслни давом эттириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро ёрдам каби функцияларни ҳозирги замон оиласининг мухим жиҳатлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бу ўринда оила функцияларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни, бир томондан одамларнинг моддий, хўжалик-маиший ва иккинчи томондан эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларни қондирувани фарқлашdir.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг аҳамияти ортиб бормоқда. Хатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда. Ҳиссий, эмоционал алоқаларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ англанилмоқда. Қишлоқ оилалари эса уй ҳайвонлари ва томорқа ерларининг борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучи ва ишлаб чиқарувчилик функциясини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Замонавий оиласида бола уч авлод вакиллари: ота-она, буви-бувалар, уларнинг қариндош-урӯғ ва таниш-билиш, ёрудўстларининг мураккаб ўзаро муносабатлари кечадиган мухитда ўсиб улгаяди.

Барчага маълумки, болаларнинг ўзаро мулоқоти самимий, ниҳоятда табиий ва содда тарзда кечади. Лекин уларнинг ўз ота-оналари билан муносабатлари бирмунча мураккаб бўлиб, бу муносабат ота-онанинг фарзандига нисбатан кўр-кўронга, барча эркаликларга изн берувчи меҳр-муҳаббатидан тортиб қўпинча оталар томонидан қилинадиган ҳаддан зиёд каттиқўлликкача бўлган турли-туман мулоқот услубларини қамраб олади.

Боланинг атрофидаги кишилар, хусусан, буви-бува, қариндош-урӯғлар билан муносабати ҳам ўзига хос жиҳатларига кўра турлича тарзда кечиб, юқорида қайд этилган икки хил мулоқот услубидан бирмунча фарқ қиласиди. Бир хил мулоқотлар тарбиянинг ўта мухим қуроли ҳисобланган сўз ва нутқ ёрдамида амалга ошиши туфайли бола руҳий саломатлигига кучли таъсир кўрсатади.

Кўпинча оила аъзолари болани жисмоний жазолашдан кўра сўз билан тарбиялашга харакат қиладилар. Боланинг руҳий саломатлигига зарар етказмаслик учун биз катталар тарбиянинг сўз ва нутқ каби ўта таъсирчан васитасидан эҳтиёткорлик билан фойдаланганимиз маъқул. Болага қўрсатиладиган салбий таъсирлар сирасига ўшқириш, қўпол муносабатда бўлиш, ота-онанинг фарзандига беҳурматлик қўрсатиши кабиларни киритиш мумкин.

Кучли ҳаяжонланиш ҳолати қўрқув, ваҳима, хавотир, соғинч инсонга хос туғма хусусиятдир. Ўқитувчи ёки тарбиячининг айби билан бола қўрқув ва ҳаяжонга тушиши натижасида унда асаб хасталиги пайдо бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси ота-оналардан ўз эътиборларини психология ва гигиена масалаларига қаратишни, фарзандининг руҳий саломатлигини сақлашга оид машғулотлар тизимидан фойдаланишлари лозимлигини қўрсатади. Чунки, айни мактабгача тарбия ёшида болаларда бир умрлик руҳий саломатлик негизлари шаклланади.

Бола руҳий саломатлигининг бузилишига сабаб бўлувчи манбалар қаторида:

- ота-она ва оиласининг бошқа аъзолари билан номақбул муносабатда бўлиши;
- болани ақлий ёки жисмоний жиҳатдан ривожлантириш учун ўта фаоллик билан тарбиялашга интилиш мақсадида фарзандни ҳаддан зиёд қўп вазифалар юки остида эзиб қўйиш;
- болага муносабатда унинг шахсий хусусиятларини эътиборга олмасликлари;
- спорт секциясига эрта борган боланинг мураббийси билан ўзаро муносабатида нохушликнинг мавжуд бўлиши;
- боланинг атроф-теваракдагилар, жумладан, тенгдошлари билан салбий муносабатда бўлиши;
- оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзига беэътибор қарашлари мисол бўлади.

Ота-онаси, онаси (келин) билан бувиси (қайнона), ота-онаси билан тўнғич фарзандлар (ака, опалар) ўртасидаги уруш-

жанжаллар, келишмовчиликлар табиий равишда бола асабининг таранглашувига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, спорт секцияларида мажбуран, ўзгалар тазиики остида зўриқиб шуғулланиш, ақлий ва жисмоний машқларни ҳаддан ортиқ кўп бажариш бола асабининг бузилишига олиб келади, унда чарчоқ, уйқучилик, ақлий иш ва жисмоний машқларга нисбатан сусткашлик каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Яхиси фарзандингизнинг бетакрорлиги ва ўзига хослигини тўғри тушуниб, масалага унинг характер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашинг. Боланинг лаёқатларини суайтириш ёхуд, аксинча, ҳаддан зиёд кучайтиришга интилиш ярамайди.

Фарзандингиз ўз тенгдошлари даврасида инсоний муносабатларга хос лидерлик ва итоаткорлик мұхитида, ўзининг кераклиги ёки ортиқчалигини сезиб, кимгадир ёқиши ёки ёқмаслигини ҳис этган ҳолда, турли-туман таассурот ва хиссиётлар қуршовида яшар экан, кучли кечинмаларни бошидан ўтказиши табиий. Албатта, бу хил кечинма ва ўзаро муносабатлар хиссий жиҳатларга эга бўлиб, болангиз руҳиятига таъсир этмай қолмайди.

Шундай пайтда фарзанднинг хиссиётларига бефарқ қарамаслик, унинг изтироб ва кечинмаларини англашга, ташвишларига шерик бўлишга интилиш зарур. Улгайишнинг мashaққатли сўқмоқларида фарзандни қўллаб-қувватлаш ва унга энг яқин дўст бўлиб қолиш ота-онанинг инсоний бурчи ҳисобланади.

Бола руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг самарадор воситаларидан бири унда соғлом турмуш тарзига хос одатларни шакллантириш бўлиб, бунда фарзандингизни фаол ҳаракат режимига ўргатувчи кун тартибига, шахсий ва умумий гигиена (орасталик ва саришталик) қоидаларига риоя қилишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, зарарли одатлардан сақланиш, жароҳатланиш ва яра-чақалардан ўзини эҳтиётлашга ундаш, унга тўғри жинсий тарбия бериш ва юқорида таъкидланганидек,

тарбия жараёнида фарзандингиз билан мулоқотда психогигиена қоидаларига риоя қилишингиз ва бунга эришишингизнинг аҳамияти каттадир.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, оиласда болани психологик жиҳатдан тарбиялашда ташқи ва ички омиллар катта муҳим вазифани бажаради. Ҳозирда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланаётганлиги интернет тизимининг барча давлатлар, маданий худудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати билан ахборот хавфсизлиги тушунчаси пайдо бўлди. Ахборот хавфсизлиги – аслида жамиятнинг объектив, холис, ҳаққоний ахборот манбаига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутади ва турли ахборот хуружларига нисбатан истеъмолчида ўзига хос иммунитетнинг шаклланишига ёрдам беради.

Афсуски, замонавий ёшларда Farb маданиятига қизиқиш, миллий урф-одатларимизга зид бўлса-да, мода кетидан қувишига мойиллик бор. Шу сабабли улар Интернет ва бошқа ОАВ орқали узатиладиган турли хил маълумотларни психологик экспертизасиз қабул қиласидар. Farb маданиятига тақлид, мафкуравий таҳдидларнинг асл маъносини тушуниб етмаслик, умуман глобаллашувнинг салбий таъсири ёшларда ўзига хос гедонистик психологиянинг шаклланиши учун шарт-шароит яратади. Гедонизм – бу шахс ва унинг хулқ-атвори мотивларида факат нималардандир лаззатланиш, қониқиш олиш ва ўзидағи ички руҳий изтироблардан ҳоли бўлишга интилиш устивор бўлади.

Оиласда психологик ҳимоя воситалари ёки механизмлари ишга тушиши ва самара бериши учун биринчидан, ҳар бир инсон учун мустақил фикр зарур. Чунки мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват, тўғри,

оқилона муносабатни намоён этиши, ички психологик ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бузгунчи ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғуурни тарбиялашимиз ва ҳар бир машғулот, “Маънавият соатлари” тарбиявий муроҷотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Миллий ғуурнинг аҳамияти шундаки, бундай фазилати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлишни ўзига раво кўрмайди.

Учинчидан, миллий ғуури бор инсонда иймон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш осонроқ. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар “Интернет” ва очиқ ахборотлар оламида шахсни адаштирмайдиган “компас” ролини ўйнайди, шахсни холис муроҷоза юритишга, яхши билан ёмоннинг фарқига боришга ўргатади.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган оила сиёсатининг том маъноси XXI аср оиласининг истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг устивор йўналишлари жамият тараққиётининг кафолатлари тўғрисидаги эзгу ғояларимизга ҳамоҳангидир. Шунга таянган ҳолда замонавий оиласалар ривожланишига асос бўлувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва тиббий омиллар қуидагича ифодаланиши мумкин:

- замонавий оила, жамиятда устивор бўлган демографик тамойилларга асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучларнинг субъектив ҳоҳиш-иродасига қарам бўлмайдиган, жамиятни олға ривожланишига тўсиқ бўлувчи иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган маскан ролини ўйнайди;
- замонавий оила, миллий урф-одатлар, миллий қадриятлар, анъаналар ва удумларнинг жамият ривожи ва оила барқарорлигига хизмат қилувчи жиҳатларини илғор, инсоният тараққиётига алоқадор анъаналар билан уйғунлаштирувчи табиий макондир;
- замонавий оила, инсонпарварлик ва демократия тамойилларининг том маънода жамиятда устивор бўлиши ва

ҳар бир жамият аъзоси бўлган фуқаро томонидан онгли тарзда идрок қилиниши учун маърифат мактабини ўйнайди;

– замонавий оила, умуминсоний қадриятларга содиклик, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминланиши учун маънавий кўргон ролини ўйнайдиган ижтимоий институтдир;

– замонавий оила, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган тамойилларни ўз аъзолари онгига сингдириш учун қулай бўлган мафкуравий муҳитдир;

– замонавий оила, халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг энг илгор ютуқларини ўзида мужассамлаштирадиган ва шу аснода ҳар томонлама баркамол соғлом авлодни тарбияловчи маскандир;

– замонавий оила, ҳар бир фуқаронинг куч ва иқтидорини ўз ҳалол ва сафарбар меҳнати орқали рўзгорнинг иқтисодий такомилини таъминлаш, шу орқали жамият ишлаб чиқариш қучларининг самарадорлиги ва қудратини таъминловчи ижтимоий муносабатлар маконидир. Оила иқтисодини барқарорлаштиришда оиласи тадбиркорлик, ижара, оиласи ишлаб чиқариш, касаначилик шаклларидан оқилона фойдаланади ва оила бюджетини яхшилаш, турмуш тарзини фаровонлаштириш учун замонавий техника ва технологиялардан, майший хизмат шахобчаларидан унумли ва ўринли фойдаланади;

– замонавий оила, ўз фуқароларида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш орқали инсонларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатини таъминловчи, бунда миллий, умуминсоний ва демократик тамойиллар маъно-моҳиятини етказувчи ижтимоий институтдир;

– замонавий оила, ўзининг интеллектуал салоҳияти, ақл-заковати ва иқтидори билан илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланиш орқали инновацион кашфиётлар ва юксак технологияларни оила барқарорлигига йўналтирувчи, санъат соҳасидаги соғлом ижодий муҳитни таъминловчи макондир;

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари

— замонавий оила, оналар ва болалар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизими мавжуд ва уни такомиллашганлигини тушуниб, соғлом тиббий муҳитни яратса олганлигидир.

Маълумки, иймонлилик, инсонпарварлик, диёнат, эътиқодлилик каби шахс мағкуравий тасаввурларининг асосида ётган фазилатлар ўсмиренинг энг аввало оилавий муносабатлар тизимида тутган ўрнидан, ота ва она, оиласдаги бошқа катта авлод вакилларининг ижтимоий мавқелари ва роли мазмунидан келиб чиқади. Зеро, мағкуравий тасаввурлар ҳамда улар асосида шаклланувчи инсоний фазилатлар шахснинг яхлит структурасидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Миллий ғояни оила муҳитида боланинг онги, қалбига сингдиришнинг муҳим воситаси – бу оилавий қадриятларни сақлаш ва илғор оилавий анъаналарни кундалик тарбия тизимига жорий этиш, турмуш тарзининг бир бўлагига айлантиришdir. Бунда ота-онанинг ўрни ва роли бевосита характерга эга бўлиб, фақат соғлом муомала ва самимият муҳитигина ўсмиренинг дунёқарashi шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Оилавий анъаналар, расм-руsumлар ва одатлар орқали болаларимиз онгига миллий ғояни ва истиқлол мағкурасини сингдиришни таъминловчи психологик омиллар ва шартшароитларни аниқ билиш ўта долзарб ва муҳим вазифадир. Халқ психологиясида мағкуравий таъсирчан омиллар моҳиятини билиш, янгича расм-руsumлар маросимларнинг аҳамиятли томонларини кундалик турмуш тарзига айлантириш ёшлар эътиқодига самарали таъсир кўрсатувчи педагогик технологияларга киради.

Замонавий оила тарбиясининг психологик асоси ўзида инсонпарварлик, ҳамкорлик ғояларини ифодалаб, халқнинг умумий қизиқиши ва интилишларини акс эттиргани учун кўп холларда жамиятни бирлаштириб, унинг равнақи учун хизмат қиласиган омил ҳисобланади, бу том маънода моҳиятан ўзбек оиласидан ўз ифодасини сақлаб қолган. Бу қадрият “оилавий бурч”, “ҳамжиҳатлик рухи”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”,

“оиласи қадриятларга садоқат”, “китталарга ҳурмат”, “кичикка ғамхўрлик” каби тушунчаларга асосланади.

Хозирги даврнинг моҳиятидан келиб чиқиб оиласарнинг ижтимоий таркиби ҳам ўзгармоқда, бу эса ўз навбатида оила таркибida, турмуши ва унинг қиёфасида жиддий ўзгаришларни вужудга келтироқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек оиласарида бундай таркибий ўзгариш, янгича муносабатлар тарихий таркиб топган миллий ўзига хосликни йўқотишга эмас, балки оиласардаги муносабатларнинг ҳар томонлама педагогик нуқтаи назардан ривожланишига, қўп миллатли республикамиз аҳолиси урф-одатлари, анъаналарининг уйғунлашувига, мазмунан бойишига сабаб бўлмоқда.

Китталарга ҳурмат ва бўйсимиш ўзбек оиласаридаги анъанавий тарбия услубларидан биридир. Оилада болаларни тўғри тарбиялаш, ота-оналарнинг ва катта ёшдаги барча кишиларнинг намунаси бола шахсини шакллантирувчи, унинг дунёқарашига, хулқ-авторига, жамоа орасида ўзини тута билишига тайёрловчи омилдир. Айнан оила болани қадам қўйдиради, унинг ўзига хос хусусияти ва маънавий қиёфасининг шаклланнишига асос солади. Ёш авлоднинг қизиқиши ва тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги биринчи навбатда оила ва ундаги тарбиявий ҳолатларга боғлиқдир.

Оиладаги тарбиявий жабҳаларнинг савияси унинг тузилишига, қўп болалик ёки кам болалик, икки ёки уч авлоднинг биргаликда яшashi, ота-онанинг мавжудлиги ёки улардан бирортасининг йўқлиги, ҳар икки жинсдаги болаларнинг борлигига, ота-оналарнинг маълум савиясига, оила аъзоларининг ижтимоий аҳволига, болалар тарбияси бўйича ўз бурчларини ҳис этишлари, эр ва хотиннинг тарбиявий жабҳаларга муносабати каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Шунингдек, оиласи тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда оила тузилишининг миллий ўзига хослигини ва миллий анъаналардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш лозим.

Оила кичик жамият ҳисобланади. У мураккаб ижтимоий гурух бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий ва психологик

муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Жамиятдаги ўзгаришлар оиласи таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсирини кўрсатади. Оиласи бирлашиб жамиятни ташкил этади. Шу сабабдан оиласи қай даражада тарбия, ижобий психологик ижтимоий муҳит йўлга кўйилган бўлса жамият шу даражада ривожланади.

Инсоннинг асосий психологик ривожланиши даври асосан оила муҳитида кечади. Ҳаётнинг мураккаб муаммолари билан оиласи танишадилар. Оиладаги тарбиявий муҳит, урф-одат, оилавий анъаналарнинг ижобий таъсирида фарзандлар ўсиб ривожланади. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота-оналарнинг педагогик билимларга эгалиги, оилавий тарбия бўйича тажриба алмашиши, тарбиявий ишлар билан мунтазам шуғулланишига боғлик.

Оила қуришга ҳар бир ёш тайёр бўлиши, масъулият, жавобгарлик туйғусини ҳис қилиб, оиланинг мақсад ва вазифаларини тушуниб, ўрганиб бориши лозим. Бунда ўйинқароқлик, бебошлиқ, эркалиқ, бепарволик ўринини сезигирлик масъулият, андиша, жавобгарлик каби фазилатлар эгаллай бошлади.

Оила аъзоларининг бурчлари ва вазифалари. Ҳар бир инсон баҳти оила қураман, яхши, комил фарзандли бўламан деган мақсадда оила қуради. Бу мақсадга эришиш учун эр ва хотин, ота-она ва фарзанднинг бир-бири олдидаги вазифаларини, бурчларни, оилавий тарбиянинг муҳим омилларини билиб иш кўриш зарур.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари:

- фарзандга чиройли исм кўйиш;
- инсоний хислат ва фазилатларни таркиб топтириш;
- саводини чиқариш;
- иқтидорига қараб ривожлантириш;
- касб-хунар ўргатиши;
- уйлантириш, турмушга чиқариш;
- уй-жой билан таъминлаш;
- фарзандлар орасидаги мерос тақсимотида адолатли бўлиш.

Фарзанднинг ота-она олдидағи бурчлари:

- ота-онанинг насиҳатларига кулоқ солиш, меҳрибон, ғамхўр бўлиш, ота-онага ва оила ишларига ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ёрдам бериш;
- одоб-ахлоқда, ишда, илм-хунар ўрганишда ўрнак бўлиш;
- ота-оналарнинг нимага муҳтоҷ эканликларини қалбан ҳис қилиш, уларнинг орзу-ниятларини амалга ошишида ёрдам бериш;
- оила аъзоларига иззат-хурмат билан қараш, ўз бурчларини масъулият билан бажариш.

Оиласи тарбия мураккаб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир ота-она фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини англашларига боғлиқ. Бунда нормал, соғлом оиласи мухит, ота-онанинг обрўси, тўғри кундалик режим, фарзандни ўз вақтида билим олишга, ўқишига, китобларга, меҳнат қилишга жалб қилишлари ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Аввал ҳам, ҳозир ҳам бундан кейин ҳам таъкидланганидек ақлли, фаросатли, тафаккурга бой, фазилатли инсоннинг тарбияси оиладан бошланади.

Оиласи тарбия ишларини тўғри амалга ошириш учун энг аввало ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Ота-онанинг дид-фаросати, қизиқиши, эҳтиёжлари, интилишлари, мақсад ва вазифалари, биргаликда билим олиши, ишлаши, дам олиши, зиддиятларни, муаммоларни ўзаро тушуниб ҳал эта олишлари, фарзандларни болалигидан бошлаб мустақилликка, одамлар билан ижобий муносабатга ўргатиб борилиши мустаҳкам, соғлом оила мухитини вужудга келтиради.

Оиласи эркак ва аёл қонунан тенг ҳуқуқли, лекин уларнинг биологик, жисмоний ва руҳий тузилиши нуқтаи-назаридан бундай тенглик йўқ. Шунинг учун эркак ва аёлнинг вазифалари, фарзандларни тарбиялаш, оила меҳнати ва юмушлари тақсимоти масалаларида бир мунча тафовутлар мавжуд.

Эркакнинг вазифаси – оиласи иқтисодий, маънавий таъминлаш. Оиласи хавф-хатардан химоя қилиш, аёли ва фарзандларининг қувонч-ташвишларига шерик бўлиш, уларга ғамхўр бўлиш.

Аёлнинг вазифаси – оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланиш. Оила юмушларини ўз вақтида бажариш, оилада ижобий психологик муҳит яратиш.

Эркак ва аёлнинг вазифалари шулардангина иборат эмас, албатта. Бу вазифаларнинг барчасини кўрсатиб ўтишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ҳар бир инсон ўз тафаккурини ва ақлини ишга солган ҳолда ўз вазифасини ва бурчларини аниқ билиб олиши ва уларни масъулият билан бажариши лозим.

Эрнинг оиладаги бурчлари: хотинни севиш, хурматлаш, у билан маслаҳатлашиб иш олиб бориш, оилани моддий маблағ билан таъминлаш, хотини ва фарзандларини боқиши, парваришилаш, оилани бошқариш, тарбиялаш, назорат ва ҳимоя қилиш, оилага, хотинга вафодорлик, фарзандларни илмли, хунарли қилиш, барча фарзандларни тенг кўриш, хотинининг ота-онаси, яқинларини хурмат қилиб, яхши муомалада бўлиш.

Хотиннинг оиладаги бурчлари: эрни севиш, хурматлаш, унга итоатли бўлиш, фарзанд туғиши, парваришилаш, тарбиялаш, рўзгор ишлари, тартиб, гигиена қоидаларига риоя этиш, саранжом-саришталик, эрнинг топиб келганини қадрига етиб, тежамкорлик билан ишлатиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳар бир ишда эр билан маслаҳатлашиш, розилигини олиш, эрга вафодорлик, эрнинг ота-онасини, яқинларини хурмат қилиб, яхши муомалада бўлиш, сабр-қаноатли бўлиш, эрга, фарзандларга доимо эътиборли бўлиб, хушёрлик, талабчанлик билан уларнинг хатти-харакатларини, ўй-фикрларини кузатиб бориш.

“Она фарзандлари руҳига энг гўзал ахлоқни нақш этади. Бошқаларни яхши кўрмоқни, яқинларига хушмуомала, катталарга хурмат, кичикларга шафқат кўрсатмоқни, заиф ва заифларга ёрдам бермоқни ўргатади. Ишларни чиройли ва гўзал бажаришни, тўғри сўзли бўлишни уқтиради. Аҳдига вафо қилишни, ҳукмларида одил бўлишни, шунга ўхшаш одоб-ахлоққа доир нарсаларни фарзанд онгига, қалбига солади ва оқибатли, хушхулқ инсон бўлишига тинимсиз ёрдам беради”.

Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйига киритмаслиги шарт. Аёл кишининг бегона одамни эрининг рухсатисиз уйига киритмаслиги ҳам эрнинг аёлдаги ҳақларидан биридир. Чунки, эри йўқлигига унинг уйига кирган одам туфайли оиласа катта заарлар етиши мумкин. Ўша одам ёмон одам бўлса, ёлғиз аёлга ёмон кўз билан қараши ёки тажовуз қилиши, оиласининг сирларини ташқарига олиб чиқиши ёхуд ўша одам эрига мутлақо ёқмайдиган, унга душман одам бўлиши мумкин. Ўзини билган ҳар қандай муассаса ва ташкилот ҳам бошлигининг изнисиз ўзининг ҳурматли жойларига ҳар кимни киритавермайди. Оиласининг муҳтарам маскани бўлмиш хонадонга, оила бошлигининг изнисиз, тўғри келган одамни киритавериш ҳам эрга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

Хотин ҳар бир нарсани эридан сўраб қилиши зарур. Ҳар бир жойда ҳам раҳбардан изн сўраш жорий қоида бўлгани каби, шариатда аёл учун эрнинг ҳаққи улуғлигидан, у ҳар бир нарсани эридан изн олиб қилиши лозимдир. Эр оиласининг раҳбари бўлганидан кейин, аёл бирор иш қилмоқчи бўлса, аввал эрга изҳор қилиб, сўнг ишга қўл уриши икки тарафга ҳам яхшилик келтириши турган гап. Зотан, эр хотин учун энг ҳаққи улуғ инсон ҳисобланади.

Эрга ёрдам бериш ва унга риоя қилиш. Солиҳа аёл оила ишларининг барчасида эрига ёрдамчи бўлиши, унинг хизматини қилиши, унинг молини, обрўсини ва болаларини муҳофаза қилиши лозим. Ҳаётнинг иссиқ-совуқларида эрига ҳамдард ва ёрдамчи бўлиши зарурдир. Демак, аёл ҳам, эркак ҳам бу масалада ўзи ташаббус кўрсатиши лозим. Бир-бирига ёрдам бериб, ўзаро ҳамкорликда рўзгор тебратишлари керак бўлади.

Эрининг оила аъзоларига яхшилик қилиши. Хотиннинг ўз эрига яхшилик қилиши сирасига унинг ота-онасига ва бошқа қариндошларига яхшилик қилиши ҳам киради. Зотан, эрнинг уларга яхшилик қилиши шариатнинг талабидир. Ота-онасига ва қариндошларга яхшилик қилиш қанчалик аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир мусулмон яхши билади.

Юқорида зикр қилинган ишлар хотиннинг ўз эри олдидаги шариат белгилаган бурчларидир. Бу бурчларни адо этиш ҳар бир аёл учун шараф ва савобдир.

Аёлнинг эрига нисбатан риоя қиладиган одоблари:

1. Аёл барча нарсада эрининг розилигини топишга ҳаракат қилиши керак.

2. Ҳаётдаги энг гўзал фазилат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини бу фазилат билан зийнатламоғи зарур. Турли ҳою ҳавас деб, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиш яхши эмас. Аввалги момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: “Ҳаром касб қилманг. Аллоҳдан кўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олмаймиз”, дер эканлар.

3. Эрга ихлос билан хизмат қилиш ҳам аёлларнинг юксак одобларидан биридир.

4. Хотин оиласада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Китоб мутолаа қилиш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш шулар жумласидандир. Чунки, оқила ва маърифатли аёл ҳамиша эъзозда, эътиборда бўлади.

5. Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам асосан хотин кишига боғлиқ. Уйнинг зийнати нақш-нигору аёлларда эмас, балки саришталиқ, тутувлик ва меҳр-муҳаббатда эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

6. Аёл киши эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳдан, ёмон ишлардан қайтаради, савобга, яхши ишларга ундан туради.

7. Яхши аёл яхши пайтда ҳам, оғир пайтда ҳам эри учун энг яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлади. Уни сабр-чидамга даъват қилади, тушкун кунларида кўнглини чўқтирмай, доимо олдинга интилишга ундарди.

8. Яхши аёл ўз эрининг яқин ёрдамчиси, ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради. Уйнинг қилмоқчи бўлган ишларига хурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўтказишига ёрдам бериб боради. Бу ҳолат, албатта, эрни

уйга боғлайди. Чунки у бу ерда роҳат-фароғат, хузур-халоват топади.

9. Аёл киши эри хузурида шириңсұхан, хушмуомала бўлиш билан бирга, тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритади, қалбига қувонч бағишлади.

10. Рисоладаги аёл эрининг олдида ҳам, ортидан ҳам обрўсини, молини сақлайди, шарафини муҳофаза қилади.

Оилада фарзанд тарбиясининг педагогик-психологик хусусиятлари.

Оиланинг асосий устуни – бу эр-хотиннинг ўзаро иззатхурмати, хушмуомала ва шириңсўзлиги, бир-бирига ёрдам бериши ва ҳамжиҳатлигидир. Бу болалар тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки фарзанд айтилган насиҳатни эсидан чиқариши мумкин, лекин кўрганини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Тарбиянинг бу жиҳатига эътибор бериш лозим.

Ота-она ва фарзандлар орасидаги адолатнинг ахлоқий ва ҳуқуқий бузилишлари салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Оилада болаларнинг ёшлигидан бошлаб яхши сифатларини шакллантириб боришга жиддий эътибор бериш лозим, ҳаётий масалаларни ҳал қилишда ота-онанинг билими, маънавияти, ўзини тутиши, юриш-туриши катта аҳамиятга эгадир.

Фарзандлар одамлар орасида адолатпарварлик хислатларини камол топтиришда ўrnak кўрсатиш, тушунтириш ва уқтириш, рағбатлантириш, огоҳлантириш, танбех бериш, уялтириш, сухбат, мунозара ва баҳс каби усууллардан фойдаланиш мумкин.

Замонавий оила тарбиясида ижобий жараёнлар билан бирга салбий ҳолатлар ҳам кенг ўрин тутади. “Соғлом оиладан чиққан жиноятчи” – бу атама ҳозирги кунда юристлар, педагоглар ва социологларни, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчиларни ўйлантириб қўймокда. Баъзи маълумотларга кўра, кўплаб шаҳар ва вилоятларда жиноятга тортилган ёшларнинг кўп қисми ўзига тинч, моддий жиҳатдан яхши

таъминланган оиласларда тарбияланганлиги аниқланган. Уларни ота-оналарининг ёмон тарбиясини олган ёки моддий жиҳатдан қийналган шароитларда яшаган дейишга асосимиз йўқ. Унда сабаби нимада? - деган савол туғилиши табиийдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам асосий сабабини оиласдан, унинг ҳаёт босқичларидан маънавий-ахлоқий турмуш тарзидан, қадр-қимматидан қидириш лозим.

Хозирги замон оиласларидаги ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашнинг барча васиталари, шакл ва услублари кенг қўлланилмоқда. Олиб борилган кузатишлар натижасида болалар тарбиясида ота-оналарнинг эр ва аёл сифатидаги фаоллик даражаси турлича эканлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг болалар тарбиясига таъсир даражаларини қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Оиласда ота ва она бир хил таъсир кўрсатади.
2. Оиласда отанинг таъсири кучли.
3. Оиласда онанинг таъсири кучли.
4. Оиласда ота йўқ (вафот этган, ажралишган, кетиб қолган).
5. Оиласда она йўқ (вафот этган, ажралишган, кетиб қолган).
6. Оиласда ўгай отанинг таъсири кучли.
7. Оиласда ўгай онанинг таъсири кучли.

Умуман олганда ҳамма оиласлар тарбияси учун яроқли умумий формула топиш мумкин эмас, лекин болалар тарбияси бўйича тўпланган илғор тажрибалар асосида оиласнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда кутилиши мумкин бўлган тарбия натижаларини хисобга олиб, маслаҳат бериш мумкин. Масалан, болалар тарбиясида оиласвий муҳит маҳсус таъсир кучига эга. Муҳит дейилганда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, болаларга таъсир кўрсатиш усуллари, оиласда мавжуд бўлган бошқа шакл ва услублар йиғиндишига айтилади. Оила муҳитининг мазмуни ота-оналарнинг, катта ёшдаги аъзоларининг гоявий-сиёсий онгликларида намоён бўлади.

Хозирги замон оиласлари тобора биққиликдан ҳар томонлама ривожланиш даражасини намоён этишмоқда. Атроф-муҳит билан

бевосита алоқа, ўз миллатига мансуб анъанавий урф-одатлар билан танишиш, улардан ўз болаларини гоявий-ахлокий жиҳатдан тарбиялашда фойдаланишларига ёрдам бермоқда.

Ота-оналарга педагогик билим бериш, оиласи тарбия бўйича тажриба алмашиш, ота-оналарни тарбиялаш ишларига қизғин жалб қилиш учун уларни мактабга, маҳалла қўмиталарига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг бу борадаги энг муҳим вазифалари болалари камолотини олдиндан тасаввур эта олишлари, тарбия мақсадини аниқлашларидир.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш фаолиятни моҳирлик билан ташкил этишга боғлиқ. Бунинг учун:

1. Болаларнинг кун тартиби ва машғулотини тўғри ташкил этиш (режим, ўйин, меҳнат, уйдаги ўқув ишлари, спорт ва шунга ўхшаш).

2. Ўзининг шахсий фаолияти ва дам олишини ташкил этиш (ишда, уй хўжалигида, болаларни парваришлишда, ўқища, дам олишда, ёш авлод тарбияси юзасидан жамоат ишларида ва ҳакоза).

Бироқ бу йўлда бир қанча қийинчиликлар мавжуд. Бунда илғор оиласлар ҳам тарбиянинг мақсадини ва ўз масъулиятларини яхши билсалар ҳам тарбия услублари, усул ва воситаларини аниқ қўллай олмайдилар. Маълумки, оиласи бирон-бир услугуб алоҳида қўлланилмайди, балки барча услублар уйғунлашувда қўлланилади.

Баркамол инсон тарбиясида оила жамият билан яхлит бир бирликни ташкил этади, бу эса ҳозирги кунимиз учун хос хусусиятлардан биридир. Айниқса, ота-оналар ва жамият аъзоларининг меҳнат фаолиятлари характеристи, эр ва аёлнинг teng хуқуқлиги, ўзаро ҳурмат, фарзандларни эъзозлаш, ҳурматлаш, ижтимоий ва фуқаролик эътиқоди, оиласи маданий ҳаётнинг мавжудлиги ва ўсаётганлиги ўзбек оиласларига хос фазилат сифатида қадрланмоқда.

Болалар тарбиясига биринчи навбатда ота ва онанинг ўзаро муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Эр ва аёлларнинг teng

хуқуқлиги таъминланган бўлса-да, лекин биологик тенглик йўқлигини инкор эта олмаймиз. Шу сабабли оналар болалари тарбияси учун кўпроқ қалб қўри ила меҳнат қилишларини тақозо этади. Бундан ташқари, аёллар оиласда эркакларга нисбатан кўпроқ вақтини уй ишларига сарфлайди. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳатто дам олиш кунлари ҳам аёллар уй ишлари учун 9 соатдан 11 соатгача вақт ажратишади.

Ишловчи аёл болалар тарбияси учун жуда оз вақт ажратишга мажбур бўлади. Эрталаб, ишга жўнашдан олдин болаларини овқатлантиради, кийинтиради, боғчага олиб боради, мактабга жўнатади. Катта ёшдаги фарзандлари ўзларини эплайди. Куннинг иккинчи ярмида ишдан қайтгач, аёлнинг иккинчи – уй учун бўлган иш фаолияти бошланади, яъни болаларининг уй вазифаларини бажаришларини назорат қилиш, кечки овқат тайёрлаш, жой солиш ва ҳоказо.

Отанинг уй ишларидаги иштироки асосан буйруқ беришда кўпроқ намоён бўлади. Унинг вазифаси кўпроқ оила иқтисодиётини ва фарзандларининг соғ-саломат ўсишларини таъминлашда ифодаланади. Чунки фарзандларининг беморлиги нафакат онанинг, балки отанинг ҳам иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу сабабли фарзандлари соғлигининг яхши бўлишини таъминлаш ҳар иккиси учун бирдай масъулиятни юклайди.

Ота-оналарнинг болаларига кўрсатадиган тарбиявий таъсирларини ташкил этишдаги қарама-қаршилик йўл қўйилган хатоларнинг оқибатидир. Бу борада “Фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим бўлади. Зоро, илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиб, ўқиб-ўрганиб, маълумот ҳосил қилган киши, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади”⁷⁷-дейилади.

Бу ривожланиб бораётган фан-техника тараққиёти, таълим, ахборот ва компютер технологиялари ҳамда интернет алоқалари

⁷⁷ Усмонхон Алимов “Оиласда фарзанд тарбияси”, -Т.: “Мовароуннахр”, 2014. – 456 б. - 50 бет.

натижасида янада мураккаблашмоқда. Оиласарни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг фаолиятларини қиёсий таҳлил этиш ва баҳолаш мақсадида кўплаб оиласарда табиий кузатишлар олиб борилди, оиласи маросимларда иштирок этилди ва улар куйидаги хуносаларни берди:

1. Оиласи тарбия самарадорлигини ошириш омилларидан бири бола шахсини камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оиласи тарбия усуллари ва шаклларига ижодий ёндашиш, уни такомиллаштиришдир. Ёшларни ҳар томонлама ўрганиш уларни ўкишга, меҳнатга, ўз-ўзига, ўраб турган мухитга, инсон камолоти учун зарур бўлган сифатлардан энг муҳимларини ажратса олишга ўргатиш имконини беради.

2. Ота-оналар ўртасида тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш, айниқса, оиласи тарбияда қийинчиликка учраётган ота-оналарга жамоатчилик ёрдамини кучайтириш лозим.

3. Оиласи тарбияда ижобий ютуқларни кўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни мактабнинг кенгайтирилган йиғилишларига, ота-оналар қўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш учун мактабларда ота-оналар кунини жорий этиш ишларини янада кучайтириш керак.

4. Ота-оналар қўмиталари раҳбарларининг бевосита бошчилигида радиоалокаларни ташкил этиш. Бунда “Ота-оналар илк тарбиячи”, “Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги шахсий намуналари ва уларнинг аҳамияти”, “Ёшларни меҳнатга, ҳаётга, турмушга ўргатиш ва тайёрлашда оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги” ва шунга ўхшаш мавзулардаги эшиттиришларни тайёрлаб, изчил ўтказиш зарур.

5. Болаларни халқ оғзаки ижодига доир қизиқишлигини ўстириш мақсадида сұхбатлар, ҳикоялар, эртак ва достонлар ўқиб эшиттиришни йўлга қўйиш лозим.

Ижтимоий ва педагогик амалиёт, бир қатор тадқиқотлар инсоннинг миллий мажбуриятини шакллантирувчи асосий

ижтимоий институтлар сифатида улар оиласи қуидагича эътироф этади:

- миллий ахлоқий нормаларни ўзлаштириш, миллий маданий муҳитга ва унинг қадриятларига кўнишишнинг энг бевосита ва абадий манбаси ҳисобланиши;
- миллатнинг педагогик-психологик жиҳатларини тақлид йўли орқали алоҳида шахслар онги ва руҳий оламига киришини таъкидлаши;
- миллий қадриятларга амал қилиб, уларни сақлаши;
- ўзининг миллий тарбиявий аҳамияти инсон ҳаёти давомида сақланиб қолиши;
- миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг асосий ташувчиси ҳисобланиши.

Оиласинг барча санаб ўтилган хусусиятлари ўзбек оиласида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Ўзбек халқи шахсий хислатларида ифодаланган миллий хусусиятлари оиласида миллий ва диний қадриятлар асосида шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб таълим-тарбия, одат, маросимлар, қоидалар шаклида мустаҳкамланган. Бундай қадриятларга аввало, ўз юртининг ўтмишига ҳурмат, миллий анъаналарга содиқлик ва уларни ҳаёта тадбиқ этиш киради. Миллий хусусиятларнинг шаклланишига меҳнат фаолиятининг характеристери ва йўналтирилганлиги, ижтимоий жараёнларда қатнашиш даражаси, маданий таълим даражаси таъсири қилади.

Ўтмиш тажрибасини ўрганиш замонавий педагогика фанининг асосий вазифаларидан биридир. Бироқ тарбиянинг миллий хусусиятларига мурожаат қилиш маданий ажралишга олиб келмаслиги керак. Замонавий педагогика фанининг мақсади миллий хусусиятлар асосида фанининг замонавий муаммоларини ечишга ёрдам берувчи, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшувчи кучларни топишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ўзбек халқ педагогикасида севги, оила, болалар ҳақидаги қарашлар кўп йиллик тажриба таъсирида шаклланган. Бу тушунчаларнинг қонун ва қонуниятларида педагогик ва амалиётда

синалган тарбия меъёrlари қоидалар, ўз аксини топган. Халқ педагогикасида оила инсон ҳаётида энг асосий тарбия омили сифатида кўрилади. Оила жамият негизидир. Оила болаларга таъсир этиш усуслари, одат-анъаналарини аниклаши керак. У дам олиш тартибини, болаларнинг меҳнат ва ўкув машғулотларини белгилаши лозим. Шунингдек, оила ота-она ва болалар орасидаги ўзаро муносабатларнинг энг қулай меъёrlарини ишлаб чиқади. Чунки бола ўзини қизиқтирган масалалар бўйича энг аввалломбор, ўз ота-онаси билан ўртоклашади. Бу ерда оила аъзолари орасидаги муносабатлар амалга ошади хамда ота-онанинг тарбиявий вазифалари аникланади.

Оила ва оиласи тарбиянинг у ёки бу хусусиятлари доимо халқ эътиборининг марказида бўлган ва бу халқ педагогикасида ўз ифодасини топган. Халқ авваломбор, баҳтли оила яратиш учун курашган. Халқ оилани баҳт манбаи, табиат гўзаллиги, меҳнатсевар оила жамоаси сифатида кўради ва оилада аёл ва эркак тенг хуқуқлилигини эътироф этади, аёллар хуқукини химоя қилади, ажралишларни қоралайди, оиласи низоларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳал қилишни маслаҳат беради.

Халқ педагогикасида оналика олий ижтимоий қадрият сифатида қаралади, халқ оғзаки ижодида эса она доим улуғлаб келинади. Оиланинг ижтимоий вазифаларини халқ болада ахлоқ, ҳурмат, катталар ва кичиклар билан хушмуомалада бўлиш, қишлоқ хўжалиги, касб-ҳунар малакаларини эгаллашда кўрган.

Ҳозирда дунёнинг турли давлатларида халқларнинг маданий хусусиятларига катта эътибор берилиши аввалги маданий ютуқларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланиш масаласининг кескинлигини туширмайди. Ўсиб келаётган авлодни ҳаётга тайёрлашнинг кўп асрлик тажрибаси ёрдамида ёшларнинг замонавий бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган демократик жамиятга тайёрлаш мумкинми, деган масалада қизғин баҳс мунозара бораверади.

12-БОБ. ОТА – ОНАЛАР ВА ЁШ ОИЛАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган олима Фахр-ул Банот Сибғатуллоҳ қизининг “Қизлар тарбияси”, “Оила сабоқлари” каби мухим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлари мавжуд. Олиманинг “Оила сабоқлари” рисоласида хотин-қизларнинг тарбия, одоб - ахлоқ масалалари, уй-рўзгор ва бола тарбияси, саломатлик ва оила сиҳатини саклаш хусусида, қариндошлар муносабати, қайнона-келин муносабати, келиннинг вазифалари ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган панд-насиҳатлар ўрин олган. У қайнона-келин муносабатларига қуидагича панд-насиҳатлар ва йўл-йўриқлар кўрсатади: “Қайнона деб айтилганда келинларнинг, келинлардан сўз чиққанда қайноналарнинг юзларида бир совуқлик таъсири таассуфки, ҳар уйда кўринмоқдадир. Қайнонасидан мамнун келин ёки келинидан рози бўлган қайноналар оздир. Бу ярамаган ҳоллар ҳеч шубҳасиз тарбия камлигидандир. Нодонликдан туғилган бир нарсадир. Тарбия кўрган бир хоним қиз қайнонасини улуғлаб, унга хурмат ила иш қилувни, ўзини билган бир қайнона ҳам келинни суювни ва яхши тутувни билур. “Келин ила қайнона бир қозонда қайнамас” деган сўzlари бир тоқим қарши ва тарбиясиз хотунларнинг душманликлари ила сўзланган бўш сўзлардан бошқа бир нарса эмас.

Куёвга борган қизлар бир мартаба ўйлаб кўришлари лозимдирки, қайнона деган киши рафиқи ҳаётининг онасидир. Эри афандиси унинг танидан айрилган бир кимсадир. Бу хотун ул эрни дунёга келтирмаган бўлса эди, бу яхши эрни топа олмас эди. Ул хотун уни истамаган бўлса эди, уни ўғлига олиб бермас эди.

Хотунлар учун эрни хурмат қилмоқ қандай бир диний иш

бўлса, эрнинг онасига ва яқинларига-да таъзиму риоят қилмак шундайин бир бурчdir. Қайноали хонимлар билиши керакки, уйнинг энг катта хоними қайнонасиdir. Ёши улуғларга ёлғиз оила орасидагина эмас, ҳар ерда риоят қилмоқ вожибдур. Келин ҳам хонимdir, лекин хонимлигини қайнонасига ва унинг яқинларига ҳурмат қилмак ила кўрсатмоғи лозимdir. Қайнона уйнинг идора қилувчининг каттасидir⁷⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш оиласарга барча фикрларни келтириш мумкин. Битта эдингиз, иккита бўлганингиз муборак. Сизни она бўлишдек шундай улуғ бир шарафга на ўлчаб, на тасвирлаб бўлмас саодатга етказган, янги меҳмон пойига поёндоз тўшаш бахтига яқинлаштираётган яратганга ва ота-онангизга беадад тасаннолар бўлсин!

Энди сиз бўлажак онасиз. Она энг аввало, ўзи соғ-саломат бўлиши керак. Унинг ҳатти-ҳаракати, юриши ёки кўп ухлаши, жizzакилиги ёки оғир босиқлиги, ҳамма-ҳаммаси ҳомилага таъсир қиласи деган фикрлар бизга қадимдан маълум. Ҳозирги кунда япон аппаратларида ҳомила ҳолатлари тадқиқ қилингати.

Лаборатория тажрибасида онани алоҳида хонага жойлаштириб, осойишта шароит яратилди. Хонада “чўли ироқ” мусиқаси янгради. Ҳомила бу мусиқадан ором олиб тинч ётаётгани кузатилди. Замонавий шўх шовқинли мусиқа янгради. Ҳомила бу мусиқадан безовта бўла бошлади. Мусиқанинг ҳомилага таъсирини “УЗД” аппарати орқали компьютер экранида кўриб ҳайратга тушди. Демак, оналаримиз бекорга фарзандларига алла айтишмас экан.

Алла оҳанги ҳомилани руҳан осойишта, оғир-босик, онгли бўлишига ёрдам берар экан. Момоларимиз бекорга ҳомиладор онага бармоғингни қирқиб бер, деса қирқиб бериш керак деган муболага гаплар замираida жуда катта маъно ётади. Демак, ҳомиладор аёл кўнгли нима тусаса, олма, анор, ширинлик, аччиқшўр каби таомларни албатта топиб бериш керак дегани.

⁷⁸ Фахр-ул Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари.-Т.:”Ёзувчи”, 1992.-68-69б.

Хомиладор аёлнинг сиқилиши, суринкасига изтироб чекиш, асабийлашиш ҳомилага таъсир қилиши исботланди. Ҳатто онага берилаётган таомни ҳалол-ҳаромлигига ҳам катта эътибор бериш кераклиги ҳақида маънавий манбаларда ёритилган.

Масалан, Амир Темур ўғлини уйлантиргандан кейин, қирқ кун чилла саклатиб ёшларнинг кўшилишларига рухсат бермаган. Қирқ кун ўтгач ўғлига қўйидагича насиҳат қилади: “Ўғлим, бизга келинимизнинг ота-оналари уни ҳалол ёки ҳаром таом билан боқганми йўқми қоронғу. Шунинг учун унинг танасидан шу пайтгача истеъмол қилган озиқ-овқатларининг барчаси қирқ кун мобайнida янгисига алмашади. Шундан сўнг сизлар қўшилишингиз мумкин, деб қирқ кундан сўнг, энди рухсат бераман, деб рухсат берган ва қўйидагиларни насиҳат қилган:

Энг аввало, озода бўл, яхшилаб таҳорат қил сўнг чиллахонага киргач Аллоҳдан ниятингни тўлиқ сўраб илтижо қилгинки, иншооллоҳ ниятларинг изжобат бўлғай, деб, қўйидаги фикрларни баён этади: Албатта оила қуришдан мақсад авлодларимиз давомийлигини таъминлашдир. Оиламиз чироғини сўндирмаслик. Она юрт янги ҳимоячисини дунёга келтириш, юрт камолига – камол қўшувчи шиҷоатли, жасур, ақлли меросимиз давомчисини дунёга келтиришдир. Ўғлим. Сен бугун чиллахонада Тангрига илтижо қилиб ниятингни тўлиқ сўра.

– Эй Тангрим. Менга шундай фарзанд бергинки, унинг умри чинор умридек узун бўлсин, деб сўра.

– Эй Аллоҳим, менга шундай фарзанд бергинки, ақлли Мухаммад Пайғамбаримиздек зукко бўлсин, деб сўра.

– Эй Аллоҳим, менга берадиган фарзандингнинг ҳусни маликаи Хусниободдек гўзал қилиб бергинки дўст-душман олдида юзим ёруғ бўлсин, деб сўра”⁷⁹, деган ўйтлари бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотган эмас.

Хозирги тиббиёт нима учун фарзандлар орасидаги ёш уч йил бўлиши кераклигини илмий ўрганди.

Натижа қўйидаги хulosаларни берди:

⁷⁹ Темур тузуклари. -Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

Биринчидан, аёллар 20-33 ёшда энг соғлом, куч-қудратга тұла, физиологияси бемалол фарзандға озиқ-овқатни кераклигича етказиб берадиган маҳсулдор пайти бўлади. Фарзанд туғилгандан сўнг бу ёшдаги оналар яна ўзларини тиклаб оладилар.

Фарзандлар ораси уч йил бўлса, биринчи фарзанд онадан етарли озиқ-овқатни олади ва соғлом бақувват бўлиб улгаяди. Аммо шу уч йил орасида яна ҳомила пайдо бўлса, янги бўшангандан аёл организми ўзига ҳам, фарзандига ҳам озуқа етказиб беролмай ўзини тиклашга қийналиб қолади. Натижада она ҳам бола ҳам нимжон бўлиб, тез касалликка чалинувчан бўлиб қолишади. Шунинг учун фарзандлар орасидаги 2,5-3 ёш фарқи онанинг ҳам, фарзанднинг ҳам саломатлиги гаровидир.

Эркаклар 18-45 ёшларида, аёлларнинг 18-33 ёшларидаги даври энг маҳсулдор, куч қудратга тұла ҳеч қандай (улар ичмаса, чекмаса ва бошқа спиртли нарсалар сурункасига истеъмол қилмаса) нуқсонсиз фарзанд кўришади.

Баъзи ҳолларда 35-40 ёшларда фарзанд кўрган оналаримиз физиологияси яхши сақланган бўлса, яъни уларнинг биологик қувватлари бақувват бўлса, эркакда ҳам худди шу ҳолат бўлса бола соғлом, ақлли туғилиши мумкин. Аммо аёл ҳам эркак ҳам шу ёшда бўлиб, уларнинг физиологиясида қариш, стресс кучли кечган ҳолатлари бўлса, фарзанд, тұла қонли туғилмайди.

Аёл организми бундай озуқани ҳомила учун тұла-тўқис таъминлаб бера олмайди. Натижада фарзанд бирор нуқсон билан туғилиши мумкин.

Ёшларни оиласа тайёрлаш. Энг аввало, ёшларга оила муқаддас эканлигини таъкидлаймиз. Оила қуришдан олдин мен оиласи бошқара оламанми? Ота ёки оналик вазифасини бажаришга тайёрманми? – деган саволларга жавоб бериш керак. Шу саволларга қониқарли жавоб бера олсангиз кейин оила қуришингиз мумкин. Уйланиш ёки турмушга чиқиш бекинмачоқ ўйини эмас, бугун ўйнаб эртага ташлаб кетадиган. Бир умр биргла яшаши кўз олдингизга келтириб, “Етти ўлчаб бир кес” мақолига амал қилиб кейин бир қарорга келишингиз талаб қилинади.

Халқимиз бекорга “Кўз очиб кўрганим кўз қорачиғим, кейинги кўрганим лойу-балчиғим”, деб айтмаган. Чуқур мулоҳаза, суриштириш, учрашишдан сўнг маъқул кўриб оила қурдингизми энди бу оилани муқаддас билинг. Иложи борича уни асраб-авайлаб, унга хиёнат қилмасликка, вафодор аёл ёки эр бўлишга интилиш керак.

Ёшларимиз бугунги кун статистик маълумотларига қараганда оз муддат ичидаги оила қуришганларидан кейин, характеримиз бир-бirimizga тўғри келмяпти, бир-бirimizни тушуна олмияпмиз, деган даъвони қиляптилар. Ўзбекистонда ҳозирда ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳолати ортиб бораётганлиги барчамизни жиддий ташвишга солади.

Оила қурганларига икки-уч йил бўлган ёш оилаларни иккига ажратиб статистик маълумотлар йиғилди.

Биринчи тури оилалар ўзлари топишган, севиб-севилишган, ўз ҳоҳишлари билан оила қурган ёшлар.

Иккинчи тури оилалар катталар, ота-она, қон-қариндош уруғлар оркали топилган, бир-бирини илк бор кўриб маъқул топган, ўз ҳоҳишлари билан оила қурган ёшлар.

Статистика шуни кўрсатдики, бу икки тур оиланинг биринчи турида ажралишлар кўпроқ. Олиб борилган мутахассис кузатуви психологик анализ ва синтез тадқиқот ишни қуидагича якунлади:

Ўзи топган, севиб-севилган ёшлар ўзларининг яхши, гўзал фақат ижобий томонларини бир-бирларига кўрсатгандар туфайли, бу ёшлар шу яхши фазилатларига меҳр қўйиб, бир-бирларининг ижобий томонларига кўникма ҳосил қилиб ўрганган ёшлардир.

Улар оила қурганларидан сўнг, бир-бирларининг висолига эришгач, энди салбий қилиқларини яшириб юришга ҳожат йўқ деб, яширинган нуқсонли қилиқлари ва феълларини юзага чиқаради. Бу қўшилмаган феълларга ўрганмаган, кутмаган ёшлар орасида ажрашишлар кўпроқ.

Иккинчи тури оила ёшлари бир-бирларини яхши билмаганлиги, яхши ва ёмон феълларига кўникма ҳосил қилмаган,

ҳаммасини энди кўраётганлиги учун бир-бирларига ўрганиб оила шунаقا бўлар экан деб ўрганиб, кўнишиб кетишган ёшлардир.

Бундай оиласарда ажралиш сони кам. Шу ўринда шоҳ Кайковус “Қобуснома” асарида ўғлига шундай насиҳат қилади; «Уйланмаган ўғлинга, турмушга чиқмаган қизни олиб бергин, дейди. Агар уйланмаган ўғилга турмушга чиқмаган қизни ёки уйланмаган ўғилга турмушга чиққан қизни олиб берсанг улар олдинги хотинига ёки эрига ҳозирги эрини солиштириб камчилик топаверади:

Эри – олдинги хотиним озода эди, сўзлари мулойим эди ва ҳоказо деса;

Хотини – биринчи эрим мард эди, орзу ҳавасли эди, сиз куримсоқ экансиз ва ҳоказо даволарни қиладилар»⁸⁰.

Улар биринчи турмуш ўртоғининг камчиликлари эмас ютуқларини эслайдилар. Бу муаммоларни ҳал қилишда алломаларимиз, халқимиз ва ота-оналаримизнинг ҳаётий сабоқларига асосланиб иш кўрсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Миллий ва умуминсоний ҳалқ тажрибаси алломалар асарлари, ота-оналаримиз ва бугунги ҳаёт тажрибаси идеал севги бўлиши мумкин эмаслигини, севги-муҳаббат ҳар бир шахсда индивидуал бўлишини исбот қилди. Ҳар бир шахс ўзининг интеллектуал савиясига, дунёқарашига, ўзининг қалбига ва мақсадига қараб турмуш ўртоғи танлаши мумкин. Танлаган турмуш ўртоғининг ютуқларига (саҳий, меҳрибон, мард ва орзу ҳавасли) суюниб, салбий фазилатларини (сўқади, аҳён-аҳёнда ичади ва чекади) кечириб яшашга муҳаббат дейилади.

Ҳеч қандай нуқсонлари йўқ турмуш ўртоқ қидирган йигит-қизлар турмуш ўртоқсиз қолиб кетиши мумкин. Энг асосийси танлаган жуфтингиз (хоҳ қиз, хоҳ ўғил бола бўлсин) соғлом, бир-бирига меҳрли, уйим-жойим дейдиган, қўли тўғри, қалбида шукури ва эътиқоди бор бўлса, сизнинг бошингизга баҳт қушининг қўнгани шудир.

⁸⁰ Кайковус “Қобуснома” –Т.: “Ўқитувчи” 1973 йил. 127 б. 70-бет.

Бугунда йигит ва қызларнинг нокоҳ ёши 18 деб белгиланди ва улар бу ёшга тўлганда ихтиёрий равишда оила қуришлари мумкин. Аммо бугунги куннинг маънавий, иқтисодий, ижтимоий талаблари бу ёшда оила қурғанларни (оила аъзолари қўлламаса) толиқтириб, бир қанча ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммоларни келтириб чиқаради. Бугун қизлар 20-22 ёшдан, йигитлар 25-27 ёшдан оила маъсулиятларини ҳис қилиб оила бошқаришга тайёр бўлайтилар.

Тажриба ва тадқиқотлар эркак ва аёл ўртасидаги ёш икки ёшдан саккиз ёшгача бўлса маҳсулдор, бир-бирини яхши тушунган, оилавий можаролар кам бўлишини кўрсатди. Эр-аёл ёшлари тенг бўлса бир-бирининг сўзига қулоқ тутиши, хурмат қилиши ва бир-бирини эъзозлаши суст. Эркак ёши аёл ёшидан 8-10 ёш юкори бўлса, уларнинг дунёқарашларида кескин фарқ бўлиб, бирини қизиқтирган муаммолари, иккинчисини қизиқтиrmайди. Ёшларида кескин фарқлари (10-15 ёш) бўлган эр-хотинлар, агар аёл ўз устида қўп ишлаган, ўқиган бўлса бундай, бир-бирини тушуниб олган оилалар камчиликни ташкил этади.

Бу ўринда қуйидаги ривоятни ҳикоя қилиш ўринли бўлса керак.

Қадимда бир шохнинг ўн тўртта хотини бўлиб, уларнинг барчаси тегли-тахтли казо-казоларнинг қизлари (бiri вазирнинг, бiri қўшни шоҳ ёки сultonнинг қизлари) эди. Кунларнинг бирида хотинларидан бiri шохнинг саройига эмас, ҳарамга бораётганлигини сезиб қолибди. Ишонч ҳосил қилиш учун яна бир хафта шохни кузатибди. Бу ҳол тақрорлангач шохнинг хотини дарғазаб бўлиб, ҳарамдаги канизакларни пардозлагувчи энагани чақириб буюрибди, агар бугун шоҳ яна саройга эмас, ҳарамга йўл олса, у ҳолда ўша шохни мафтун қилган канизакнинг ҳолларига шундай заҳар билан ишлов бергинки, шоҳ канизакни бағрига босиб ҳолларидан ўпич оламан деганда заҳарланиб ўлсин деб буюрибди.

Бу сўзларни ҳарир парда орқасидан ғулом (эркак хизматкор) эшлиб қолди. Ғулом куни билан истиробда юрибди. Бу воқеани

шоҳга етказса, бегойим бошини танасидан жудо қилади. Етказмаса 40 йиллик туз-намак ҳаққи, виждони қийналибди. Эй Худо, дебди ғулом бугун шоҳим ҳарамга эмас саройга қайтсингларда деб, Аллоҳга илтижо қилибди. Аммо, дунё ташвишларидан хориган шоҳ ҳарамга қараб йўл олибди. Уни кузатиб юрган ғулом ҳам ҳарамга келиб шоҳнинг кирган кулбасини тиркишидан кузата бошлади. Шоҳ оромда хон тахта, хон атлас кўрпача, (қадимда хонлар ишлатгандар учун шундай аталиб келган) канизак мулойим иболи жилмайиб шоҳнинг қўлига меҳр билан сув қуяр эди. Шу пайт канизакнинг бир ўрим сочи олдига тушиб кетгани, уни шоҳ меҳр билан олиб канизакнинг орқасига оҳиста ташлади ва канизакни меҳр билан бағрига босиб ўпич олмоқчи бўлганида ғулом шартта эшикни очиб, шоҳим бу мумкин эмас деди. Бу ҳолатдан ғазабланган шоҳ “жаллод!” деб, хитоб қилди.

Ғуломнинг бошини танасидан жудо қилинглар, деб буюрди. Ғулом эса, шоҳим бир қошиқ қонимдан кечинг деб, бўлган воқеани сўзлаб берибди. Дарров малика ва энагани келтиришибди. Шоҳ шу гап ростми, деб сўрабди. Бу гапларни эшитган малика ғуломга тухмат қилибди. Йўқ, дебди у малика шоҳим мен Сизнинг жуфти ҳалолингиз бўлсанам, яхши ниятлар билан бир ёстиқقا бош кўйсам-у, сизга нисбатан бундай пасткашлик қиласманми? Аслида канизакнинг ўзи ғулом билан юради дебди. Хангуманг бўлиб қолган шоҳ даргазаб бўла бошлабди. Бу ҳолатни кўрган ғулом – шоҳим яна охирги бор бир қошиқ қонимдан кечсангиз буюринг энаганинг сурмадони фалон жойда келтиришсин дебди. Даров сурмадонни келтиришибди. Энагадан сурмадан ялаб кўрсатишни сўрабди. Энага эса буни рад қилибди. Энаганинг қаршилик кўрсатишларига қарамай унинг қўл оёқларидан ушлаб сурмадан ялатган экан, энага бандаликни бажо келтирибди. Бу ҳолатни кўрган шоҳ ёнидан қочаётган маликани қирқ отнинг думига боғлаб саҳрора қўйиб юборганлиги ҳақида ёзилади.

Ғуломини озод қилгани, ўзи эса канизакга ўйланганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикоянинг холосаси шундай якунланади. Агар турмуш ўртоғингизнинг таги-тахти, келиб чиқиши, бойлиги

бўлса-ю, аммо у аёлда сиз хоҳлаган меҳр, уни дил қумсаб соғиниш, қалб харидорлиги ила талпиниш ҳолатлари бўлмас экан, юракни мажбур қилиб бўлмайди, деб ҳикоя қилинади.

Оила қурмоқчи бўлаётган ёш йигит қизларимиздан шуни илтимос қиласми.

Оила муқаддас – уни асраб-авайлаш керак. Эр-хотин ўз жуфти ҳалолларига шундай меҳр кўрсатишлари керакки, улар бошқа ҳеч кимдан бундай меҳр топа олмасин. Ҳар доим эр-хотин бир-бирларининг меҳрларига талпиниб яшashi керак. Бундай иноқ, меҳр-оқибатли, файзли хонадонда дунёга келган фарзанд камолатли бўлади.

“Авлиёни ҳатлаб ўтма!”

1-масала. Маош олган Равшанжон бозордан шириналлик ва ҳўл мева олиб, уйига қайтди. Қўлидаги қоғозхалтача билан дарвоза олдидаги онасининг хонасига кирмай тўғри ўzlари турадиган уйга ўтиб кетди. Бу ҳолатни кўрган онанинг кўнгли ўқсиб, ўғлидан ранжиди.

Келин бу вазиятда қандай иш тутиши керак?

А) қоғозхалтачадаги нарсаларни кўрган болаларига ҳам уларни бермай олиб қўйиши ва кейин ўзимиз еймиз дейиши керак;

Б) тақсимчага мевалардан солиб, болаларидан қайнонасига бериб юбориши керак;

В) Ойижон! Ўғлингиз маош олган эканлар – бизларга илиниб, бозор қилиб чиқибдилар. Шуни ўзингиз тақсимлаб, режалаб берсангиз, деб қоғозхалтачани олдиларига олиб чиқиб, маслаҳатларини олиши керак.

Тўғри жавоб (в) таҳлили. Келинимиз бу ҳаракатлари билан ҳам болаларида меҳр-мурувват, катталарга хурмат ҳиссини тарбиялайди, ҳам турмуш ўртоғи хурматига сазовор бўлади, ҳам қайнонасининг меҳрини қозонади, унинг қалб дуосини, розилигини олади. Бу фарзандлар учун жуда катта тарбиявий сабоқ, намуна бўлади. Халқимиз “Таомнинг олдини ота-онангга бер ўзинг ҳам олдини ейсан”, - деб бежиз айтмаган.

“Ота-она энг табаррук зотлар!”

2-масала. Ботиралининг хотини туғруқхонада – у қизлик бўлган. Бу воқеадан хурсанд бўлган Ботирали кекса онасини уринтириштаги ўзи товуқ шўрва қилди. Уйда қари онасидан бошқа ҳеч ким йўқ. Бошқа ишларга алаҳсиб, ҳаяллаган Ботирали келиб овқатдан ҳабар олса, у қайнайвериб жуда кам қолибди.

Ботирали қандай йўл тутиши керак?

А) онасига ҳеч нарса демай, бор шўрвани қуйиб, туғруқхонага олиб бориши керак;

Б) ойи, сиз нон-чой билан тамадди қилиб туринг, туғруқхонадан келгандан кейин бирон нарса қилиб бераман, деб бор шўрвани туғруқхонага олиб бориши керак;

В) ойи, шўрва қайнайвериб, жуда мазали бўлибди. Келинг иссиклигида ичиб олинг, деб ҳеч нарсани билдиришмасдан ойисига лойик шўрва қуйиб бериши, қолганини борича туғруқхонага олиб бориши ва вазиятни турмуш ўртоғига тушунтириши керак.

“Ишни режалаштириш – муваффақият гарови!”

3-масала. Эрталаб вақтли турган Дурдона спорт кийимини топа олмай, дарсдан кеч қолди. Ўқитувчиси уни дарсга киришига рухсат бермади. Ҳафа бўлган Дурдона уйига қайтди ва воқеани уйдагиларга тушунтирди.

Оила аъзолари бунга қандай муносабатда бўлишлари керак?

А) Дадаси: Менинг қизимни дарсга киритмайдиган домла ким экан, деб мактабга йўл олди;

Б) Буваси бувисига: ҳар гал сумкасига спорт кийимларини соглан солмаганлигини назорат қилиб турсанг бўлмайдими?

В) Бувиси: Ҳафа бўлма, болам, деб набирасининг бошини силади ва ширинлик бериб, бугундан бошлаб ҳар гал ўзим спорт кийимларингни сумкангга жойлаб қўяман, деди;

Г) Ойиси: Раънохон бундан буён ҳар куни қизининг дарс қилган, қилмаганлигини текшириб, дарс жадвалига қараб эртасига сумкасини тайёrlашиб қўйишини назорат қиладиган бўлди. Бунинг натижасида қизи аста-секин ўзи мустақил равишда дарс қиладиган, сумкасини эртанги кунга тайёrlашиб қўядиган

ва дарсга кечикмайдиган бўлди. Бошқа ишларда ҳам мустақил равишда ўз фаолиятини ўзи режалайдиган бўлди.

“Бола – бола-да!”

4-масала. Лола тепадан мураббо олаётганида мушугига ўралашиб, уни тўкиб қўйди.

Оила аъзолари бунга қандай муносабатда бўлишлари керак?

А) Лолага уйда мушук сақламаслигини айтиб, унга танбех беришлари керак;

Б) Лолани койиб, шира бўлган гиламни ўзига тозалаттиришлари керак;

В) Бувиси мушукни уриб-ҳайдаб, Лолани эркалаган кўйи унга бошқа ширинлик бериши ва гиламни ўзи артиб олиши керак;

Г) Онаси Лолага бундан буён нарсаларни эҳтиёт бўлиб олиши лозимлигини уқдириши, унга бошқа ширинлик бериши ҳамда гиламни биргаликда тозалаб қўйишлари керак.

“Кўргазмалилик – энг яхши таълим-тарбия воситаси!”

5-масала. 1-синф ўқувчиси Анвар уйга вазифа – “а” ҳарфининг ёзилишини ўрганмоқда. Лекин унинг ёзувлари бири иккинчисидан хунук чиқмоқда.

Бундай вазиятда оила аъзолари қандай йўл тутишлари керак?

А) Бувиси: ўқитувчи ёзib берганини кўрсатиб, шунга қараб ёзавер, дейиши керак;

Б) Дадаси: Анварнинг қўлидан ушлаб, “а” ҳарфининг ёзилишини қунт билан кўрсатиши керак;

В) Опаси: “хусниҳат” дафтарини олиб, “а” ҳарфининг ёзилишини қунт билан оғзаки тушунтириши керак.

“Очликка чидаш мумкин, лекин адолатсизликка чидаш бўлмайди!”

6-масала. Ака дарс қилаётганда укаси оёқ тагида “ғинг-ғинг”лаб машинасини ўйнайверди. Акаси бир-икки бор укасига бошқа уйга чиқиб ўйнашини илтимос қилди. Аммо ука қулоқ солмади. Жаҳли чиққан ака укасини машинасини олиб, эшиқдан улоқтириди. Бундан ҳафа бўлган ука: акам урди, - деб онасиға йиғлаб борди. Она кичик ўғлиниң гапига қулоқ солиб: кап-катта

йигит кичик болани урдингми, - деб койиди ва бир шапалок урди. Бу ҳолатни кўрган кичик ўғли хурсанд. Она ҳам кичик ўғлининг юзидаги табассумдан боши осмонга етган ҳолда уйдан чиқиб кетди.

Масала она томониданadolatli ҳал қилиндими?

Жавоб: Бу ерда аканинг ҳам ахлоқий, ҳам хуқуқий нормалари поймол қилинди. Масалаadolatli ҳал қилинмади. Ака-ука орасида меҳрсизлик муносабатларининг пайдо бўла бошлигига биринчи замин яратилди. Уканинг эса бундан буён ёлғон гапира бошлиши учун йўл очиб берилди. Бундай ҳолатлар бир неча бор такрорланса, ака: ота-онам мендан кўра кичкина укамни яхши кўрар экан, - деган хulosага келади. Адолатсизлик замирида ака ичимдагини топ дейдиган, оиладагиларга ва ака-укаларига бемеҳр бўлиб тарбиялана бошлади. Агар она қани, юр-чи ўғлим, - деб ака ва укани юзлаштириб, ҳақиқатни, яъни аканинг урмаганини аниқлаганида, уканинг тухмат қилаётганини билиб, ўз вақтида чора кўрганида эди ака-укалар орасида меҳр, ишонч, бир-бирини хурмат қилиш, алдамаслик, қилган айбини тан олиб иш кўриш каби кўникмаларни оиласи шакллантирган бўлар эди.

“Худбинлик – катта иллат!”

7-масала. Бир ҳовлида икки ака-ука истиқомат қилишади. Ака ўғлига машина ўйинчоқ харид қилди. Ўғли эса машинани ҳовлига олиб чиқиб, ўйнай бошлади. Буни кўрган уканинг ўғли мен ҳам ўйнайман деб ўйинчоққа ёпишиб, уни тортиб олди. Болалар жанжаллашиб қолишли. Бу ҳолатни кўриб турган овсинларнинг каттаси ўйинчоқни ўз ўғлига олиб берди.

Масала катта овсин томониданadolatli ҳал қилиндими?

Жавоб: Катта овсин ўғлини хуқуқий нормаларга асосан тўғри ҳимоя қилди, чунки ўйинчоқ унинг ўғлини эди. Аммо ахлоқий нормалар нуқтаи назаридан унинг тутган йўли нотўғри. Бунинг оқибатида ака-укалар орасида бегоналиқ, меҳр-оқибатнинг йўқолиши, молпарастлик каби иллатлар ва муносабатларнинг келиб чиқишига шароит яратилди. Бу масалада ҳам ҳаётий вазият катта овсин томониданadolatli ҳал қилинмади. Агар катта

овсин: вой, ўғлим, нега ундей қиласан. Түгри, ўйинчоқ сеники, аммо уни укангга ҳам бергин, эртага у ҳам сени велосипедида учиради. Ака-укалар бир-бирига меҳрли бўлади, бир-биридан ҳеч нимани аямайди. У акам бор деб хурсанд бўлса, сен укам бор деб хурсанд бўласан. Ахир сизлар бир-бирларингга жигарсизларку, деб иккаласини ҳам эркалатиб, яраштириб қўйганида эди, масалаadolатли ҳал қилинган бўлар эди. Фарзандлар эса онадан олган бу алқаш ва меҳр гаштини танасида хис қилар, унинг кўзга кўринмас руҳий озуқасидан баҳраманд бўлган бўлар, ўзгалар ҳам меҳрга муҳтож бўлишини, ҳаёт мазмунининг асоси инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳридан иборат эканлигини тушунган бўлар эдилар.

“Тарбиядаги кичик нуқсон катта фожеага олиб келиши мумкин!”

8-масала. Ота ўғлининг етуклик аттестатини олиши ва 16 ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берди. У ўзига ва ўғлига қадаҳ тўлдирди. Ўғлини бугунги баҳтли куни билан табриклаб, унга қадақ узатди. Бу воқеага оила аъзолари қўйидагича муносабатда бўлдилар.

А) Дадаси: ўғлим, муборак ёшинг, мустақил ҳаётга қадам қўйишинг билан табриклайман! Шу муносабат билан бир қадаҳ кўтарайлик;

Б) Бувиси: Жон болам, сен спиртли ичимликларга ўғлингни ўргата кўрма. Ҳеч қачон ичмасин – мартабаси улуғ бўлади.

В) Буваси: Майли, дадангнинг сўзи ерда қолмасин. Дўстлари олдида уни изза қилма. Қадаҳни уриштириб, бир ҳўплаб бера қол;

Г) Ойиси: Ўғлим, даданг сенга қадаҳ узатиб, бу спиртли ичимликларнинг қанчалик заарли эканлигини билиш ёки билмаслигингни синааб кўрмоқчи, - деб ўғли ва эрига қараб қўйди.

“Рахбар – энг аввало, инсон!”

9-масала. Нуроний бир мўйсафид нуфузли бир ташкилот раҳбарининг хузурига тортинибгина кириб: Ассалому алайкум, ўғлим. Кирсан мумкинми? – деб мурожаат қилди. Раҳбар:

А) Ва алайкум ассалом, келинг, деб ўтиришга таклиф қилди ва ўз иши билан машғул бўлди;

Б) Ассалому алайкум, бемалол кираверинг, деб ўтиришга жой кўрсатди ва ишини бир дақиқага йигиштириб, мўйсафиддан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, келишининг мақсади билан қизиқди ва масаланинг мураккаблигига қараб иш тутди;

В) Ишдан бир зумгина кўз узиб, бош иргаб саломлашди ва имо-ишора билан ўтиришга жой кўрсатди. Сўнгра ишини давом эттирган ҳолда чол билан келишининг мақсади ҳақида гаплаша бошлади.

“Ақл ёшда эмас – бошда!”

10-масала. Янги келин бўлиб тушган Зарифахоннинг туғилган куни. Бу хонадонда ҳеч кимнинг туғилган куни кутловсиз қолган эмас. Ишдан вақтли қайтган Анваржон қўлида гул, бир кийимлик атлас ва бир қути конфет билан хурсанд ҳолатда уйга кириб келди. Унга пешвуз чиққан суюкли ёри Зарифани қутлуғ айёми билан табриклиди.

Шу куни эрталаб уйга Анваржоннинг турмушга чиққан синглиси ҳам келган бўлиб, у ойиси билан ошхонада гаплашиб ўтиради. Синглисининг туғилган кунида Анваржон хизмат сафарида бўлган, сафардан яқинда келган ва шу сабабли уни туғилган куни билан табриклай олмаган эди.

Анваржоннинг синглиси ва онасига беъэтиборлигидан уларнинг кайфияти тушиб кетганлигини кўрган Зарифахон қандай оқилона йўл тутса, миллатимизда асрлар давомида таркиб топган оиласи муносабатларнинг муқаддас қонун-қоидаларига мувофиқ иш кўрган ва ўзининг ақлий ва маънавий баркамоллигини намоён қилган бўлади?

А) қайнисинглисини гул билан табриклаб, қолган совғаларни ўзида қолдирса;

Б) қайнисинглисига атлас кийимликни бериб, гул ва конфетни ўзига қолдирса;

В) бу оиласи ҳеч ким туғилган кунида кутловсиз қолмаганлигини англаган Зарифахон чопиб уйига кириб кетади ва

сепидан бир кийимлик қайинсинглисига муносиб кийимлик олиб чиқади. Ферузахон, биз Сизга мана бу совғани олиб қўйган эдик. Аммо акангиз хизмат сафарида бўлгани учун сизларниги бора олмадик. Яхши бугун ўзингиз келиб қолдингиз. Кеч бўлсаям айёмингиз билан табриклаймиз, – деб юзларидан ўпид қўяди ва совғани беради. Гулни вазага солиб, столга қўяди. Конфетни қайнонасиға узатиб: ойижон, ўзингиз табаррук қўлларингиз билан бизга конфет улашинг, сизга ўхшаб пиру - бадавлат бўлиб юрайлик, - деб эркаланди.

“Меҳмоннинг олдида мушугингни пишт дема!”

11-масала. Меҳмонлар билан банд бўлаётган Насибаҳоннинг олдига қизчаси 2-3 бор нонига ёғ суриб беришини сўраб кирди. У меҳмонларнинг олдига кирганида меҳмонлардан бирининг: “Вой, бу қиз жуда ширин экан-да, кўйлагини қаранг чиройлилигини”, – деган мақтоллари ёқиб, унинг меҳмонларнинг олдига яна киргиси келарди. Қизи Раъно онасининг нон устига суриб берган ёғнинг ўзинигина ялади-да, меҳмонларнинг олдига яна кирди. Жаҳли чиққан онаси уни жеркиб берди ва қўлидан ушлаб силтаганича меҳмонларнинг олдидан олиб чиқиб кетди. Раънонинг еб турган қўлидаги нони меҳмонхонадаги гиламга тушиб қолди. Бироздан кейин Раънонинг йиглаган овози эшитилди. Қўлида латта ва челақда сув билан кирган Насибаҳон қизи тушириб қолдирган ноннинг ёғидан гиламда қолган догни артишга тушиб кетди ва “Ёғнинг доти қолмасмикан, гилам чет элники эди”, деб қўйди.

Она бу ерда қандай тарбиявий ва маънавий хатоларга йўл қўйди? У ушбу ҳолда қандай йўл тутиши керак эди?

А) “Меҳмон келганда ҳадеб киравердинг. Нима, ёғ кўрмаганмисан?”, - деб койиши керак;

Б) “Мени меҳмонларнинг олдида роса уялтиридинг. Ёғ егинг келса, ошхонада емайсанми? Ақлинг йўқми? У гиламнинг неча пул туришини биласанми?”, - деб урушиши керак;

В) “Она қизим, уйга меҳмон келганида уларнинг олдига кириб, салом бериб, кейин чиқиб кетиш керак. Меҳмонларнинг олдига қайта айланиб кириш керак эмас. Меҳмонларнинг олдидаги

нарсалардан егинг келса, ошхонада стол устида турибди, ана шулардан олиб егин. Ундан кейин – агар бирор сени мақтаса, талтайиб кетмагин. Унинг ўрнига бундан ҳам яхши, одобли қиз бўлишга ҳаракат қил”.

“Ота-онанг ёмон бўлса, боғлаб боқ!”

12-масала. Янги келин турмуш ўртоғи, қайнота ва қайинонаси билан бирга яшайди. Келиннинг турмуш ўртоғи куни билан ишда. Келин эса уйда. ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона қайинона келинини ёқтиримай тез-тез жанжал кўтаради. Келиннинг турмуш ўртоғи бу жанжалларга аралашишни ёқтиримайди. Келин ва кўёв севиб турмуш қуришган, бир-бирини севишади, муносабатлари жуда яхши.

Оиладаги бу ҳолатда келин қайинонаси билан қандай муюмалада бўлиши керак? Оиладаги руҳий ҳолатни яхши томонга ўзgartириш учун бу оилада қандай муносабатларни қарор топтириши керак?

А) Келин жанжал чиққанда қайинонасига: “Мен ўғлингизга ялиниб текканим йўқ. Мени ўзингиз топиб, ҳоли-жонимга қўймай келин қилгансиз. Энди ёмон бўлиб қолдимми. Мен қандай бўлсан шундайман. Билганингизни қилинг”, - деб ҳар гал орани очиқ қилиши керак;

Б) Жанжал чиққанда келин қайинонасидан баланд келиб, унинг бошқа жанжал чиқармаслигига ҳаракат қилиши керак;

В) Келин ҳар гал жанжал чиқиш сабабини ўрганиб, таҳлил қилиб, улардан қайинонаси билан бўладиган келгуси муносабатлари учун хулоса чиқариши керак. Қайинонаси инг характерини ўрганиши, шунга қараб муюмала қилиши, қайинонаси, турмуш ўртоғи билан маслаҳат қилиши, қайинонасидан ўтган бўлса кечириши, ўзининг камчиликларини тузатиб, ўзидан айб ўтганда албатта қайинонасидан кечирим сўраши, унинг хурматини жойига қўйишга ҳаракат қилиши керак.

“Тежамкорлик бойлика бойлик қўшади!”

13-масала. Аваз мактабда футбол ўйнаётганида унинг кетаси бироз йиртилди. Кейинги хафта дарсларга тайёрланаётib,

кетасининг йиртиғлиги эсига тушган Аваз янги кета олиб беришларини айтиб ҳархаша қила бошлади. Авазга кетани яқинда олиб беришган бўлиб, у ҳали яп-янги эди.

Оиладагилар қандай йўл тутишлари керак?

А) Онаси: кетанг йиртилган бўлса, мен нима қилай? Бор, дадангга айт янгисини олиб берсин;

Б) Дадаси: ҳамма нарсага мен балогардон. Бир-икки галл жисмоний тарбиянгга бормасан бормабсан. Вақтим бўлганда янгисини олиб бераман;

В) Буваси: қани, болам, менга кетангни қўрсатчи. Ҳа, сал йиртилган экан-ку. Янгисини нима қиласан. Менга ип, игна, қўзойнагимни ҳам олиб келгин, ҳозир буни боплаймиз, деб набираси билан бирга кетасини тикишди.

“Бахт мол-дунёда эмас!”

14-масала. Гапдан гап чиқиб, қайинона-келин айтишиб қолишиди. Қайинона: “Ўғлим учун мен сизни келин қилиб юрибман. Ўғлимга ичим ачијиди. Агар менга қолса, сизни бир кун ҳам унга хотин қилдирмас эдим. Ота-онангиз паст одамлар экан – на бир арзигулик тилла нарсаларингиз бор, на бир мебелни яхши қилишмаган, қилган саруполари бир тийинга қиммат”, - деб келинга таъна тошини ёғдирди. Бундан дили вайрон бўлган келин кечкурун ишдан қайтган эрига бор гапни очиб солди. Оилада ноxуш ҳолат пайдо бўлди.

Оила аъзоларининг бунда билдирган қуйидаги муносабатларини таҳлил қилинг:

А) Эри: “Нега ҳафа бўласан, ойим бор гапни айтибди. Онанг менга ҳам ялчитиб кийим қилмаган-ку”, - деб баттар хотинининг дилини хуфтон қилди;

Б) қайнота хотини ва ўғлига: “Ўзларинг нимани қойил қилиб қўйибсизлар. Келинни ё оиласиз бахтли бўлсин, ўзидан ўзи кўпайсин, авлодимиз давом этсин, қариганда ҳузур-ҳаловатини кўрайлик, деб олдикми ё унинг моли учун олдикми? Бировнинг азиз боласини ўртага олиб, нега уни ҳафа қиласизлар? Қўлидан келган хизматини қилиб юрибди. Иккалангнинг ҳам

хурматини жойга қўйса, ўзи ойдек бўлса, ақли-хуши жойида бўлса. Яна нима керак сенларга. Мол-дунё ҳеч қачон инсонга дўст бўлган эмас. Тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат бўлса, ҳамма нарса битади. Пешонасига берсин. Сизларни шунчалик пасткашликка борасизлар деб ўйламаган эдим. Бундан буён бундай номаъқулчиликни кўрмай”.

“Қайнона-келин – оиланинг нозик бўғини!”

15-масала. Адолатнинг қайинсинглисисининг тўйи яқин. У бир куни институтдан келса, қайинонаси Адолатга саломда қўйган, яқинда эшик ва айвонга осиб қўйган 10 метрлик пардасининг йўқлигини кўрди. Қайинонасидан сўраса, у пардаларни қизининг юкларига қўшиб, куёв томонга бериб юборган экан.

Адолат қайинонасига бу ҳолатда қандай муносабат билдириши керак? қайинона бу ерда қандай маънавий хатоликларга йўл қўйди?

А) Нега берган нарсангизни яна қизингизга бериб юбордингиз? Мендан бир оғиз сўрасангиз бўлмасми? Пешонам шўр бўлмаса, шундай қашшоқ оиласа келин бўлиб тушармидим?

Б) Қизим, жон болам, ўзингиз биласиз, қуда томон тўйни тезлаштирайлик дейишяпти. Шунинг учун ҳарид қиласидиган нарсалар кўпайиб кетди. Ҳаммасини сотиб олишга қўлим калталик қиляпти. Ҳаддим сифиб сизнинг пардаларингизни бериб юбордим. Келсангиз узр сўраб ўзингизга тушунтираман деб, ўтирган эдим;

В) Келин: майли, ойижон, соғ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат бўлса, қолган ҳамма нарса топилади. Барнохон баҳтли бўлсинлар. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб, йўқлаб бориб-келиб юрайлик.

“Бола бошидан!”

16-масала. Топарман-тутарман ота ҳали балоғатга етмаган ўғлидан пулини аямас, у билан гаплашганда фақат бойлик, пул топиш ҳакида гапирав ва унга бунинг баъзи йўлларини ҳам ўргатган бўлар эди. Бир куни уйга отанинг обрўли зиёли дўстлари меҳмон бўлиб келиб қолишиди. Улар меҳмонхонада чақ-чақлашиб гаплашиб ўтиришганда, бирдан эркатой ўғли рухсатсиз, саломсиз

кириб келиб қолди. Ҳижолат бўлган ота ўғлига: “Ие, меҳмонларга салом қани, ўғлим”, - деди. Ўғли: “Ўртокларингиз ўзингизга ўҳшаган бой бизнесменларми? 25 сўмлик салом берайми, 50 сўмлик салом берайми ёки 100 сўмликми?” Ота нуфузли дўстларининг олдида ўғлининг кутилмаган бундай саволларидан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудек изза бўлди.

Отанинг ўғлига берган тарбиясини таҳлил қилинг. Бундай ўзига тўқ оиласарда фарзанд тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

17-масала. 15 ёшга тўлиши нишонланаётган Тоҳир меҳмонлардан совға қабул қилар, аммо бу галги совғалар унчалик қимматли, дабдабали эмас эди. Бундан кўнгли тўлмаган Тоҳир меҳмонлар кетганидан кейин ўзлари йиғилишиб ўтиришганда дадасига деди: “Дада, оғайниларингиз амалдалигингида каттакатта совғалар қилишар эди. Амалдан тушганингиздан кейин олиб келган совғаларини қаранг”. Тоҳирнинг бу фикрига оиласадагилар қуидагича муносабат билдирилдилар:

А) Она: тўғри, уялмасдан кўтариб келган совғаларига ўлайми. Шу совғалар бизга муносибми? Еб-ичганига ҳам арзимайди. Ундан кўра олиб келмай қўяқолишмайдими?

Б) Буви: Майли, болам, совғанинг катта-кичиғи бўлмайди. Шунчалик олиб келгандарига раҳмат дегин. Даданг ҳам бундан буён улар билан шу совғаларига қараб муомала қилади;

В) Бува: (ўғлига) Болам, сенга минг марта айтганман, туғилган кунларни оиласдан ўтказайлик, деб. Болаларингни ҳам шунга ўргатишинг керак. Кўникишсин шунга. Ана шунда улар бошқалардан совға кутмайди. қолаверса, совға – бу олиб келувчининг ҳиммати. Совғага қараб муомала қиладиган одам яхши одам бўлмайди. Ўзинг ҳам бирор нарса кутма. Ана ўшанда хотиржам бўласан, кўнглинг ором олади. Амалга келадиган бўлсак, у қўлнинг кири – ҳозир бор, эртага йўқ; ҳозир йўқ бўлса, эртага

бўлади. Бунинг учун энг муҳими - амалдалигингда одамларнинг кўнглини қолдирма, қўл остингдагиларга эътиборли бўл, уларни хурмат-иззат қил, адолатли бўл, токи амалдан тушганингдан кейин ҳам улар сенинг хурматингни жойига қўядиган бўлишсин, обрў-эътиборингга путур етмасин.

“Куш уясида кўрганини қиласи!”

18-масала. Шуҳратнинг ёлғиз ўғилчасининг тили чиққан - бирам ширин-ки! Шуҳрат ўзи болалигида шўх ўсган, унинг устига отасиз катта бўлган бўлиб, баъзи маҳалла болаларига қўшилиб тарбияси бузилди. Шу сабаб уйланганидан кейин ҳам босилмади. Баъзан хотини билан сан-манга бориб қолишганда оғзидан боди кириб, шоди чиқар, ҳеч кимни писанд қилмас, бирорвга қулоқ солмас эди. Бир куни уйга Шуҳратнинг дўстларидан бири келиб қолди. Улар гаплашиб ўтиришганида Шуҳратнинг ҳовлида қўшниларнинг болалари билан ўйнаётган ўғли уларнинг бири билан уришиб қолди. Жазавага тушган ўғли Шуҳратнинг кўй-кўйига қарамасдан ҳалиги болани ураг, тили энди чиққан бўлишига қарамасдан олди-орқасига қарамасдан сўкар, муомалага кўнмас эди. Бундан ҳижолат бўлган Шуҳратнинг ўртоғи кетиш тарафдудига тушди. Унинг эсига Шуҳрат билан бўлган баъзи ўтмиш хотиралари тушди.

Шуҳратнинг ўртоғи кетгандан кейин бу воқеани оила аъзолари қўйидагича қаршиладилар:

А) Дада: яшавор, ота-ўғил! Бопладинг ўртоғингни. Бўш келма – бўашашсанг ҳаммадан калтак ейсан. Зўр бўлсанг ҳамма сени хурмат қиласиган бўлади. Шундай бўлсин - катта бўлсанг қаҳрамон бўласан!

Б) Буви: болам, сенга ҳар доим ўғлингни талтайтирверма, оқибати ёмон бўлади, дейман. Бошқаларда ҳам ўғил бор, фақат сенда эмас. Ундан кейин, сен болалигингни ташла. Энди ўзинг ҳам фарзанд катта қиляпсан. Охирини ўйла;

В) қўяверинг, ойи. Катта бўлса, эси кириб қолади. Ҳали ёшку, нимани билади. Айб қўшнининг ўғлидан ўтган-да, бўлмаса бунақа қилмас эди.

“Болани қандай рағбатлантиришни билиш лозим?”

19-масала. Бир куни ўғлининг мактабдан “беш” баҳо олиб келганидан хурсанд бўлган Адҳамжон ўғлига чўнтағидан 50 сўм чиқарип бера туриб: “Битта беш олганинг учун 50 сўм. Қани нечта беш олар экансан”, – деди. Шундан буён ўғли ҳар бир беш олгани учун дадасидан 50 сўм олиб турадиган бўлди. Борабора ўғлининг бешлари кўпайиб кетди. Бундан шубҳаланганд ойиси ўғлининг кундалигини текширса, баҳоларга ўқитувчининг имзоси қўйилмаган: баҳоларни ўғлининг ўзи қўйиб олаётган экан.

Бу воқеадан кейин оиласый қуидаги можаролар ва гаплар бўлди:

- А) Дада ўғли алдагани учун уни савалай кетди;
- Б) Она: ким ўргатди сенга бундай кўзбўямачиликни? Унинг ўрнига яхши ўқисанг бўлмайдими. Биз сенга ҳамма нарсани муҳайё қилиб бераётган бўлсак. Ҳаммани шарманда қилдинг;
- В) Буви: энди бундай қилмайди. Билмай қолган-да, бир марта кечиринг, ойиси;
- Г) Бува: ўғлим, болангга меҳрни ҳам, қаттиқ қўлликни ҳам билиб қилгин. Иккинчидан, болани бундай йўл билан рағбатлантириш керак эмас. Унинг кўзбўямачилик қила бошлаганига ўзинг айбдорсан. Яна уни урасан. Бунақада уни таъмагир қилиб қўясан, нима иш қилса ҳам нарсани бирор нарсанинг эвазига қиладиган бўлиб қолади. Бунинг ўрнига энг аввало ўғлинг бирон-бир яхши иш қилса, уни мақта, бошини силаб, эркалат. Бундан ўзингнинг хурсанд эканлигингни айт. Шундай иш қилган бола келажакда катта одам бўлади, дегин. Ана ўшанда бола астойдил, алдамасдан, чин кўнгилдан янаям яхши ишлар қилишга интилади. Сендан маслаҳат сўрайдиган бўлади, сухбатдошинг бўлади. Бундан кейин бу қилган хатоингни қайтарма.

“Тарбиячи энг аввало ўзи тарбияланган бўлиши лозим!”

20-масала. Адабиёт дарсида ўқитувчи йўқлама қилаётганда дарсга кеч қолган талаба эшикни очиб, киришга руҳсат сўради. Ўқитувчи талабага қараб, унинг исми-фамилиясини сўради.

Талаба ўзининг исми-фамилиясини айтди. Ўқитувчи бирдан истеҳзоли кулиб: Ота-онанг исм қуригандай сенга шу исмни кўйган экан-да, - деди ва ўтиришга рухсат берди. Талаба нима дейишини ва нима қилишини билмай, ноилож жойига бориб ўтириди. Дарснинг қандай ўтганини билмади. Бир неча кун ўзига келолмай юрди. Айниқса бу сўзни ўқитувчи-тарбиячидан эшитганини ҳеч бир қолипга сиғдиролмай, бир умрга бу “зиёли”дан қалбida қора доғ қолди.

Ўқитувчининг маънавий қиёфасини баҳоланг. Ўз номи, касбига лойиқ бўлган ўқитувчи, моҳир педагог бундай вазиятда ўз вазифасини қандай қилиб адо этган бўлар эди?

“Фарзанд-зурриётларингизнинг барчасини тенг кўринг!”

21-масала. Абдуғани аканинг икки ўғли бўлиб, улардан кичигининг қизи билан каттасининг иккинчи ўғли бир кунда туғилган. Набираларимни бир хурсанд қиласай деб, Абдуғани ака ўғил набирасига ўйинчоқ машина олди. Қиз набирамга нима олсан экан, деб пулини чамалаб кўрса, арзигулик бирон нарса олишга етмайдиган. Аттанг, ўйинчоқни олмасдан иккаласига ҳам бирон-бир ширинлик олиб қўя қолсан бўлар экан, деб ўйлади-да, қиз набирасига бир талай хўroz қанд олди. Уйга келгандан кейин иккала набирасини ҳам суйиб, уларга олиб келган нарсаларини берди. Қиз набира болаларга хос иштаҳа билан хўroz қандларни еб бўлди-да, машинага ёпиша кетди. Уларни яраштиrolмай ҳалак бўлган қизалоқнинг онаси хуноби чиқиб, қайнотасидан ҳафа бўлди ва: “У набираси ўғил бола бўлгани учун унга машина олиб берган-да”, - деб қўнглига ўксик олди. Қайнота қандай йўл тутганда мақсадга мувофиқ бўлар эди?

А) “Пулим кам эди, шунинг учун бирига ўйинчоқ, иккинчисига ширинлик олиб қўяқолдим”, - деб бўлган гапни келининг тушунтириши керак;

Б) “Қиз болага қолган пулимга лойиқ нима олишни билмадим. Шунинг учун киз бола ширинликни яхши кўради деб унга хўroz қанд ола қолдим”, - дейиши керак;

В) Ота-она барча фарзандларини, зурриётларини тенг кўриши лозим. Уларнинг ҳеч қайси бирини бирон-бир нарсада

камситмаслиги, барча муносабатларда адолат тарозиси билан иш кўрмоғи лозим. Мазкур ҳолда қайнота олдиндан пулини чамалаб, иккала набирасига ҳам жинсига қараб бирон-бир нарса ёки бир ҳил ширинлик олиши керак эди. Шунда иккала набираси бир-бири билан талашмаган, келинлар хурсанд бўлган ва табиийки, бундан қайнотанинг ҳам кўнгли жойига тушган бўлар эди.

22-масала. Нигоранинг турмуш ўртоғи Жамшид билан дунёқарашлари турлича: Нигорани қизиқтирган нарса Жамшидга бегона, Жамшид ёқтирадиган нарсаларга Нигора бепарво. Шу сабаб кўпинча орада жанжал бўлиб туради. Кейинги вақтларда бу жанжаллар қўйди-чиқди ҳақидаги гапларга бориб тақаладиган бўлиб қолди. Орада иккита фарзанд бор.

Бу ёшлар бундан буён қандай яшашлари керак?

А) Инсон дунёга икки марта келмайди. Ажралиш ҳақида судга ариза бериб, ҳаётларини бошқатдан бошлашлари керак;

Б) Нигора болаларни олиб алоҳида яшashi, фарзандларининг тарбияси билан ўзи шуғулланиши, Жамшид эса уларга моддий ёрдам бериб туриши керак;

В) Дунёқарашларининг турлича бўлишларига қарамасдан муроса қилишлари, келишишлари, ҳар бири ўзида бўлган яхши нарсаларни секин-аста ётиғи билан бошқасига сингдириши, ёмонини йўқотишга ҳаракат қилиши лозим. Вақт бу саъй-ҳаракатларнинг бекорга кетмаслигини, келажакда улар бирваракайига, кутилмаганда мева бера бошлашларини кўрсатади. Бу мевалар уларнинг бора-бора бир-бирларини тушуна бошлашлари, болаларининг қанотларига кириб, уларнинг хурмат-иззатларини жойига қўядиган яхши фарзандлар бўлиб етишишлари, ўзлари эса жамиятда ўз ўринларини топишлари, баҳтли бўлишларидан иборатдир. Оилани бузиб, бошқа ҳаёт қуришдан иборат иккинчи йўл эса уларни тушкунлик ботқоғига, баҳтсизлик ботқоғига ботиради.

Ҳар бири учун ҳам иккинчи турмуш ўйлаганларидек роҳат-фароғатдан, жаннатдан иборат эмаслиги, уларнинг хом ҳаёл,

сароб эканлиги аён бўлади. Чунки жамиятда ҳар томонлама дунёқараашлари бир-бирига мос келадиган, бир-бирига ҳар томонлама айнан мос бўлган инсонларнинг ўзи мавжуд эмас. Табиатнинг ўзи шундай яралган. Табиатни ўзгартираман деган одамнинг ўзи телбадир. Бас, шундай экан ҳар бир ҳаётдан умиди бор инсон кўз очиб кўргани билан муомалада бўлиб, оёғининг тагига эмас, балки келажакка қараб қадам ташлаши, ақл билан иш кўриши, атрофга назар ташлаши, ҳаётни қузатиши, ундан хулоса чиқариши, катталарнинг гапига кулоқ солиши, ўз қобигига ўралиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда ўзини ўзи баҳтдан маҳрум қилган, фақат ўзини эмас, балки ўзининг калтабинлиги туфайли мутлақо беайб бўлган, фаришта бўлиб, умид билан дунёга келган бошқа инсонларнинг ҳаётини бадном қиласидар. Бу билан ўзлари яшаб турган жамиятнинг инқизози учун «хисса» қўшган бўладилар. Инсон эса жамиятда фақат ширин орзу-ўйлари, эзгу ишлари билан яшамоғи лозим.

“Болаларни тушуниш катта маҳорат талаб қиласиди!”

23-масала. Мустақиллик байрами муносабати билан иккинчи синф ўқитувчиси Раънохон ўқувчиларга ёдлаш учун шеър бўлиб бераётган эди. Бобир билан Баҳром милиционер ҳақидаги шеърга талашиб қолишидди. Раънохон қанча изламасин милиционерлар ҳақида бошқа шеър топа олмади.

Ўқитувчи вазиятдан қандай чиқиши керак?

А) Бирига шеърни ёдлашга бериб, иккинчисига шеър айтилаётганда милиционернинг сафда юришини машқ қилиб беришини топшириши керак;

Б) Бирига шеърни ёдлашга бериб, иккинчисига мажбурий равишда бошқа шеърни ёдлашга бериши керак;

В) Боланинг кўнгли нозик. Уларнинг ўқишига бўлган иштиёқини, ўқитувчига бўлган меҳрларини сўндиримаслик учун уларнинг иккаласига ҳам бошқа ўзларига ёқадиган шеърни ёдлашга бериши ёки милиционерлар ҳақидаги шеърни иккаласига ҳам ёдлашга бериши ва биргаликда айтиб беришларини топшириши керак.

“Тарбиядаги кичкина хато кейинчалик катта жиноятга олиб келиши мумкин!”

24-масала. Кунлардан бир кун Ботир ўйнаб юрганида қўшнисининг товуғи уларнинг пичанхонасига тухум қўйиб юрганлигини билиб қолди. Югуриб бориб йиғилиб қолган тухумларни олди-да, ойисига олиб бориб кўрсатди. Ойиси: Майли, қўявер, қўшнимиз билиб ўтирибдими товуқларининг қаерга тухум қўйиб юрганлигини. Қайтанга яхши бўпти. Билиб қолгунларича ҳар куни ўзинга биттадан пишириб бераман, - дебди. Шу кўйи Ботир ҳар куни товуқни пойлайдиган, тухумларини ойисига олиб келиб берадиган бўлди. Она шу тарзда Ботирнинг бундан бошқа ҳам майда-чўйда “топарманлиги”га эътибор бермай, аксинча буни рағбатлантирадиган бўлди. Натижада йиллар ўтиб, Ботир кунларнинг бирида катта “иш”га қўл урди ва жиноят курсисига ўтирди.

Она фарзандининг дастлабки “ёшлик қоқилиши”га нисбатан қандай йўл тутиши керак эди?

А) Қўшнисидан кечирим сўраб, фарзанди олиб келган тухумларни олиб бориб бериши ва воқеани тушунтириши керак эди;

Б) Фарзандига: майли олган тухумларингнинг ярмини қолдириб, қолганларини қўшнимизга олиб чиқиб бергин-да, воқеани тушунтир. Лекин бундан буён бундай иш қилмагин, - дейиши керак эди;

В) Фарзандига куйидагиларни ўқдириш керак: Олган тухумларингни даров қўшнимизга олиб бориб бер. Бу қилган ишинг яхши эмас. Улар ҳам товуқларига дон бериб, сув бериб, сенга ўҳшаган болаларини бокиб, катта қиласман, деб юришибди. Иккинчидан, бирорнинг игнадай бўлса ҳам нарсасини ўзларига билдирамай олиш – ўғирлик бўлади. Бирорнинг ўзларига керак ёки керак эмас нарсасини сўраб олиш эса, тиланчилик бўлади. ҳар бир нарсани ўзинг меҳнат қилиб топишинг керак. Ана ўшанда у ширин ва қадрли, беминнат бўлади. Ўзинг эса меҳнатга ўрганасан. Меҳнат инсонни кўкларга кўтаради, ўғирлик эса ботқоққа ботиради.

“Фарзандингизни яхши ишлари учун рағбатлантириб боринг”

25-масала. Ўртоқлари билан ҳар куни қувнаб ўйнайдиган Нигора бугун ўйнагани чиқмади, чунки ойисининг мазаси қочиб, уйда иситмалаб ётар эди. Нигора: қандай қилиб ойимга ёрдамлашсам экан, - деб ўйлар эди. Аммо у овқат қилишни ҳали билмас, йиғилиб қолган бир талай кирни кеча ойиси ювиб қўйган эди. Ниҳоят нималарнидир режа қилиб, ишга уннай кетди. Чала қилиб ўйни супурди. қўлининг кири билан нари-бери қилиб пиёлаларни ювди. Ойисига чой қўйди. қизининг ивирсилаб тақир-туқир қилиб юрганидан хавотирланган она ўрнидан туриб, уни навбатдаги иш устида кўрди. Онанинг бу вазиятда қизига бўлган муносабати:

- А) Уйни ҳам шунаقا супурадими, қизим? Бу – пиёлаларни ювганингми ёки ювмаганингми?
- Б) Пиёлаларни ўзи ювиб қўйди. Қизига: ҳеч нарсага тегма, тузалганимда ўзим қиласман. Бор, сен ўйнайвер, - деди;

В) Вой, асал қизим, катта бўлиб қолибсан-ку. Сен менга чой қўйиб, уйларни супуриб, ёрдамчи бўлиб қолганингга шукур. Фақат-чи, қизим, пиёлаларни ювишдан олдин қўлни яхшилаб ювиб олиш керак. Кейин уй супурганда бир четдан, тозалаб супуради. Хўпми, қизим? – деб қизининг пешонасидан ўпиб қўйди.

“Инсон хотираси муқаддасдир!”

26-масала. Хосият опа оламдан ўтганларидан кейин унинг тилла тақинчоқларига талашиб, аразлашиб қолган икки қизи, оналарининг қариндош-уруғлар йиғилиб, ўтказаётган маракаларидан бирига келмади.

Бундан ҳижолат бўлган кенжা қиз қандай йўл тутиши керак?

- А) Келмаса-келмас деб ўзлари ўтказаверишлари керак;
- Б) Бориб опаларини муросага келтиришга ҳаракат қилиши, тилла тақинчоқларни қандай тақсимлаш ҳақида маслаҳатлашиб олишлари керак;

В) Опаларининг олдига бориб, бу ишларининг номаъкул эканлигини тушунтириши, бундай қилсалар эл-юрт олдида номусга қолишлари, оналарининг руҳи-поклари безовта

бўлишини, шаънларига доғ тушишини айтиши, маъракаларни ўтказиб бўлгандан кейин бу масалани шароитга қараб бафуржа ҳал қилиш мумкинлигини уқдириши керак.

“Тўғри маслаҳатни олмаган – нодон!”

27-масала. Шоира қишлоқдан келди-ю, ўзгарди-қолди. Ўзига бино қўядиган, дугоналарини менсимайдиган бўлиб қолди. Унинг олдига таниш-билиш йигитлари тез-тез келиб турадиган, узок қолиб кетишадиган, хонадош дугоналарининг дарс қилишлари, дам олишларига ҳалақит берадиган бўлишди. Бундан хабар топган гурух раҳбари Шоирага мураббийга хос босиқлик билан, эҳтиёткорона маслаҳат берди. Шоира бунга жавобан: Мен сизнинг фанингиздан ва бошқа фанлардан яхши ўқийманми, дарс қолдирмайманми, жамоат ишларида қатнашаманми, бўлдида. Қолгани мени шахсий ишим бўлса керак, - деб жавоб берди.

Курс раҳбари бунга қандай жавоб бериши ва қандай чоратадбирлар кўриши керак?

А) Ҳақиқатда Шоира яхши ўқийди. Унинг устига юқори курс талабаси. Ўз шахсий ҳаётини қуриш ҳақида ўйлаши керак. Шунинг учун Шоирага ҳеч нарса демаслик керак;

Б) Шоирахон, тўғри, яхши ўқийсиз, ҳамма ишда фаолсиз. Лекин таниш-билиш йигитларингиз билан хонада эмас, ташқарида гаплашганингиз маъқул, - деб маслаҳат бериши керак;

В) Яхши ўқиганингиз, жамоат ишларида фаол қатнашганингизнинг ўзи етарли эмас. Қиз бола иффатли, ҳаёли, иболи бўлади. Ота-онангиз сизни ўқишига юбора туриб, тақдирингизни биз педагоглар, тарбиячиларга ишониб топширган. Биз сизнинг ҳам таълимингиз, ҳам тарбиянгиз учун жавоб берамиз. Қолаверса, бу бизнинг акалиқ, ота-оналиқ, инсонийлик бурчимиз. Шунинг учун маслаҳатларимизга қулоқ солсангиз, ўзингизнинг фойдангиз, ўзингизнинг баҳтингиз. Буни ҳозир тушунмасангиз, кейин тушунасиз. Бунаقا ҳаётга енгил қараманг. Кейин кеч бўлади, синглим. Ўшанда афсусланишнинг ҳожати йўқ. Агар бундай номаъқулчиликларни давом эттираверадиган бўлсангиз, ота-

онангизга бу ҳақда маълум қиласман ва масалангизни гурух мажлисига қўяман.

“Оилада фарзандлар орасидаги меҳнат тақсимотига эътибор беринг!”

28-масала. Якшанба куни. Насиба опа қизлари билан уйда. Катта қизи кир ювмоқда. Кичкина қизи телевизор томоша қилиб ўтирибди. Насиба опа ош дам еганини, уни сузишини айтди. Катта қизи кирларини ҳали бўлмаганини, уни чайиб, осиш кераклигини айтди. Насиба опа нима қилиши керак?

- А) Қизи кирларини чайиб, ёйиб бўлишини кутиши керак;
- Б) Кичик қизи билан иккалови ошни сузуб еяверишлирини, катта қизи кирини бўлса, ўзи ошини солиб еяверишини айтиши керак;

В) Кичик қизига: тур, қизим, опангнинг кирларига чайишиб, ёйишиб юбор. Биргаликда тез бўласизлар. Синглиси опасига ёрдамчи бўлиши керак. Кейин ҳаммамиз биргаликда овқатланамиз, дейиши керак.

“Қайнона - келин муносабатлари – оила мустаҳкамлигини белгиловчи омиллардан бири!”

29-масала. Қайнона келинларининг ўзаро иноқ эмасликларини, уларнинг тез-тез жанжаллашиб қолишилари, уйда ҳам, кўчада ҳам бир-бирларининг гийбатларини қилишларидан бағри эзиларди. Бу ҳолнинг сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларингиз.

Келинларнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш омиллари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

А) Қайнона келинларининг қайси бири олдига келиб, иккинчи келинини ёмонласа, у ҳам келинининг гапини маъқуллар, устига-устак ўзи ҳам арзиган-арзимаган камчиликларини гапириб, қўшилишар эди. Натижада келинлар бир-бирларининг олдида тобора ёмон отлиққа чиқиб борар, учрашганда бир-бирларининг камчиликларини юзларига солишар, орада жанжал кўтарилар эди;

Б) Келинлар яхши тарбияланмаган, маънавий қашшоқ оиласдан бўлиб, унинг устига катталарнинг маслаҳатига қулоқ

осишимас, ўз билганларидан қолишмас, “Мен сендан камми”, – деган қабилида иш тутишар эди. қайинонанининг келинларига бир хил муносабатда бўлмаслиги, уларни бир-бираидан ажратиши, бошқаларнинг келинларини мақтаб, ўзининг келинларини уларнинг олдида камситиши ҳам бу машмашаларга қисман сабаб бўлар эди;

В) Қайинона келинлари учун доно маслаҳатчи бўлиши, уларни ўз қизидек кўриши, барчасига бирдек муносабатда бўлиши, камчиликларини яшириб, яхши томонларини ошириб, рағбатлантириб бориши, келинларининг бири иккинчисининг камчиликларини айтиб, ёмонлайдиган бўлса, инсон камчиликсиз бўлмаслиги, борини кечириб, муроса қилиш кераклиги, ҳамма гап ўзаро меҳр-оқибатда, ҳурматда эканлигини тушунтириши, уйдаги гапни кўчага чиқармаслиги, оиласнинг сири муқаддас эканлигини уқдириши, келинларининг ўзаро иноқ бўлишларига ҳар томонлама кўмаклашиши, уй юмушлари тақсимотида одил бўлиши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир қайинона турмуш масалалари бобида зиёли бўлиши, ўқиб-уқсан, ҳаётни кўп кузатган, оқил мулоҳазали, мустақил фикрга эга бўлиши лозим.

“Фарзандингизни ёшлигидан ҳалолликка ўргатинг!”

30-масала. Болангиз юрганича кўчадан кириб келди, кўлида чиройли машинача. Бу ўйинчоқ ўртоғи Бобирники, кўчада унутиб қолдирган. Болангиз: ўйинчоқ меники бўлақолсин, ойижон, уйда ўзим ўйнайман, - деди. Сизнинг муносабатингиз.

А) Жуда чиройли экан, майли, яшириб қўяқол. Унинг бошқа машиналари кўп;

Б) Бироз вақт ўйнагин-да, кейин олиб чиқиб бер. Бирорнинг нарсасини олишга ўрганма. У сенинг нарсангни олса, яхши бўладими? Бунинг ўрнига нарсаларингни, ўйинчоқларингни яхши асрраб, биргаликда ўйнанглар. Ўшанда яхши ўртоқ бўласизлар. Катта бўлганларингда бир-бирларингга ёрдам берадиган бўласизлар. Яхши одамлар шунаقا бўлишади.

“Болаларингизни нарсаларни эҳтиёт қилиб, асрашга ўргатинг!”

31-масала. Ручкасини йўқотиб қўйган Жамшид мактабга кетиш олдидан опаси Маствуранинг ручкасини талашиб, синдириб қўйди. Иккаловига ҳам ручкаларни яқинда олиб беришган эди. Оила аъзоларининг бўлган муносабатлари.

А) Опаси Жамшидни калтаклаб кетди;

Б) Дадаси: Битта ручка бир ҳафтага етмайди. Бўлди энди ручка олиб бермайман. Нима қилсанг қилавер, – деб жаҳл билан ишга чиқиб кетди;

В) Ойиси: Жамшид, ўғлим, талашганингда нима бўлди энди – бутун ручка синди. Опангдан яхшилаб сўраганингда у ручкасини бериб туар эди. Мана энди яна иккита ручка олишга тўғри келади. Шунинг учун ҳамма нарсани авайлаб тутиш керак. Ана ўшандা мен билан дадангнинг ойлиги тежелади. Тежалган пулга ўзларингга бошқа нарсалар олиб берамиз.

“Ноз-неъматни увол қилманг!”

32-масала. Қумри хола келини Лоланинг пиёласида тоза ичилмай қолган шакарни кўриб: Болам, пиёлангизнинг тагида шакар қолибди, тозалаб ичиб қўйсангиз бўларди – увол бўлади, - деди. Бунга келинининг жавоби:

А) Вой-бўй, шу озгина шакар билан бой бўлиб қоламиزمи? Ювиб ташлайверинг;

Б) Шакар тугаб қолади, деб қўрқаяпсизми? Дадамга айтаман, бир қоп шакар олиб келиб беради;

В) Хўп, ойижон, узр, шошиб турган эдим-да, деб чой қуйиб ичиб қўйиши керак.

“Сепли келин бўлма, эпли келин бўл!”

33-масала. Умидга опа қўшнисиникидан кайфияти бузилиб чиқди. Қўшниси келинининг сарупоси, тилла тақинчоқлари, тўйларида қилинган тогораларни айтиб, роса мақтанди. Умидга опанинг келинига онаси ақалли битта зирақ ҳам қилмагани, саруполарининг ҳам тайини йўқлигини эслаб, ичидан ўқинди. Ўзини қўярга жой тополмай, охири ўғлига ёрилди. Келинига ва унинг оиласига нисбатан аччиқ гаплар қилди.

Умида опанинг тутган йўлини баҳоланг. Бу вазиятда ўғил қандай йўл тутиши лозим?

А) Ўғил онаси айтган гапларини хотини билан муҳокама қилиши керак;

Б) Ўғил онасига: Ойи, келинингизни ўзингиз ёқтириб, орзу-хавас билан келин қилган бўлсангиз, хурматингизни жойига қўяётган бўлса, хизматингизни қилаётган бўлса, шу керак эмасми, сизга. Сарупоси мундокроқ бўлса, нима бўпти. Сарупоси минг яхши бўлганда ҳам икки-уч йилда тугайди. Кейин нимаси билан мақтанади шу қўшнингиз? Ундан кўра келинининг фазилатларини мақтасин. Ўрнак бўлади бошқа келинларга. Сизнинг келинингиз бу томондан ҳеч бошқа келинлардан қолишадиган жойи йўқ. Сиз ҳам минг мақтансангиз арзиди келинингиз билан. Қаёқдаги гапларни гапириб юрибсиз. Шукур қилин, ойи. Келинингиз билан яхшимисиз. Энг муҳими шу. Қолган нарсалар тинч-омонлик, соғ-саломатлик, хотиржамллик бўлса, топилади;

В) Умида опа қўшнисининг гапларидан ҳафа бўлмасдан, кўнглини кенг тутиши, “ҳа, бор экан, ота-онаси қилибди, йўқ бўлса нимани қилар эди. ҳаммаси баҳтли бўлсин, қўша қаришсин, ували-жували бўлишсин. Бизнинг келинимизнинг сарупоси берироқ бўлса ҳам, келиним, айланай, тилла. Мени қўярга жой тополмайди. Оғзидан бол томади. Ота-онаси жуда яхши тарбия берган экан кизига, барака топсин. Ўғлим ҳам жуда хурсанд”, - дейиши керак эди.

“Севгини асранг!”

34-масала. Рустамжон курсдоши Дилдорани яхши кўрди. Дилдоранинг ота-онаси якка-ю ягона қизлари бўлишига қарамасдан, уни, ёшлар бир-бирларини яхши кўрганлари учун, Хоразмдан Фарғонага келин қилиб узатишиди. Орадан бир йил ўтгач Дилдора ўғилли бўлди ва ўқишидан академик таътилга чиқиб, Фарғонага кетди. Рустам эса ўқишда қолди. Анча вақт ўтгандан кейин Дилдора шаҳарга келганида, курсдошлари Рустамнинг бошқа бир қиз билан юраётганини айтишиди. Буни эшитган Дилдора катта жанжал кўтарди ва ҳеч нимани

суриштирмасдан Фарғонага бориб, ўғлини олиб, Хоразмга ота-онасининг олдига кетиб қолди.

Рустамнинг ота-оналари қандай чора қўришлари керак? Дилдоранинг тутган йўлини қандай баҳолайсиз? Бундай воқеалар содир бўлмаслиги учун қудалар қандай чора-тадбирлар қўришлари керак эди?

А) Рустамнинг ота-оналари бўлган гапнинг охирига етишлари, ўғилининг хато қилганлигини тушунтиришлари, қудалариникига бориб, улар билан келишиб, келинларини олиб келишлари керак ва ўғли билан келинларининг бир жойда бўлишларини таъминлашлари керак;

Б) Дилдора бу гапни эшитгандан кейин, уни ҳар томонлама суриштириши, Рустам билан бафуржа гаплашиши ва оиласининг бузилмаслик чораларини кўриши керак;

В) Қудалар фарзанд туғилгандан кейин қўпайишган оиласининг бир жойда бўлишини таъминлашлари, уларнинг ҳол-аҳволи, турмушларидан хабардор бўлиб туришлари керак эди.

“Ёшлар мухаббатига тўсқинлик қилманг, уларнинг баҳтига зомин бўласиз!”

35-масала. Икки ёш бир-бирини чин дилдан яхши қўришади. Лекин уларнинг турмуш қуришларига ота-оналари норози. Шунда улар қочиб кетишга қарор қилишди. Бунга сиз қандай қарайсиз?

А) Икки ёш бир-бирини яхши қўришар экан, улар турмуш қуришга қатъий аҳд қилганларидан кейин энг аввало, бу ҳақда ота-оналарига маълум қилишлари лозим. Бир умрга қилинадиган бу аҳду паймон пухта ўйланиб, ҳар томонлама маслаҳатлашилиб амалга оширилиши лозим. Ота-оналар ёшларнинг қалб амрларига қарши иш тутмасликлари керак. Бу борада эътиборга олиниши лозим бўлган энг асосий масала икки ёшнинг баҳтли бўлишидир. Ҳар қандай ёним шу масаланинг ижодий ҳал қилинишига қаратилмоғи лозим. Албатта, ёшлар “Ёшлик”ларига бориб адашишлари, эҳтиросларига, алдамчи ҳиссиётларига, субъектив баҳоларга берилишлари мумкин. Ота-оналар, қон-қариндош,

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

маҳалла кўй бу соҳада ёшларга одил, самимий маслаҳатчи, кўмакчи, йўл қўрсатувчи бўлишлари лозим;

Б) Агар ота-оналар ёшларнинг турмуш қуришларига у ёки бу сабабларга кўра норози бўлсалар, бу ҳолда ёшларнинг уларнинг розилигисиз турмуш қуришларини маълум шароитларда бир қадар ёқлаш мумкинdir. Лекин масаланинг бундай ечими ёшларнинг тўла қонли баҳтли бўлишлари учун мавжуд имкониятларнинг аксарият қисмини йўққа чиқаради. Ёшларнинг ҳаракати катта қийинчиликлар билан мазмунсиз кечади. Куда-андалик муносабатлари бузилади. Орада нохуш ҳолат, вазият юзага келади. Шу сабабли масалани иложи борича ота-оналарнинг, қавму-қариндошнинг розилиги билан амалга ошириш мақсадга мувофиқdir.

“Транспортда юришнинг ҳам ўзига хос қонун-коидалари мавжуд!”

36-масала. Йигит билан қиз йўлда такси тўхтатиши. Улар таксига қандай ўтиришлари керак?

А) Йигит ҳайдовчининг олдига ўтириб, қизнинг орқага ўтиришини айтиши керак;

Б) Таксининг орқа эшигини очиб, қизни ўтқазиб, ўзи ҳайдовчининг олдига ўтириши керак;

В) Таксининг орқа эшигини очиб қизни ўтқазиб, кейин унинг ёнига ўзи ўтириши керак, чунки такси йўлда яна йўловчи оладиган бўлса, орқа ўриндиққа ўтирган йўловчи, агар қиз таксига йигитдан кейин ўтиrsa, бегона киши билан ёнма-ён ўтириб қолади.

37-масала. Шоирани қимматбаҳо кўйлак кийиб келгани учун синф раҳбари дарсдан чакириб олдида, уйига бориб, бошқа оддий кийим кийиб келишини айтди. Бу ҳолатга оила аъзоларининг муносабатлари?

А) Дадаси қизига: ўқитувчингнинг сенинг кийган кийиминг билан нима иши бор экан? Бор мактабга боравер. Ўқитувчинг бекор айтибди;

Б) Ойиси: Қизимни қандай кийинтириш менинг ишим. Синфидаги баъзи қизларга ўхшаб, қизим мактабга бир пуллик кийимда борсинми?

В) Бувиси набирасига: Ўқитувчинг тўғри айтибди, қизим. Мактабга ўзингни қўз-қўз қилгани бормайсан, билим олгани борасан. Иккинчидан, бошқа ўртоқларинг олдида сенинг ажралиб туришинг яхши эмас. Уларнинг ота-оналарининг қизларини сенга ўхшаб кийинтиришларига имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Бундан уларнинг кўнгли ўксийди. Демак, бу билан сен уларни хафа қилган, қалбини чўқтирган бўласан. Шунинг учун ўқитувчингнинг айтганини қилиб, мактабга оддийроқ кийимларингни кийиб бор.

Юқоридаги фикрларидан шуни хulosса қилиш мумкинки, аёллардан нафақат ташқи ва ички гўзалликни, шу билан бирга ахлоқий қиёфанинг баркамол бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида бевосита оиласидаги тарбияга боғлиқдир. Тарбиянинг кўп жиҳатлари ота билан онанинг ахлоқий етуклигига, улар ўртасидаги муносабатнинг илиқлигига ва оиласидаги психологик мухитга ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки ота-онанинг ахлоқий қиёфаси тарбияда муҳим рол ўйнайди.

ХОТИМА

Ўзбекистоннинг келажагини таъминлаш ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш иши биринчи навбатда оиласда бошланади. Бунда оиласдаги ота-она ва катталарнинг ўрни юкори туради.

Тарбия ҳикматига истиқбол қудрати сифатида қаралмоғи лозим. Инсон онги ва шуурига, рухи-жонига эътиқод, инсоний бурч, адолатпарварлик, инсонпарварлик меҳр-оқибат, дўстлик, садоқат, ўзбекона ҳаё, иффат сингари одоб туйғулари ўша куч-кудрат манзилгоҳидир.

Умуман олганда, тарбия сўзи қулоққа эшитилиши билан одам кўз олдида оила намоён бўлади. Зеро, оила тарбия масканидир. Бас, бундай экан, маънавият тарбияси оиласдан бошланади.

Оила-инсониятнинг илоҳий ва мўъжизавий кашфиёти. Жаҳонда оила қурмай яшайдиган халқ ёки элатнинг ўзи йўқ, бироқ унга муносабатларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишади. Айтайлик, қай бир халқда оила-фақат зурриётни давом эттириш воситаси, қай бирида эса эркин муҳаббатдан лаззатланиш кафолатини бериб, асосан, мулкий муносабатни ифода этадиган эр-хотин иттифоқи. Яна бир халқда эса ҳам кўпайиш, ҳам яратиш, ҳам яшашнинг олий маскани.

Кувончимизу бахтсизлигимиз ҳам оиласда. Шунда эр-хотин сифатида муҳаббатимизни эъзозлаб оламда борлигимизни туямиз, шунда ота-оналаримиз маслаҳатларидан сабоқ олиб, турларини англай борамиз, шунда қариндошлар билан кенгашиб меҳру-оқибат дарсини ўқиймиз, шунда фарзандлар кўриб ўз-ўзимиздан кўпаямиз, фарзандлар орзу-хавасини кўриш иштиёқида меҳнат қилишни саодат деб англаймиз, шулар асосида жамиятга

боғланамиз, жамият бағрида – унинг аъзосига айланган ҳолда Ватан фуқаролиги, демакки, шахс нуфузини касб этамиз. Оила шундай маънавий ришталар билан Ватанга боғланади ва ҳар бир инсон учун Ватан ичра Ватанга айланади. Оила ва Ватан тушунчалари шу нуқтада ўзаро сингишади.

Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса-жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий топган бўлади. У ёки бу халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам аслида шу маънавиятида жилоланиб туради. Бинобарин, оила маънавияти-миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллийлик асослари ҳам шунда.

Дарҳақиқат, бола тарбиясида ота-онанинг бурчи ва вазифалари мухим эканлиги, уларнинг тамойиллари аждодларимиз ёдномаларида ўз аксини топган. Шу тамойиллар илм-фан ва техника тараққиёти даври талаблари асосида бойитилиши ва ривожлантирилиши керак. Ўз навбатида, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатилиши ва улар онгига сингдирилиши мухимдир.

Оила – инсоннинг ишончли таянчи, унинг маънавияти ва ахлоқнинг ўзагидир. Оиласи давомийлик ижтимоий ҳаётнинг асосий қоидалари ва тушунчаларини, анъаналар ва урф-одатларни, маросимларни, ёш авлодни тарбиялашга доир халқнинг ижтимоий тажрибасини сақлаш, авлоддан-авлодга олиб ўтиш имконини беради. Ушбу жараён ота-оналар, болалар, қариндошларнинг ҳамкорлик қилиши, катталарни хурмат қилиш, кичикларга ғамхўрлик кўрсатиш туфайли юз беради. Оиладаги соғлом мухит-ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланишининг гаровидир. Қолаверса, оиладаги тинчлик-хотиржамлик, ўзаро хурмат, меҳр-муҳаббат ва бир-бирини тушуниш миллий мустакиллик мафкураси мақсадлари ва тамойилларини ишончли равишда амалга оширилишига кўмаклашади.

Маънавий бой ва ахлоқий юксак шахсни камол топтириш оила ва мамлакатдаги демократик қайта ўзгартиришларнинг умумий

жараёни, халқ онгига миллий мустақиллик, янги илғор қадриятлар қарор топиши билан узвий боғлиқдир. “Оила, – деб қайд этади И.А.Каримов, – жамиятнинг асоси, миллий мустақиллик ғоялари қарор топишининг таянчи ҳисобланади. Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиласдан бошланади. Шу жиҳатдан келиб чиқсан ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт агадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлиши оиласи мустаҳкамлаш, бугунги кунда барчамизнинг наинки вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим”⁸¹.

Шуниси эътиборлики, жаҳоннинг бирорта мамлакатида оила ва унинг муаммоларини бу қадар изчил ва кенг қамровли илмий асосда ўрганиш ва ечишга киришилганлигини тарих билмайди. Ўзбекистонда оила саодати ватан ва халқ саодати негизи тарзида тушунилганидан шундай оқилона йўл тутилди.

Оила асосий умуминсоний қадриятлар ва одамларнинг қадриятили йўналишлари иерархиясида устунлик қилувчи қадрият ҳисобланади. Оила ўзида динамик ривожланаётган институти ифодалаб халқнинг маънавияти мустаҳкамланиши, унинг миллий маданияти ва маънавий қадриятлари тикланиши манбаи бўлиб хизмат қилади. Оиласда муҳим маънавий-ахлоқий фазилатлар тарбияланади, у авлодлар узвийлигини таъминлайди ҳамда инсонда миллий ўзликни англаш шаклланишига таъсир кўрсатади.

Замонавий ҳаёт ёшларни маънавий тарбиялашни кучайтиришни, оила ва никоҳнинг маънавий негизлари мустаҳкамланишини, жамият ҳаётида оиласнинг роли оширилишини талаб этади.

Мустақилликнинг 25 йиллиги давомида оиласидаги тарбияга, айниқса, ёшларни оиласидаги ҳаётга тайёрлашга бўлган муносабат ва эътибор кескин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Ёш авлодда ватанпарварлик, ахлоқ-одоб, миллий мафкура, миллий

⁸¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 57-56-бетлар.

ифтихор туйғусини шаклантиришга эътибор кучайтирилди. Ватанпарварлик, миллий ифтихор ва ғурур туйғулари миллий қадриятларни ифодалайдиган тушунчалар бўлиб, фарзандларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш мезонлари ҳисобланади. Дарҳакиқат, ҳар бир инсон учун Ватан аввало, оиласдан бошланар экан, шу боис оила ва оиласда фарзанд баркамоллиги бир-бирини тўлдириб келадиган тушунчалардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аёл ҳам эркак ҳам ҳаётни кўп кузатган бўлса, кўрганларидан ўзига ижобий хулоса чиқара олган. Ўқиган китобларини уққан ва уни ҳаётда қўллай олган, меҳри, қалби пок иймонли эътиқодли йигит-қизларнинг суратлари чиройли бўлмасаларда, сийратларининг гўзаллиги учун ҳамма ёқтиради. Уларни кўзларига суриб, қалблари илила харидор бўладилар. Уларнинг чиройи, мансаби, бойликлари юқоридаги фазилатлар олдида ҳеч нарсани ҳал қилмай қолади.

ЎТИШ ДАВРИ ИНҚИРОЗЛАРИ



Бутун умри мобайнида турли ўтиш даврларини бошдан кечирамиз. Бу пайтда организмимизда кечаётган турли физиологик ўзгаришлар маълум муддат руҳиятимиз, хулқ-авторимизга ҳам таъсир кўрсатади. Психологияда мазкур ҳолат ўтиш даври инқирозлари деб номланади. Ҳаётнинг янги бир босқичи бизни ҳам жамият, ҳам шахсиятимизга бўлган муносабатларимизни ўзгартириб, ижтимоий даражамизга ҳам таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда бу ўзгаришлар салбий жиҳатлари билан намоён бўлади.

Психологлар ҳар ким ҳам дуч келиши аниқ бўлган бундай босқичларни батафсил ўрганиб чиқишиган. Инқирозларнинг қайси ёшда қай аломатлар билан юзага чиқиши мумкинлиги, бундай пайтда нималарга эътибор қаратиши, қандай иш тутиши лозимлиги борасида кўплаб изланишлар, кузатувлар натижалари, мутахассислар хulosалари тақдим этилган. Аввало, айтиш лозимки, халқларнинг маданий ва диний қарашлари, турмуш тарзи

турлича бўлгани боис ўтиш даврлари ҳам ўзига хос кўриниш, ёш ва ижтимоий муносабатлардаги катта-кичик фарқлардан ҳоли эмас. Шу билан бир қаторда, психологлар ўтиш даври ҳар бир инсонда ўзига хос тарзда кечишини ҳам таъкидлаб ўтишган. Бирок, бу борада жаҳоннинг турли давлатларида фаолият олиб борувчи мутахассислар умумий ўртacha меъёр ва кўрсаткичларни қайд этиб ўтишган.

Ўтиш даври кўплар ўйлаганчалик фақатгина ўсмирлик даврида содир бўлмайди. Балки умримиз давомида 7-8, баъзан 10 маротабагача ўтиш босқичларидағи ўзига хос мураккабликлар билан ҳисоблашишимизга тўғри келади. Қайси ўтиш даври бўлмасин, уларнинг ҳар бирида мураккаб эмоционал ҳолат намоён бўлиши мумкин. Бунда инсон боласининг ўзи ва атрофидагилар билан муносабати ўзгаради, турли касалликлар, стресс, сурункали ҳолсизлик ва асабийлик, организмда гормонал ва бошқа физиологик ўзгаришлар кузатилади. Мутахассислар қуйидаги бир қатор энг кўзга ташланарли ўтиш даври инқирозларини санаб ўтишган:

Янги туғилган гўдакдаги инқироз. Гўдак дунёга келар экан, табиийки, маълум муддат организмининг мутлако нотаниш муҳитга мослашиш жараёнини бошдан кечиради. Нафас олиш ва овқатланишдан тортиб, бошқа кўплаб физиологик жараёнлар бутунлай бошқа бир шаклга ўзгаради. Психотахлилчиларнинг сўзларига қараганда, бу пайтда олинган ҳар қандай жароҳат инсонга умр бўйи ҳамроҳлик қиласди.

З ёш инқирози. Шахсий “мен”ни англаш босқичи ҳисобланган З ёшда кўпчилик болалар катталар ва tengдошлари билан ижтимоий муносабатларни ўрнатишида қийинчиликларга дуч келади. Машхур немис психологи Эльз Келер “Уч ёшли бола шахсияти” номли ишида мазкур даврда турган болалар рухиятига хос ўзгаришларнинг етти кўринишини санаб ўтган. Унинг фикрича, бу босқичда негативизм, яъни бир одамнинг бошқа кишилар билан муносабатларида салбий реакция кузатилиб, бола катталарга бўйсимишни истамайди. Шу

билан бирга, инжиқлик, қайсарлик, ўзбошимчалик, эътиroz, катталарни қадрсизлантиришга уриниш ва болалар деспотизми (зўравонлиги) кузатилиб, кўпинча ундан “мен ўзим...” иборасини эшиши мумкин. Нотўғри тарбия натижаси ўлароқ, боланинг жавоб реакцияси баъзи ҳолларда ўта салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

6-7 ёшга келиб болада тишлиларнинг алмасиши, юз қиёфасининг ўзгариши, бола танасининг тез ўсиши, чидамлилигининг ортиши, мушакларнинг бақувватлашиши, ҳаракатлар мувозанатининг такомиллашуви кузатилади. З ёшлилар инқирози пайтида бола ўзининг мавжудлигини, менини англаб етган бўлса, ижтимоий муносабатлардаги ўз ўрнини топишга ҳаракат қила бошлайди. Яъни, мавжудликдаги “мен”дан ижтимоий “мен” сари қадам ташланади. Мактабгача ёшдаги бола ўз-ўзига “мен меҳрибонман”, “мен қийналаяпман”, “мен ёмон иш қиласаяпман” деган сўзларни айта олади.

Ўз ҳаракатларига нисбатан онгли ёндашиб, эски қизиқишлилар ўрнига янгилари билан шуғуллана бошлайди. Бироқ болада ҳали хиссиётларини бошқариш қобилияти шаклланмаган бўлади. Омадсизликлар занжири (ўқиш ёки катталар билан бўлган муносабатларда) норозилик, каситилиш, ўзига ишончнинг сусайиши, компетентлик, ўзига хосликларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бола онгли равишда қандайдир ролни бажариш, аввалдан тайёрланган, бироқ унчалик ҳақиқатга мос бўлмаган қиёфаларга киришга ҳаракат қила бошлайди. Бу пайтда бола тарбиясида оғирлашиб, уни бошқариш бирмунча қийинлашади. Бу пайтда бола учун энг зарур бўлган нарса бу хурматдир. Агарда бу талаб қондирилмаса, у билан ўзаро тушунишга асосланган муносабатларни ўрнатиш қийинлашади.

Шу билан бирга, отаonasининг одатий буйруқ ва талаблари билан хисоблашиб, мухокама қила бошлайди, айёрлик, ўжарликка мойил бўлади. Теззез “нима учун?”, “қандай?”, “нега?” деган саволларни бера бошлайди. Мазкур ёш самимийликнинг йўқолиши билан ҳам характерли бўлиб, бу боланинг ҳар бир

хатти-харакатига эҳтиёткорлик ва босиқлик, сабр-тоқат билан жавоб бериш лозимлигини англатади.

13 ёшлар атрофи болаликдан ўсмирилкка ўтувчи муҳим давр ҳисобланади. Ўсмирилк ёшига ўта туриб организм жуда тез суръатларда ўсади. Одатда қизлар ўғил болаларга қараганда икки йил аввалроқ ўсмирилк даврига қадам қўяди. Болалар йилига ўртacha 8,9 сантиметр, қизлар эса 10,4 сантиметргача ўсади. Вазннинг ортиши ўғил болаларда мушак толаларининг, қизларда эса ёғ тўқималарининг кўпайиши ҳисобига содир бўлади. Шу билан бир қаторда, организмдаги гормонлар миқдори ўзгариб, иккиламчи жинсий белгилар юзага чиқа бошлайди. Овозлар ўзгариб, ёғ ва тер безларининг фаоллиги ошади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлди, бош мия ривожланиши ҳам жинсий балоғатга етиш билан тўлақонли якунланади. Бироқ ўсмириларда эмоционал ва бир қатор фикрлаш соҳаларига таъсир кўрсатувчи нейронлар ўртасидаги алоқа унчалик ривожланмаган бўлар экан. Шу боис ушбу ўтиш даврида аксарият ўсмириларда тушкунлик, қайсарлик ва мантиқий фикрламасдан иш тутиш ҳолатлари кузатилади, улар ўз ҳиссиётлари, хаттихаракатларига жавоб бера олмай қолишиади.

Бу пайтдаги физиологик, гормонал ўзгаришлар боланинг ўқишга бўлган қизиқишининг камайиб кетиши, ишchanлик шаштининг тушиб кетиши билан юзага чиқади. Энди бола эмас, балки ўсмирга айланмоқда. Унинг қизиқишилари доираси кенгаяди, ўзининг шахсий фикрини шакллантириш ва мустақил равишда уриниб кўришга бўлган иштиёқ ортади. Ўсмирилар жамиятда ўз ўрнини топишга, мустақилликка интилади. Шунингдек, зарарли одатлар, баъзи ҳолларда ўз жонига қасд қилишга мойилликнинг кучайгани ота-она ва яқин-атрофдагиларнинг эҳтиёткорона муносабатда бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Организмда физиологик ўзгаришлар кечеётган вақтда одатдагидан кўра кўпроқ ухлаш тавсия қилинади. Сабаби инсон вужуди тез ривожланаётган вақтда организм ортиқча зўриқиши билан ишлайди. Уйқу вақтида эса ўзгаришлар жараёни нисбатан

маромида кечади. Шу боис ўсмирлар бир суткада ўртача 9,5 соат ухлаши мақсадга мувофиқ.

30 ёшлар инқироз. Ёшлик ортда қолди, инсон ўз қилган ишларини баҳолай олади, келажакка янада теранроқ назар ташлайди. Кўпчилик бу ёшда ўз “каръераси”ни бошлайди, ишга, лавозим пиллапоялари сари илдамлашга ҳаракат қиласди. Бу пайтда ўзига яраша мансаб пиллапояларидан кўтарилишга ултурган, аксарият кишилар ишдан бўшаб кетиш, раҳбари билан келишмовчиликка дуч келиб қолишдан, фарзандларининг бирор муаммоларга йўлиқиши, масалан, касалликка чалинишидан хавотир олиб яшайди, дейилади психологик манбаларда. Улар ўзларини оиланинг таянчи деб билади. Бу эса анчагина оғир масъулият демақдир. Бу ёшдаги аёллар эса энди ўзини ёш ва гўзал эмаслигини тушуниб етади. Шу боис ташқи кўринишига янада кўпроқ эътибор қаратса бошлайди. Баъзи эркаклар эса 30 ёшгача муваффақиятга эришиш, ўзи ва оиласи учун барча шароитларни яратиб олиш лозим деган қараш натижаси ўлароқ, ўз мақсадларига эриша олмаса тушкунликка тушиб қолади. Умидсизликка тушиб, ўзини омадсиз ҳис эта бошлайди, хавотир ва қўрқинчлар уни стресс ва депрессия гирдобига тортиб кетишгача олиб боради. Бошқалар эса аксинча, оилавий ҳаётига кўпроқ эътибор қаратишни маъқул кўради, ҳаётнинг асл маъносини қидиради, юрак ва ақл билан иш тутишни режалаштиради.

40-45 ёшлар инқирози. 40 ёшни баъзи мутахассислар “Бальзак ёши” деб аташади. Ўрта ёшлар инқирози деб аталувчи мазкур босқич ҳам бирмунча мураккаб кўринишига эга. Организм аста-секинлик билан кучдан қолиб, ўз гўзаллигини йўқота бошлайди. Шу ёшлар оралиғида кексаликнинг илк аломатлари билан кураш кечади. Инсон онгида қандайдир ғариоддий юмушларни бажариш фикри пайдо бўлади. Рухиятида кечаётган ўзгаришлар кимнидир эътиқод, яна кимнидир фалсафа билан чукурроқ шуғулланишига ундаса, баъзи кимсалар бузғунчи ғоялар гирдобига тушиб қолиши мумкин.

50 ёшга келиб эса яна бир мухим ўтиш даври эркак ва аёллардаги климакс ҳолати билан характерланади. Айниқса, аёлларда қон босимининг ўзгариши, асабийлик ва бошқа бир қатор аломатлар яққолроқ намоён бўлади. Ўтган асрнинг 50-йилларидан ушбу даврни муаммоларсиз босиб ўтишга қаратилган турли даво чоралари амалда қўлланиб келинаётгани боис, бугунги кунда мазкур босқични деярли сезиларсиз бошдан кечириш имкони мавжуд. Шундай бўлишига қарамасдан, 50 ёшлар атрофидаги кишилар билан муносабатда улар руҳиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш, имкон қадар тўғри тушунишга ҳаракат қилган маъқул.

60 ёшдан сўнг организмда кексариш жараёни жадаллашади. Кўриш, эшитиш қобилияти ёмонлашиб, тишлар тушиши, сочнинг кескин оқариши кузатилади, турли сурункали касалликларга мойиллик кучаяди. Аксарият кишилар нафақага чиққанидан сўнг нима билан машғул бўлишни билмай қолади. Фарзандлари ўсиб-улғайиб, эндилиқда ўз ҳаёти билан андармон бўлиб қолган, қадрдон дўстлари сафи ҳам сийраклашган. Баъзилар ўзини ҳеч кимга кераксиздек ҳис этади, депрессия гирдобида ҳаёт мазмунини йўқотиб қўяди.

Муаммонинг уч ечими:

Биргалиқда ҳаракат қилиш. Ўтиш давридаги муаммоларни ҳамжихатликда ҳал қилиш мухим аҳамият касб этади. Бунда оиланинг барча аъзолари, яқин дўстлар иштирок этгани маъқул. Ўтиш даврига оид маълумотларни тақдим этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин. Ҳар бир ўтиш давридаги ўзига хос жихатларни инобатга олган ҳолда оиланинг катта ёшли аъзолари керакли тушунтиришларни олиб бориши, зарур кўникмаларни амалда кўрсатиб бериши мақсадга мувофиқ.

Соғлом турмуш тарзи. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш ҳар қандай босқичнинг енгил ва асоратларсиз ўтишини таъминлаши аниқ. Тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, кун тартибига риоя этиш, кайфиятни аъло даражажа ушлаб юриш жуда фойдали. Масалан, инсон ўзи қизиқсан бирор спорт тури

билин шуғулланиши уни физиологик ва рухий инқирозлардан چалғитади. Тұлақонли, саломатлық учун фойдалы овқатланиш режимини танлаш ва турли заарлардан узоқ бўлиш ҳам ўта муҳим. Чунки чекиш ёки ичиш организмдаги тикланиш ва ривожланиш жараёнларини секинлатиши, ўтиш даврига хос салбий ўзгаришларни янада кучайтириши мумкин.

Ҳаммаси таққослаш орқали англаради. Болалар катта бўлар экан, уларнинг ҳаёт қийинчиликлари, мураккабликларини мустақил тарзда ҳис этишларига қўйиб бериш лозим. “Мен сенга айтгандим, сен эшийтмадинг”, кабилидаги гапсўзларни қўлламасдан, болаларга ўтиш даврларида маслаҳатгўйлик қилиш керак холос.

ХИКМАТЛАР БЎСТОНИДАН ДУРЛАР

Кимки шарму ҳаёни ўзига касб этиби,
Билки, ул ахлоқ бобида камолга этиби.

Алишер Навоий

* * *

Одамларнинг ботири келажакдаги ишлардан қўрқмайди.
Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг
қўрқоғидир.

Абу Али ибн Сино

* * *

Ўғилгинам, тотимагил баҳилнинг нонидан, узоқ бўл,
баҳилнинг дастурхонидан.

Фаридиддин Аттор

* * *

Тўрт нарсани тўрт нарсадан, яъни дилни ҳасаддан, тилни
ёлғондан ва ғийбатдан, қилган ишингни мунофиқликдан,
қорнингни ҳаром-ҳаришдан пок тут, шундагина чин одам
ҳисобланасан.

Фаридиддин Аттор

* * *

Таниқлиг-у шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиқлик
онангдандир.

Махмуд аз-Замахшарий

* * *

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

“Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши – ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлироқдир”.

Юсуф Хос хожиб

* * *

“Агар боланинг хулки ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқдир”

Юсуф Хос Хожиб

* * *

Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак.

Расул Хамзатов

* * *

Тараққий этган миллатларни оналари ўқитар экан, биз аввало, оналаримизни ўқитиб, уларга тил ўргатмоғимиз керак, чунки бизнинг илмсиз ва тилсизлигимиз улардандир.

Махмудхўжа Бехбудий

* * *

Ўз фарзандингни яхши хулқ-одобли ва ақлли бўлишга ўргат. Кимки ёшлиқдан хулқ-одоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилма.

* * *

Мажидиддин Хавофий

* * *

Ҳаммадан баландир она насаби.

Абдураҳмон Жомий

* * *

Она неъмат бўлса, Ота бебаҳо бойлик,
То борки улар, мавжуд олам, тириклик.
Ўзларин ўйламас, ҳатто, кетар чоғда ҳам,
Аллоҳдан фарзанд, юртга тилаб омонлик.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

Отадан келса кўрма хато,
Савоб бил, ҳаттоқи қилса хато.

Ахмад Югнакий

* * *

Болаларини писанд қилмаган миллатлар инқирози уларни ёд қўлларга ва ёд маданиятлар ихтиёрига бериб қўйганлари сабаблики, улардан айрилишга маҳкумдирлар.

Абдулла Авлоний

* * *

Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир.

Абдулла Авлоний

* * *

“Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, баҳтиёр бир инсон бўлиб чиқар”.

Абдулла Авлоний

* * *

“Болаларнинг тузалувчи, тарбияси – мактабларда; қароқчиларнинг тузалувчи, тарбияси – қамоқхоналарда; аёлларники-уйларда; ёшларники-илмда; кексаларники эса масжидлардадир”.

Ал-Ҳаким ат-Термизий

* * *

“Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она меҳрмуҳаббатини адо этмақдин бош тортмағай”.

Қобуснома

* * *

Саҳийликнинг отаси – хушхулқлик, онаси – хоксорлик. Дўйстлари – бағрикенглик, олижаноблик. Юмуши – ҳиммат

күрсатиши. Топгани – раҳмат ҳисобланади. Макони – мурувват жавонмардлик диёри. Манзили – саодат водийси эрур.

* * *

Фарзанд тарбияси – асов отни жиловлаш кабидир. Бунда, оқил ота – моҳир чавондоз, тарбияга мұхтож навниҳол эса – асов от. Тарбия эса, тизгинни бошқаришдир.

* * *

Илмисзлик яланғоч киши кабидир. Билим уни “күйинтиради”, фаҳму фаросат “зеб” беради, доно ақл мақсадға йұналтиради. Азму шижаат эса әгасини нурли манзилга әлтади.

* * *

“Кишилар ҳар хил бўлганидек, феъллари ҳам турлича, чунки уларни ҳам турфа хулқ-атвордаги оталар тарбиялайдилар”.

Оналар борида, ҳаёт яшнайди,
Фарзанд шод бўлса, шодон кулади.
Ажал остонадан бош суқса ҳамки,
У фақат боласини дуо қилади.

* * *

Фарзандининг қиблагоҳига нисбатан хурматининг ортиши, кўпинча отасининг ўз падари бузрукворига кўрсатган эҳтироми, меҳр-оқибати туфайли содир бўлади.

* * *

Ҳақиқий риёзат йўли – бу оиласый ҳаёт.

* * *

Яхши фарзанд кеча ва кундузни тарбия соати деб билади ва ундан унумли фойдаланади...

Ёмон фарзанд кеча ва кундузни роҳат-фароғат, давру даврон имкони деб билади ва шу ақидага амал қилиб умр ўтказади...

* * *

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

Ақлли фарзанд ота-она, устоз-мураббий насиҳатларини жон қулоғи билан тинглайди, фойдасини тушунади ва уларга амал қилади.

* * *

Одобли фарзанд илм чироғини маҳкам тутади. Зеро, айнан шу шамчироқ унинг умр йўлини ёритиб, ҳаётига мазмун киритади, ҳурмат-эътиборли, мартабаси улуғ инсон бўлиб етишувига замин яратади.

* * *

Ақлли фарзанд “етти ўлчаб, бир кесиш” йўлини тутади.

* * *

Бола хасталиги хусусида табиблар ташхиси – “Аввало, ахлоқини даволаш зарур!”.

* * *

Ота-онаси йўқни эмас, одоб-ахлоқи йўқни етим де.

* * *

Одабсизлик ота-она уйини хароб қилади.

* * *

Соғлом ва дона фарзанд ота-она дилига пайванд.

Ҳар бир дараҳтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси – фарзанд.

* * *

Бола туққанники эмас, тарбиялаганники.

* * *

Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлади.

* * *

Ёмон тарбия учун, аввало, ота-она айбдор.

* * *

Ота-она учун фарзандининг таънасидан оғир нарса йўқ.

* * *

Ота-она елкасига тоғни кўтариши мумкин, лекин фарзанд доғини кўтара олмайди.

Донолар бисотидан

* * *

Инсон умрини йилнинг тўрт фаслга қиёс қилиш мумкин:

Бахор – гўдаклик, болалик ва ўсмирилик, яъни туғилгандан 25 ёшгача;

Ёз – 25-50 ёшгача;

Куз – 50-75 ёшгача;

Киш – 75-100 ёшгача.

Муаллифдан

* * *

Устоз – ким?

Умр йўли – барҳаёт ибрат ва беминнат амал, борлиги ва борлиги – қувонч ва ишонч, хулқ-атвори – хурмат ва эҳтиром сабабчиси бўлган серхиммат ҳамда фидойи инсон. Шунингдек, устоз – меҳр ёғдуси соҳиби, илм-маърифат манзилига элтувчи собит йўлбошчи. Устоз туфайли диллар равshan, ҳаёт йўллари нурафшон, қалблар хотиржам.

Устоз ибрати, бу:

- Ота-она берган тарбияни сайқаллаб келтирадиган манба;
- Боши – меҳр ва эътиқод, ўртаси – қаноатли сабр ва умидга асосланган азму шижаат, охири – чексиз ҳурмат ва ҳайрат мактаби;
- Шогирд ақл-тафаккурининг юксалишига замин;
- Кишилар билан муомала қилиш сир-синоати, масъулияти;
- Ҳаётда баркамол инсон бўлиб етиши учун қўйиладиган асос;
- Шигирднинг элу - юрга, жамиятга манфаат келтирувчи фойдали илм, касб-ҳунар, фазилатлар жамланмаси...

– Устоз шогирдининг руҳий ва маънавий оламини ёмон иллатлардан поклайди, онг-тафаккурини илм безаги билан зийнатлайди, қалбини ҳикматлар хазинаси билан бойитади.

* * *

Таълим-тарбия, бу:

- Инсон зиммасига юқлатилган вазифаларнинг энг улуғи;
- Онгли ва самарали фаолиятнинг шарти;
- Одамийлик фазилатларини шакллантиришга йўлланма, дастуриламал;
- Инсон жавҳари – қалбнинг маънан улғайишига мадад берувчи қанот;
- Бани одамдан иборат гурух, оломонни аҳил жамоа, тараққий этган жамиятга айлантириш асоси;
- Фамга – сабр, хомушлиқда – хушнудлик, шухрат, шараф тожи бошга қўнганда – тавозе ва босиқлик, буюклиқда – камтарлик хислатларини намоён қиладиган инсонийликнинг боқий ҳамроҳи;
- Муносиб ота-она бўлиш ҳамда элу юртга баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мажбурияти;
- Тарбиясизлик оқибатларини баҳоловчи восита;
- Таълим-тарбия ҳаётий заруриятдир.

* * *

Тарбия – ҳаётий зарурият.

Тарбия-гумроҳлиқдан қайтиб, ўзида инсоний фазилатларни жам қилишни англатади. Тарбиянинг асоси-мехр, софлик ва тўғрилик зийнати, беғаразлик тимсоли, ҳаётий тажриба ва фозиллик ибрати саналади.

Тарбия мисли марварид сувики, ундан ташна диллар ўз эҳтиёжини қондиради. Тарбия мисли донишмандлик дараҳтидирки, ундан илм ва ҳикмат меваси олинади.

Тарбиянинг боши – адаб, йўли – инсонийлик, бекатлари – хушхулқлик, саховат, масъуллик, камтарлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, мардлик, манзили – баҳт-саодат водийси, самараси – эл-юрт равнақига ҳисса қўшишdir.

Тарбиянинг бош мақсади эса маънан баркамол, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш орқали маърифатли жамиятни вужудга келтириш ҳисобланади. Шундай қилиб, тарбия – инсон моҳиятига боқмоқ, унинг хулқ-атворини яхшилик томон ислоҳ этмоқни англатади. Аслида, одамзод фитрати ана шу парҳез таом-гўзал таълим-тарбияга муштоҳ ва муҳтож!!! Зотан, бутун инсоний муносабатлар болаликда, ёшлиқда олинган тарбия асосида курилади, бошқариб турилади.

* * *

Гўзал тарбиянинг айрим тамойиллари:

- тарбияланувчига унинг нуқсонини эътироф этиш орқали танбех берилади;
- ҳалқ учун фойдали фикрлар олға сурилади;
- ваъдага вафо қилинади ва тезда амалга оширилади;
- ёшлиқдан керакли илм, фойдали касб-хунарни эгаллашга йўналтирилади;
- ҳар бир сўз, хатти-ҳаракат кишининг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Она-нафақат фарзандларига тарбиячи, балки жуфти ҳалолига маслақдош ҳамдам.

Она меҳри-фарзандга муҳаббат, турмуш ўртоғига-вафодорлик, ҳаёт синовларига-шукроналик, бошқаларнинг билиб-бilmай етказган азиятларига-сабр-тоқат, туғилиб ўsgан жойига-садоқатдек уммон мисол оташин қалб туйғусини ўз ичига жамлай олади. Она меҳри ана шундай самимий ва бетакрор, сирли ва чексиз, шу билан бирга, сеҳрли ва жозибалидир.

* * *

*Мен баҳтли аёлман, армоним йўқ ҳеч,
Фарзандларим комил, туним, тонгим тинч.
Хизматимга шайдир келин-қизларим,
Умрим давомчиси босган изларим.*

Бахтли она қувончи

* * *

Эй, фарзанд!
Бу дунёда тиргак отанг,
Дуогүйинг мүшиғиқ онанг.
Отанг қадрини осмон бил,
Онанг меҳрини уммон бил.
Аҳволидан огоҳ бўлгин,
Ёнларида ҳамроҳ бўлгин.
Уйқусида йўқ ҳаловат,
Сени ўйлар, сени фақат.
Изларини қил тўтиё,
Бахтинг бекам қилгай Аллоҳ.
Оқизма ҳеч кўз ёшини,
Эгилтирмагин бошини.
Бошингдаги соябонинг,
Бу дунёдаги меҳмонинг.
Сен уларга бўл меҳрибон,
Дуосин ол ҳар дам, ҳар он.
Улар қалбин шод этолсанг,
Хизматин бажо этолсанг,
Омад қуши бошингдадур,
Жаннат сенинг қошингдадур.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Адолат”, 2008, 24-бет.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, 56-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон Қарори.
4. Авесто-тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: “Шарқ”, 2001.
5. Амир Темур ўйтлари. -Т.: “Наврӯз”, 1992.
6. Амир Темур Ҳикматлари. “Соғлом авлод учун” журнали, 2002 й. Сентябр 9-сон.
7. Алишер Навоий. Ҳайротул-аброр. -Т.: Faafur Fулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1989.
8. Алишер Навоий. Маҳбубул-Кулуб. -Т.: “Шарқ”, 1967. 13-том.-2016.
9. Абай. Танланган асарлар. -Т.: Faafur Fулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1995. 586.
10. Алимова Д. Оила пойdevori ҳақида рисола (асарнинг иккинчи нашрига кириш сўзи). Фитрат. Оила. -Т.: “Маънавият”, 2000.
11. Абу Райхон Беруний. Минерология. –М.: 1963., -156.
12. Алимасов В.А. Особенности развития культурно-просветительских учреждений в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям. Автореф.дисс. докт. филос. наук. – Т.: 2001.

13. Азимова Д.С. Национальное, региональное и общечеловеческое в культуре народов Центральной Азии в условиях независимости. Автореф. дисс. докт. филос. наук. – Т.: 2000.
14. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992
15. Бобомуродов Э. Духовное обновление общества и изменения общественной психологии молодёжи Узбекистана (Социально-философский анализ) Автореф. дисс. д-ра филос. наук. – Т.: 1997.
16. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: “Фан”, 1997.
17. Ватан туйғуси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
18. Гидденс Энтони. Социология – Т.: “Шарқ”, 2002.
19. Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 1-2 жилдлар, -Т.: “Меҳнат”, 1992.
20. Иброҳимов А., Х.Султонов, Н.Жўраев, Ватан туйғуси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
21. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш ва маданияти. -Т.: “Маънавият”, 2000.
22. Зарафшон газетаси. 2016 йил 31 май сони.
23. Кайковус. “Қобуснома”, “Ўқитувчи”, -Т.: 1973. -69 бет.
24. Кайковус. Қобуснома. -Т.: “Мерос”, 1992.
25. “Қуръони Карим” (Алоуддин Мансур таржимаси). –Т.: “Чўлпон”, 1992. 303-б.
26. Каримова В. Соғлом бўлиш масъулияти. “Оила” журнали 2005 йил 2-сон, 9-бет.
27. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: “Шарқ”, -2001й. 66-б.
28. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000, 60-бет.
29. Мирахмедов У.М., Рахматов Б.Р. Жинсий тарбия масалалари, -Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, Матбаа бирлашмаси, 1994, 62-бет.

30. Мухамедов Р. Оиласи эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари. -Т.: 1975. 97-бет.
31. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрга Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.
32. -Т.: “Фан”, 1993.
33. Махмудова М.М. Талаба ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашда касбий тайёргарлик. -Т.: “Халқ талими” журнали. №6. 2001 йил. 49-51 б. 5 б.
34. Махмудова М.М. Оиласи ўзаро ҳамжиҳатликни таркиб топтириш. -Т.: “Зиёкор” журнали. № 9. 2002 йил. 35-37б.
35. Махмудова М.М. Халқ педагогикаси асосида талаба-ёшларни оиласи тайёрлаш. Ўқув қўлланма. -Т.: “Фан”, 2002.
36. Махмудова М.М. Халқ педагогикаси ва оиласи тарбияси. Монография. -Т.: Самарқанд, 2003 йил.
37. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Т.: “Фан”, 1991.
38. Нажмидинова К. “Оила тарбиясида миллий ва умумислоний ахлоқий маданиятнинг ўрни” номзодлик диссертацииси авторефарати. -Т.: 2006.
39. Отакўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши., -Т.: “Ўзбекистон”, 1995., 164-бет.
40. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари учун дарслик, проф. Шоумаров Ф.Б. таҳрири остида – Т.: “Шарқ”, 2003.
41. Оила психологияси. -Т.: «Шарқ», 2000. 107-б.
42. Оғаҳий. Кайковус. -Т.: ”Маънавият”, 2006. -103-104б.
43. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, -1969.
44. Сайдов М. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. “Халқ сўзи”, 2006 йил 7 январь.
45. Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. -Т.: “Шарқ”, 1967. -93б.
46. Темур тузуклари. -Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш масалалари

47. Тўракулов Э., Раҳимов С. Абу Райхон Беруний рухият ва таълим – тарбия ҳакида -Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
48. Тощенко Ж.Т. Социология. Общий курс. 2-е изд., доп. И перераб. –М.: Прометей, Юрайт, 1999.
49. Умирзакова Р. “Ўзбекистонда оила мустаҳкамлигининг социал омиллари” номзодлик диссертацииси авторефарати. -Т. -2006.
50. Фитрат А. Оила. -Т.: ”Маънавият”, 2000. - 23б.
51. Фотимахон Сулаймон Қори қизи. Аёлларга хос масалалари. –Т.: “Мовароуннахр”, 2003.
52. Философия лугати. – Т.: “Ўзбекистон”. 1973, 355-б.
53. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари. -Т.: “Адолат”, 1999.
54. Фаҳр-ул Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. -Т.: ”Ёзувчи”, 1992.-68-69б.
55. Форобий. Рисолалар. -Т.: “Фан”, 1975.
56. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993.
57. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: “Фан”, 1994.
- 58.
59. Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва ҳуқуқ. -Т.: “Адолат”, 2006, 16-17-бетлар.
60. “Ҳалқ сўзи” 1994 йил 5 апрель.
61. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. - Т.: “Ўзбекистан”, 1-том, 1994., 121-бет. Торнау Н. Мусульманское право, СПБ., 1950, 147-бет.
62. Шер А. Ахлоқшунослик. – Т.: “Маънавият”, 2003.
63. Шоумаров Ф.Б., Шоумаров С.Б. Муҳаббат ва оила. -Т.: “Ибн Сино” 1994.
64. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу-билик. -Т.: “Фан”, 1990.
65. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1995.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёrlаши масалалари

66. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли, 1-жилд.
-Т.: “Ўқитувчи”, 1995. 32-35 бетлар.
67. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. -Т.: “Шарқ”, 1999, 110-127-бетлар.
68. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1998.
69. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд, -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 97-бет.
70. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. –Т.: “Адолат”. 1995.

МУНДАРИЖА

1-боб. Оила ҳақида түшунча	6
2-боб. Оила ва никоҳ масалалари	21
3-боб. Оиланинг ҳуқуқий асослари	64
4-боб. Қизимиз турмушга чиқишга тайёрми?	91
5-боб. Ўғлимиз уйланишга тайёрми?	100
6-боб. Тиббий кўрикдан ўтиш соғлом фарзанд гарови	105
7-боб. Куёвнинг келин ҳузурига дастлабки кириши	110
8-боб. Фарзанд тарбияси қачондан бошланади?	115
9-боб. Фарзандингизни миллий ўйинлар орқали тарбияланг	128
10-боб. Оилада эр-хотин муносабатлари	133
11-боб. Соғлом оила асослари	153
12-боб. Ота – оналар ва ёш оилаларга маслаҳатлар	178
Хотима	212
Ўтиш даври инқирозлари	216
Ҳикматлар бўстонидан дурлар	223
Адабиётлар рўйхати	233

Х.Д.НОРҚУЛОВ

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Тошкент – «Fan va texnologiyalar
nashriyot-matbaa uyi» – 2021**

Муҳаррир: Ш.Кушербаева

Tex. муҳаррир: А.Мойдинов

Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова



1702

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru. Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Босишига рухсат этилди 01.04.2021.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Timez Uz» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 12,50. Нашриёт босма табоги 12,75.

Тиражи 1000. Буюртма № 45.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.